

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент давлат Шарқшунослик институти

“Хорижий мамлакатлар тарихи” кафедраси

**УМУМИЙ ТАРИХ.
ҚАДИМГИ ДАВР.**

Тошкент – 2009

1 боб. Қадимги Миср

1. Қадимги Миср манбашунослиги ва тарихнавислиги

Қадимги Миср тарихи, маданияти, турмуш шароити, ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий ҳаётини ўрганишда антик муаллифларнинг тарихий асарлари, археологик қазилмалар, миср ёзма ёдгорликлари, тошлардаги битиклар, моддий – маданий ёдгорликлар ва бошқа манбалар муҳим аҳамиятга эга.

Қадимги Миср тарихига оид манбаларни асосан тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Антик муаллифларнинг тарихий асарлари
2. Археологик қазилмалар.
3. Миср ёзма ёдгорликлари.
4. Моддий маданият ёдгорликлари.

Антик муаллифларнинг, хусусан Юнон ва Рим тарихчиларининг асарларида қадимги Миср тарихи, маданияти, халқ турмуши, унинг урф – одатлари, диний ақидалари ва анъаналарига доир кўплаб қимматли маълумотларни учратиш мумкин.

Аммо бу маълумотларга танқидий назар билан қараш лозим. Чунки антик муаллифлар ўз асарларида Миср ҳақида эшитганлари, ўқиганлари, кўрган - билганларини ёзишган. Бундай вазиятда улар томонидан баён қилинган баъзи бир воқеа – ҳодисалар, маълумотлар, фактлар ўша даврдаги мавжуд аҳволга, шароитга маълум даражада мос келмаслиги аниқ. Бу табиий хол.

Милоддан аввалги VII асрда Юнон савдогарлари, колонистлари, ёлланма кишилар турли йўллар билан Мисрга келишади. Улар Нил дарёсининг дельтасида (Нил дарёсининг куйи ўзанида) жамоа-жамоа бўлиб жойлашадилар. Айтиш мумкин, XXVI сулолалар даврида ҳукмронлик қилган Миср фиръавнлари Миср қўшинига кўплаб юнонларни жалб қиларди, бундан ташқари Юнонистон ва Миср ўртасидаги савдо алоқалари кенг ривожлана бошлади. Юқорида айтилганидек кўплаб юнон савдогарлари Мисрга келишади. Савдо алоқаларининг ривожланиши Мисрда юнон колонияларини вужудга келишига ёрдам берди.

Қадимги юнон файласуф ва сиёсий арбоблари - Фалес, Анаксимандр, Пифагор, Солон ва бошқалар Миср халқининг қадимий тарихи, маданияти, илм-фанда эришган ютуқлари билан яқиндан танишиш мақсадида Миср бўйлаб саёҳат қилишади. Шунинг учун ҳам юнон тарихчилари ва географларининг асарларида Қадимги Миср тарихига оид кўплаб қизиқ маълумотларни учратиш мумкин.

Юнон тарихчиси Геродот асарларида қадимги Миср тарихи ва маданияти ҳақидаги ёзилган очеркларни кўплаб учратиш мумкин. Милоддан аввалги V асрда Геродот бутун Миср бўйлаб айланиб чиқди. У ўз саёҳати давомида кўрганлари, билганлари ҳамда эшитганлари асосида қадимги Мисрда бағишлаб йирик тарихий асар ёзди. Тўғри, Геродот қадимги Миср тилини билмасди, шунинг учун у баъзида Миср ҳақидаги маълумотларни саводи етук бўлмаган, маълумоти кам бўлган шахслардан олишга мажбур эди. Лекин шунга қарамасдан, тарихий адабиётнинг истеъдодли соҳиби бўлган Геродот қадимги Миср тарихи тўғрисида жозибали, ёрқин, кенг панорамали, қизиқишга молик тарихий асар яратишга эришган.

Геродот асарида келтирилган маълумотлар, воқеалар қадимги Миср манбаларида ҳам ўз тасдиғини топган. Қадимги Миср тарихи ва маданиятини тўлиқроқ ёритиш мақсадида, Геродот Миср водийларининг табиий шароити, Нил дарёсининг дельтаси,

қадимги мисрликларнинг урф-одатлари, диний қарашлари, динга ишонишлари ҳақида батафсил ёзади. Геродот ўз асарида Мисрнинг ижтимоий тузуми, ҳаёти хўжалиги тўғрисида қимматли маълумотлар келтиради.

Геродот Нил дарёсининг тошиши, унинг қадимги Мисрдаги деҳқончилик ривожига кўрсатган таъсири, айниқса мисрликларнинг дини, диний ақидалари хусусида ҳамда коҳинларнинг роли, уларнинг мақомлари тўғрисида батафсил ёзади. Муаллиф Миср маданияти ҳақида фикр юритиб ушбу маданият бир неча минг йилликлар давомида мустақил ривожланганлиги ва юнон маданиятига таъсир қилганлигини ҳам айтиб ўтади. Қадимги мисрликларнинг муқаддас ҳайвонлар, жумладан, ит, мушук, ҳатто тимсоҳларга эътиқод қилиши, уларга топиниши тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар ҳам Юнон тарихчиси Геродот назаридан четда қолмаган.

Геродот Мисрнинг сиёсий тарихига алоҳида эътибор қаратади. У ўз асарида қадимги Миср давлатининг асосчиси Мин ҳақида бирмунча батафсил маълумот келтиради. IV сулола фиръавнлари томонидан барпо этилган пирамида қурилишлари, бу қурилишларда кўплаб одамларнинг жалб этилганликларини мароқ билан ёзган. Геродот Миср тарихининг милoddан аввалги VII - VI асрларда юз берган воқеаларини батафсил ва ишонарли тасвирлайди.

Қадимги Миср тарихини ўрганган антик муаллифлардан яна бири Диодордир. Диодор милoddан аввалги I асрда яшаган. У Мисрга Геродотдан сўнг тахминан 400 йил кейин борган бўлиб, Геродот каби қадимги Миср маданиятига доир бой ва қимматли маълумот тўплай олмаган. Шу билан бирга Диодор ўзининг кенг қамровли умумий тарихини ёзишда жуда кўп юнон тарихчилари, жумладан Гекатей Абдерский, Агатархидларнинг асарларидан кенг фойдаланган.

Диодор фойдаланган тарихий асарлар маълум даражада бизгача сақланиб қолмаган. Диодор ҳам Мисрнинг табиий шароитини муфассал баён қилади. Айниқса, у фиръавн Нехонинг Нил дарёсининг Шарқий йўналиши билан Қизил денгизни бирлаштириш мақсадида канал қуришга уринганлиги ҳақида ёзади. Бироқ Диодор қадимги Миср қонунчилиги, маъмурий бошқарув тизими ва унинг хусусиятлари ҳақида сўзлаб, деспотик давлат тузумини кўкларга кўтаради. Диодор қадимги Миср қонунлари ҳақида юксак фикрда бўлганлиги маълум. Умуман олганда, Диодор қадимги Миср маданиятига юксак баҳо бериб, унинг антик дунёга жиддий таъсир кўрсатганлигидан гувоҳлик беради.

Миср тарихининг эронликлар (форслар) ҳукмронлик қилган даври Диодорда катта қизиқиш уйғотади. Диодор Нубия олтин конларида меҳнат қилаётган жиноятчилар қай даражада эксплуатация қилинганликларини жуда муфассал, аниқ, ишончли далиллар асосида таърифлайди. Унинг айтишича, занжирбанд одамлар кечаю - кундуз оғир меҳнат билан банд. Улар ҳатто қочиб кетиш умидидан ҳам маҳрум эдилар, чунки улар чет эллик аскарлар назоратида турардилар.

Кўзга кўринган тарихнавис Страбоннинг география, айниқса тарихий географияга бағишланган асарларидан ҳам қадимги Мисрга оид кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Страбон ўзидан аввал яшаб ўтган муаллифларнинг асарларидан кенг фойдаланган ҳолда Нил дарёси ҳақида батафсил ахборот беради. У Мисрдаги табиий ва сунъий суғориш тизими, бу ернинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, табиий шароитлари тўғрисида муфассал ёзади. У Фаюм воҳасини сув билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган каналлар, тўғонлар, сув тақсимлайдиган қурилмалар ҳақида, шу билан бирга Страбон Мисрда виночилик, ўсимлик мойини тайёрлаш усуллари тўғрисида айтиб ўтади.

Страбоннинг Миср билан қўшни бўлган мамлакатлар, жумладан Эфиопияда яшаган қабиалар ҳақидаги берган маълумотлари ўта қимматлидир. Страбон ҳам Геродот ва Диодор каби, қадимги Миср маданиятининг Юнонистонга кўрсатган таъсирини алоҳида таъкидлаб ўтади. Страбоннинг айтишича, Юнонистоннинг Евдокс ва Платон (Афлотун) каби кўзга кўринган олим ва файласуфлари узоқ вақт Мисрда яшаганлар ва Миср коҳинларидан кўп нарсалар ўрганишган.

Қадимги Миср динини ўрганишга Херонеялик Плутарх улкан ҳисса қўшган. Плутарх (милодий 50 -125 йиллар)нинг “Изида ва Озирис” китобида Мисрда бутун антик дунёда кенг тарқалган худога ишониш ҳақидаги афсоналар ўз ифодасини топган. Ушбу китоб Плутархнинг бизгача етиб келган ягона тўлиқ китоби ҳисобланади. Унинг тарихий нуқтаи - назардан эътиборли томони шундаки, бу китоб кўплаб манбалар асосида ёзилган. Бироқ бу манбаларнинг маълум қисми сақланиб қолмаган.

Плутарх китобидаги маълумотлар Миср манбалари томонидан кўп жиҳатдан тасдиқланади. Масалан, Плутарх Миср манбаларига асосланган ҳолда Озирисни Нилга намлик, сув берган ва уни ўзида мужассамлаштирган Оллоҳдир дейди. Унинг сўзига кўра “донишманд коҳинлар Нилни нафақат Озирис, балки Тифон денгизи деб ҳам аташган”.

Қадимги Миср ҳақида ёзган антик муаллифлар ичида тарихчи Манефон (милоддан аввалги IV - III асрларда яшаган) алоҳида ўрин тутати. Манефон Мисрнинг биринчи рухоний коҳини бўлиб, Птоломей I, Сотера ва Птоломей II Филадельфа подшолиги даврида яшаб ўтган. Бу даврда Миср юнонларнинг кучли маданий таъсири остида бўлган. Манефон олий коҳин даражасига эга бўлганлиги сабабли, ибодатхона архивларидан, кутубхоналардан фойдаланган ҳолда, қадимги Миср манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга эди. Ўз даврининг олий маълумотига эга бўлган Манефон Миср тарихини ёзишга киришади. Манефон асари тўлиқ ҳолда сақланмаган. Манефон асарининг қисқача конспекти ҳақида кейинги даврларда яшаган тарихчилар томонидан қолдирилган маълумотлар мавжуд.

Манефоннинг бу маълумотларида 30 та сулолалар даврида яшаган фиръавнлар ҳақида тарихий тусдаги қисқача хронологик саналар берилган. Шунга қарамай, фиръавнлар тўғрисидаги Манефон қаламига мансуб тарихий материаллар жуда катта аҳамиятга эга. Ана шу асарга асосланиб, Мисрнинг сиёсий тарихи ва воқеалар ривожини тиклаш мумкин. Манефоннинг бу асари антик муаллифлар ва илк христиан ёзувчилари ўртасида катта эътиборга эга бўлган эди.

Қадимги Миср тарихи, маданияти ва санъатини ўрганишда археологик қазилмалар беқиёс ўрин тутати. Маълумки, қадимги Миср маданияти антик цивилизациянинг тараққиётига кучли таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам Европа олимлари ва сайёҳларида катта қизиқиш уйғотди. XVIII асрнинг ўрталарида Покок, Норден ва Брюс каби Европа олимлари Мисрга йўл олдилар. Улар Фива водийсидаги қадимий пирамида ёдгорликлари, подшолар қабрлари ҳақида ёзиб қолдиришди. Бироқ Ғарбий Европанинг илмий доиралари биринчи марта, Миср маданияти билан 1798 йилда Наполеон Бонапартнинг Мисрга экспедицияси туфайли озми - кўпми яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

Наполеон Бонапарт экспедицияси таркибида турли олимлар, археологлар бор эди. Ушбу экспедициянинг илмий натижаси сифатида Миср тарихига бағишланган 24 томдан иборат бўлган қадимги ибодатхона вайроналари, айрим предметлар (тош, суяк, ёғоч ва ҳ.к.) устига битилган ёзувлар нусхасини ўзида акс эттирган расмлар, жадваллар, қадимги Миср ёдгорликлари нашр этилди. Чоп этилган илмий ишлар Европа олимлари,

мутахассислари ҳамда жамиятнинг ўқимишли табақалари ўртасида қадимги Миср тарихи ва маданиятига нисбатан катта қизиқиш уйғотади.

Баъзи олимлар қадимги Миср иероглифларини ўқишга киришишди. Ана шундай ташаббускор олимлардан бири истеъдодли француз филологи Франсуа Шампольон (1790-1832 й.) эди. У юнон, лотин тилларини яхши билар, копт тилини эгаллаган, араб тилида эркин сўзлашар ва ёзарди. 20 ёшида тил бўйича докторлик илмий даражасини олишга муяссар бўлган эди.

Ф. Шампольон Наполеон экспедицияси олимлари ишини давом эттириш мақсадида 1828 йилда Мисрга археологик экспедиция уюштирди. У Мисрда бир ярим йилча ишлаб, археологик қазилмалар ўтказди, турли қадимий ёзувлардан нусхалар кўчирди. Иқтидорли олимнинг жонкуяр меҳнати туфайли “Миср ва Нубиянинг ёдгорликлари” деб номланган қатор қимматли альбомлар яратилди. Бу альбомлар олимнинг вафотидан сўнг нашр этилди.

Археологик қазилмалар. XIX аср ўрталарида немис мисршунослари - Лепсиус ва Бручшем Мисрга йирик археологик тадқиқот экспедициясини уюштиришди. Экспедиция ходимлари нафақат Мисрни, балки унга туташ ва қўшни бўлган Сурия, Фаластин, Синай ярим ороли, Нубия ва Суданни ўрганиб чиқишди. Экспедиция жараёнида кўплаб қадимий ёдгорликлар тўпланди. Бу ёдгорликлар кейинчалик Берлинда Миср музейини ташкил қилишга асос бўлди. Археологик қазилмалар ва қидирувлар натижасида Лепсиус “Миср ва Нубия ёдгорликлари” номи билан ноёб, монументал альбомларни нашр этди.

Ташаббускор, жасоратли олим Марриэт бутун ҳаётини Мисрдаги археологик тадқиқотларга бағишлади. У биринчи бўлиб Миср ҳудудида комплекс археологик қазилмаларни амалга оширишга киришади. Марриэт Мемфис яқинидаги муқаддас букалар - опислар мозорида, Саккарадаги қадимги подшолик давридаги қабрларда, Абидос ва Фивадаги XIX сулола даврига оид ибодатхоналар (эхромлар)да қазинишларини амалга оширди. Шунингдек, қадимги Миср пойтахтида археологик тадқиқотларни амалга оширди. Марриэт Мисрда қадимги қазилмалар бошқармасини ташкил қилишга, шунингдек Қоҳирада мисршунослик музейини тузишга ёрдам берди.

Шампольон ва Марриэтнинг археологик ишларини француз мисршуноси Гастон Масперо (1846 - 1916 йиллар) давом эттирди. У V - VI сулолалар даврида барпо этилган Саккара пирамидаларини синчиклаб ўрганиб чиқди. Пирамидалар ичидаги қабрлар устига битилган ғаройиб диний матнларни топди. Уларни “Саккара пирамидаларидаги ёзувлар” номи билан нашр этди.

Фива яқинидаги Дайр - ал - Бахрида жойлашган махфий ерларда Янги Подшолик давридаги машҳур фиръавнларнинг 30га яқин мўмиёланган жасадларини топди. Масперо Мисрнинг турли қисмларида кўплаб археологик қазилма ишларини амалга оширди ва Мисрдаги қадимий ёдгорликларни ўрганиш, нашр этиш ва уларни муҳофаза қилиш ишларини ташкил қилди. XIX аср охирида “Мисрни тадқиқ қилиш фонди” ташкил бўлди.

Ўша вақтларда Мисрда анча йирик археологик қазилмаларни де Морган амалга оширди. У архаик даври ёдгорликларини кашф этди. Сўнг Невилл исмли олим Малика Хатшепсут ибодатхонасини синчиклаб ўрганди.

Инглиз қадимшуноси Флиндерс Петри ҳам бутун умрини (1853-1942 йй.) археологик изланишларга бағишлади. У Мисрнинг турли нуқталарида йирик қазилмаларни мувафаққиятли амалга оширди. Петрининг қазилма ишлари туфайли фан моддий маданиятнинг жуда кўп қимматбаҳо ёдгорликларига эга бўлди.

XX асрга келиб Мисрда олиб борилган археологик казиш ишлари илмий ва археологик усуллар асосида амалга ошириладиган бўлиб, бирмунча системали тус олди. Мисрнинг турли мавзеларида археология қазилмалари билан шуғулланган археологлар орасида мамлакатнинг йирик музейлари ходимлари, мисрлик ёш олимлар, коптлар ва араблар бор эди. Улар Мисрда маҳаллий мисршунослик мактабига асос солдилар. Америкалик мисршунос Рейснер эса Хуфу пирамидаси атрофида жойлашган қабрларни ўрганиб, шу жумладан қадимги Миср подшолиги даврида яшаган аёл подшо қабрини ҳам тадқиқ этди. Англия ва Франция археологлари Ферт, Генн, Лауэр ва бошқалар томонидан Саккарада йирик археологик қазилмалар ўтказилиб, Жоссердаги зинапояли пирамида атрофида жойлашган йирик меъморлик мажмуаси ўрганилди.

Ал - Амарнада ўтказилган қазилмалар натижасида фиръавн Эхнатоннинг пойтахти - “Атон уфқи” шаҳри харобалари аниқланди. Бу шаҳар гўзаллиги, бой саройлари, ибодатхоналари, хизматкорлар яшайдиган ҳовлилар, боғлари, кўчалари, чиройли бинолари билан бағоят гўзал манзарани касб этарди.

Фиръавн Тутанхамон (XVIII сулола) қабрининг очилиши археология фанида улкан шов-шувга сабаб бўлди. Археологлар Картер ва Карнарвон ушбу қабрнинг тўртта хонасидан жуда бой бўлган Миср саройини, шунингдек қўл тегмаган, мўмиёланган Миср фиръавни жасадини топишди. Жасад олтин ниқоб, кўплаб қимматбаҳо зеб - зийнатлар, тумор ва бошқа нарсалар билан безатилган эди. Мисрнинг қадимги пойтахти Фивада Амон худоси шаънига атаб қурилган улкан ибодатхона вайроналари диққат билан ўрганилди. Айниқса америка археологлари томонидан Мадинат - Абудаги Рамзес III саройи, ибодатхона вайроналари чуқур ўрганиб чиқилди. Бу ерда топилган жуда бой меъморий ва эпиграфик материаллар Мисрнинг ўтмишини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Шундай қилиб, юз йилдан зиёд вақт ичида ўтказилган археологик қазилмалар натижасида кўплаб моддий маданият материаллари, хилма - хил ёзувлар, санъат асарлари, дин ва унга оид буюмлар ва уларнинг ўрганилиши қадимги Миср тарихи ва маданиятининг ёрқин томонларини очиб бериб, шунингдек, илмий мисршуносликнинг янада ривожланишига катта туртки бўлди.

Миср ёзувларининг кашф этилиши. Қадимги Миср тарихини ўрганишда Миср ёзувларини ўқиш, ўрганиш, улар «калитининг» топилиши муҳим аҳамият касб этади. Мисрнинг қадимги ёзувларини, тилини ўрганиш, уларни тадқиқ қилиш ва илмий муомалага киритиш ниҳоят мушкул ва мураккаб иш эди.

Антик муаллифлар Мисрнинг қадимги ёзувларига оид асарларида бу ёзувларни ифодалаган белгиларга ортиқча урғу бериб юборганлар. Уларнинг сўзларига кўра, айрим миср иероглифлари бутун бошлиқ сўзни, ҳатто диний - фалсафий тушунчани англатган. Миср ёзувларини ўрганган кейинги мисршунослар ҳам антик ёзувчиларининг нотўғри фикр - мулоҳазаларига таяниб, улар йўл қўйган хатоларни такрорлашган. Масалан, XVII асрда Кирхер қатор илмий асарлар яратиб, ўз асарларида қадимги Миср ёзувлари маъносини нотўғри изоҳлайди. Ушбу ёзувлардаги ҳар бир белги бутун сўз ёки тушунчани билдиради деб тушунтиради. Унинг хизмати шундаки, Кирхер копт тилини қадимги Миср тилининг авлоди деб тўғри эътироф этган. Кейинчалик Томас Юнг Миср ёзувида фонетик белгилар борлигини аниқлаб, ҳатто бир нечта номларни аниқлашга ҳам эришди.

Миср иероглифлари сирининг узил-кесил очилиши француз олими Франсуа Шампольон номи билан узвий боғлиқ. Наполеон Бонапартнинг Мисрда қилган экспедициясида иштирок этган аскарлар кунлардан бир кун чуқур қазиб туриб тошга

дуч келишди. Улар тошни хазина солинган сандиқ бўлса керак деб ўйладилар. Бирок сандиқ ўрнига тош плита чиқди. Шунда аскарлар плитанинг пастки қисмига иероглиф шаклида ёзилган матнга эътибор берадилар. Олимлар плитанинг куйи қисмида битилган ёзувларни осонликча ўқишди. Матннинг бир қисми юнон тилида ёзилган эди. Бу плита қўйилган ерга нисбат берилиб “Розетт тоши” деб аталган. Розетт тошига ўйиб ёзилган ёзув милoddан аввалги 203 йилда тахтга ўтирган Птоломей V нинг шаънига ёзилган эди.

1808 йили Шампольон Розетт тошига битилган ёзувни ўқишга киришди. Узоқ машаққатлар, изланишлардан сўнг 1822 йили 17 сентябрда Париж Фанлар Академияси мажлисида “Розетт тоши” ёзувлари ҳақида илмий маъруза қилди. Бу мажлисда Европанинг турли мамлакатларидан олимлари ҳам ташриф буюришди. Бу сана янги мисршунослик фани вужудга келган сана сифатида тарихга кирди. Шампольон қадимги Миср тили грамматикаси ва луғатини тиклашга кўп ҳаракат қилди, бироқ улгурмади. Олим Мисрдан қайтиб келганидан сўнг кўп вақт ўтмай вафот этди. Шампольоннинг илмий ишлари унинг вафотидан сўнг чоп этилди.

Қадимги Миср тарихини ўрганишда ёзма ёдгорликлар ўта муҳим аҳамиятга эга. Қадимги ёзувлар фил суякларидан тайёрланган плиталар, ликопчалар, қора дарахтдан ясалган тахтачаларда, лойдан ишланган турли жадваллар, қабртошлар, ҳамда муҳрларда сақланиб қолган. Шу каби ёзувлардан энг муҳими бу фиръавн Нармернинг ғалабасига бағишланиб битилган ёзувлардир. Муҳрлар ва қабртошларда битилган ёзувларда амалдорларнинг номлари, унвонлари қайд этилганки, уларга асосланиб олим Мисрда ана шу даврда мавжуд бўлган бюрократик бошқарув тизимини кўз олдига келтириши мумкин.

Мисрнинг тарихий хронологиясини аниқлашда «Турин подшо папируси» номини олган ёзма манба катта аҳамиятга эга. Чунки бунда XVIII сулолаларгача бўлган даврларда фиръавнларнинг ҳукмронлик вақти аниқ йили, ойи ва кунларига қадар кўрсатилган. Аммо, афсуски, бу папирус яхши сақланмаган. У елимлаб ёпиштирилган 164 парчаланган папирус бўлакларидан иборат. Шунинг учун бу ёзма ёдгорликни ўқиш анча мураккаб. Унда кўплаб сўзлар, лавҳалар тушиб қолган.

Мисрнинг янги подшолик даврини ўзида акс эттирган солнома ва тарихий матнлар ибодатхона деворларига ўйиб ёзилган. Қадимги Миср подшолиги даврини акс эттирган “Палерм тоши” деб аталган солнома “Аморин” архивида сақланган бўлиб, лойдан ясалган жадвал ана шулардан ҳисобланади. Тарихий солномаларда Миср қўшинининг зафарли юришлари, урушлари, душманнинг яксон этилиши, қуршаб олиниши каби воқеалар битилган. Ёзма ёдгорликларда келтирилган маълумотларга ҳамма вақт ҳам ишониб бўлмайди. Чунки кейинги давр подшолари ўзларини улуғлаш, ғолиблигини кўкларга кўтариш мақсадида илгариги ўтган подшоларга бағишланиб ёзилган солномалардан нусха кўчириб олган ҳоллар ҳам бўлган.

Миср ҳукуматининг XVIII сулола давридаги муваффақиятли ташқи сиёсати Миср пойтахти Ахетатон давлат архивидан топилган миххат ҳужжатларида ўз аксини топган. Тарихдан Ахетатон архиви фиръавн Эхнатон томонидан барпо қилинганлиги маълум. Бу ҳужжатларда Миср фиръавнларининг Олд Осиё давлатлари подшолари Сурия, Фаластин ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқаларига оид матнлар акс эттирилган.

Мисрнинг XIX сулола даври дипломатияси тарихини ўрганишда Рамзес II нинг Хетт давлати подшоси Хаттушил билан тузган сулҳ шартномаси жиддий аҳамиятга молик.

Қадимги Мисрнинг ички ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ҳаёти, ибодатхоналари аҳволини ўрганишда қадимги Миср фиръавнлари томонидан берилган фармонлар, кўрсатмалар, суд жараёнларини ифода этган баённомалар, ҳужжатлар, қоҳинларнинг ўзаро шахсий ёзишмалари, йирик давлат амалдорларининг таржимаи ҳоллари, подшоҳларнинг зодагонларга ер берганлиги ҳақидаги ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади.

Янги подшоҳлик даврида яшаган вазир Рехмирнинг таржимаи ҳолида Мисрнинг ҳўжалик ҳаёти, маъмурий-бошқарув тизими ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Ушбу ёзма ёдгорликда подшонинг ўз вазирига берган кўрсатмалари, унинг мажбуриятлари санаб ўтилган.

Шу билан бирга қадимги Миср тарихи, айниқса, маданиятини ўрганишда ҳужжатли манбаларнинг етишмаслиги туфайли замонавий тадқиқотчиларни адабий ва диний матнлардан фойдаланишларига ҳам тўғри келади. Бундай ҳолда улар диний таълимотлар, кўрсатмалар берилган ҳужжатлар, ёзма ёдгорликлар, диний тўпламлар, худо ва подшоҳлар шаънига битилган мадҳиялар, маросимлар, афсоналар ва бошқа шу каби ёзма ёдгорликлар, ҳужжатлар ва адабий асарлардан кенг фойдаланишади.

Моддий маданият ёдгорликлари. Моддий маданият ёдгорликлари, санъат асарлари, диний маросимларга оид буюмлар тарихни ўрганишда қўшимча ёзма манба ҳисобланади. Марҳумни мўмиёлаш, уни турли-туман зеби-зийнат ашёлари, қурол - аслаҳалар, тумор, мунчоқ, тақинчоқлар, турли ҳайкалчапар билан дафн этиш одатлари, шунингдек, қабр деворларини марҳумнинг ҳаётлик давридаги саҳна кўринишлари билан безатиш кўплаб моддий маданият ёдгорликларини ҳамда қадимги мисрликлар санъати намуналарини сақлаб қолиш имконини берган. Ушбу ёдгорликлар ҳозирги кунгача яхши сақланган, чунки, одатда, қабристонлар ҳавоси қуруқ ва тоза бўлиб, шаҳар, қишлоқлар ва турар жойлардан анча четда, дашт жойларда жойлаштирилган. Юнонлар бундай қабристонларни “Некропол” (ўликлар шаҳри) деб атаганлар. Ўзбек халқининг истеъдодли шоири Чустий қабристонларни “Индамаслар шаҳри” деб атаб, бу тўғрида ажойиб шеърий асар ҳам битган.

Мисрнинг Гиза ва Саккар мавзеларида қадимий подшоҳлик даврида барпо этилган подшоҳлар пирамидаси яқинида жуда катта “Ўликлар шаҳри” топилган. Бу жойда подшоҳнинг кўплаб қариндош - уруғлари, хизматчилари ва амалдорларининг қабрлари бор эди. Коҳуна вайроналаридан Ўрта подшоҳлик даврига оид кўпгина қурол - аслаҳа топилган. Ахетатонда эса уй жиҳозлари, ойна, кулолчилик устахоналари, ҳайкалтарошлик хоналари, омборлар, савдо бинолари, маиший буюмлар (болалар ўйинчоқлари, идишлар, пичоқлар, устаралар ва ҳ.к.) топилган. Топилган қурол - аслаҳалар, мис ва бронзадан ишланган асбоб - ускуналар, ашёлар ўша замон мис саноатини синчиклаб ўрганиш имконини беради. Синай ярим оролидаги мис конлари, Мисрнинг турли туманларидаги тош тарошлаш жойлари бу ерда тоғ ишлари техникаси ривожидан далолат беради.

Бағоят нафис ва дид билан ишланган қимматбаҳо зеби-зийнатлар, олтин-кумушдан тайёрланган шода маржонлар, узук ва билагузуклар, бой нақшлар билан безатилган мебеллар, ниҳоят нафис, мустаҳкам, ажойиб тўқилма матолар Мисрда ихтисослашган ҳунармандчилик тараққий этганидан далолат беради.

Мисрнинг жанубий чегараларида сақланиб қолган харобалар, қалъалардан топилган кўплаб қурол - аслаҳалар мамлакатда ҳарбий ишлар техникасини ҳамда қалъа қуриш механизмларини ўрганиш имконини беради. Айни вақтда ибодатхоналар, кўплаб

мақбаралар, қабрлар, сарой харобалари, одамлар яшайдиган уйлар қадимги Мисрнинг ажойиб меъморчилигини муфассал ўрганиш имконини беради.

Мисршуносликнинг ривожланиши. Мисршуносликнинг ривожланишига Ғарб олимлари, чунончи немис олимлари Г.Бругш, Р.Лепсиус, француз олимлари Ф.Шампольон, Девериа, де- Руже ва Шаба, италиялик олим Розеллини, инглиз олими Берч катта ҳисса қўшди. Ғарб олимлари ўз диққатини, куч - ғайратларини асосан қадимги Миср ёзувлари ёдгорликларини ўрганиш ва нашр қилишга бағишладилар.

Лепсиус биринчи бўлиб Миср хронологиясини ўрганиш асосида Миср тарихини даврларга бўлиб чиқди. Унинг хизмати ҳам ана шунда. Бругш эса Миср тарихининг умумий тавсифини баён қилди. Шунингдек, у Миср тарихига оид қатор маълумотномалар, мисршунослик бўйича қўлланмалар ёзди. Француз олими Г.Масперо ҳам мисршунослик ривожига улкан ҳисса қўшди. У мисршуносликда тарих, филология ва археология илмларини бирга қўшиб олиб борди.

Масперо ўзининг “Классик Шарқ халқларининг қадимги тарихи” фундаментал асарида биринчи бўлиб қадимги Миср тарихи ва маданиятини ҳамда классик Шарқ халқлари, яъни Шимоли-шарқий Африка ва Олд Осиё халқлари тарихий тараққиётини кенг доирада узвий боғлиқ тарзда ўрганди. Масперо айниқса қадимги Миср маданияти, тили, санъати, динини чуқур тадқиқ этиб, унинг тараққиёт босқичларини аниқлаб берди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Эрман ва Зете миср тили муаммосига бағишланган қатор илмий асарлар яратган бўлсалар, Эрман ва Ранки ушбу тилнинг беш томлик фундаментал асарини чоп этишди. Англиялик мисршунос А.Гарднер миср тили грамматикасини ишлаб чиқди.

Америка мисршуноси Д.Г.Брестед XX аср бошларида маълум бўлган қарийб барча тарихий ҳужжатларнинг беш томлик таржимасини нашр қилди ва ана шу манбалар асосида қадимги Миср тарихини яратди. Бундан ташқари, Брестед Қуёш мадҳиялари (фиръавн Эхнатон) га бағишланган йирик илмий ишларни, Ўрта подшолик даврига мансуб бўлган саркофаглар (тобутлар) матнларини нашрдан чиқарди.

Мисршунослик фанининг ривожига рус олимларининг хизмати ҳам катта бўлди. Рус мисршунослигига асос солган йирик олим, академик Б.А.Тураев (1868 - 1920 й.) кўплаб ҳужжатларга таяниб “Қадимги Шарқ тарихи”ни ёзди. Б.А.Тураев илмий фаолиятининг энг катта ютуғи шундаки, у бутун Шарқ оламини яхлит ягона маданий - тарихий жараён сифатида ўрганди. Олим ўзининг бекиёс билими, фанга содиқлиги, меҳр - муҳаббати туфайли мисршунослар мактабини яратишга муваффақ бўлди.

Мисршунослик фанига улкан ҳисса қўшган рус мутахассиси В.С. Голенищев (1856 - 1947 й.) Миср бўйлаб бир неча марта саёҳат қилди, бу ерда кўплаб археологик қазилмаларни амалга оширди, қадимги Мисрда оид кўплаб, қимматли коллекцияларни излаб топди. Бу коллекциялар кейинчалик Москва тасвирий санъати музейида қадимги Шарқ ёдгорликлари бўлимининг асосини ташкил қилди.

В.С.Голенищев қадимги Миср ёзувларига оид турли ёдгорликларни таржима қилиш, шарҳлаб бериш ва уларни нашр қилиш соҳасида жуда кўп меҳнат қилди.

1917-1934 йилларда мисршунос совет мутахассислари, асосан Собик Иттифок давлат музейларида сақланаётган қадимги Миср ёдгорликларини тўплаш, ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланишган. Натижада Москва тасвирий санъат музейидаги ҳамда Ленинград Эрмитажида йиғилган коллекциялар Миср маданияти ва ёзувларининг улкан марказига айланди.

Кейинги йилларда мисршунослик фани ривожига йирик, кўзга кўринган мисршунос олимлар - В.В.Струве, В.И.Авдиев, Р.И.Рубинштейн, Д.Г.Редер, М.Э.Матъе, И.М.Дьяконов ва бошқалар катта ҳисса қўшишди.

Таянч иборалар

Атон, “Розетт тоши”, Ахетатон, “Некропол”, “Индамаслар шахри”, “Ўлик шаҳарлар”, саркофаг

Саволлар

1. Қадимги Миср тарихи ва маданиятини ўрганишда қайси манбалар устувор аҳамиятга эга?

2. Қадимги Миср тарихи ва маданиятини ўрганишда ёзма манбалар билан моддий маданият ёдгорликларининг нисбати қандай?

2. Қадимги Миср давлатининг пайдо бўлиши

Табиий шароитлари. Мисрнинг серунум ерлари асосан Нил дарёси оқизиб келтирган тупроқдан вужудга келганлигини грек тарихчилари ва географлари - Геродот билан Страбон таъкидлаб ўтган эдилар. Нил дарёсининг тошиши натижасида яхши суғориладиган Миср ерлари Шимолий ва Шарқий Африканинг кенг чўллари ўртасида қолган буюк воҳага ўхшайди. Миср ғарбда ва шарқда қояли тоғлар, ўтиш қийин бўлган чўллар, жанубда эса Нил дарёсининг бўсағалари туфайли қўшни мамлакатлардан ажралиб, яққаланиб қолган эди. Шу сабабли унинг ўзига хос хусусиятлари анчагина бўлган.

Мисрликлар доимо ўзларининг серҳосил ва роҳатбахш ерларини табиати кўримсиз ва ёввойи қўшни мамлакатларнинг ерларига қарама-қарши қўйиб келганлар. Мисрликлар ўз мамлакатини тасвирий иероглиф ёрдамида текис ер шаклида тасвирлаб, баъзида текис ерни ариқ ва каналлар билан бир қанча қисмларга бўлиб кўрсатганлар ва Мисрни образли қилиб “Қора тупроқ”(Та-Кемет) деб атаганлар.

Мисрликлар ер, сув ва ҳамда ўсимлик худоси Озирисни бери серҳосил Нил мамлакатининг ҳомийси деб ҳисоблаганлар. Улар ишонишича, Озириснинг фитначи, маккор ва золим акаси, чўл, ўлим ва чет эллар худоси Сэт унга қарши доим кураш олиб борарди. Нилнинг чўл қисми ҳамда водийсида жойлашган деҳқонларнинг атрофида яшовчи қўчманчилар билан азалдан олиб борган кураши мисрликларнинг ёзувларида, тилида ва динида ана шу тариқа акс этган. Тинмай давом этиб турган бу курашнинг бир қатор маданий ва сиёсий ўзаро таъсири туфайли янада мураккаблашиб кетмаслиги мумкин эмас эди.

Миср жўғрофик жиҳатдан икки қисмга: Юқори Миср Нилнинг тор ва узун водийсига ҳамда Қуйи Миср-Нилнинг учбурчак шаклида тармоқланиб, Ўрта денгизга олиб чиқадиган кенг дельтасига бўлинади. Юнонлар Қуйи Миср кўринишини ўзларининг учбурчакли бош ҳарфига ўхшаганлиги туфайли уни дельта деб атаганлар.

Миср худудининг аксарият қисми чўл зонасида жойлашган. Шундан фақат 3,5% (35 минг кв.км) Нил дарёси дельтаси ва водийсига тўғри келади. Рельефи ва геологик тузилиши жиҳатидан Миср шартли равишда тўрт зонага бўлинади: 1. Ливия чўли 2. Арабистон чўли 3. Синай ярим ороли 4. Нил дарёси водийси ва дельтаси. Рельефи асосан текислик. Қизил денгизга яқин ерлар тоғлиқдир.

Дунёдаги энг катта дарёлардан бири бўлган Нил (узунлиги 6,5 минг км.) Мисрнинг аллювиал тупроғинигина вужудга келтириб қолмай, балки, ўзининг вақти-вақти билан тошиб туриши туфайли Миср ерларини серҳосил ва унумли қилиб, водийда

ва дельтада инсон яшаши, қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун мақбул табиий шарт-шароитларини вужудга келтиради.

Аҳолиси. Мисрликлар бошқа кўпгина қадимги Шарқ халқлари сингари бир қанча қабиаларнинг секин-аста аралашиб кетиши натижасида ташкил топган. Қадимги Миср халқи Шимолий ва Шарқий Африканинг маҳаллий қабиалари ташкил топган. Мисрдаги қадимги даврга оид кишиларнинг ўзига хос ҳайкалчалари, Негададаги қадим мозорлардан топилган бош суякларини ўлчаш натижалари, шунингдек, Қадимги Миср тилининг галла, сомали ва бошқа қабиалар тилига яқинлиги энг қадимги мисрликларнинг тропик Шарқий Африка қабиалари билан қардошлигини кўрсатади. Қадимги Миср тавсифларига кўра, Шарқий Африкада (мисрликларча Пунт мамлакатада) яшаган энг қадимги қабила вакиллариининг ташқи қиёфалари билан мисрликларга жуда ўхшаб кетадилар.

Бундан ташқари, энг қадимги Миср қабиалари Шимолий Африканинг ливиялик қабиалари билан ҳам жуда яқин қариндош бўлганлар. Қадимги Миср тили ўзининг баъзи жиҳатлари билан Шимолий Африкадаги барбар тилларини эслатади. Мисрда ва Нил водийсини ўраб турган баланд тоғликларда ўтказилган қазилмалар ўзига хос Миср маданиятини вужудга келтирган қабиалар қадимги тош асрдан буён Шимоли- Шарқий Африкада яшаганликларини кўрсатди. Мисрликлар мис қазиб топишни ҳам билганлар.

Шундай қилиб, қадимги мисрликлар тарихдан анча олдинги қадим замонлардан бери Нил водийси ва дельтасида яшаб келган халқдир. Ибтидоий жамоа тузуми вақтидаёқ вужудга келган қадимги Миср тили бутун кулдорлик даврида ҳам мавжуд бўлган. Қадимги Миср тилининг асосий луғат фонди ва баъзи ўзига хос хусусиятлари тахминан милодий 1 асрда феодализм тузумли вужудга келган вақтга қадар, хатто бир қадар кейинги замонларгача ҳам сақланиб келган. Қадимги мисрликлар тилининг қадимги семит (финикияликлар, аққодликлар, оссурий ва қадимги яхудий) тилларига бирмунча яқинлигининг сабаби, қисман Миср билан Олд Осиё мамлакатлари ўртасидаги сиёсий ва маданий алоқалар туфайли уларнинг ўзаро кўрсатган таъсиридадир. Қадимги мисрликлар тили милoddан аввалги 1 ва II минг йилликларда Мисрга бостириб кирган чет эл истилочилари-гиксослар, ливияликлар, ҳабашлар ва бошқаларнинг тиллари билан чатишиб кетган, пировард натижада қадимги мисрликлар тили доимо устунлик қилган.

Энг қадимги синфий жамиятнинг пайдо бўлиши. Мисрда одамлар палеолит давридан бошлаб яшаганлар. Милoddан аввалги X - VI минг йилликда Нил атрофидаги чўлларда тарқоқ ҳолда яшаган қабиалар териб-термаглаш, овчилик, кейинроқ эса балиқ овлаш билан шуғулланишган. Булар қадимги сом халқларига мансуб қабиалар, барбарлар ва кушитлар бўлиб, уларнинг аралашиб кетиши туфайли милoddан аввалги IV минг йилликда Миср халқи пайдо бўлган. Аҳоли нуфузининг ортиши чорвачилик ва деҳқончиликка ўтишни тезлаштирган, бу эса ҳудудий жамоаларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Деҳқончилик қилиш учун каналлар, тўғонлар қуриш зарурияти туғилган, бунинг мақсадида ўзаро урушларда асир тушган қуллар меҳнатидан фойдаланилган. Натижада жамоада ижтимоий табақаланиш рўй бериб, уруғ зодагонлари ажралиб чиққан, қабила сардорлари маҳаллий подшоҳларга айланганлар. Бир қанча майда қулдорлик давлатлари вужудга келган. Кейинчалик улар ўртасидаги кураш натижасида шимолда Қуйи Миср, жанубда Юқори Миср подшоликлари барпо бўлган. Милoddан аввалги тахминан III минг йилликда иккала подшолик бирлашиб, ягона давлат барпо бўлган.

Энг қадимги Миср ёзувлари, қадимги Подшолик йилномаси, Миср фиръавнларининг сўнгги даврга оид шажараси ва Манефон тузган подшолар рўйхати

биринчи ва иккинчи сулоладаги Миср ҳақиқатда ҳам тарихда бўлганлигини Негад ва Абидодан қазиб олинган, улкан подшо мақбараларидан топилган ёдгорлик ҳам бир қадар тасдиқлайди. Амелино - де Морган ва Флиндрес Петрилар бу ердан кўп ва турли-туман моддий маданият буюмлари ҳамда олдинги икки сулола фиръавнларининг номлари ёзилган энг қадимги иероглиф ёзувларини топдилар. Сулоладан аввалги даврнинг моддий маданият ёдгорликлари, шунингдек дастлабки икки сулолага оид буюмлар ва ёзувлар милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирида дельтада ва Нил водийсида энг қадимги синфий жамиятнинг пайдо бўлиш жараёни ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Миср аҳолиси бу даврда алоҳида кичик-кичик жамоаларга бўлиниб яшар, жамоалар бошида жамоа кенгаши ва оқсоқоллар турарди. Дехқончилик, мавжуд табиий шароитга кўра, суғориб экин экиш шаклига кириб борган. Ҳар йили Нил дарёсининг тошиши аҳолидан тошқин сувларининг бир жойда тўпланмай, бутун мамлакатга бир текисда ёйилишини таъминлаш юзасидан бир қанча чоралар кўришни талаб қилган. Сунъий суғориш ишлари Месопотамиянинг жанубий қисми учун қай даражада зарур бўлса, Мисрга ҳам шундай зарур бўлган. Шунинг учун ирригация шоҳобчаларини барпо қилиш, уларни асраш ва кенгайтириб бориш вазифасини энг қадимги даврлардаёқ дастлаб жамоалар, кейин эса давлат ҳокимияти бажариб келган. Энг қадимги деҳқончилик жамоалари ҳаёти учун зарур сунъий суғориш ишларининг бу каби катта аҳамияти иероглиф шакллар билан ёзилган "вилоят", "ўлка" ва "вилоят бошлиғи" сўзларида ўз аксини топади.

Архаик даврдаёқ қишлоқ хўжалиги билан биргаликда турли ҳунар - касблар ҳам ривожланган. Архаик даврдан бошлаб кенг тарқалган ва юксак даражага етиб такомиллашган энг қадимги касб-ҳунар турларидан бири тошдан асбоблар ясашидир. Мисрликлар қадим замонлардан бўён тошдан асбоб ва қурол-аслаҳалар, хусусан ўроқ ва арра, пичоқ, болта, белкурак, найза ва ўқ-ёй учлари, ханжарлар, шунингдек базальт, порфир ва серпантин каби чиройли тошлардан маҳорат билан турли-туман идишлар ясаганлар. Биринчи сулола давридан бошлаб катта -катта тош парчалари ва плиталар ишлатилган. Чунончи, ушбу сулола подшоси Усефей мақбарасининг полига гранит плиталар ётқизилган. II сулола фиръавни Хасехемуи мақбарасининг кичик сағанаси йўнилган оҳактош плиталаридан ясалган. Бундаги йирик тош парчаларини ишлатиш техникаси Шимолий Африканинг мегалит меъморчилиги техникасини эслатади.

Қадим мисрликларга кўрғошин, мис, олтин, кейинчалик эса метеит темир каби металллар маълум бўлган. Кўрғошин Қизил денгиз қирғоқларида, Косейр ҳамда Асувоан яқинида қазиб олинган. Тарихдан олдинги даврга оид қабрлардан жуда кўп кўрғошин буюмлари топилди. Синай ярим ороли ва Шарқий чўлдан қазиб олинган мис айниқса кенг тарқалган. Биринчи сулола замонидаёқ мис қазиб олинганлиги ва мисдан ҳар хил қадимги асбоблар ясалганлигидан далолат берадиган буюм Синай ярим оролининг жанубий- ғарбий қисмида, Вади-Мағхарада ва Серобилтал-Ходимдан топилган эди. Бу ерда мис рудаси, маъдан чиқиндилари, темирчилик ўчоқларининг, металл эритиш печининг қолдиқлари, қуйилмалар ва тигларнинг қолиплари, ниҳоят, мис эритадиган қозон синиқлари топилди. Ўша даврда Шарқий чўл ва Нубияда олтин қазиб чиқарилганлиги ҳам аниқланди. Биринчи сулолалар замонидаги қабрлардан олтиндан ясалган ғоят гўзал зеб-зийнат буюмлари топилганлиги бу ерда заргарликнинг юксак даражада ривожланганлигини кўрсатади. Қадимги Мисрда темир милоддан аввалги 1 минг йилликка қадар жуда кам ишлатилган. Темирга ишлов бериш архаик даврдаёқ муҳим касб ҳисобланган. Подшо саройида махсус темирчилик устахоналари бўлиб, бу

устахоналарни махсус амалдор идора қилган, архаик давридаги муҳрларнинг нусхаларида “подшо саройидаги темир қуювчилар бошлиғи” деган унвон учрайди. Аммо темирчилик Мисрда аста-секин ривожланган. Мисрликлар анчагина илғор металл қурооллари билан бирга тошдан ясалган қурооллардан ҳам фойдаланганлар.

Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш ўсди ва эҳтиёждан ортиқ маҳсулотлар пайдо бўлиши, шунингдек чет элдан келтириладиган турли хом ашёга бўлган эҳтиёж савдони юзага келиши ва тараққий этишига сабаб бўлади. Мисрдаги архаик даврга оид қабрлардан топилган турли ашёлар мамлакат ичидаги ҳамда қўшни мамлакатлар билан бўлган айирбошлаш савдосининг жуда ҳам эрта ривожланганлигини кўрсатади.

Сулоладан олдинги иккинчи даврга оид мақбаралардан Фаластинга хос жимжимадор дастали сопол идишлар топилиши Мисрнинг Фаластин ва Сурия билан айирбошлаш савдо олиб борганлигидан дарак беради. Бу идишлар ичидан қотиб қолган ёғ юки ҳам чиққан, бу Фаластин ёки Суриядан келтирилган бўлса ажаб эмас. Қадимги Финикия шаҳри Библдаги қазиларда Мисрда оид буюмлар, чакмоқ тошдан ясалган пичоқ ва белкураклар, бўёқ учун ишлатиладиган шифер тахталар, оникс, биллур, яшма ва олтиндан ясалган мунчоқлар, лойдан ясалган хайвон суратлари чиқди. Биринчи сулолалар даври подшоларининг мақбараларидан Эгейга атаб ясалган сопол идишларнинг синиқлари топилди.

Бироқ бу энг қадимги даврда бутун хўжалик ўзининг қадимги натурал тусини тўла-тўқис сақлаб қолган. Жамоа ишлаб чиқарган барча моддий ашёлар шу жамоанинг ўзидаёқ истеъмол қилинган. Мажбуриятлар ҳам фақат натурал тусга эга бўлган.

Қадимги Мисрда аста-секин уруғчилик тузуми емирилиб, қулдорлик тузуми ҳамда мустабид давлат ташкил топдики, бу ҳол инсоният тарихидаги энг катта ўзгаришлардан биридир. Бу даврнинг охирига келиб синфий жамият ва бошида қулдор зодагонлар турган энг қадимги давлат вужудга келади. Уликлар кўшилган қабирлар ўша вақтдаги мулкӣ табақаланишдан гувоҳлик беради. Мисрликлар оддий кишиларни, қишлоқ жамоаларининг эркин аъзоларини, камбағаллар ва қулларни оддий қабрга кўмиб, уларни фақат энг зарур рўзғор буюмлари билан таъминлаган бўлсалар, бойлар, зодагонлар, амалдорлар ва олий қоҳинларни тантанали равишда ҳашаматли мақбараларга, қимматли буюмлар, озиқ-овқат, бадий ҳунар ва санъат буюмлари, динга оид буюмлар билан бирга дафн қилганлар. Бу мақбараларнинг баъзилари ғоят муҳташам қасрларни эслатади. Масалан, Саккарада топилган подшо Деннинг муҳрдори Хемак мақбараси 50 дан ортиқ хонадан иборат бўлиб, у 1482 метр жойни эгалласа, “шароб ертўласи бошлиғи” ва “тегирмон мудир” Анхках мақбарасида 37 та хона бор. У даврнинг рассом ва ҳаттотлари бирон кишини тасвирлар эканлар, унинг қайси тоифага мансуб эканлигини, кийим кийиши ва қандай соч қўйганлигини таъкидлаб кўрсатганлар.

Бой ва қулдорлар ўз мавқеларини мустаҳкамлаш, меҳнаткаш халқни эзиш ва уни доим жиловда тутиш учун энг қўхна давлат аппаратини тузганлар. Бутун олий ҳокимият подшо саройида марказлашган бўлиб, мамлакат ўша ердан туриб идора қилинган. Подшонинг энг яқин кишилари катта амалдорлар бўлиб, уларнинг унвонлари ҳам дабдабали эди: сарой бошлиғи подшодан кейин мартаба жиҳатидан иккинчи бўлса, ундан сўнг подшо арконларининг муҳрларини сақловчи муҳрдор турган ва ҳ.к. Бу амалдорлар билан бирга бошқа сарой аҳллари ҳам тилга олинади: ёзувларда улар ўзларини “саройда иш юритувчи”, “хонлар” ва “подшонинг дўстлари” деб атайдилар.

Ер фондининг давлат қўлида тўпланиши ва бутун сунъий суғориш тизимини бошқариш зарурати туфайли секин-аста молия ва хўжалик ишларини идора қилувчи

махкамалар ташкил топди. Подшо хазинаси “кумушхона” деб аталган. Бутун мамлакатдан йиғиладиган натура солиғи шу хазинага тўпланган. Шу билан бирга озиқ-овқат таъминоти, тегирмончилик, чорва хўжалиги, токчилик ва виночилик ишларига қарайдиган айрим муассасалар ҳам бўлган. Подшонинг хусусий хўжалиги (подшо уйи) алоҳида ажратиб олинган ва уни бошқариш учун алоҳида мансабдорлар тайинланган.

Давлат айрим вилоятлар - (номлар)га бўлинган ва бу вилоятларни кўпроқ зодагонлардан бўлган номархлар, маҳаллий ҳокимлар бошқарган. Қадим замонларданок сунъий суғориш ишларини идора қилиш вазифаси маҳаллий амалдорлар зиммасига юклатилган.

Мисрнинг кучли бир давлатга айланиши жараёни ҳам дельтада, ҳам водийда содир бўлган. Секин-аста бир-бири билан рақиблик қилувчи икки давлат юзага келган. Дельтада жойлашган шимолий давлат маркази Бахдет (Даманхур) бўлса, биринчи остонагача водийни бирлаштирган жанубий давлатнинг маркази Небут (Ўмбос) эди. Бу икки давлат ўртасида узоқ давом этган кураш бизга Қуйи ва Юқори Миср ҳомийлари ҳисобланган Гор ҳамда Сэт ҳудолари ўртасидаги курашни баён қилувчи қадимги диний афсоналардан яхши таниш. Мамлакатда устунлик қилиш ва ҳукмрон бўлиш учун олиб борилган бу курашда гоҳ бир томон, гоҳ иккинчи томоннинг қўли баланд келган. Енгган фиръавн енгилганининг унвонини ўз унвонига қўшиб олган. Бу ҳол энг кейинги вақтлардаги фиръавнларнинг унвонларида акс этган.

Қадимги Миср тарихи давомида фиръавннинг “икки мамлакат султони” ҳамда “Юқори ва Қуйи Мисрнинг подшоси” унвонлари, мамлакат қадимда Шимол ва Жанубга бўлиниши сабабли, давлат аппаратининг ҳам икки қисмдан иборат бўлиши ҳам авваллари Юқори ва Қуйи Мисрнинг узоқ вақт икки мустақил давлат бўлганлигини кўрсатади. Бу даврдаги Миср давлати ҳали кўп жиҳатдан ва анчагина ибтидоий уруғ - қабила иттифоқиға ўхшайди.

Юнон ёзувларда дастлабки Миср подшоси ва мамлакатни бирлаштирувчи деб ҳисобланган қадимги фиръавн Менес (Мина) номи сақланиб қолган. Улар тарихий далилларга асосланган бўлиши керак. Тарихий даврнинг Миср фиръавнлари шажараларида фиръавн Минанинг номи биринчи бўлиб келтирилган. Негадада катта подшо мақбарасидан топилган лавҳада ҳам Мина номи тилга олинади. Мина Абидос яқинидаги Тин деган жойдан келиб чиққан бўлиб, дельтани босиб олган ва ягона Миср давлатини барпо қилган. Мина дельтадан водийга чиқадиған ерда, яъни стратегик ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган ерда ўз истехкоми-пойтахтни курган ва унга “Оқ девор” деб ном берган. Бу жой шу қадар тўғри танланганки, у бутун Миср тарихи давомида ўз аҳамиятини йўқотмай, сақлаб келди. Кейинчалик бу ерда Қадимги Подшоликнинг пойтахти бўлган Мемфис шаҳри қад кўтарди. Архаик даврдаги Миср фиръавнлари мамлакатни бирлаштириб бўлгач, Миср худудини кенгайтириш йўлида ҳаракат қила бошладилар. Фиръавн Усефай Синай ярим оролида яшовчи шарқий қабилалар билан кураш олиб боради. Шундай қилиб, дастлабки сулола фиръавнлари Миср иқтисодиётининг ривожини учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бой мис конларини босиб олиш мақсадида Синай ярим оролига қурол билан бостириб борганлар.

Таянч иборалар

“Қора тупроқ”, семит тили, иероглиф ёзуви, “тегирмон мудир”, ҳокон, “подшонинг дўстлари”, “кумушхона”, “Оқ девор”, номлар, номарх, мегамет меъомрчилиги, семит тили, гигсослар, сом, барбар, кушит, пунт мамлакати, Та-Кемет

Саволлар

1. Қадимги Миср тарихида унинг жўғрофик мавқеи қандай роль ўйнаган?
2. Қадимги Мисрда сиёсий - ижтимоий тузум қандай кўринишда бўлган?

3. Миср Қадимги Подшолик даврида (милоддан аввалги 2800-2250 йиллар)

Илк подшолик даврида ҳукмронлик қилган I - II сулола фиръавнлари Мисрни бирлаштиришга асос солганлар. III - X сулола фиръавнлари подшолик қилган давр Қадимги Миср Подшолиги даври деб аталиб, милоддан аввалги XXV111-XX111 асрларни ўз ичига олган. Бу даврда марказлашган, кучли қулдорлик давлати тузилди. Моддий маданият юксалди. Қулларни кўпайтириш ва металлга бўлган эҳтиёж туфайли Қадимги Подшолик фиръавнлари Нубия ва Синай ярим оролида тўхтовсиз урушлар олиб бордилар.

Хўжаликнинг ривожланиши. Илк подшолик давридагидек, деҳқончиликнинг асоси бўлган суғориш тизимини такомиллаштириш ва кенгайтириш, янги каналлар қазиш давлат олдидаги асосий вазифа эди. Бу ишларни махсус амалдорлар амалга оширганлар. Ёзма манбаларда амалдор Нехебу Шимолий ва Жанубий Мисрда фиръавн буйруғи билан янги каналлар қургани билан фахрланганлиги қайд этилган. Деҳқончилик кенгайиб бориши билан бирга балиқчилик ва овчилик ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Овчилик ва балиқчиликка оид манзаралар Қадимги Подшолик даври мақбараларида яхши сақланган.

Ер танқислигига қарамай, Миср дельтасида чорвачилик нисбатан ривожланган эди. Шунинг учун Қуйи Мисрдаги жой номларида хўкиз илоҳийлаштирилган.

Қадимги Подшолик давридаги урушларда Мисрга асосан қорамол ўлжа сифатида олиб келинган. Ғоз ва ўрдак боқиш хўжалик аҳамияти даражасига кўтарилган. Қуёш худоси Навсерра ибодатхонасида байрамларда қурбонликка минглаб ғозлар сўйилган. Худди шу ибодатхонада асалари боқиш, асал олишга оид манзаралар ҳам сақланиб қолган, бу ўша даврда асаларичилик мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Бироқ деҳқончилик мамлакат хўжалик ҳаётида катта ўрин тутган ва у тараққий этган сунъий суғоришга асосланган, шу билан бирга хўжаликнинг етакчи турларидан бири бўлган.

Қишлоқ хўжалиги меҳнат қуроллари такомиллашиб борди. Эндиликда чопқи ўрнига кўш тортадиган омон ишлатила бошланди. Тошдан ясалган ўроқ ўрнини темир ўроқ эгаллади. Махсус хаскашлар пайдо бўлган. Янги бошоқли экинлар келиб чиққанлиги ҳам Қуйи ва Юқори Мисрда деҳқончилик тараққий этганини кўрсатади (мева ва полиз экинчилиги, шу жумладан узумчилик, зиғир ва зайтун ёғи ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди).

Мақбараларда сақланиб қолган кўплаб тасвирлар бу даврда ҳунармандчилик, хусусан, ёғочсозлик, тоштарошлик, металлсозлик, кулолчилик, папирус ишлаб чиқариш, тўқимачилик кабиларнинг ривожланганлигини кўрсатади. Ёғочсозликда ишлатиш учун хом ашё Сурия ва Нубиядан келтирилган. Тош кесиш ва тошдан буюмлар яшаш анча ривожланган. Металлургия мамлакат хўжалигининг муҳим тармоғига айланиб, бу айниқса Қадимги Подшолик даврида тараққий топди. Металл буюмлар тош буюмларни сиқиб чиқара бошлади. Миср мақбараларидан кўплаб металл буюмлари топилган. Шунинг учун қадимги Подшолик давридаёқ мисрликлар темирдан кенг фойдаланишган дейишга асос бор. Темир нодир металл ҳисобланиб, заргарлик мақсадларида кенг қўлланилган. Малика Хетеп-Хорес мақбарасидан топилган кўплаб заргарлик буюмлари ана шундан далолат беради. Кулолчилик, папирус тайёрлаш ва тўқимачилик ҳам тараққий этиб борди.

Ишлаб чиқариш ўсиши туфайли ортиқча маҳсулот бозорда сотиладиган бўлди. Бу даврда Мисрда ички ва ташқи савдо ўзининг ибтидоий шакли - айирбошлаш кўринишда бўлган. Мақбара деворларида бозор манзараларини кўплаб учратиш мумкин: дон, ғалла, сабзавот, мева, ёғ, балиқ, хунармандчилик буюмлари, шу жумладан, зебзийнат буюмлари, ойна, пойабзал ва ҳоказолар савдосини кўриш мумкин. Маҳсулот эквиваленти ғалла, металл ёки мис бўлган бўлса эҳтимол. Дастлабки металл пуллар Қадимги Подшолик даврида пайдо бўлган. Уйлар ва қуллар нархи ҳам металл ёмбилар билан ўлчанган. Ана шу даврда Миср Сурия билан ҳам савдо - сотиқ ишларини олиб борди. Хусусан, Библ (Мисрча “Кебен”) да Суриядаги Миср савдоси марказларидан IV сулола фиръавнлари Хуору ҳамда Меккаврларнинг номи туширилган идиш парчалари топилган. Миср фиръавнлари ўзларини “Библ ҳокими”, “Ливан худоси” деб аташ мумкин деб ҳисоблаганлар.

Миср фиръавнлари V сулола даврида Осиёга катта савдо экспедициялари жўнатганлар. Фиръавн Сахуранинг мақбара ибодатхонаси деворида йўлга отланаётган денгиз экспедицияси тасвирланган. Бу савдо экспедицияларида мамлакат учун зарур хом ашё нафақат савдо йўли билан, балки қурол ёрдамида, зўрлик билан Мисрга олиб келтирилган.

Қадимги Подшолик даврида Мисрда қулдорлик хўжалиги ва ташқи савдонинг ривожланиши натижасида мисрликлар иқтисодий ҳамда ҳарбий йўл билан қўшни мамлакатларга, жумладан, Олд Осиё ва Шарқий Африканинг Мисрга ёндош бўлган мамлакатларига бостириб киради. Улар айниқса Нубия ва Синайда мустаҳкам жойлашиб олдилар.

Қишлоқ жамоалари ва патриархал оила Миср жамиятининг асосини ташкил этган. Мерос отадан катта ўғилга ўтиши керак бўлган. Кўплаб мерос тортишувлари ҳақида ёзма ҳужжатлар сақланиб қолган. Жамоа хўжалиги “жажат” ва “кенбет” деб аталган. “Кенбетлар” асосан оила ҳукуқи, меросхўрлик масалаларини ҳал қилган. Жойларда суд, хўжалик ва маъмурий ҳокимият мавжуд бўлиб, улар олди-сотди ишларини ҳал қилган, амалдорларни кузатиб турганлар, сунъий суғориш тармоқларини назорат қилганлар. Жамоа бошлиқлари кейинчалик давлат амалдорларига айланган.

III ва IV сулола фиръавнлари даврида Миср. Хўжалик ва савдонинг тараққий этиб, қулдорлик кучайиши, босқинчилик урушлари, савдо ва ҳарбий юришлар мулкый табақаланишни янада тезлашувига олиб келди. Урушда олинган ўлжаларнинг катта қисми фиръавн ва амалдорлар қўлида тўпланди. Шу даврга оид амалдорларнинг қабрлари уларнинг нуфузидан далолат беради. Бу мақбараларнинг деворларида ўша замонда яшаган қадимги мисрликларнинг турмуши ва маиший аҳволини кўрсатувчи ажойиб тасвирлар сақланиб қолган. Иқтисод ривожланган сари, қуллик ҳам тараққий этди. Қуллар ҳам суғориш шоҳобчаларида ишлашга мажбур эдилар, чунки ер ҳосилдорлигини айнан ана шу тармоқлар таъминлаган. Бу шоҳобчалар давлат ҳокимияти, марказий ҳукуматнинг назорати остида бўлган. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган улкан иншоотлар, сунъий суғориш хавзалари, сув омборлари, канал ва дамбалар, шунингдек, синфий тузумнинг мустаҳкамлиги, ҳамда дин ва қоҳинлар илоҳийлаштирган фиръавн ҳокимиятининг қудратидан гўё дарак берувчи буюк ибодатхоналар ва подшо мақбаралари қулларнинг оғир меҳнати туфайли бунёд бўлган. Геродот маълумотида кўра, “эҳромлар қурилишида минглаб қуллар ва камбағаллар ишлаган”.

Қулдорлик хўжалигининг ривожланиши, чет элдан келтириладиган хомашёга ва қулларга бўлган эҳтиёжнинг мунтазам ўсиб бориши, ташқи савдонинг кенгайиши босқинчилик сиёсатининг кучайишига олиб келди. Мисрнинг III ва IV сулола

фиръавнлари курул кучи билан Миср хукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилганлар. III ва IV сулола фиръавнлари Қадимги Миср тарихида катта ўрин тутди. Улар даврида Миср қудратли марказлашган давлатга айланди. III сулоланинг биринчи фиръавни Жосер ўз подшолиги даврида Мисрнинг шимолий-шарқий ва жанубий ҳудудларида урушлар олиб борган. Синай ярим оролидаги қадимги мис конлари яқинида Жосернинг бу ерда яшаган қабилалар устидан қозонган ғалабасини тасвирловчи суратлар сақланиб қолган. Нубияни босиб олиш бироз қийин кечиби, шу сабабли Жосер Мисрнинг жанубий вилоятларини мустаҳкамлаш мақсадида Асвондан тортиб то Филагача девор қуришга мажбур бўлди.

Фиръавн Снофру ҳам истилочилик сиёсатини юритиши натижасида Синай ярим оролидаги мис конлари батамом Миср тасарруфига ўтди. Унинг бу ғалабаси Води-Мағҳарадаги қояларда сақланиб қолган суратларида акс этган. Бу воқеалар мамлакат учун сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, улар ҳақидаги хотира минг йиллар давомида Миср халқи ёдида сақланиб келмоқда. Жанубдаги урушларда ҳам Снофру муваффақиятга эришиб, унинг «Палермо тошидаги» давлат йилномасида Нубиядан 7 минг асир ва 200 минг қорамол ва қўй-эчки келтирилгани айтилади.

IV сулола фиръавни Хуфунинг ғалаба рельефи сақланиб қолган. Қуйидаги қисқа ёзув бунинг сиёсий маъносини аниқ ифодалаб беради: “Хнум-Хуфу”. Синай ва Нубиядан Мисрга кўплаб қулар келтирилган. III ва IV сулола фиръавнлари қурдирган эҳромлар улар давлати зўр қудратининг ифодасидир”.

Биринчи йирик эҳром Жосер томонидан узун зинапоясимон шаклида қурилган, унинг баландлиги 60 метр. Бу мақбара атрофида олиб борилган қазилмалар натижасида бу ердан мураккаб меъморлик иншооти топилган. Безатилган устунлар ажойиб ва ўзига хос бўлиб, ўша даврнинг бош меъмори, олий амалдор Имхотебнинг номи ҳам сақланиб қолган. Жосер ҳайкали харобалари ичидан топилган ёзувларда Имхотеб номи кўплаб учрайди. Бутун бир қоядан тарашлаб ясалган улкан сфинкс, Хуфру, Хафра ва Менкавр эҳромлари III ва IV сулола фиръавнларининг қудратини ҳозирги авлодларга ҳам намоён этиб турибди.

V ва VI сулолалар даврида Миср. V сулоланинг дастлабки III фиръавни куёш худоси Ранинг никоҳи натижасида мўъжизона туғилганликлари, бу фиръавнларни куёш худосининг авлоди сифатида сўзсиз подшолик тахтига ўтириш ҳуқуқига эга бўлганликларини ифодалайди. Бу афсона ва шу даврга оид ёзувларнинг асл нусхаси ҳам IV сулола давридаёқ куёш худоси Рага эътиқод кучая бошлаганини кўрсатади. V сулола фиръавнлари даврида Ра Мисрнинг бош давлат худосига айлантирилган. Фиръавнлар “Ра ўғли” деган янги унвон олганлар. Мемфис яқинида V сулола фиръавнлари қурдирган ибодатхона харобалари Рага эътиқод айниқса кучайганини кўрсатади.

V ва VI сулола фиръавнлари ҳам истилочилик сиёсатини давом эттирганлар. Улар Ливия ва Нубияда уруш ҳаракатлари олиб бордилар, бу урушлар оддий халқ елкасига оғир юк бўлиб тушди. Шу даврга оид кўплаб ёзма манбалар бундан далолат беради. VI сулола фиръавнлари Пеги I ва Пеги II даврида Нубияга қарши муваффақиятли урушлар олиб борилган. VI сулола даврида яшаган амалдор мақбарасида Фаластинга қилинган ҳарбий юриш ҳақида маълумотлар сақланиб қолган.

Қадимги Миср тарихига доир бу маълумотлар уруғчилик тузуми тугаб синфий жамият таркиб топа бошлаганини, урушларнинг босқинчилик моҳиятини жонли равишда ифодалайди.

Давлат ҳокимияти. Босқинчилик сиёсати қулдорлар ва йирик зодагонлар янада бойиши ҳамда кучайишига олиб келди. Ижтимоий зиддиятлар оғирлашди. Шу билан

бирга идора ишлари марказлашиб, нуфузли амалдорлар кўпайди, подшо ва унинг ҳокимиятини илоҳийлаштиришга қаратилган пухта ишланган мафкура ёрдамида фиръавнлар мавқеи мустаҳкамланди.

Давлат ҳокимияти номарх ва амалдорлар орқали доим суғориш тармоқларини назорат қилиб турган. Молия-солиқ маҳкамаси иши жонланди. 1 сулола давридаёқ мамлакатдаги мавжуд ер-сув, чорва моллари, одамлар ва олтин ҳисобга олиб турилди, шу маълумотларга асосланиб, солиқлар белгиланган. Солиқлар солиқ амалдорлари ва хазиначилар бошқармаси ёрдамида мунтазам равишда аҳолидан ундирилиб турилган ва подшо хазинасига келиб тушган. Суд идоралари ривож топиб, қадимги жамоа судлари ўрнини подшо судлари, подшо ҳакамлари эгаллади. Хакам вазифасини кўп ҳолларда маҳаллий ҳокимлар-номархлар адо этган. “Олтита уруғ уй” номи билан машҳур бўлган олий суд пойтахтда жойлашган. Олий ҳакам мамлакатни идора қилишда биринчи ёрдамчи бўлиб, буни ўша давр ёзувлари ҳам тасдиқлайди.

Қадимги Подшолик замонидаги ёзувлар махсус ҳарбий маҳкаманинг тузилиши ва фаолиятига оид ўзига хос хусусиятларни тасаввур қилиш имконини беради. Мамлакатнинг ҳарбий кучларига қўмондонлик қилиш фиръавн оиласига қарашли кишилардан бирига топширилган. Кўп ҳолларда бу лавозимни шахзодалар эгаллаганлар.

Барча амалдорлар бошида давлатнинг идорасидаги, фиръавннинг биринчи ёрдамчиси бўлган олий амалдор турган: маъмурий, ҳарбий ва суд ҳокимият унинг қўлида бўлган. Одатда бу олий мансабни фиръавннинг ўғли эгаллаган. Давлат ҳокимияти Мисрнинг марказлашган тизимига ёрдам берган. Бу даврда фиръавнлар ҳокимияти илоҳийлаштирилган. Илоҳийлаштириш мафкураси тантанали маросимлар, урф-одатлар ва байрамлар воситасида режали равишда амалга оширилган. Фиръавн ҳаёт пайтидаёқ худо образида тасвирланган.

Бу даврдаги афсоналарда фиръавннинг куёш худоси ва дунёвий аёл хотин ўртасидаги ғайритабиий никоҳ натижасида мўъжизакор дунёга келиши ҳақида ҳикоя қилинади. Худолар ҳимоя қилиб турган фиръавн образи яратилиб, баъзан фиръавн сфинкс сифатида ҳам тасвирланган.

Мисрнинг номларга бўлиниб кетиши. Қадимги Подшолик даврининг охирларига келиб айрим номларда ҳукмдор номархлар бутун ҳокимиятни қўлларига олиб, мустақил сиёсат юрита бошладилар. Номархлар фиръавн ҳокимияти васийлигидан чиқа бошладилар. Буларнинг бари фиръавн ҳокимиятининг заифлашиши ва марказлашган тизимнинг йўқола боришига сабаб бўлган.

Марказ кучсизланиши ва номархларнинг кучайиши пировард натижада Мисрнинг номларга бўлиниб кетишига олиб келди. Номларда коҳинлар жуда катта куч эътиборга эга бўлиб, ҳар бир номнинг ўз худолари бўлиб, шу йўл билан коҳинлар фиръавнга қарши сиёсат юритганлар. Жойларда фиръавнни илоҳийлаштиришга қарши чиқиб, улар маҳаллий худолар образини иложи борица юксалтиришган. Бу интилишга маҳаллий номархлар ҳам қаршилиқ қилмаганлар, чунки марказий ҳокимиятнинг заифлашуви уларнинг манфаатларига хизмат қилар эди. Коҳинлар катта ҳуқуқларга эга бўлиб, маблағларни марказга юбормай қўйиш билан марказий ҳокимиятга иқтисодий жихатдан ҳам салбий таъсир кўрсатдилар.

Қадимги Подшолик даврининг охирларида марказий ҳокимиятнинг кучсизланиши ва ягона Миср давлатининг емирилиши кескин синфий кураш остида кечди. Мамлакатда бирин -кетин ғалаёнлар бошланди. Иқтисодий ва сиёсий соҳада марказий ҳокимиятнинг инқирози натижасида Қадимги Миср подшолиги парчаланиб кетди.

Таянч иборалар

**Навсера, Хетеп - Хорес, Кебен, жажат, кенбет, иунтиуни, “Олтита уруғ уй”,
мағхара қоялари, «Палермо тоши», «Ра ўғли»**

Саволлар:

- 1. Мисрнинг номларга бўлиниб кетиши сабаблари ва оқибатлари**
- 2. Эҳромлар қурилиши тарихидаги муаммолар**

4. Миср ўрта подшолик даврида (милоддан аввалги 2250 -1750 йиллар)

Мисрнинг алоҳида номларга – кичик давлатларга бўлиниб кетиши марказлашган давлатни инкироз ёқасига келтириб қўйди. Марказлашган кучли ҳарбий ҳокимиятнинг йўқ бўлиб кетиши натижасида истилочилик сиёсати ва ташқи савдо ҳам тўхтаб қолди. Ягона давлат тушкунликка юз тутган шароитда суғориш тизими ҳам секин - аста вайрон бўлиб, ишдан чиқа бошлади, бу ҳол эса кишлоқ хўжалигининг ривожланишига тўсқинлик қилди. Хўжаликнинг вайрон бўлиши, очарчилик ҳамда синфий зиддиятлар кескинлашуви халқ қўзғолонларига сабаб бўлди.

Марказлашган давлатнинг инкирозга учраб, парчаланишидан ғарбдаги қўшни ливиялик қабилалар ва шарқдаги кўчманчилар фойдаландилар. Улар Мисрга бостириб кириб, унинг бойликларини талон тарош қилди. Қадимги подшоликнинг марказий шахри – Мемфис ҳам инкирозга юз тутди. Унда ҳукмронлик қилаётган VIII –сулола вакиллари мамлакатни бирлаштиришнинг уйдасидан чиқа олмадилар. Юқоридаги сабаблар мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан қайтадан бирлаштирилишини тақозо қилиб, шу билан бирга Мисрнинг кучли вилоятлари ўртасида давлатнинг бирлигини тиклаш учун кураш бошланди. Бунда икки йирик бирлаштирувчи марказ сифатида шимолда Гелиополь, жанубда Фива майдонга чиқди.

Мисрни бирлаштириш учун Гелиополь билан Фива ўртасидаги кураш. Бу шаҳарлар географик жиҳатдан қулай ерга жойлашганлиги учун ҳам, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Мисрдаги сиёсий ва иқтисодий воқеалар мамлакатни қайта тиклаш заруратини юзага келтирди. Мисрни қайтадан бирлаштириш учун ҳам шимолда, ҳам жанубда кураш бошланди. Гелиополь билан Фива Мисрда устун келиш ва унга ҳукмронлик қилиш учун милоддан аввалги III минг йиллик ўрталарида кураш бошлаб, эртами - кечми ўзаро тўқнашиши муқаррар эди.

Дастлаб сиёсий курашни Гелиополь бошлаб берди. Миср бўлиниб бораётган даврда марказий ҳокимият заифлашган сари Гелиополь ҳокимлари кучайиб, улар бутун Мисрни ўз таъсирига олишга ва уни ўз қўл остиларида бирлаштиришга интилдилар. Хети-Мери-иб-Ра Мисрни қайтадан бирлаштириб, Миср фиръавнларининг Гелиополь (умумий ҳисобда тўққизинчи) сулоласига асос солган Хети 1 (Ахтой) Мисрни бирлаштирибгина қолмасдан, балки Қадимги Подшолик фиръавнларининг истилочилик сиёсатини тиклашга ҳам уринди. Гелиополь подшолари шимолдаги номларни бирлаштириб, ливияликларни ва Осиё кўчманчиларини мамлакатдан суриб чиқардилар. Улар ўзларини Юқори ва Қуйи Миср ҳукмдорлари деб эълон қилдилар. Бироқ IX-X сулола вакиллари бўлмиш Гелиополь подшолари ҳокимияти мустаҳкам эмас эди. Мамлакат ичида кучли синфий кураш бориб, камбағаллар бойларга қарши бош кўтарган эди.

Жанубий Мисрнинг асосий шаҳарларидан бири Фива ҳам жўғрофий жиҳатдан қулай ерда жойлашган эди. Муайян вақт Гелиополь билан Фива ўртасидаги курашда гоҳ у тараф, гоҳ бу тарафнинг ғолиб келиб, қўли баландлигига қарамай охир-оқибат Фива

устунлик қилди. Кучли Фива ҳокимлари Нубиянинг моддий бойлиги ва ишчи кучидан фойдаланиб, жанубий Мисрни ўз атрофларига бирлаштиришга муваффақ бўлдилар. Бу курашда Фива подшоси Ментухатеп узил - кесил ғалаба қозониб, ягона Миср давлатини қайтадан тиклади. Ментухатеп Миср фиръавнларининг XI- сулоласига асос солган. Шу тариқа милoddан аввалги 2250 йилдан 1750 йилгача давом этган умуммамлакат миқёсидаги Ўрта Подшоликка асос солиниб, бу даврда 11, 12 ва 13 - сулола намояндалари подшолик қилдилар. Мазкур давр давлатнинг ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнаган даври бўлди.

Ўрта подшолик даврида хўжалик ва ички ҳаёт. Мисрда 11 ва 12 сулола фиръавнлари даврда яна қайтадан қудратли, марказлашган давлат вужудга келди. Бу давлат Шимоли- Шарқий Африкада ҳукмрон бўлишга ва қўшни мамлакатларга ўз таъсирини кучайтиришга интилди. Топилган ёзув ва ёдгорликлар ўша даврда мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари анча ўсганлигини, хўжаликнинг турли тармоқлари ҳар томонлама ривожланганлигидан далолат беради. Аграр мамлакат бўлган Мисрда қишлоқ хўжалиги жиддий ўрин тутиб, у даставвал, ишлов бериладиган ерлар кенгайтирилишини, ҳамда суғориш иншоотларининг мукаммал бўлишини талаб қилган. Шунинг учун ҳам давлат ҳокимияти бу соҳада бир қатор тадбирларни амалга ошириши керак эди. Бу замонда ҳам Қадимги Подшолик давридаги каби, суғориш иншоотларини қуриш ва янги ерлар очишга катта эътибор берилган. 12 сулоланинг қудратли фиръавнлари замонда Миср яна катта ва кучли давлат бўлиб бирлашганидан сўнг, хусусан, Аменемхет III даврига келиб сунъий суғориш тармоқлари анча кенгайтирилган ва мукаммаллаштирилган. Ўрта Подшолик даврида Фаюм воҳасида айниқса ирригация соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Бу воҳада Юнонлар Марида кўли деб атаган ва алоҳида канал воситаси билан Нилга туташтирилган катта сув омбори мавжуд бўлган. Ирригация соҳасида олиб борилган бу ишлар натижасида Фаюм воҳасида деҳқончилик ривож топди. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги равнақ топиши оқибатида Миср гуллаб яшнаган.

Қишлоқ хўжалиги ривожланиши билан бирга ҳунармандчилик ҳам бирмунча тараққий этди. Бронза ихтиро этилиши натижасида меҳнат қуроллари янада такомиллашди. Шунингдек, заргарлик ва тўқимачилик соҳасида ҳам бир талай ютуқларга эришилган. Ёғочсозликда ҳам хилма - хил қурол - асбоблар ишлатилган; бу ҳунарнинг ўсиши эса кемасозликнинг ривожланиб бориши билан чамбарчас боғлиқ. Ниҳоят, бу даврда қуруқликдаги транспорт билан кемачилик тараққий этганлиги, шаҳарларнинг ўсиши, ташқи ва ички савдонинг кенгайиши бутун хўжаликнинг гуллаб - яшнаганлигидан гувоҳлик беради. Нубия ва Сурияга йирик савдо экспедициялари уюштирилган. Синай мис конлари ва Нубиянинг олтин конларидан кенг фойдаланилган. Мисрга ёндош ерлар, жумладан воҳаларига мисрликлар кўчиб бориб, ўтроқ бўлиб яшаб қолганлар. Миср иқтисодининг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган савдо йўллари қурилган. Масалан, шундай йўлларнинг бири Нил водийсини Қизил денгиз қирғоқлари (Водий - Ҳаммамат) билан бирлаштирувчи йўлдир. 11 ва 12 сулола фиръавнлари даврида қурилиш ишлари ҳам кенг кўламда олиб борилган. Фивада Амон худосига атаб дастлабки йирик ибодатхона қурилган. Дайрал - Баҳрида аввалги пирамида шаклини ўзида сақлаб қолган ўзига хос ибодатхона бунёд қилинган. Антик тарихчиларнинг асарларида бу ерда қурилиб, кейинчалик Лабиринт номини олган мухташам бино тилга олинади. Мамлакатнинг ўзига хос диний ва маъмурий маркази бўлган бу бино то сўнгги вақтларгача сақланиб келган ва юнон тарихчиси Страбон томонидан таърифланган эди. Воҳанинг атрофида эса чорвачилик кенг ривож топган.

Савдо-сотикнинг ривожланиши. Ўрта Подшолик даврида мамлакатда ички савдо-сотик ривожланиши билан бир қаторда, ташқи савдо алоқалари ҳам тараққий этди. Миср шимоли- шарқда Финикия, Фаластин, Икки дарё оралиғи ва Кичик Осиё билан савдо алоқаларини олиб борди. У томонлардан Мисрга қора ёғоч, кўрғошин, кумуш, қимматбаҳо тошлар, Критдан эса денгиз кемаларида мис келтирилар эди.

Миср савдогарлари жанубда Нубия ва Пунт ўлкасигача бориб етганлар. Улар у ердан олтин, фил суяги ва бошқа қимматбаҳо буюмлар олиб келиб, савдо- сотик сув йўли - Нил дарёси ва Қизил денгиз орқали олиб борилган. Ички ва ташқи савдонинг катта қисми куруқликдаги йўллар орқали амалга оширилган. Миср чет ўлкаларга ҳунармандчилик маҳсулотларини чиқарган. Фаюм воҳасида мухташам шаҳар Иттаун қурилиб, фиръавнлар ўз қароргоҳларини ўша ерга кўчирганлар.

Ўрта Подшолик замонида ўтган Миср фиръавнларидан қолган ёзувларда Нубияни ва Жанубий Сурия вилоятларини босиб олиш мақсадидаги кўплаб ҳарбий юришлар тилга олинади. Ушбу давр фиръавнлари айниқса олтинга бой Нубияни босиб олишга интилганлар. Натижада Миср кўшинлари Нубия, Ўрта денгизнинг шарқий соҳилидаги Финикия, Фаластин ва Фрот соҳилларигача кириб бордилар. Мазкур ерлар Мисрга бўйсундирилиб, минглаб асир, чорва моллари ва беҳисоб бойликлар қўлга киритилди.

Шундай қилиб, 12 сулола фиръавнлари даврида Миср Яқин Шарқдаги энг қудратли давлатга айланди.

Камбағаллар ва қуллар қўзғолонлари. Мисрда камбағаллар ва қуллар кўтарган қўзғолонлар ҳақида бизга турли манбалардан маълум. Олағовур йилларда шаҳарларда тез-тез қўзғолонлар кўтарилиб, уларда қуйи табақа аҳолиси иштирок этган. Шаҳарда кўтарилган қўзғолонлар ҳақида ўша замон адабий ёдгорликларида айтиб ўтилади. Масалан, папирус ёзувлардан бирида қўзғолондан “хароб бўлган” бир шаҳар тўғрисида сўз боради.

Фиръавнлар, коҳинлар, амалдорлар ва маҳаллий номларнинг бойлиги, обрўйи, оддий халқ ва қуллар меҳнати ҳисобига ошиб борган. Мамлакатдаги ички низолар ва фиръавнларнинг босқинчилик сиёсати халқ оммаси ва қуллар аҳволининг ёмонлашувига олиб келди. 13 -сулола фиръавнлари подшолиги даврида Мисрда ўзаро урушлар бошланиб, давлат тушкунлик босқичини бошидан кечирди. Бу даврда ўнлаб подшолар алмашганига қарамай, улар мамлакатдаги кескин вазиятни ўнглай олмадилар. Миср таназзулидан яқин-атрофда яшайдиган қабилалар фойдаланишга интилди. Натижада Жанубий Фаластин, Шимолий Арабистон ва Синай қабилалари, хусусан, гиксослар шарқдан ҳужум қилиб, дельтанинг шарқий қисмини эгаллаб олдилар. 13- сулола подшолари эса уларга қаршилик кўрсата олмай қолди. Худди ана шу даврда фиръавн, номлар ва маҳаллий амалдорлар жабр-зулмидан безган халқ мавжуд тузумга қарши бош кўтарди. Бу қўзғолон милоддан аввалги 1750 йилда содир бўлиб, унда оддий халқ билан бирга қуллар ҳам фаол иштирок этганлар.

Мисрдаги бу воқеалар ўша даврга оид икки асарда: “Ипусер насиҳатномаси” (344 - сонли Лейден папируси матни) ва Санкт - Петербургдаги Эрмитажда сақланаётган “Ноферреху насиҳатномаси” да ўзининг ёрқин ифодасини топган. “Ипусер насиҳатномаси” асарининг муаллифи йирик мансабдор киши бўлиб, у халқ оммасининг ҳаракатига нафрат ва салбий назар билан қараган. Ипусердаги маълумотларга қараганда камбағал ва қуллар зодагон ва аёнларга қарши бош кўтарганлар. Қуйида ундан бир парча келтирилган: “Насл- насаби бўлмаган кишилар энди зодагонлардан фарқ қилмайдилар. Ҳокимларнинг болалари қўзғолончилар қўлига асир тушган. Уларни уриб калтаклаганлар ва бошларини деворга уриб мажақлаганлар. Подшо ва бадавлат

кишиларнинг мол -мулклари батамом тақсимланган. Ер ҳайдашга ҳўкизи ва омочи бўлмаган деҳқон эндиликда бутун бир подага, бошпанаси бўлмаган кишилар ҳашаматли турар жойларга эга бўлганлар. Битта қайиғи бўлмаган кишилар бутун бир кемалар флотига эгалик қилганлар. Бир вақтлар башанг кийинган кишилар эндиликда жулдур кийимда юрадиган бўлган. Чўрилар бўйинларига олтин, кумуш ва асл тошлардан ишланган зеб - зийнат буюмларини тақиб олганлар, зодагон аёллар эса оч юрганлар. Қўзғолончилар суд идораси ва маҳкамаларга бостириб кириб, унда сақланаётган ҳужжатлар, солиқ рўйхатларини кўчаларга улоқтириб ташлаганлар, майда - майда қилиб йиртиб ташлаганлар. Улар подшо саройига ҳужум қилиб, унинг ўзини тутиб олиб ҳайдаб юборганлар. Мамлакат бошлиқлари қочиб жон сақлаганлар, амалдорлар эса ўлдирилган. Куллар кулдорларга айланган. Бу бахтсизлик қалбимни тилка – пора қилмоқда. Оҳ, бу замоннинг азоб – уқубатлари мен учун нақадар қайғули”. Ипусер қўзғолоннинг қанча вақт давом этгани ва қандай бостирилгани ҳақида маълумот келтирмаган. Ипусер қўзғолонни тасвирлар экан, шундай дейди, - “Мансаблар энди йўқ. Одамлар чўпонсиз, ҳуркиган подага ўхшайди.”

Дарҳақиқат, бу қўзғолон Қадимги Миср тарихидаги энг даҳшатли қўзғолон бўлди. Бу қўзғолон Мисрдаги кулдорлик тузуми ва кулдорлик давлатининг асосларини ларзага солган бўлса ҳам, тарихий жараён тараққиётини тубдан ўзгартириб юбора олмади. Қўзғолон кўтарган меҳнаткаш омма ҳамжиҳат бўлмаган ҳамда ўз олдидаги турган вазифаларни англамаган ва англай олмасди ҳам.

Гиксосларнинг Мисрга бостириб кириши. Мисрдаги бу воқеалар Синай, Арабистон ярим ороли ва Фаластин жанубида яшаган жанговор гиксос қабиалари эътиборини тортди. Ўрта Подшолик даври сўнггида яъни милoddан аввалги XVIII асрда “гиксос” деб аталган осийлик қабиалар Мисрга бостириб кирган; кейинроқ пайдо бўлган ва антик дунё муаллифларининг асарларида сақланиб қолган тарихий маълумотларда қабила номи бўлмиш “гиксос” сўзи чўл мамлакатларининг “ҳукмдорлари” (“хекау хасут”) деган мисрча сўзнинг бузиб айтилиши, деб таърифланади. Милoddан аввалги XVIII асрнинг иккинчи ярмида улар ўзларининг от қўшилган жанговар араваларида Шимолий Мисрга бостириб кириб, уни эгаллаганлар. Улар дельтада Аварис (“Хат - уарит” - мисрча, чўллар ва ажнабий мамлакатлар худоси Сэтуга бағишланган шаҳар) шаҳрини қуриб, уни ўзларининг пойтахтига айлантирдилар ва юз йилдан ортиқ давр мобайнида Мисрда ҳукмронлик қилишган.

Гиксос ҳукмдорлари 15-16 сулола намояндалари эдилар. Улар шимолда Миср, Фаластин, Синай ярим ороли, Арабистоннинг шимолий қисми устидан ҳукмронлик қилганлар, аммо Мисрнинг жанубий вилоятларида Фива ҳукмрон бўлиб қолаверди.

Подшо Хиан даврида гиксослар салтанати ўзининг энг юксак тараққиёт даражасига эришди. Подшо Хиан исмининг юнон талаффузи сақланиб қолган бўлиб, греклар уни Ианнас деб атаганлар. Хиандан қолган жуда кўп муҳрларда унинг “чет мамлакатлар подшоси”, “эзгу подшо”, “эзгу худо” каби унвонлари сақланиб қолган бўлиб, булар четдан кирган унвонларнинг аста - секин Миср фиръавнларида расм бўлган унвонлар билан алмашиб борилганини кўрсатиш мумкин. Унинг вафотидан сўнг Мисрда мустақиллик учун кураш бошланди. Хусусан, жанубий номлар Фива атрофида қайтадан бирлашиб, мамлакатни гиксослардан озод қилиш учун курашга отланди. Бу кураш мамлакат бўйлаб кенг ёйилди ва у Мисрда янги салтанат вужудга келиши учун замин ҳозирлади.

Таянч иборалар

«Ипусер насихатномаси», Ҳаммамат, папирус, гиксослар, лабиринт, номлар

Саволлар

1. Ўрта подшолик даврида Миср хўжалиги тараққиётининг асосий омиллари нималардан иборат?

2. Қадимги Мисрда Ўрта подшоликнинг инқирозга учраш сабаблари қандай эди?

5. Янги подшолик давридаги Миср (милoddан аввалги 1580 -1125 йиллар)

Гиксосларнинг Мисрдан ҳайдаб чиқарилиши. Гиксос подшолари Мисрда тахминан милoddан аввалги XVII асрдан то 1580 йилгача ҳукмронлик қилганлар. Чет элликларнинг ҳукмронлик қилиши мустақил Миср давлатини тиклашга интилган ерли аҳолининг кўзғолон кўтаришига сабаб бўлди. Бундан аввалги даврда бўлгани каби, мамлакатни бирлаштириш учун кураш Юқори Мисрдан бошланган, чунки мамлакатнинг бу қисми доимо ўзининг мустақиллигини бир қадар сақлаб келган. Гиксосларга қарши кураш Фива подшоси Камесу вақтида кучайиб, бегоналар ҳукмронлигига қарши озодлик урушига айланиб кетди.

Камесудан кейинги Фива подшоларидан бири Яхмос I гиксослар устидан узил - кесил ғалаба қозонган, у XVIII Фива сулоласига асос солган подшо деб ҳисобланади. Яхмос I нинг ҳарбий фаолияти бизга унинг катта мансабдорларидан бири Яхмос Иабана ўғлининг бизнинг замонамизча сақланган таржимаи ҳолидан маълум. Бу тарихий ҳужжатда Яхмос I нинг чет элликлар билан олиб борган уруши даврларга бўлиб таърифланган. Қуруқлик ва сувдаги бўлган бир неча жангдан кейин Миср қўшинлари гиксосларнинг дельтадаги асосий таянч пункти Аварис шахрини қамал қилдилар. Гиксосларнинг қаттиқ қаршилиқ кўрсатишига қарамай, мисрликлар уларнинг қўшинларини тор- мор қилиб, Мисрдан ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Миср қўшинлари гиксосларни таъқиб эътиб, Осиёга ҳам кириб бориб, гиксосларнинг Олд Осиёдаги ҳокимият марказларини эгаллаб олишга интилдилар.

Мисрнинг чет элликлар зулмидан озод қилиниши, мамлакатнинг Фива подшолари қўл остида бирлаштирилиши, яхлит ва мустақил давлатнинг тикланиши Миср фиръавнларининг ўзларидан аввалги подшолар юритган истилочилик сиёсатини қайтадан тиклашгана эмас, балки бу сиёсатни яна кенгайтиришга ҳам имкон берди. Яхмос I бу сиёсатни тиклаб, Мисрдан ташқарида, Олд Осиёда гиксослар устидан ғалабаларга эришган. Ўша вақтдан қолган ёзувларга қараганда, Миср қўшинлари то Финикия ва Сурия вилоятларигача кириб борганлар. Яхмос I айниқса Нубияда, катта муваффақият қозонган. У Нубиянинг илгари Миср подшолари қўл остида бўлган вилоятларини яна қайтадан истило қилган.

Мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсиши. Янги Подшолик давридаги мақбараларнинг деворларида сақланиб қолган тасвирлар Мисрда хўжалик ҳаётининг янада тараққий этганлигини кўрсатади. Номларда қишлоқ хўжалиги, шунингдек ҳунармандчилик ҳам ривож топган. Ишлаб чиқариш борган сари ихтисослашиб, тобора бир ерда жойлашиб борган. Амалдор Хаемхет мақбарасининг деворларида деҳқончилик ишлари, манзаралари, чунончи, омоч билан ер ҳайдаш, сўка билан ер ағдариш ва болға билан ер юмшатиш тасвирланган; бу ишларнинг барини бирваракай 20 киши бажараётгани кўрсатилган. Деҳқончиликда ишлатиладиган меҳнат қуроллари бу даврда ҳали ўзининг ибтидоий характерини сақлаб қолаверган эди. Бунинг сабаби эса иш кучи арзонлиги, қулдорлар қулларни такомиллашган меҳнат қуроллари билан таъминлашни истамаганлиги ва ниҳоят ернинг серунумлигида. Аммо 17 сулола замонидан бошлаб

техника соҳасида бир қадар силжиш кўзга ташланди, жумладан, деҳқончилик қуроллари бирмунча мукаммалашди.

Шу билан бирга ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш ҳам ривож топа борди. Фива мақбараларининг деворларидаги тасвирлар ва уларга оид ёзувлар ҳунармандчиликнинг ривожланганини кўрсатади. У даврда катта ибодатхоналарга қарашли ва замонаси учун йирик ҳунармандчилик устахоналари кўп эди. Нофер Ронпет мақбараси деворларида (19 сулола даври) Амон ибодатхонасининг 20 дан ортиқ киши ишлаётган устахонаси тасвирланган. Айниқса вазир Рехмер мақбараси деворларида сақланган тасвирлар муҳимдир. Бунда Фивадаги Амон ибодатхонасига қарашли йирик ҳунармандлик хўжалиги, устахоналар тасвирланганини кўрамиз. Бу каби катта устахоналарда 150 тагача ҳунарманд: темирчи, ёғочсоз, кўнчи, бинокор, ҳайкалтарош каби ҳунармандлар ишлаган. Бу ҳунармандлар орасида чет эллик қуллар ҳам бўлган. Бунга Рехмер мақбарасидаги тасвирлар ва ёзувлардан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Тутмос III подшолик қилган даврда вазир, пойтахт бошлиғи ва олий ҳакам мансабларини эгаллаган бу олий амалдор айна пайтда “Амон ибодатхонаси бошлиғи” ҳамда “Амоннинг Фивадаги барча ишлари мудир” вазифасини ҳам адо этган. Шунинг учун Амон ибодатхонасидаги барча устахоналар унга бўйсунган ва шу сабабдан бу устахоналар унинг мақбараси деворларида жуда батафсил тасвир этилган.

Бутун ишлаб чиқариш соҳалари ичида темирчилик энг катта аҳамиятга эга бўлган; темирчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши техникада ҳам, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида ҳам улкан ўзгариш ясади. Меҳнат қуроллари ва қурол - яроғ тайёрлашда темирчилик алоҳида аҳамиятга эга эди. Металлдан ясалган меҳнат қуроллари ва қурол - яроғлар аста-секин тош қуролларини сиқиб чиқариб, бу ҳол бир мунча юксалишга сабаб бўлган. Бу соҳада айниқса XVIII сулола даврида тараққиётга эришилиб, ундан олдин пайдо бўлган бронза бу вақтга келиб Мисрда жуда кенг тарқалиб, мис ва мис буюмларни сиқиб чиқара борган. XVIII сулола замонида металлургия техникасининг эски усуллари такомиллаштирилган. Булар ичида тоблаш ва қуйиш айниқса кенг ўрин олган бўлиб, улар Фива мақбаралари деворларида жуда яхши тасвир этилган.

Савдо. Мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ички ва ташқи савдонинг тараққиётига сабаб бўлди. Янги Подшолик даврида Мисрнинг қўшни давлатлар билан бўлган савдо алоқалари кенгайиб борди. Суриянинг айрим вилоятлари билан савдо-сотик ишлари тараққий этиб, мисрликлар у ердан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари - дон, шароб, асал ҳамда чорва моллари олиб келганлар. Ливан вилоятларидан эса кўплаб бинокорлик ишлари учун ёғоч маҳсулотлари келтирилган. Ниҳоят, мисрликлар Суриянинг йирик шаҳарларидан зебу – зийнатлар келтирганлар. У Сурия орқали узокроқ мамлакатлар—Хетт давлати, Эгей денгизи ороллари ва Месопотамиядан ҳам кўплаб моллар келтирган. Сурия билан савдо -сотик ишлари ҳам қуруқликдаги йўллар, ҳам сув йўллари орқали олиб борилган. Бу даврда мисрликлар денгиз флотига эга бўлиб, улар молларни Суриядан елканли кемаларда олиб келардилар. Мисрнинг бу мамлакат билан савдо сотик юритишида муҳим таянч пунктларидан бири Бобил шаҳри эди.

Бу даврда мисрликлар бир қатор янги мамлакатлар, чунончи, Кипр, Кичик Осиё ва Месопотамияга савдо экспедициялари ва истилочилик ниятида қўшин юборганлар. Бу вақтга келиб Синайдаги мис конлари заҳираси деярли тугаб қолганлиги сабабли, мисрликлар ўзларига зарур миснинг янги манбаларини қидиришга мажбур эдилар. Янги Подшолик даврида айниқса Кипр оролидан кўп мис келтирилган эди.

Бу даврда Мисрга Кичик Осиёдан, хусусан, унинг хеттлар яшаган шарқий вилоятларидан темир келтирилган. Темир ўша даврда Миср учун нодир металл ҳисобланган. XVIII сулола фиръавни Тутанхамон мақбарасидан атиги бир неча дона темир буюм топилган. Миср савдоси яна шимоли-шарққа, Месопотамия вилоятлари томон ривож топа борди. Икки дарё оралигининг шимоли-ғарбида жойлашган Митанни давлатидан бронза, ложувард, газмол, кийим-кечак, ёғ, жанг аравалари, отлар ва куллар келтирилса, Бобилдан ҳам кумуш, ёғочдан ясаиб олтин ва фил суяги билан безатилган қимматбаҳо буюмлар олиб келинган. Миср билан Оссурия ўртасида ҳам савдо алоқалари ўрнатилган. Ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда, мисрликлар Оссуриядан жанг аравалари, отлар ва ложувард келтирганлар.

Янги Подшолик даврига хос хусусиятлар. Янги Подшолик даврида давлатни идора қилишнинг мураккаб аппарати таркиб топди. Марказлаштирилган идора тизими тобора кучайиб борди. Мамлакат Шимолий ва Жанубий Мисрни ўз ичига олган иккита катта маъмурий вилоятга бўлинди: вилоятга фиръавннинг махсус ҳокими тайинланиб, бу идора қилиш ишини янада марказлаштириш имконини берди. Номларни идора қилиш иши тўлиқ подшо амалдорлари қўлига ўтди.

Ҳар бир ўлка бошида махсус амалдор туриб, унинг мирзаси ва алоҳида девони бўлган. Давлатнинг биринчи ва олий амалдори бўлган вазирга подшо томонидан фармон топшириларди. Янги Подшолик давридаги Миср давлатининг алоҳида хусусияти - у ҳарбий соҳага, йўналишга ихтисослашган давлат бўлган. Бир неча асрлар давомида фиръавнлар томонидан олиб борилган истилочилик сиёсати давлатни идора қилиш тизимига таъсир кўрсатмай қолмади, албатта.

Давлат аппарати ҳарбий сиёсат манфаатларига мослаштирилган. XVIII сулола ҳокимиятининг охирида Миср қўшини иккита қисмга бўлиниб: бир қисми - жанубда, иккинчиси – шимолда жойлашган эди. XIX сулола даврида эса қўшин ва ҳарбий қисмлар бир неча бўлимлардан иборат бўлган. Ҳарбий қисмларга ўша даврдаги бош худолар исмлари берилган.

Миср ҳарбий қўшини мунтазам ўзгариб борган. Аввалига у асосан эркин жамоалардан йиғилган янги аскарлардан тузилар эди Аммо бу даврда Нубия ва Ливиянинг бўйсундирилган қабилаларидан, шунингдек, ўша вақтда Мисрга хужум қилиб турган “денгиз халқлари” дан ёлланган аскарларнинг аҳамияти кўпайган. Улар сон жиҳатидан ҳам тобора кўпайиб, аста-секин туб Миср қўшинининг заифлашувига олиб келди. Миср давлатининг ҳарбий қудратига путур етганлиги сабабларидан бири ҳам ана шу.

XVIII, XIX ва XX сулола фиръавнлари ҳукмронлик қилган даврни ўз ичига олган Янги Подшолик даврида (милоддан аввалги XVI - XI асрлар) Мисрда хўжалик ҳаёти янада тараққий этиб борди. XVIII сулола давридан эътиборан техника соҳасида бирқадар тараққиёт кўрина бошлайди, жумладан бронза бу пайтга келиб Мисрда кенг тарқалган ва мис ҳамда мис буюмларни секин-аста сиқиб чиқара борган. Металлургия техникасининг эски усуллари такомиллаштирилган, булар ичида тоблаш ва эритиш кенг ўрин олган.

XVIII сулола давридаги ҳунармандчилик тўғрисида Карнакдаги Тутмос III ибодатхонасидан чиққан ва шу подшонинг номи ёзилган болта, пойтеша ва кесиш асбоблари аниқ тасаввур беради. “Олти қисмдан иборат бронза” махсус ибораси ишлатилганлиги турли қотишмалар тайёрлаш усулининг анча тараққий этганлигидан далолат беради. Шу билан бирга заргарлик ишлари ҳам анча раванқ топиб, бунга ҳукмдор кулдор зодагонларининг ҳийла бойиб кетиши сабаб бўлган. XVIII сулола замонида олтинга ишлов беришнинг тамоман янги усули пайдо бўлди. Жумладан,

олтиндан ўта нозик симлар, ундан жуда нафис занжирлар ясалган, (Фиръавн Тутанхамон мақбараси).

У даврда кўпроқ катта ибодатхоналарга қарашли ва ўз замонаси учун йирик ҳунармандлик ишхоналари бўлган.

Номларда қишлоқ хўжалиги ҳам ривож топган. Амалдор Хаемихетнинг мақбараси деворларида деҳқончилик юмушлари, чунончи, сўқа билан ер юмшатиш тасвирланган; деҳқончилик қуролилари бирқадар мукамаллаштирилган. Масалан, сўқанинг шакли ўзгартирилган, унга кўндаланг қилиб қўйилган ёғочга узунроқ даста бириктирилган.

Натурал хўжалик асосий роль ўйнаганлиги учун, савдо ҳали ҳам мол айирбошлашдан иборат қадимги шаклини сақлаб қолган. Лекин молнинг товар эквиваленти, жумладан, металллар аҳамияти тобора ортиб борган ва аста-секин оддий шаклдаги металл пулга айланиб борган. Турли молларнинг қийматини белгилаш учун муайян оғирликдаги металл қуймалар - олтин, кумуш ва мис ишлатилган. Шундай қилиб, аста-секин алоҳида ўлчов - пул тизими юзага келди; бу тизимга 91 граммга тенг оғирлик бирлиги, яъни дебен асос қилиб олинди. Дебен ҳам 10 та таркибий бўлакчалардан иборат бўлган.

Истилочилик сиёсати қайта тикланишига кўп даражада мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши сабаб бўлди. Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши, хом ашё ва қулларга бўлган доимий эҳтиёж ва бундан кейин ташқи савдони янада тараққий эттириш зарурати Миср фиръавнлари олиб борган талончилик - босқинчилик урушларининг асосий сабаблари эди.

Шундай қилиб, Миср йирик ва кучли давлатга айланиб, жаҳон тарихида сезиларли ўрин эгаллади. Мамлакат томонидан бу даврда юритилган ҳарбий босқинчилик сиёсати қулдорлик хўжалиги ривожини билан чамбарчас боғлиқ эди.

Мисрликлар энг муҳим хом ашё манбаларини ҳамда қўшни мамлакатларга борадиган савдо йўлларини эгаллаб олишга интилиб, шу туфайли Миср фиръавнлари шимоли – шарққа, Фаластин ва Сурияга, жанубга Нубияга қарши истилочилик урушлари олиб борганлар.

Мисрнинг XVIII сулола фиръавнлари истилочилик сиёсатини кенг қўллаб, шу мақсадда бир неча марта катта юришлар қилганлар. Узоқ давом этган бу урушлар натижасида Сурия босиб олинган. Сурия ерлари шимолда Кичик Осиё чегарасигача, шимоли – шарқда эса то Ф ротнинг катта бурилишигача етиб борган.

Янги Подшолик даврининг дастлабки подшоси Яхмес (Амасис) I гиксослар устидан узил-кесил ғалаба қозонган. Яхмес I XVIII Фива сулоласига асос солган подшо ҳисобланади. Яхмес I нинг ҳарбий фаолияти бизга унинг йирик мансабдорларидан бири - (Яхмес) Иабана ўғлининг замонамизга қадар етиб келган таржимаи ҳолидан маълум. Яхмес I истилочилик сиёсатини тиклаб, мамлакатни Фива подшолари қўли остида бирлаштирди ва бир бутун, мустақил давлатни тиклай олди.

Яхмес I дан кейинги подшолар Фаластин ва Сурияга муттасил босқинчилик юришлари қила бошлаганлар. Айниқса Тутмос III (милоддан аввалги 1525-1491 йиллар) катта истилочилик урушлари олиб бориб, узоқ давом этган подшолиги даврида Сурияга кўп марта қўшин тортган.

Мисрнинг ўша вақтдаги ҳарбий тарихига оид муҳим маълумотлар муфассал ёзиб қолдирилиб, уларнинг кўпи бадиий кўринишга эга эди. Мазкур манбалардан мисрликлар айниқса ўлжалар ичидан “тирик асир” ларга, олтин ва кумуш, отлар ва жанг араваларига ўч бўлганларини билса бўлади.

Тутмос III қаттиқ кураш натижасида муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Сурия, Финикия ва бошқа ерларни эгаллаб, Миср ҳукмронлигини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Тутмос III олиб борган бу истилочилик урушлари Осиёда Миср таъсирини шу қадар кучайтириб юбордики, Бобил, Оссурия ва Хетт каби Осиёнинг бир қанча подшолари Мисрга хирож тўлай бошладилар.

XVIII сулола фиръавнлари ичида сўнгги истилочилардан бири Аменхотеп II (милоддан аввалги 1491-1465 йиллар) эди ва у Сурия, Фаластинга юришлар қилиб, кўплаб олтин, мис, йиқи ва жанг аравалари олиб келган. Бу нарсалар Мисрда жуда қадрланган.

Миср фиръавнлари Нубияни ҳам Нилнинг то тўртинчи остонасига қадар босиб олганлар, шу билан бирга, бу ерда Тутмос III кўпроқ фаоллик кўрсатган. Нубиянинг истило қилиниши мисрликларга жануб мамлакатларининг табиий бойликларидан фойдаланиш имконини берган. Фиръавнлар Нубиянинг олтинга бой ерларидан олтин келтира бошлаганлар ва энг муҳим савдо йўллари кўлга киритиш ва бу бой ҳудудларни ўзларига бўйсундиришга интилдилар.

Миср фиръавнларининг Сурия ва Нубиядаги давомли урушлари мамлакатнинг мадорини қуритди. Шунинг учун ҳам Аменхотеп III (милоддан аввалги 1455-1424 йиллар) ҳукмронлиги даврида катта урушлар бўлмади ва тинчликка асосланган ташқи сиёсат юритилди. Аменхотеп III нинг тинчлик сиёсатини қўллашига кўп жиҳатдан мамлакатда ҳарбийлар миқдори камайиб кетганлиги сабаб бўлган. Миср фиръавнлари энди Мисрнинг Осиёдаги сиёсий таъсирини қурол ва қўшин кучи билан эмас, балки дипломатия ва олтин ёрдамида асрашга мажбур бўлдилар.

Босқинчилик сиёсатидан воз кечиш фиръавн Аменхотеп IV фаолиятида ифодасини топди; у ўз фаолиятида Миср аҳолисининг кенг табақаларига суянган.

Сулоланинг 10 фиръавни – Эхнатон, Аменхотеп III ва малика Тининг ўғли бўлиб, Аменхотеп IV номи билан ҳам машҳур. Аменхотеп IV динни ислоҳ қилиши бу вақтда Миср тарихида рўй берган йирик воқеадир. Бу ислохотни амалга оширишдан мақсад кўп худоларга сиғинишдан иборат қадимги анъанавий дин шаклини ягона қуёш худосига сиғиниш билан алмаштиришдан иборат бўлди. Бу ислохот муайян ижтимоий- иқтисодий сабабларга эга эди.

XVIII сулола фиръавнлари олиб борган истилочилик урушлари бир гуруҳ сарой зодагонларининг бойишига сабаб бўлди. Аммо бу урушлар мамлакатдаги меҳнаткаш аҳолининг ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Ибодатхоналар ва Амон коҳинлари айниқса катта бойлик орттирдилар. Тахт бошига Аменхотеп IV келганидан кейин у Фива коҳинларининг юқори табақаларига қарши кураш бошлади. У бунда Гелиополь ва Мемфис коҳинларига суянишга мажбур эди, чунки бу ерларда қадимдан ягона ва олий қуёш худосига топиниш ривож топиб келган Аменхотеп IV Гелиополь худоси Ра-Горахтага ибодат қилишни худо Амонга сажда қилишга қарама - қарши қўйган. Ўзини бу худонинг бош руҳонийси деб эълон қилиб, Фивада ибодатхона қурдира бошлаган. Бунда янги диннинг асосий белгилари кўриниб турибди. Худо Амонга эътиқод қилиш ва кўп худоларга сиғинишдан иборат қадимги анъана қувғин остига олинган. Худо Амон номи Мисрнинг бошқа худоларининг номи ҳам, ҳатто “худолар” деган сўзнинг ўзи ҳам барча ердан ўчириб, ҳатто Аменхотеп IV шунга бордики, ў ўз отасининг исмини ҳам ёдгорликлардан олдириб ташлади. Аменхотеп IV ягона ва олий худо – қуёш худоси Атонга сиғинишни амр этиб, бу нарса подшонинг ўз номини ўзгартиришида ҳам ўз ифодасини топди. Фиръавн “Эхнатон” деган ном олиб, бу “Атон шуъласи” деган

маънони англатади. Эхнатон ҳозирги Аль-Амарна деган жойда янги пойтахт - “Ахетатон” - “Атон уфқи”ни курдирди.

Агар Мисрнинг илгариги худолари фақат Миср мамлакати ҳамда Миср фиръавнларининг ҳомийси сифатида тасвирланган бўлса, энди янги худо Атон нафақат Миср, балки қўшни мамлакатларнинг ҳам худоси деб эълон қилинган.

Ўз диний ислоҳатини амалга оширишда Эхнатон аҳолининг эркин ўрта табақаларига суянган. У ўзига содиқ янги амалдорлар гуруҳига ҳам таяниб, подшолик даврининг бошидан то охиригача зўр бериб дин соҳасида жиддий ислоҳатларни амалга ошириб борди. Бу сиёсат Фива коҳинлари ва ном ҳокимларининг норозиликсизлигига сабаб бўлди.

Пировардида диний ислоҳат натижа бермади. Эхнатондан кейин тахтга ўтирган Тутанхамон Фива коҳинларига ён бериб, Амонга сажда қилишни қайтадан тиклади ва ҳатто ўз исмини ўзгартириб “Тутанхамон” деб аташга мажбур бўлди. Фива яқинидаги «подшо макбаралари водийси» номини олган водийда 1922 йилда инглиз археологи Говард Картер томонидан топилган Тутанхамон макбарасидан нақшинкор ва гўзал ишланган кўплаб буюм ва расмлар топилган. Улар Фива коҳинлари таъсирида қолган бу ёш подшонинг мурасосозлик сиёсатини жуда равшан ифодалайдилар. Худо Амон билан худо Птанинг тасвирларини қайтадан тикланиши ва уларнинг ибодатхоналари қайтадан бино қилдиргани ана шундан далолат беради.

Шундай қилиб, диний ислоҳатлар даври Фива коҳинларининг тўла ғалабаси билан тугади. Эхнатон бошлаган ислоҳатларни Хoremхeб якунига етказди. Хoremхeб тўрт йил (милoddан аввалги 1342-1338 йиллар) давомида ҳукумронлик қилган. Хoremхeб номархлар уруғидан бўлиб, юқори табақа коҳинлар билан боғлиқ зодагонларнинг вакили эди. Тутанхамон вақтида у юқори ҳарбий лавозимни эгаллаган. Бу даврда унинг сиёсий таъсири анча кучли бўлиб, Фива коҳинлари ёрдамида, давлат тўнтариши қилишга муваффақ бўлган. Ҳокимиятни ўз қўлига олганидан кейин, Хoremхeб ўзини ошкора Фива коҳинларининг тарафдори деб эълон қилди ва шу билан бирга Фива худоси Амонга сиғинишни қайтадан тиклаган.

Хoremхeб ҳарбий сиёсатни тиклаш мақсадида бир неча маъмурий ислоҳатлар ўтказиб, жумладан, солиқ тизимини қайта тузди, ҳамда қўшинни мустаҳкамлашга катта аҳамият берган. Чамаси, Хoremхeб Миср давлатининг истилочилик сиёсатини тўла-тўқис тиклашга журъат қила олмаган. Бу сиёсатни XIX сулола фиръавнлари давом эттирдилар.

Рамзес I (Риа-масэса) Миср қўшинини қайтадан тузиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширди. Катта ҳарбий юришларга Рамзес I дан кейинги фиръавн Сети I қўл урди. У Сурияга йирик қўшин тортиб борган ва Мегиддо текислигига қадар бостириб кириб, муҳим ерларни ишғол қилишга муваффақ бўлган. Миср қўшинлари Сурия қирғоқларига мустаҳкам ўрнашиб олишга эришиб, шубҳасиз, бу ҳол Мисрнинг Осиёдаги таъсирини кучайтирган.

Сети I дан кейин тахтни эгаллаган Рамзес II (милoddан аввалги XIV аср охири – XIII аср бошлари) истилочилик сиёсатини кенгайтириб юборди. Урушдан мақсад Сурия ихтиёрига ўтган илгариги Миср ерларини қайтариб олиш ва мамлакатнинг Осиёдаги аввалги нуфузини тиклаш эди. Рамзес II Мисрнинг Фаластин, Финикия ва Суриядаги аввалги ҳукмдорлик мавқеини тиклаш учун ҳеттларнинг шу мамлакатларда жойлашган асосий ҳарбий кучлари қаршилигини синдириши лозим бўлган.

Гарчи Миср ёзувларида Миср қўшинлари Кадеш ёнидаги жангда (милoddан аввалги 1312 й) ҳеттлар устидан ғалаба қозонди деб айтилишига қарамай, аслида ундай бўлмаса керак. Мисрликларнинг катта талофат кўрганлиги шу нарсадан кўриниб

турибдики, улар биринчи юриш оқибатида на Сурияда, на Фаластинда ўрнашиб қололмаганлар. Сурияга қилинган иккинчи юришда кўп жихатдан ўша вақтда Хетт подшолигида бўлиб турган ғалаёнлар Миср кўшинларининг муваффақият қозонишига сабаб бўлди. Тахт талашув Хетт давлатининг қудратига жиддий путур етказди.

Хетт подшоси Хаттусил милоддан аввалги 1296 йили Рамзес II билан сулҳ тузди. Сулҳ аҳдномасига биноан ҳар икки томон бундан кейин бирор-бири томоннинг ерига тажовуз қилмайдиган бўлиб, ўзаро ҳарбий мудофаа иттифоқи тузилди. Ҳар икки тараф жинойтчиларни жазолашда бир-бирига ёрдам бериш мажбуриятини олди. Аммо манбаларда сақланган матнлар урушдан кейин белгиланган чегаралар хусусида аниқ маълумотлар бермайди. Хеттларнинг ҳужжатларига қараганда, Суриянинг шимолий қисми хеттлар таъсирида бўлган. Мисрликларнинг ёзувларида уруш натижасида Фаластин, Жанубий Финикия ва Жанубий Сурия яна Миср ихтиёрида қолган. Тинчлик аҳдномаси ўзаро фойдали никоҳ муносабатларини ўрнатиш билан мустаҳкамланган.

Рамзес II Мисрда 66 йил подшолик қилди. Ушбу фиръавннинг номи қадимги Миср ёдгорликларида жуда кўп учрайди. Рамзес II дан кейин тахтга ўтирган фиръавнларга Мисрнинг Осиёдаги таъсирини сақлаб қолмоқ учун узоқ ва шиддатли урушлар олиб боришларига тўғри келди. XIX сулоланинг сўнгги даврига келиб Мисрда йирик ғалаёнлар бўлиб, бундан ташқари Миср чегараларини Ливия қабилаларининг ҳужумидан ҳимоя қилишга тўғри келган.

Четдан келган қабилаларнинг доимий ҳуружлари Миср давлатининг таркаб, емирилиб кетишига сабаб бўлди. Бир бутун мамлакат қатор мустақил вилоятларга бўлиниб кетди.

Миср давлатининг заифлашуvidан ливиялик қабилалар фойдаланиб қолдилар. Улар дельтага тинимсиз ҳужум қилиб, ўша вақтда Қуйи Мисрнинг бой ўлкаларига ўз кўшинларини сафарбар қилишган. Миср инқирозга юз тутиб, Рамзес II XIX сулоланинг охириги фиръавни бўлиб қолди.

Сетнахт (Сута-нахте) янги XX сулолага асос солди. Сетнахт марказий ҳокимиятни қайтадан мустаҳкамлаб, Мисрдаги путурдан кетган тартибни қайта тиклади. Қулдорлик тузуми ва мустабид давлатни мустаҳкамлаш мақсадида у бир қатор тадбирлар кўрган. Бу тадбирлар натижасида коҳинлар кучайди, уларнинг илгариги обрў-эътибори тикланди, ер ва мол-мулклари яна ўзларига қайтариб берилди. Сетнахтнинг Миср давлатини мустаҳкамлаш учун олиб борган ишларини ундан кейин тахтга ўтирган ўғли Рамзес II давом эттирди. XIX сулола фиръавнларининг сиёсатини давом эттириб, Рамзес III чет элликлардан иборат ёлланма кўшин тузган. Булар асосан ливияликлар ва Ўрта ер денгизи бўйида яшаган шардана қабиласи вакиллари эдилар. Шу кўшинларга суяниб, Рамзес III қатор урушлар олиб борди. Рамзес III нинг подшолик даври Миср давлати ҳарбий қудратининг охириги палласи бўлган. Рамзес III дан кейинги Рамессейлар номини олган заиф фиръавнлар ҳукмронлиги даврида коҳинлар эътибори янада ортди.

Коҳинлар жуда кучайиб, Амон бош рухонийси Херихор тўнтариш қилади, сўнгги саккизинчи фиръавн Рамзес XII ни ҳокимият тепасидан олиб ташлайди ва Миср фиръавнларининг тахтини эгаллайди. Херихор Рамзес III вақтида бош рухоний лавозимида бўлганидаёқ ўзини подшога тенг ҳисоблаган. XX сулола фиръавнлари подшолиги даврида синфий зиддиятлар кучайиб кетди.

Давлатнинг олий мансаб эгалари бўлиб, коҳинлар билан яқин алоқада бўлган қулдорлар жуда катта бойлик орттирганлар. Олиб борилган узоқ урушлар меҳнаткаш аҳоли елкасига оғир юк бўлиб тушган. Қаттиқ эксплуатация халқнинг норозилигини кўзғатиб, бу кўзғолонларга сабаб бўлди. Рамессейларнинг ҳукмронлиги даври халқ

қўзғолонларининг сабабига аниқлик киритади. Шунинг учун ҳукумат буйруғи билан тузилган махсус ҳужжатларда бу ижтимоий ҳаракатларни ифодаловчи муҳим далиллар сақланиб қолган. Ҳужжатларга кўра, Рамзес III подшолигининг 29-йили қўзғолон бўлиб, бу қўзғолонда Фива қабристонларида ишловчи кишилар ҳам қатнашган.

Меҳнаткаш аҳолининг пастки табақалари мақбаралар курилишидаги тош терувчилар, дафн, мотам ва маъракаларга оид буюмларни тайёрловчи ҳунармандлардан иборат эди. Улар амалдорлар ва қоҳинларга қарши чиқиб, озиқ-овқат талаб қилиб чиққан. Қўзғолон кўтарганлар Тутмос III ибодатхонасининг орқа девори тагига жойлашганлар. Чамаси улар ибодатхонага яшириниб олган амалдорлар ва қоҳинларни қамал қилган бўлсалар, ажаб эмас. Қўзғолончилар қулдорлар жабр зулмига чидаш, уларга итоат қилишдан бош тортганлар. Халқ қўзғолонлари куч билан бостирилган.

Узоқ давом этган урушлар ва катта қўзғолонлар Мисрни бутунлай ҳолдан тойдирган. Бу вақт Мисрнинг тамомила заифлашган даври бўлиб, кўп ўтмай Миср чет эллик истилочиларга қарам бўлиб қолди.

Таянч иборалар

Говард Картер, “тирик асирлар”, шадуф, “Эхнатон”, «Ахетатон»

Саволлар

- 1. Мисрнинг Янги Подшолик даври қандай хусусиятларга эга?**
- 2. Ҳўжаликдаги қайси ўзгаришлар янги Подшолик даврида рўй берди?**
- 3. Гиксосларнинг Мисрдан ҳайдаб чиқарилишига нима сабаб бўлди?**
- 4. Эхнатоннинг диний ислоҳоти қандай аҳамиятга эга ва унинг сабаблари?**

6. Миср Сўнгги подшолик даврида (милоддан аввалги 1125 - 525 йиллар)

XIX сулола фиръавнларининг Кичик Осиёда олиб борган давомли урушлари, хусусан, ҳеттлар билан бўлган уруш Мисрнинг аҳолиси ва моддий бойликларини анча камайтириб юборди ва мамлакатни тушкунликка учратди. Бир вақтлар қудратли Миср давлати айрим - айрим бўлақларга бўлиниб кета бошлади. Милоддан аввалги XI аср бошларида подшолик ҳокимиятини эгаллаган ва мамлакатда ҳукмронлик даъвосини қилган Фива бош руҳонийлари дельтани ўз қўлларида тутиб қололмадилар. Ички кураш натижасида ҳолдан тойган Миср тез орада чет эл истилочилари, ливияликларга тобе бўлган. Ливияликлар дастлаб Мисрга ва унинг қўшинига ёлланма аскар сифатида келиб кирган эдилар, сўнг уларнинг лашкарбошилари подшо ҳокимиятини қўлга олиб, XXII сулолага асос солдилар (милоддан аввалги 941 - 821 й.).

Иқтисод ва ижтимоий тузум. Миср аввалги гуллаб-яшнаган замонидан фарқли ўлароқ, тушкунлик даврини бошидан кечираётган бўлишига қарамай, ҳўжалик ҳаёти мамлакатда батамом тўхтаб қолмаган эди. Шу билан бирга, мисрликлар бу вақтда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг баъзи соҳаларини ҳатто анча мукаммаллаштирдилар ҳам. Масалан, улар темирчилик техникаси соҳасида бир қанча ютуқларга эришдилар. Мисрликлар бронзадан турли буюмлар, жумладан, нафис ҳайкалчаларни моҳирлик билан ишлай олганлар, бу ҳайкалчалар қумуш ёки олтин толалар билан жимжимадор қилиб безалган. Такуший номли мисрлик аёлнинг Эфиопия - Саис даврига оид ҳайкалчаси ана шундай техниканинг ноёб намунаси бўла олади. Подшо Гасебханнинг Танисдан топилган қумуш саркофаги (тобути) металлга бадий ишлов бериш соҳасида ажойиб ютуқларга эришилганини кўрсатади. Темирчилик тош йўниш ўрнини тобора кўпроқ эгаллай бошлади. Ҳайкалча, идиш - товоқ, асбоб - ускуна ва қурол

– яроғ каби буюмлар аввалгидек тошдан эмас, балки металлдан ишланадиган бўлди. Темир аста - секин бронзани ҳам сиқиб чиқара борди, Мисрга Фаластиндан, Кичик Осиё ҳамда Эгей денгизи соҳилларидан кўплаб темир келтириладиган бўлди. Жанубий Фаластинда, Миср чегараларига яқин бўлган Жерар шахрида ўтказилган қазилар ишлари вақтида темир эритиш печи, шунингдек, темирдан ясалган асбоб ва қурол - яроғлар топилди. Мисрнинг худудидан ҳам жуда кўп темир буюмлар топилган. Фивадан дубулға ҳамда бир қанча қуролсозлик асбоблари чиқди. Топилган дубулға оссурийларникига ўхшатиб ишланган. Шунга кўра, бу темир буюмлар ҳам оссурийлар Мисрни забт этган даврга мансуб бўлса керак. Милоддан аввалги VII асрга мансуб Дафна ва Навкратис харобаларидан: пичоқ, болта, искана, чопқи, қирғич ва ўқ учи каби темир асбоблар ва қурол – яроғлар топилган.

Тўқимачилик ҳам юксак тараққий қилиб, Мисрда алоҳида тўқимачилик ишлаб чиқариш марказлари вужудга келиб, чунончи Ахмим, кейинчалик эса Мемфис шундай марказлардан бирига айланган. Тўқимачилик ва йигирувчилар цехига ўхшаш алоҳида гуруҳларга бирлашганлар. Ҳатто Таит номли Тўқимачилик маъбудаси ва Ўрта Мисрда Хежхетеп (“Поки раҳмат”) номини олган тўқимачилик касби худоси бўлиб, уларга сиғинганлар. Сопол буюмлар ишлаб чиқариш такомиллашган. Сополдан турли уй-рўзғор (ганч аралаш лой) асбоблари, зебу-зийнат буюмлари ва бўйи 25 см гача бўлган нафис ҳайкалчалар ясалган. Бойлар учун ва хорижга чиқариш учун тайёрланадиган бу зебу-зийнат буюмлари жумласига турли хушбўй ва упа - эликлар ҳам кирган. Ўша даврдаёқ нилуфардан махсус мой олишни билганлар, бу мой амалдорларни янги мансабга тайинлаш вақтида уларнинг юзига суркаш мақсадида ишлатилган.

Савдо ривожини мулкнинг синфий табақаланишининг янада кучайиши учун туртки бўлди. Асосий бойликлар, жумладан қуллар, йирик ибодатхоналар, асосан, коҳинлар ва амалдорлар қўлида тўплана борди. Қул савдосига оид сўнгги давр ҳужжатларида, баъзи ҳолларда бу қуллар чет мамлакатлардан келтирилганлиги (хусусан, Суриядан) кўрсатилади. Бироқ энди Миср фиръавнлари ўзларидан аввалги XVIII - XIX сулола фиръавнлари каби истилочилик урушлари олиб боришга ноқодир бўлиб қолдилар, шу сабабли бу даврда қулларни келтириш камайганлиги натижасида қуллар нархи ошиб кетди. XIX сулола даврида бир чўри 4 дебен 1 ките (373,1 грамм) қумушга сотилган бўлса, XXI сулола даврига келиб қул баҳоси 20 дебен (1820 грамм) қумушга тенг бўлди. Ибодатхоналар, коҳинлар, катта амалдорлар ва савдогарлар катта-катта ерларни қўлларига олдилар. Бойлар деҳқонларни сотиб ола бошладилар, бу эса қишлоқ жамоаларининг янада бўлиниб кетиши, шаҳар ва қишлоқлардаги майда мулк эгаларининг хонавайрон бўлишига сабаб бўлади. Ер тобора кўпроқ хусусий мулк кўринишини ола борди. Бой зодагонлар ўзларига қарашли ерларни фарзандларига мерос қилиб қолдирадиган бўлдилар.

Баъзи бир подшолар ғоят кескин тус олиб кетган синфий зиддиятни юмшатишга интилдилар. Тарихчиларнинг асарларида подшо Бакхорис (мисрча номи Бакнеренф, милоддан аввалги 732 - 726 йиллар) тўғрисида хотиралар сақланган. У подшо айрим шахслар томонидан мисрлик қарздор камбағалларни қулликка солишни ман қилган ва ер сотишга рухсат берган. Геродотнинг сўзига кўра, Миср подшоси Яхмос II “мисрликлар учун бир қонун чиқарган; бу қонунга мувофиқ Мисрнинг ҳар бир фуқароси ўз маблағлари ҳақида ҳар йили вилоят бошлиғига ҳисобот беришга мажбур бўлган; буни қилмаган ёки қонуний йўл билан топилган маблағ ҳисобига яшаётганини исбот қила олмаган шахсга ўлим жазоси берилган.” Шу билан бирга Геродот грек ислохатчиси Солон мисрликларнинг ушбу қонунини кўчириб олгани ва “Миср (шу вақтда) ғоят

фаровон яшаганлигини” кўрсатиб ўтади. Грек тарихчиси Яхмос II ни халқ ичидан чиққан ижтимоий соҳа ислохотчиси сифатида тасвирлаб, унинг бойлар ўзбошимчалигини чеклаш мақсадида бир қанча ислохотлар ўтказганлигини айтади.

Ливияликларнинг Мисрни эгаллаб олиши. Ливияликлар қадимдан дельтанинг ғарбий қисми ва Нил дарёси водийсининг шимолига туташган жойларда ҳамда ғарбий воҳаларда яшаб келганлар. Мисрликлар мустақил, лекин маданий жиҳатдан қолоқ бу қабилаларга қарши узоқ вақт курашиб келганлар. Янги Подшолик фиръавнлари замони, яъни Миср гуллаб - яшнаган даврда ливияликлар Мисрга кўплаб келиб ўрнашиб қолганлар. Фиръавнлар ливияликларни ёлланма аскар сифатида хизматга қабул қилиб, уларга асосан дельтадан чек ерлар берганлар. Миср кўп сонли қўшин тузишнинг уддасидан чиқолмай, ёлланма аскарлардан фойдаланишга мажбур бўлган давр, яъни XX ва XXI сулолалар замонида ливияликлар Мисрга айниқса кўплаб кўчиб кела бошладилар. Ливия зодагонларидан баъзилари Мисрда катта ҳарбий ва қохинлик мансабларини эгаллайдилар. Ҳарбий қўмондон ва Гераклеополдаги Хершефн худонинг бош руҳонийси бўлган ливиялик одамга тегишли ёзувларда унинг ўн беш авлод шу ерда яшаб ўтганлиги айтилади; бу ёдгорликлардаги ёзувга кўра унинг аждоди “ливиялик Бювава” тахминан XXI қохинлик сулоласи замонида Гераклеополга кўчиб келган. Унинг аждодлари ливиялик қўшинларнинг “уруғ бошлиқлари” ва Гераклеопол ибодатхонасининг қохини лавозимини эгаллаб келганлар. Ливиялик мазкур зодагонлар уруғидан бири подшо оиласи билан қариндош-уруғ ҳам бўлган. Улардан бири Шешонк подшолик тахтини қўлга олиб, XXII сулолага асос солади. Ливияликлар сулоласидан чиққан подшолар Фива қохинлари билан ҳисоблашибгина қолмай, балки кўпинча уларга таяниб иш кўришга ҳам мажбур бўлганлар.

Янги сулола ҳукмдорлари аввалги подшо хонадони билан қариндош бўлиб, уларнинг фарзандлари Фива ибодатхоналарида бош руҳоний лавозимларини эгаллаган. Ливияликлар сулоласига асос солган Шешонк I ўзини XVIII - XIX сулолаларга оид буюк истилочи фиръавнлар ишининг давомчиси қилиб кўрсатиб, Карнакдаги ибодатхона ёнида “Бубастислар ҳовлиси” ва катта минорани қурдиради. Бу ерда сақланиб қолган ўймакор нақшларда Шешонкнинг Фаластинда қозонган ғалабалари тасвирланган. Айниқса 156 та осиёлик асирларни арқонда олиб кетаётган Амон худосининг улкан тасвири диққатга сазовор; бу асирлар, ўша ердаги ёзувга қараганда, чамаси Миср қўшинлари ишғол қилган Фаластин шаҳарларининг рамзи эди. Қадимги Фаластин шаҳарларининг рўйхатида бир неча машҳур шаҳарлар номи (хусусан, Таанаха, Шунема, Бет - Бана ва Мегиддо) сақланиб қолган. Шешонк I ўз сулоласини мавқеини мустаҳкамлаш учун дельтадаги Бубастис шаҳрини давлат пойтахтига айлантириб, шу сабабли у асос солган сулола Бубастислар сулоласи деб юритилади. Шешонк I ўз ҳукмронлиги даврида (милоддан аввалги 941 - 920 йиллар) Миср давлатини мустаҳкамлаш йўллари топишга интилдди. У Фаюмга яқин жойда қалъа қурдирди. Нил дарёси бўйида Шешонк I даврига оид турли ўймакор расмлар солинган ва хатлар туширилган қалъа харобалари топилган, Шешонк I ўзга давлатлар қўшинлари устидан қозонган ғалабаларини ва ҳарбий зафарларини Хибе ибодатхонаси деворларида ҳам тасвирлаб қолдирган; бунда фиръавн Мисрга ҳайдаб олиб келтирган чет эллик асирлар акс эттирилган.

1938 - 1939 йилларда Танисда ўтказилган қазиш вақтида Шешонкнинг ҳали қўл теккизилмаган мақбараси топилди; бу мақбарадан фиръавннинг олтин билан кумушдан қуйиб ишланган саркофаги (тобути) ва ундан фиръавннинг мўмиёланган ва яхши

сақланган жасади чиқди. Миср ҳукумдори юзига олтиндан зеб бериб ишланган ниқоб тортилган экан.

Шешонк I дан кейин подшолар унинг давлатни идора қилиш соҳасидаги ишларини муносиб давом эттира олмадилар. Оссурияликларнинг кучайиб кетиши туфайли XXII сулола фиръавнлари Нил ва дельта водийсидан ташқарига чиқа олмай қолдилар. Оссурларнинг бостириб келиш хавфидан ташвишга тушган Осоркан II оссур подшоси Салманасарга қарши бош кўтарган Сурия - Фаластин подшолари иттифоқига бир қадар ёрдам беради. Оссур ёзувларида 854 йилда Қарқара ёнида бўлган жангда оссурларга қарши “1000 мусрий” (мисрликлар) қатнашгани эслатиб ўтилади. Самарияда ўтказилган қазилар Осоркан II нинг Исроил билан алоқа боғлашга ҳаракат қилганини тасдиқлади. Лекин Миср давлатининг бу уринишларидан ҳеч қандай наф бўлмади. Ички курашнинг кескинлашуви туфайли мамлакат майда бўлақларга бўлиниб кетди. Айниқса Такелет II даврида бу кураш авж олади. Давлат аста - секин майда қисмларга бўлиниб, уларни мустақил ҳокимлар идора қила бошлади. Миср давлати юз тутган бу таназзул ва давлатнинг парчаланиб кетиши ҳақидаги эсдаликлар “Подшо Петубастис циклидан қиссалар” да сақланиб қолган. Грек тарихчилари бу даврни “дадекархия”, яъни 12 подшо ҳукмронлиги даври деб атайдилар. Ливияликлар сулоласидан бўлган подшолар ҳатто ўз расмий қайдларида мамлакатнинг ҳамма ерларини ҳам бўйсундира олмаганликларини эътироф этишга мажбур бўлганлар. Осоркан II ўз ҳайкали пойига ёздирган хатда, Мисрни “унинг авлодлари” идора қилиши ва худолар худоси Амон Ранинг бош руҳонийлари, Манинг улугъ бошлиқлари ҳамда Хершефон коҳинлари “чин қалбдан бош эгиб” эътироф этишларини орзу қилган бўлиб, бу Миср фиръавни учун ҳаддан зиёд камтарликдир. Ливиялик фиръавнлар Юқори ва Қуйи Мисрдаги ливиялик зобитлар ва олий коҳинларни бирлаштиришни ўзларининг доимий сиёсий вазифалари сифатида қўйган бўлсалар ҳам, бироқ бу муддаога тўла эриша олмаганлар.

Эфиопияликларнинг Мисрни истило қилиши. Нил дарёсининг дастлабки шаршарасидан жанубдаги ўлкаларда азалдан нубияликлар яшаб келган. Миср фиръавнлари ўлжа босиб олиш, кул олиб келиш ва ерларга эга бўлиш мақсадида Қадимги Подшолик замонларидан бўён Нубияга қаттиқ ҳужум қилиб, уни хароб этардилар. XVIII сулола фиръавнлари даврида Миср кўшинлари Нубиянинг тўртинчи шаршарасига қадар ерларни истило қилиб, у ерда мустаҳкам ўрнашиб оладилар. XIX сулола подшолари ўзларидан аввал подшолар ишини давом эттириб, Нубияда Миср ҳукмронлигини мустаҳкамлаш йўлида бир қанча тадбирлар кўрдилар. Улар Нубияни қўл остиларида тутиб туриш учун шаҳар, қалъа ва ибодатхоналар курдилар. Оқибатда, Нубия аҳолисининг юқори табақалари кўп жиҳатдан Миср маданиятини қабул қилди. XXI ва XXII сулола коҳинлари замонида Мисрнинг заифлашуvidан фойдаланиб Нубия мустақил давлат бўлиб олади. Бироқ Нубия ҳокимлари Мисрнинг кучли маданий таъсирида бўлганликлари туфайли ўзларини Миср фиръавнлари деб атаб, ёзувларини ҳам Миср тилида туздирди. Нубия ҳокимлари ливияликлар ҳукмронлиги даврида Миср давлатининг ҳолдан кетганидан фойдаланиб, Юқори Мисрда аста - секин ўрнашадилар ва бутун Нил водийсини босиб олиш учун кураш бошлаш мақсадида Фива вилоятида ва Фиванинг бой коҳинлари билан азалий алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қила бошлайдилар. Эфиопия ҳукмдори Кештанинг ўғли Пианхи (милоддан аввалги VII асрнинг II ярмида яшаган) отаси олиб борган сиёсатни давом эттиради ва зўр ғайрат билан Мисрни забт этишга киришади. Пианхи Миср ҳукмдорлари ва лашкарбошилариининг чақириғига жавобан Тефнахтга қарши чиқиб, унинг кўшинлари устидан бир неча ғалабаларга эришади. У Фивани эгаллаб, Мемфис остоналарига

яқинлашиб боради ва Шимолий Мисрнинг мустаҳкамланган шу шаҳрини штурм билан забт этади. Пианхи Мисрни эгаллаб, Тefнахтни таслим бўлишга мажбур қилади ва ўзини бирлашган Миср фиръавни деб эълон қилади.

Пианхи ворислари бутун Мисрда ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаб оладилар. Улардан бири Шабакa, бутун Мисрни идора қилган. Пианхи тахтининг ворисларидан яна бири Тахарка Мисрни Оссурия қўшинлари тажовуздан ҳимоя қилишга мажбур бўлган, бироқ Оссурияликлар томонидан мамлакатни эгаллаб олишга қаршилиқ кўрсата олмаган. Натижада Асархаддон миллоддан аввалги 671 йилда Мисрни истило қилади. Тахаркани қочиб кетишга мажбур этади. Ашшурбанипал замонида Оссурия қўшинлари Мисрда икки марта бостириб келиб, уни харобага айлантирадилар. Лекин бу вақтга келиб Оссурия ҳолдан тойиб, кучсизланиб бораётган эди. Ашшурбанипал Миср устидан ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш мақсадида, эфиопиялик подшолардан фарқли ўларок, Шимолий Миср зодогонларига таяниб иш кўришга мажбур бўлди.

Саис ҳокимларининг Мисрни бирлаштириши. 626 йилдан бошлаб Саисда Псамтик идора қилган. Ашшурбанипал ёрдамига таяниб иш кўрган ва Оссурияликларнинг содиқ иттифоқчиси бўлган Псамтик бутун Мисрни ўз қўли остида бирлаштириб, янги XXVI сулолага асос солади ва бу сулола тарихда Саис сулоласи номи билан қолади. Мазкур сулола фиръавнлари замонида Миср бир қадар раванқ топган. Бироқ умуман бу давр Миср давлати ва маданиятининг инқирозга юз тутган даври эди.

Бу вақтга келиб Миср ташқи савдоси анча тараққий этган. Фиръавн Нехо даврида Нил дарёсини Қизил денгиз билан туташтирадиган канал қуриш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилиб, бу канал қурилиши билан Мисрдан Нубияга ва хатто ундан наридаги Пунтга тўғридан-тўғри борадиган сув йўли очилар эди. Миср Кичик Осиёдаги Кария - Лидия қабилалари, шунингдек, кенг ҳудудни эгаллаган грек дунёси билан ва, биринчи галда, ионийлар билан савдо соҳасида айниқса маҳкам алоқалар ўрнатди.

Узоқ давом этган урушлар ва Оссурия қўшинларининг мамлакатни вайрон қилган ҳужумлари натижасида тинка-мадори қуриган Миср эндиликда ўз чегараларини душмандан ҳимоя қилиш ва Осиёдаги мавқеини сақлаш учун кўп сонли қўшин тўплай олмасди. Шу сабабли, Саис фиръавнлари кўп жиҳатдан Кичик Осиё ва Грециядан ёлланиб келтирилган аскарларга таяниб иш кўришга мажбур эдилар; бу ёлланма аскар Миср қўшинларининг асосини ташкил қилган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Ташқи савдонинг ривожланиши ва Мисрнинг греклар билан иқтисодий алоқаларининг мустаҳкамланиши натижасида товар – пул муносабатларининг энг қадимги шакллари тараққий этиб борди. Мисрнинг вақтинча иқтисодий юксалиши кулдорлардан ва ер эгаларидан иборат зодагонларнинг ҳукмрон синфлар, асосан коҳинлар, ливиялик ҳарбий раҳбарлар, кичик осиелик ва грек савдогарлари, ҳамда маълум даражада ёлланма аскарларнинг бойиб кетишига олиб келди.

Саис фиръавнлари ички сиёсат соҳасида ливиялик ҳарбий раҳбарлар, Миср коҳинлари ва грек савдогарлари орасида устамонлик билан иш юритишга ҳаракат қиладилар. Улар Мисрнинг нуфузли коҳинларига қарши, шунингдек, ҳамон муайян мустақиллик даъво қилиб келаётган кўплаб ҳукмдорларга қарши кураш олиб борганлар ва шу билан бирга улар устидан бўлган ҳукмронликни мустаҳкамлаш учун чет элликлар, асосан кичик осиеликлар ва греклардан иборат ёлланма аскарларга таянишга мажбур эдилар. Масалан, Псамтик I тахтга ўтирганидан сўнг грек савдогарларига таяниб иш кўриш, ташқи сиёсат соҳасида эса у, тушкунликка юз тутиб бораётган Оссурияни қўллаб – қувватлашга интилди. Псамтик I нинг шухрат қозониши ва кучайиб кетишида Оссурия подшосининг ҳиссаси катта бўлди. Шунинг учун ҳам Псамтик I Оссуриянинг яшаб

туришидан манфаатдор эди. Псамтик I кучли Бобил давлатига нисбатан, кучсиз Оссурияни афзал кўрди. Шу сабабли, Псамтик скифларнинг Миср чегараларига қилган ҳужумларини қайтариш билан чекланмай, уларни Фаластин худудидан ҳайдаб чиқариш юзасидан қатъий чоралар кўрганлиги тасодикий ҳол эмас. Бунинг устига, Набопаласар тахминан 616 йилда Оссурия устига қўшин тортиб келганида Миср қўшинлари ҳалокат ёқасига келиб қолган Оссурия давлатини қутқазиб қолиш мақсадида Фрот дарёси бўйларида пайдо бўладилар. Псамтиkning ўғли Нехо Оссурияга отасидан ҳам кўпроқ ёрдам беришга ҳаракат қилди. У 611 йилда тахтга ўтиргандан кейин, биргаликда Харрани босиб олиш ниятида қўшинларини Оссурия лашкарларига ёрдамга жўнатади. Миср - Оссурия қўшинлари Кархемиш шаҳрини ишғол қилишга муваффақ бўладилар. Лекин Навоҳудоносор мисрликлар билан оссирияликларнинг иттифоқчи қўшинларини Кархемиш ёнида мағлуб этади.

Нехонинг вориси Псамтик II (милоддан аввалги 595 - 589 й.) аجدодларига хос бўлган филэллин (яъни эллинчилик) сиёсатини давом эттиради. Унинг замонида Мисрнинг Греция билан ўзаро алоқалари аввалгидан ҳам мустаҳкамланади. Саис даврининг сўнгги подшоси - Уах-иб-Ра (Априй) ушбу сиёсатни давомчиси бўлди. Бу подшонинг грекларга мойиллик сиёсати Миср аҳолиси ўртасида кўплаб норозиликлар пайдо қилди. Унинг подшолик даврида лашкарбошилардан бири-Яхмос (Амазис) бошчилигида кўзғолон кўтарилиб, подшо Уах-иб-Ра унинг асосан грек ёлланма аскарларидан иборат бўлган қўшинларини тор - мор келтирган ва ҳокимиятни қўлига олган. Яхмос II киреналик грек қизига уйланиб, Самос мустабид ҳокими Поликрат ҳамда Ливия подшоси Крез билан жуда яқин муносабатда бўлган. Яхмос II грек ибодатхоналарига мўл-кўл инъомлар йўллаб, грекларни ўз томонига оғдирган ва уларнинг ўзини қўллаб - қувватлашига эришган. Яхмос II нинг фаол ташқи сиёсати Бобил ёзувларидан бирида акс этган. Унда Миср қўшинларининг ҳужумлари ҳақида қайд этилиб, “Амасу” исмли шахс тилга олинади.

Лекин бу давр мустақил Миср давлатининг сўнгги йиллари эди. Шарқда Эрон давлати равнақ топиб, у бутун қадимги Шарқ дунёсини ўз ҳукмронлиги остида бирлаштиришга ҳаракат қиларди. Эроннинг жуда йирик қўшинининг ҳужумини қайтариш учун Мисрда етарли куч бўлмай, у заифлашиб қолганди. Яхмос II вафотидан сўнг, 525 йилда орадан кўп ўтмай, Эрон подшоси Кўмбиз Миср ерларига бостириб кириб, Пелузия ёнидаги жангда Миср қўшинларини тор - мор келтиради ва Псамтик III ни тахтдан ағдаради. Шундай қилиб, бир вақтлар шон шухратга бурканган, лекин таназзулга юз тутган қадимги фиръавнлар подшолиги Эрон томонидан истило қилинади.

Таянч иборалар

Саис сулоласи, саркофаг, “1000 мусрий”, дадекархия, филэллин, Хежхетеп

Саволлар

- 1. Псамтик I нинг Оссурияга ёрдам бериши сабаблари нимадан иборат?**
- 2. Мисрнинг заифлашуви ва эронликлар томонидан босиб олинishiга нималар сабаб бўлди?**

7. Миср маданияти

I. Қадимги подшолик даврида Миср маданияти.

Қадимги подшолик даврида Миср маданияти жуда катта йўлни босиб ўтди. Мисрликлар қудратли илоҳий фиръавнлар ва бетакрор буюк донишмандлар: Имхотеб, Кагемни ва Птаххотеблар даври Миср маданиятининг олтин асри номини олган.

Мисрликлар ўз юртларини худолар томонидан яратилган деб ҳисоблаганлар. Манефон хронологиясига кўра дастлаб Мисрда худолар, сўнг ярим худолар ҳукмронлик қилишган. «Мемфис - худолар трактида “Птах” кетишидан аввал ҳамма нарсани яратди, у худоларни, шаҳарларни, номларни, ибодатхоналарни яратди. Эътиқодга ўргатди, қурбонлик тайинлади» дейилган.

Қуёшга топиниш. Мисрликлар жуда қадимдан қуёшга сиғинганлар. Қуёшга топинган энг қадимги шаҳарнинг маркази Иуну бўлиб, греклар уни “Қуёш шаҳри” - Гелиопол деб атаганлар. Бу шаҳар қадимги Мисрнинг бутун тарихи давомида диний марказ сифатида сақланиб келган.

Қадимги подшолик даврида Миср давлатининг марказлашиши билан бирга Қуёшга топиниш ҳам марказлашган тус олади. Қуёш худоси Ра олий худо деб эълон қилинади ва унинг номи марказига нуқта қўйилган доирасимон шаклидаги иероглиф шаклида ёзилади. Ра худосининг номи IV сулола фиръавнлари Хафра ва Менкаура номларининг таркибий қисмига киради. V сулола фиръавнлари Ра худосига атаб ҳашаматли ибодатхоналар қурадилар. Бу ибодатхоналарда қуёшга топиниш маросимлари ўтказилган, олий қуёш худоси Ра Мисрнинг энг қадимги давлат эътиқодларидан бири бўлган.

Подшони илоҳийлаштириш. Подшони илоҳийлаштириш қадимги подшолик даврида ўзининг аниқ ифодасини топди. Жуда катта мақбаралар пирамидалар қурилиб, улар худога тенглаштирилган фиръавннинг куч - қудратини намоёиш қилган. V - VI сулолалар даврида қурилган пирамидаларда “Пирамидалар матни” сақланиб қолган, уларда осмон худолари худо сифатида эътироф этилган фиръавнларни ҳузурига чорлаб олганлари ва арши аълога кўтарилиб, унда кўрган роҳат - фароғатлари батафсил баён қилинади.

Қадимги Миср меъморчилиги. Мисрда меъморчилик жуда эрта тараққий этган. Қадимги подшолик даврида фиръавнлар ва катта зодагонлар ўзлари учун мақбара, сарой ва ибодатхоналар қурдирганлар. Улар ичида айниқса Миср эҳромлари диққатга сазовор. Саккарадаги Жосер мақбара эҳроми улар ичида энг қадимгиси бўлиб, у зинасимон шаклда қурилган. III - IV сулола фиръавнлари даврида бунёд этилган эҳромлар ўзларининг улуғворлиги билан бугун ҳам бутун дунёни лол қолдириб келмоқда. Улар ичида энг каттаси фиръавн Хуфу қурдирган эҳром бўлиб, унинг баландлиги 150 метрга яқин. Гизадаги яна бир меъморчилик намунаси Сфинкс бўлиб шер сурати тарзида ишланган.

Миср эҳромлари ўша давр меъморчилигининг юксак намунаси ҳисобланади. Мисрда меъморчилик қадимги даврдаёқ шаклланиб, ўз маҳобати, жозибаси билан кишиларни ҳайратга солган. Геродот маълумотига кўра, Хуфу эҳроми 30 йил қурилган бўлиб, унинг қурилишида бир вақтнинг ўзида юз мингдан ортиқ киши иштирок этган. Антик давр муаллифларининг маълумотларида ҳам улуғвор эҳромларнинг нақадар ҳашаматли эканлиги кўрсатилган.

II. Ўрта подшолик даврида Миср маданияти

Ёзув. Қадимги мисрликлар ёзув учун папирус қоғозидан фойдаланишган. Шимолий Африканинг қуруқ чўлларида халигача қадимги манускриптлар топилиб туради. Аввалига, папирусда ёзиш Македониялик Инскадар давридан бошлаб ёзилган деб ҳисобланарди. Лекин кейинги пайтларда, М.А.Гаряев ўзининг “Эпохи в зеркале

письмен” (М. 1990) номли китобида таъкидлашича, папирус тарихи минг йиллардан узоқроқ эканлиги ва қадимги Миср подшолик даврига тақалиши маълум бўлди.

М.А.Гаряев таъкидлашича, топилмалар орасида коҳин мартабасига эришган мисрлик тарихчиларга тегишлилари ҳам бор. Булар мартабага эришиш учун йиллаб геометрия, космогония, чизмачилик, география фанларини ўрганганлар. Булардан айримларигина “сўзловчи белгилар” тузиш санъатини эгаллаганларидан кейин, иероглифларнинг ўзига, одамларга, воқеалар ривожига таъсир кўрсатувчи илоҳий куч сифатида намоён бўларди. “Папирус” сўзининг ўзи қамишнинг олий навини билдирган ва ундан ёзув учун фойдаланганлар. Нима учун? Бунга сабаб балки унинг пояси баланд ҳамда йўғонлиги туфайли бўлса керак. Ўша даврнинг энг муҳим воқеа ва ҳодисалари папирусда қайд этилиб, у мисрликларнинг ўзига хос китоби вазифасини ўтаган.

Папирус худди нилуфар гули каби Миср тимсоли бўлган. Папирус ўсимлигининг бир - бирига чирмашиб кетган поялари Юқори ва Қуйи Миср бирлигини ифодалаган. Хатор худосини папирусдан ясалган бош кийимида муқаддас сигир тимсолида тасвирлашар эди. Бир мақбарада қўлларида папирус гулчамбарлар ушлаб турган аёллар тасвирланган. Ўлган одам осмон эшиклари олдида қамиш пояларини бир-бирига ишқаб, ўзининг келганлигидан хабар беради деб ҳисобланарди. Лекин папирусдан дунёвий ҳаётда ҳам кўп фойдаланишган. Ушбу ўсимликнинг ички пўстлоғидан елкан, матрас, кийим - кечак, арқонлар, мисрлик коҳинлар эса оёқ кийимлар тайёрлашар эдилар. Қамишнинг юмшоқ қисмидан шарбат олинган. Папирус ниҳоллари хомлигича, пастки қисми эса қовуриб ейилар эди. Энг муҳими папирус ёзув кенг тарқал ишига сабаб бўлди. Унинг тарқалиши билан ёзув белгилари ҳам соддалашди. Ҳаётга китобий ёзув кириб кела бошлади. Унда расм - иероглифлар шартли белгиларга айланди. Папирус ишлаб чиқариш техникаси милоддан аввалги III минг йил олдин пайдо бўлиб, кейинчалик деярли ўзгармади. Авлодлар, сулолалар, даврлар ўтиб кетди, аммо мисрликлар эса Нил атрофида ҳамон аввалгидек қамиш йиғишар эди. Плиний хабар берганидек, поянинг ўзаги махсус игналар билан бармоқ ёки кафт кенглигидаги бўлақларга ажратилар, сўнг ушбу бўлақлар хоч шаклида нам столга тахланиб, устига оғир юк бостириб қўйилар эди.

“Варақлар” қуёшда қурилгандан сўнг, уларни узунасига елимлашар, фил суягидан қилинган асбоб билан ишлов берилар, болғаланиб, юқа елим қатлами суртилар эди. Пишиб етилган қамишдан қилинган папирус тўқ сариқ, навниҳол қамишдан эса оч сариқ папирус олинган. Қадимда мисрликлар кўпроқ биринчи хил папирус ишлатган бўлсалар, кейинчалик иккинчи туридан фойдаланадиган бўлдилар. Мисрнинг нисбатан қуруқ иқлими папируслар, уларда битилган ёзувлар сақланиб қолишига сабаб бўлди. Масалан, Эффу ибодатхонасининг “Китоблар рўйхати солинган қутилар”и Рамзес II ибодатхонаси остидаги мақбарадан ҳам топилди. Оддий папирусларнинг эни 20 -25 см бўлган. Ёғоч қути ичидан папирус ҳамда қамиш боғламларини топишди. Папирусларнинг навлари турли – туман бўлиб, улар ёзишдан ташқари турли буюмларни ўраш учун ишлатилган. Шунингдек картонга ўхшаш қоғозлар ҳам бўлган.

Манбаларга қараганда, Ўрта подшолик давридаги миср тилида муҳим лексик ва грамматик ўзгаришлар рўй бермаган. Лексиканинг бойиши эса тилнинг табиий ривожланиши, ижтимоий ҳўжалик ва ташқи алоқаларнинг кўпайиши оқибати эди, холос. Ўрта подшолик даврида миср тили тўлиқ шаклланди ва милоддан аввалги XVI асргача мазкур худудда ҳукмрон бўлди.

Ўша давр ёзувининг ўзгаришига милоддан аввалги 2000 йил Нил дельтасида пайдо бўлган финикияликлар ҳам сабаб бўлдилар. Чунки улар қадимги мисрликлар ёзуви билан танишиб, дунёда даслабки алфавитни ихтиро қилдилар. Натижада мисрликлар ёзуви

янада соддалашди. У иероглиф ёзувдан бутунлай фарқ қилган. Ўрта подшолик даврида мисрликларнинг ташқи кўриниши ўхшаш бўлмаган икки хил ёзув: иератик (иш, ҳисобот ва ҳужжатлар учун) ва иероглифик – (тантана ва маросимлар учун) ёзувлар ишлатилган.

Мотам - маърака маросимлари. Ўрта подшолик даврида аҳолининг анча кўп сонли эркин ўрта табақаси шаклланиши билан мотам - маърака маросимлари бир мунча ўзгача тус олади. Авваллари фақат подшо ва зодагонларга аталган диний – сирли ёзувлар энди ўрта табақа аҳоли вакиллари жасади солинган бирмунча оддий саркофагларда ҳам пайдо бўла бошлайди. Коҳинлар улар учун махсус дуо ва сеҳрлар ўйлаб чиқариб улар гўё марҳумнинг “нариги дунёда ўз оиласи билан қовушиши”, “охиратнинг ноз - неъматларидан баҳраманд бўлиши” ва унда “Худонинг ҳукмига дучор бўлмаслик” имконини таъминлаш мўлжалланган. Кейинчалик бу диний мазмундаги ёзувлар тобора кенгроқ аҳоли оммаси вакилларига татбиқ этиладиган бўлди. Ўрта подшолик даврида жасад солинган ёғоч тобутлардаги дуо ва мадҳиялар янги подшолик даврида ва кейинги замонларда ҳам папирус ўрамларига ёзиладиган бўлиб, охир-оқибатда “Ўликлар китоби” барпо бўлди. Аммо буни “Ўликлар китоби” эмас, балки “Тирилиш китоби” (маҳшар - пер - ем - херу) деб аташ тўғрироқ бўларди. “Ўликлар китоби” да ҳамда бу даврдаги бошқа бир канча диний тўпламлар ва матнларда жуда кўп дуолар, худолар шаънига айтилган мадҳиялар, нариги дунё ва инсоннинг вафотидан кейинги қисмати ҳам баён этилган.

Диний тўпламлар ичида энг каттаси ва кенг тарқалгани “Ўликлар китоби” бўлган. Қадимги мисрликларнинг диний эътиқодига кўра, бу тўплам Қадимги Подшолик даврида тузилган экан. Бу фикр 5 - 6 сулолалар замонидagi “Пирамида матнлари” орасида ҳам “Ўликлар китоби”дан айрим боблар учраши билан қисман тасдиқланади. Кейинчалик, бу китобнинг марҳумга нариги дунёда роҳат ва фароғат ваъда қилган айрим боблари ёғоч тобутларнинг тахталарига ёзиладиган бўлиб, булардан Ўрта подшолик замонидagi “Саркофаг матнлари” шартли номини олган диний тўплам вужудга келган. Бу матнлардан аста-секин “Ўликлар китоби” юзага келган. “Ўликлар китоби” нинг таркибий қисмлари ва мазмуни ўзаро номувофиқ. Кетма-кет келган айрим боблар бир - бири билан мантиқан боғланмаган. Бу диний тўплам бетартиб жойлашган турли дуолар, муножотлар, мадҳиялар, алқов кўшиқлари, афсунлар ва сеҳрлар йиғиндисидан иборат бўлиб кўринади.

Кўп боблар марҳумни нариги дунё даҳшатларидан асраши ва вафот этган одамга роҳат-фароғат бахш этиши лозим бўлган мўъжизакор дуолардан иборат. “Илонларни даф этиш боби”, “Иккинчи марта ўлмаслик ҳақидаги боб”, “Чириб кетмаслик ҳикмати”, “Худо қахридан сақланиш ҳикмати” ва бошқалар ана шундай боблардир. Сўнгра “нафас олиш ва сувга эга бўлиш ҳикмати”, “олтин қирғий ва илоҳий қирғийга айланиш ҳикмати”, “жоннинг тана билан қўшилишига имкон бериш ҳикмати”, “Арши аълода Ра Худоси висолига эришиш ҳикмати” ҳам шулар жумласидандир. Айниқса “Ўликлар китоби” нинг 125-боби диққатга сазовор. Бу бобда вафотидан кейин марҳумнинг савол-жавоб жараёни баён қилинади, юракни (қадимги мисрликларда жон, рух тимсоли) тарозида ўлчаш тасвирланиб ҳамда инкор тавбаси келтирилади. Бунда марҳум 42 та асосий гуноҳни содир этмаганлигини айтади. Демак, бу дунёда гуноҳ ва жиноят қилмай, тақводорлик билан оқил ҳаёт кечирган кишигина нариги дунёда роҳат ва фароғатга эришади деган тасаввур пайдо бўлади. Бироқ, ахлоқий қарашлар қадимги сеҳрли тасаввурлар билан чатишиб кетганича қолаверади. Масалан, “Ўликлар китоби” нинг 30 - бобида марҳум охират савол-жавоби чоғида юраги унга қарши гувоҳлик бермаслиги учун уни аврайди. “Ўликлар китоби” бир неча асрлар давомида тузилган, ўзгартирилган ва таҳрир қилинган. Қадимги матнлар сўнгги вақтларга қадар анъанавий шаклини сақлаб

келган. Шу билан бирга улар мазмунан тушунарсиз ҳолга келиб, баъзи махсус изох талаб қилган. Ана шундай изохлардан бири “Ўликлар китоби” нинг 17-бобига қўшимча қилинган.

“Ўликлар китоби” нинг узун папирус ўрамига туширилган энг яхши намуналари Миср маданияти гуллаб-яшнаган 18 - сулола даврига мансубдир. Бу намуналарнинг аксарияти Фива мақбараларидан топилган бўлиб, асосан Фива коҳинлари ва амалдорларига тегишли бўлган. Папируслар дафн манзаралари, мотам - маърака маросимлари, охират ҳамда марҳумнинг нариги дунёдаги тақдири билан боғлиқ мавзулардаги ғоят нафис, жимжимадор қилиб ишланган расмлар билан безатилган.

Қуёшга сиғиниш. Ўрта подшолик даврида Фива Мисрнинг сиёсий марказига айланганидан сўнг, маҳаллий Амон худоси бутун Мисрнинг олий давлат худоси сифатида қадрлана бошлади. Янги худо Амон Рага бағишланган мадҳияларда у азалдан мавжуд ва бутун оламни яратган олий худо тарзида тасвирланади.

Адабиёт. Қадимги Миср бадиий адабиёти ўта қадим замонлардан Қадимги подшолик бошланғич давридаёқ (милoddан аввалги 4 минг йиллик ўрталарида) вужудга кела бошлаган. Мисрликлар 4000 йил давомида ғоят гўзал ва турли асарлар яратганлар; бу асарлар қадимги Миср маданияти юксак даражада тараккий этганлиги, Миср халқи бой бадиий ижодга эга эканлигидан далолат беради. Ўрта Подшолик даври Миср адабиётининг энг ривож топган даври бўлиб, у шу вақт қадимги миср мумтоз адабиёти айни гуллаб яшнаган деб ҳисобланади. Чинакам халқ ижоди намуналари макол, қўшиқ ва эртак шаклида сақланиб қолган. Афсуски, бизга қадар жуда оз мақолалар етиб келган. Халқ қўшиқларининг соддалиги ва табиийлиги билан ажралиб туради. Бу қўшиқ матнлари қадимги Миср мақбаралари деворларида сақланиб қолган. Уларда кўпинча меҳнат ҳақида куйланиб, ундаги бир маром ва оҳанг билан деҳқон, ҳаммол ва чўпон каби меҳнаткашларнинг оғир меҳнати акс эттирилади. Бу қўшиқлардан энг қадимгилари Қадимги Подшолик даврига мансуб.

Деҳқонларнинг турмуши ва дунёқарабини акс эттириб, кўпинча халқ ҳаётидан олинган лавҳаларни ўзида сақлаб қолган эртаклар қадимги оғзаки ижодига мансуб. Улар аввал халқ тилида яратилиб, кейинчалик бадиий шаклга солинган.

Подшо саройида машҳур жодугарлар мўъжизалари ҳақида тўқилган эртаклар тўпламидан иборат Весткар папируси матни Ўрта подшолик даври охирларига оид. Муаллиф халқ эртаклари учун характерли бўлган афсоналардан усталлик билан фойдаланади, унинг эртагидаги жодугар тирик ғознинг бўйинини узиб олади - ю, сўнг уни жойига улаб тирилтиради. Қуёш худоси билан коҳин хотиндан мўъжиза туфайли дунёга келган бешинчи сулола подшолари тўғрисидаги ҳикоя айниқса ўзига хосдир. Бу ҳикоя адабий шаклда берилган бўлиб, оксуяк коҳинларнинг подшо ва подшо ҳокимиятини халқ кўзида илоҳийлаштириш ва бешинчи сулоланинг дастлабки фиръавни ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаганлигини оқлашга уринишдан иборат. Эртаклар тўплами Ўрта подшолик даврида таҳрир қилинган. Тўпланда ўрта табақа аҳолининг тилга олинганлиги ва тўпланининг ўша даврга хос адабий тилда ёзилганлиги шундан далолат беради.

Саёҳатномалар. Ташқи савдо ва ҳарбий сиёсат ривожини Мисрнинг йирик ва кучли давлат бўлиб шаклланишига ёрдам беради. Унинг қўшни халқ ва давлатлар билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб борди. Мамлакат савдогарлари Сурия ва Нубияга қатнай бошлайдилар. Миср қўшинлари Фаластинга йўл очиб, жанубда Нил дарёсининг биринчи ва иккинчи остоналари ораллигидаги ерларни Мисрга қўшиб оладилар. Ўрта подшолик даврида эса денгиз ортидаги бой давлатларга етиб бориш ҳаваси туғилади. Фойда олиш ва бойлик орттириш орзуси, саргузашт ва янги таассуротларга интилиш қадимги тор ҳаёт

доираларини парчалаб, бу адабиётда ҳам ўз аксини топади. Янги адабий жанр, саёхатнома жанри, яъни саргузашт романларининг дастлабки ўтмишдаги намуналари юзага келади. “Ҳалокатга учраган кема ҳақида ҳикоя” да (Санкт-Петербург эрмитажидаги 1115 - папирус) Шарқ эртаклариға хос бўлган қадимги фантастика элементлари ҳам сақланган. Ҳикоя қаҳрамони ўша замоннинг ўрта вакили бўлиб, у “Подшо конлари” га қилган саёхати тўғрисида сўзлайди. Денгиздаги кучли довул кемани парчалаб, довюрак денгиз сайёҳини сирли “Рухлар ороли” га олиб бориб ташлайди. Сайёҳ бу ернинг табиати бағоят гўзал эканини кўриб, ажойиб мевалар, кўплаб балиқ ҳамда паррандаларни учратади. Улкан илон қиёфасидаги оролнинг эзгу подшоси ногаҳоний меҳмонга тасалли беради. Уни олис Пунт мамлакати бойликларидан, хушбўй нарсаларидан баҳраманд қилиб, фил тишлари, ит ва маймунлардан иборат ҳадялар бериб ватани- Мисрга жўнатади. Бу ҳикоянинг кўп жиҳатлари, чунончи кема, кема командаси, довул ва сирли оролнинг бойликлари тасвирланган жойларига оид бадиий реализм асарнинг муҳим хусусияти, бу ўша давр санъатида реализм юзага кела бошлаганлигидан далолат беради.

Саройдаги фитнага аралашиб қолишдан кўрқиб Сурияга қочиб кетган йирик мансабдорнинг “Синухет ҳикояси” янада реалистик, худди ҳаётнинг ўзидагидек содда баён этилган. Ҳикоя муаллифи Синухетнинг сафар саргардонлиги ва машаққатларини ғоят гўзал тарзда ифода этади: “.....ташна бўлиб қолдим. Чанқоқ зўрайиб, нафасим сиқилди. Томоғим қақраб, ичим ёниб кетгудек бўлди ва мен бу “ўлимни топиш” дедим”. Миср мансабдорининг Сурияда, бегона мамлакатда бошидан кечирганлари ғоят образли ва таъсирли, шу билан бирга реалистик тасвирланади. Мисрликлар Ўрта подшолик даврида Сурия билан янада яқинроқ алоқа ўрнатганлар. Бу ҳикоя аслида мисрлик йирик мансабдорнинг хужжатли таржимаи ҳоли бўлиб, у кейинчалик адабий жиҳатдан қайта ишланган ва ғоят гўзал бадиий асарга айланган. Қадимги Мисрда асарнинг машҳурлиги туфайли ушбу мумтоз матннинг бир неча рўйхати ва парчалари ҳозирги вақтгача сақланиб қолди.

Диний ва диний - фалсафий шеърят. Миср аҳолиси орасида юзага келган норозилик афсоналар, бадиий адабиётга ҳам кириб келган. Баъзи шеърӣ асарларда нариги дунёга ишонмасликка, бу дунёнинг бутун ноз - неъматларидан баҳраманд бўлишга чақирган. Базмда айтиладиган қўшиқлардан бирида шундай дейилган:

Кунингни шодликда ўтказ, эй қоҳин
 Анбардан баҳр олиб, танга ором бер...
 Барча ёмонлик ортингда қолсин
 Жимжитлик, сукунат ҳукм сурган ўлка,
 Бир куни сенинг ҳам ётоғинг бўлғай.
 Ўшал кун келгунча ўйнагил - кулгил
 Ишрат қил ҳамиша, кўнглинг шод ўлғай

Ўрта подшолик даврида ўша замоннинг бутун ҳаёт ташвишларидан норозилик билдирган “ҳаётдан кўнгли совуган одамнинг ўз руҳи билан суҳбати” деб аталган шеърӣ диалогда ғоят ёрқин ва кучли суратда ифода қилинган. Бу бадиий асар муаллифининг сўзлари ҳаётда ғам - кулфатдан бошқа нарсга кўрмаган ва азоб - укубатдан қутулишнинг йўли фақат ўлимда деб билган кишининг ғоятда тушкунлиги билан суғорилган. Киши ўлимни даъват қилиб бундай дейди:

Бурқиб келаётган нилуфар иси каби
 Бугун ўлим олдимда ҳозир,
 Кайф - сафонинг охири етди...
 Бугун ўлим олдимда ҳозир,

Булутсиз, мовий осмон каби
 Бугун ўлим олдимда ҳозир
 Бандилик умрини кўп йиллар сурдим
 Бас, ўша абадий уйимга боргум

Бу шеърӣ асарда ёрқин ифода этилган чуқур пессимизм руҳи шоирнинг оддий туйғулари чегарасидан ўтиб кетган, ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган киши фалакдан нолийди Азалдан анъана бўлиб келган диний дунёқарашга зид фикр, яъни охират ва абадий ҳаётнинг борлигидан шубҳаланиш шоирнинг куйидаги сўзларида ўзининг аниқ аксини топган:

“Сени дафн қилишларини кўз олдингга келтирар экансан, қалбинг аламга чулғанади, кўз ёши тўкасан, дилинг сиёҳ бўлади. Сени уйдан олиб чиқиб, гўрга соладилар. Сен ҳеч қачон ундан қайтиб чиқолмайсан ва қуёш нурини кўра олмайсан. Метиндан қасрлар курдирган кишилар ҳам бўм - бўш қабрларни кўрдилар. Зурриёд қолдирмаган кишиларнинг қисмати нима бўлса, қасрлар курдирганларнинг қисмати ҳам шу каби бўлди”.

Киши, у дунё борлигига ишонмагач, чиқимдор ва фақат бойларнинг қўлидан келган маъракалар у дунёда роҳат – фароғатни таъминлайди, деган гапларга ҳам ишонмай қўяди. Бутун диний эътиқодлар ва бутун ахлоқ - одоб таълимлари тизимига шубҳа билан қаралади. Муаллиф, ўлим - бойлар учун ҳам, камбағал учун ҳам баробар, барчанинг қисмати бир ҳамма жазирама қуёш нурларидан ёки энг қудратли сув таъсиридан йўқ бўлиб кетади, - деб ишонч билан айтади.

Тасвирий санъат. Миср санъатининг энг қадимги шакллари архаик даврда (милoddан аввалги V минг йилликда) пайдо бўлиб, бу санъат Миср маданияти тушкунликка учраган, Миср римликлар ҳукмронлиги остига тушиб қолган кейинги даврларгача тараққий этиб келган. Архаик даврнинг охирларидаёқ Миср санъатининг ўзига хос хусусиятлари: улуғворлик ва муҳташамлик, жиддийлик ва аниқлик, деярли геометрик конструктивлик ҳамда фронталлик намоён бўла бошлаган. Миср санъатининг бу жиҳатлари айниқса портретлар тасвирида реалистик анъаналар билан бирга қўшилган.

Мисрда меъморчилик жуда ривожланиб техник жиҳатдан камол топган. Миср архитектурасини кўплаб намуналари (мақбара, ибодатхона ва бошқалар) бизга қадар сақланиб қолган. Ўрта подшолик даври меъморчилиги Қадимги подшолик ва Янги подшолик давридаги меъморчилик ўртасида ўзига хос кўприк. Бу нарсa XI сулола даврига мансуб Ментухотеп ибодатхонасида аниқ кўриниб турибди. Бу муҳташам иншоатнинг маркази катта пирамида бўлиб, у бири иккинчиси устига жойлашган икки саҳн устига ўрнатилган. Ибодатхоналар қуришда устунлар галереяси ва залларнинг кенг қўлланилиши, шунингдек ибодатхоналарнинг ярим ғор тарзида қурилиши янги архитектура шакллари яратилганлигини кўрсатади; бу янги меъморчилик шакллари Янги подшолик давридагина тўла ривож топган.

Ўрта подшолик даври ҳайкалтарошлигида реализмга интилиш янада кучайди. Ментухотеп ҳайкали Сенусерт III нинг баҳайбат боши ва Аменемхетнинг бир қанча ҳайкаллари бунинг далилидир. Ўрта подшолик давридаги бўртма расм ва суратлар гўё ўтган ва кейинги даврни ўзаро боғловчи бўғин бўлиб, улар Қадимги подшолик санъатига хос натурализмни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Шу билан бирга, Медумдаги бўртма расмлар ва Бани- Хасан мақбарасида одамлар ва ҳайвонлар ҳаётдан олинган турли воқеалар тасвирланган суратларда рассомларнинг табиатга бевосита таклид қилганлиги, табиатни ва одамларни қандай бўлса, шундайлигича тасвирлашга интилганлиги сезилади.

Илмий билимлар. Диннинг танҳо ҳукмронлиги эркин кишининг эркин фикрини тамомила бўғиб ташлай олмаган. Инсон табиат сирларини билиб олишга интилган. “Насиҳатнома” асари муаллифи бундай дейди: “Агар билимдон одам бўлсанг, айтганинг - айтган, деганинг - деган бўлади. Ёзиш - ўқишни чуқур эгаллаб, кўнглингга маҳкам жо қилиб ол, ана шунда ҳар бир айтган гапинг ҳаммага манзур бўлади. Мирза қандай лавозимда бўлмасин, у ҳар вақт китоб билан иш кўради”.

Илмий билимлар чуқурлашиб, авлоддан - авлодга ўтиб борган. Мактабларнинг кўпчилиги мирзалар тайёрлайдиган сарой мактаблари бўлиб, улар зодагон - қулдорларнинг болалари ўқийдиган, ёки булар марказий маҳкама қошидаги алоҳида мактаб бўлиб, уларда муайян маҳкама, масалан подшо хазинаси учун амалдор - мирзалар тайёрланган. Бу мактабларда интизом жуда қатъий бўлиб, уларда тан жазоси ҳам қўлланилган. Яна бир “Насиҳатнома” муаллифи бундай дейди: “Эй мирза, дангасалик қилма, йўқса қаттиқ жазога дучор бўласан. Такасалтангликни одат қилма, юз тубан кетасан. Қўлингга доим китоб бўлсин, уни овоз билан ўқи ва ўзингдан кўп биладиганлар билан маслаҳат қилиб иш тут. Ўз соҳасини беш қўлдек билган мирза бахтлидир..... Бир кунни ҳам ялқовлик қилиб ўтказма, йўқса калтак ейсан. Ахир боланинг қулоғи елкасида бўлади, қачон урсанг, шунда қулоғига гап киради. Доим маслаҳат билан иш қил ва буни эсингдан чиқарма. Ёз ва ёзишдан сира зерикма”.

Ўқувчиларни асосан оғир ва мураккаб саводга ўргатганлар, уларни махсус хуснихат намунасига қараб ҳар куни салкам уч саҳифа ёзишга мажбур этганлар. Ўқувчи имло қоидаларинигина эмас, балки мураккаб хуснихат ва стилистикани ҳам чуқур ўзлаштиришга мажбур бўлган. Энди савод ўргана бошлаган мирзаларнинг машқлари ёзилган матнлар бизнинг замонамизгача сақланиб қолган бўлиб, улар асосан тарбиявий мақсаддаги насихатлардан иборат, жуда пухта ёзилган.

Кундалик ҳаётдаги эҳтиёжлар, ҳўжалик ва айирбошлаш савдосининг ривожланиши ва табиатни кузатиб бориш натижасида дастлабки илмий билимлар тўпланган. Масалан, математика соҳасидаги энг қадимги билимлар турмушдаги амалий ишлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, танобчи ва бинокорларнинг ишини осонлаштиришга хизмат қилган. Математика масалаларининг мазмунига қараганда, арифметика ва геометрияга оид билимлардан ер майдонини аниқлаш, ғалла уюмининг қанча чиқишини ёки дон сақланадиган омбор сиғимини аниқлаш учун фойдаланилган. Ниҳоят, мисрликлар математика соҳасида орттирган билимлари туфайли, жойнинг схемали харитасини ва оддий чизмалар чизишни билганлар.

Кўплаб муҳташам бинолар, айниқса пирамидалар математика, хусусан геометриянинг бинокорликда, қурилиш ишларида жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади, чунки пирамидаларни фақат аниқ ҳисоблар асосидагина қуриш мумкин бўлган.

Ўша замондан қолган жуда кўп математик матнлар, хусусан Москвада сақланаётган “Математика папируси” қадимги Мисрда, айниқса Ўрта подшолик даврида математика ривожланганлигидан далолат беради. Мисрда математика соҳасида эришилган катта муваффақиятлардан бири ўнлик санок системасининг тараққий қилганлигидир. Миср ёзувида 1, 10, 100, 1000, 10000 ва 100000 ва ҳатто миллионни ҳам билдирувчи алоҳида аломатлар бўлган; хайрон бўлиб қўл кўтариб турган киши сурати миллионни англатган. Мисрликлар математикаси учун узунлик ўлчовининг ўзига хос бирликлари мавжудлиги характерлидир. Бармоқ, кафт, товон, тирсак ана шундай узунлик ўлчови бирлиги вазифасини ўтаб, Миср математикаси улар орасида маълум муносабатларни белгилаган. Санъатда ҳам математик билимлардан кенг фойдаланилган.

Мисрлик рассом текислик юзасига одамнинг суратини чизмоқчи бўлса, дастлаб тўртбурчак қилиб тўр чизган ва ҳисоб-китоб ёрдамида, киши танаси аъзолар нисбатини аниқлагандан кейин, шу асосда одам расмини чизган. Арифметикада содда тўрт амални қўллаш усули мисрликлар математикасининг бир қадар жўн бўлганлигини кўрсатади. Масалан, кўпайтиришда амалларни кетма-кет бажариш усулидан фойдаланилган. Чунончи, мисрлик саккизни саккизга кўпайтирмоқчи бўлса, саккизни тўрт марта иккига кўпайтирган.

Мисрда амалий аҳамиятга эга бўлган геометрия ҳам ўта тараққий этган. Миср математиклари тўғри тўрт бурчак, уч бурчак, хусусан тенг ёнли уч бурчак, трапециянинг юзини, ҳатто доиранинг юзи Π га тенг бўлиб, у 3,14 қийматни қабул қилишини ҳам ҳисоблай билганлар. Москвада сақланаётган “Математика папируси” да кесик пирамида ва ярим шарнинг ҳажмини ҳисоблаб чиқариш юзасидан ишланган мураккаб масала сақланган. Қадимги мисрликлар алгебрадан ҳам баъзи бир бошланғич билимларга эга бўлганлар, улар бир номаълумли тенгламани ҳисоблаб топа олганлар: номаълум мисрликлар “уюм” (дон уюми бўлса керак) сўзи билан таърифлаганлар.

Астрономия соҳасида ҳам қадимги мисрликлар муайян билимга эга бўлганлар. Осмондаги юлдузларни мунтазам кузатиш натижасида, сайёраларни юлдузлардан ажратиб, ҳатто юлдузлар харитасини ҳам тузганлар.

Табобат. Мисрда тиббиёт ҳам анча ривож топган. Ўрта подшолик даврига оид бир қанча матнларда турли касалликларни даволаш учун рецептлар рўйхати берилган. Кузатиб ҳосил қилинган тажрибалардан фойдаланган Миср табиблари ҳали қадимги дуо - афсунлардан тамомила кутула олмаган. Масалан, касал болаларни “даволаш” да табиблар, оналар ва тарбиячилар учун махсус тузилган удумлар тўплами аталган. Бу тўпланда жуда кўп сеҳр - жодулар билан бирга, ўзига хос ғалати рецептлар, жумладан, она сутини сақлаш ва кўпайтириш йўллари учратиш мумкин. Шундай қилиб, даволашда дори - дармон билан бирга сеҳр - дуолар ўқиш, қайтариқ қилдириш каби расмлар ҳам қўлланилган. Аммо одам аъзоларининг ўрганилиши (мумиёлаш вақтида мурдани ёриш билан одам аъзоларини ўрганиш анча осонлашган) табибларга одам организмнинг тузилиши ва ишлаши тўғрисидаги масалага нисбатан тўғри ёндашиш имконини берган. Шу тариқа, анатомия соҳасига оид дастлабки билимлар пайдо бўлган ва улар бир қанча анатомия атамаларида ўз аксини топган. Баъзи тиббий матнларда даволашнинг ўзига хос услуби ҳам берилган бўлиб, бунда табибдан касални атрофлича кўриш, касал аломатларини билиш, ташхис қўйиш ва даволаш усулини аниқлаш талаб этилган. Афтидан, касалнинг тузалиши мумкинлигини табибнинг унга очиқ айтишини талаб қилган табиблик этикаси ҳам бўлган; бунда табиб касалга нисбатан қуйидаги уч формуладан биттасини қўллаши лозим бўлган:

1. Мен бу касални тузатишим мумкин
2. Мен бу касални эҳтимол тузата оларман
3. Мен бу касални тузата олмайман.

Табиблар муайян касалликларга ихтисослашган. Гинекология, жарроҳлик ва кўз касалликларини даволашга оид алоҳида тиб китоблари бўлган. Баъзи бир касалликларга хос аломат ва кўринишларнинг бирмунча аниқ баён этилганлиги мисрликларни ташхис қўйиш соҳасида анча билимга эга бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Масалан, Миср тиббий матнларида меъда - ичак касалликлари (дизентерия), нафас йўллари касалликлари (эски йўтал, нафас сиқиши), қон кетиши, бод, скарлатина, кўз касалликлари (катаракта – кўз гавҳарларининг хира тортиши), тери касалликлари (гангрена, шишлар) ва бошқа ҳар хил касалликлар муфассал баён этилган. Қадимги

Подшолик даврига мансуб мақбаралардан бирида турли аъзоларни (қўл, оёқ, тиззани) операция қилиш жараёни акс эттирилган тасвирлар сақланган. Кейинги даврларда жарроҳлик юксак даражада тараққий этган. Жарроҳлик тўғрисидаги асарда бадандаги турли аъзоларнинг: бош суяги, бурун, ияк, кулоқлар, лаб, бўғиз, ҳиқилдоқ, ўмров суяклари, елка суяги, кўкрак, кўкрак қафаси, умуртқа поғонасининг шикастланиши ва жароҳатланиши муфассал баён этилган. Баъзи касалликларнинг номи ва тажриба асосидаги рецептураси Миср тиббиётининг қай даражада тараққий қилганидан далолат беради; антик дунёнинг тиббиёт соҳасида асар ёзган муаллифлари Миср тиббиётининг бу муваффақиятларидан кенг равишда фойдаланганлар.

Қон айланишига оид, одам организмида ва касалликлар жараёнида муҳим роль ўйнайдиган, юракдан тарқалувчи (мисрлик табибнинг фикрича) “22 томир” тўғрисидаги таълимот илмий хулосалар чиқариш учун дастлабки интилишлардан биридир. Бу жиҳатдан Эберс тиббиёт папирусидаги сўзлар ўзига хос: “Табиблик сири-юрак фаолиятини билишдан бошланади, томирлар бутун танга юракдан тарқалади; чунки табиб афсунгар бош, энса, қўл, кафт, оёқ, хуллас қайси аъзони ўрганмасин, уларнинг бари юракка қоқилади, чунки ҳар бир аъзога юракдан томир кетган”.

Одамнинг ҳар нарсани билишга интилиши, унинг фикри, диний - сеҳрли дунёкараши ҳукмрон бўлишига қарамай, ана шу тариқа аста - секин ривожланиб борган.

Қадимги ва Ўрта подшолик давригача мисрликлар кийими. Россиялик санъатшунос М.Н.Мерцалованинг “Турли давр ва халқлар кийимлари” китобида (1 қисм, М, 1993) қадимги халқлар уст – бошига оид ноёб маълумотлар бор. Ушбу маълумотлар ўрганилаётган даврни тўлиқроқ тиклаш, унинг “кенгрок” тасвирини кўриш имкониятини беради. Ушбу китобда Қадимги ва Ўрта подшолик давридаги мисрликлар кийимига алоҳида ўрин ажратилган. Масалан, М.Н.Мерцалова маълумотларига кўра, Қадимги подшолик даврида мисрликларнинг асосий кийими белга ўраб камар билан боғланган, эни кенг бўлмаган пешбанд бўлиб, у “схенти” деб номланар эди. У даврда ҳамма табақалар кийимининг шакли бир хил бўлиб, улар фақат мато сифати билан фарқланган. Ҳатто у жамиятнинг табақалашувини ва бир касб ёки муайян ижтимоий мавқега эга бўлган инсонлар орасидаги фарқни билдирар ва тасдиқлар эди. Масалан, чексиз ҳокимиятга эга раҳбар, яъни фиръавн схентиси юпқа оппоқ матодан тайёрланган. Ундан фарқли равишда, хунарманд кийими эса, дағал ва қалин матодан бўлган. Қулларнинг кийими эса янада дағал матодан, ҳатто теридан тикилиб, у боғлагич шаклида эди.

М.Н.Мерцалова мисрликлар кийимининг кейинги тарихини ўсимлик бўёқлари пайдо бўлиши билан боғлайди. Бу пайтдан бошлаб рангли - сариқ, ҳаворанг, жигарранг кийимларни фақат юқори табақадагилар - йирик ер эгалари, қоҳинлар, фиръавннинг яқинлари кийганлар. Соч турмаги, бош ва оёқ кийимларга қараб эса фарқни аниқ белгилаб олиш мумкин бўлган. Мисрликлар сочларини тагидан олдириб, майда жингалак қилинган (ўсимлик толаларидан) парик (ясама соч) ёки бошга ёпиладиган дағал матодан қалпоқча кийишар эди. Парик толаларининг узунлиги эгасининг юқори мансабидан далолат берган, шу сабабли фиръавн ва унинг оила аъзолари узун сочли ва хурпайган парик кийганлар. Қадимги подшоликнинг аксарият фиръавнлари схенти, парик ва қамишдан тўқилган сандалда ёки ялангоёқ тасвирланган.

Боғланма олтин соқол, тож ва ҳасса фиръавннинг ҳуқумдор нишонлари деб ҳисобланган. Архаик даврда Юқори ва Қуйи Мисрнинг ҳар бир ҳокими ўз тожига эга бўлган. “Клафт - ушебти” бош кийими ҳам подшо ҳокимиятининг қадимий рамзларидан биридир. У йўл - йўл матодан, лента ва илон (“урей”) шакли туширилган халқадан иборат бўлган. Клафт матосининг кўндаланг томони пешонага горизонтал қўйиб, тасма

билан боғланган ва унинг устидан “урей”, яъни илон тасвири туширилган халқа кийдирилган.

Қадимги Миср ҳалқи кийимининг ўзига хос хусусияти шуки, улар аниқ ва тўғри чизик асосида тайёрланганлар. Аммо шуни айтиш лозимки, коҳинлар кийими алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Қурбонлик келтириш пайтида коҳин елкасига сиртлон териси ёпилган. Терининг бош қисми олд томонга туширилиб, белбоғга маҳкамланган. Терининг боши, панжалари олтин пластинкалар билан безатилган.

Қадимги подшолик даври аёлларининг кийими ҳам у қадар мураккаб бўлмай, кўкраги очик қолдирилган, бир ёки икки боғичли узун тўғри кўйлак (калазирис)дан иборат бўлган. Ўша даврдаёқ мисрлик зодагон аёллар калазирисига – нақш ва плиссир каби безаклар билан жило берилган. Калазирис қадимги Миср тарихи давомида аёлларнинг асосий кийими бўлиб, даврлар ўтиши билан фақат бичимигина биров ўзгарган. Фрескаларда тасвирланган кийимларда Қадимги Мисрда ишлаб чиқарилган матоларнинг турли туманлигини кузатиш мумкин. Аёллар эркаклар каби ўсимлик толаларидан тайёрланган париклар кийишган. Улар эркакларникидан биров узунроқ ва жингалак бўлган. Милоддан аввалги 2400 йилга мансуб ва “Тенти хотини билан” деб номланган машҳур хайкалча бошқа ёдгорликларга нисбатан Қадимги подшолик давридаги мисрликлар кийимини яққолроқ ифодалайди. Унда оила-қўл ушлашиб турган аёл ва эркак тасвирланган. Эркак тўқима матодан қилинган схенти кийиб олган, сонининг ўртасидан чап томони майда бурама қилинган ва юмалоқ шаклда бўлган. Қалин мато ёки теридан бўлган камар суякли тўқа билан қадалган. Бошида ўсимлик толаларидан қилинган парик бор. Тентининг хотини ҳам парик ва калазирис кийган.

III - IV сулолалар даврига мансуб Акхутотеп макбарасидаги рельефда балиқ ови акс эттирилган. Ушбу рельеф ўша давр қулларининг кийимини тасаввур этишга ёрдам беради. Бу ерда балиқ тўла тўрни сувдан тортиб чиқарган бир неча эркак тасвирланган. Қуллар дағал мато ёки теридан қилинган белбоғ тақишган. У олд тарафни ёпиб турган мато бўлаги ва боғичдан иборат. Сочи олинган бошларига дағал матоли қалпоқча кийиб олишган.

Ўрта Подшолик даврида қадимги мисрликлар кийими анчагина ўзгарди. Миср жамияти синфларга бўлиниб, шаҳардаги бой ва камбағаллар яшайдиган мавзелар ўртасидан баланд девор билан ажратилди ва камбағалларнинг бойлар худудига кириши қатъий таъқиқланди. Табақаланиш кийимга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Янги матоларнинг пайдо бўлиши, Олд Осиёдан мато ва турли зеб-зийнатлар олиб келиниши кийимларнинг янги турини пайдо бўлишига сабаб бўлди. Миср зодагонлари оддий схенти билан қаноат қилмай қўйдилар. Кийимга сарфланган мато ҳажми эгасининг табақаси ва бойлигини кўрсатган. Мисрликлар матонинг турли хусусиятларини ўрганиб, англай бошлашди. Текис ва узун схентилар тобора кўпроқ учрайдиган бўлди. Эски шаклдаги схентилар зодагонларда маросим кийими, оддий аҳолида эса кундалик кийим сифатида сақланиб қолди. Аёллар кийимида эса, жиддий ўзгаришлар рўй бермади.

Ўрта подшолик даврида калазирис аввалги шаклини сақлаб қолди-ю, бироқ юқори табақа аёллари кийими биров безаклар билан бойиди. Биров вақт ўтиши билан аёллар кийимида ҳам юмшоқ матоларга интилиш сезилиб қолди.

Ўрта подшоликнинг сўнгги даврига мансуб баъзи ёдгорликларда ёпинчик ёпган аёллар тасвирланган. Аёлларнинг асосий қисми эски шаклдаги калазирис кийишган. Бу даврдаги яна бир янгилик - бу аёлларнинг калта улама сочи. Уни фақат олий зодагон аёллар кийиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Хизматкор аёллар кийими эса анъанавий калазирис ва узун парикдан иборат эди.

III. Янги подшолик даврида Миср маданияти

Ташқи савдо ва ҳарбий сиёсатнинг ривожланиши Мисрнинг йирик ва кучли давлат бўлишига, унинг халқаро кураш майдонида чиқишига ёрдам беради. Мисрнинг қўшни халқлар ва давлатлар билан алоқаси тобора мустақамланиб боради.

Янги адабий жанр - саёхатномалар жанри юзага келади. “Ҳалокатга учраган кема ҳақида ҳикоя” да (Петербург, Эрмитаждаги №1115) Шарқ эртакларига хос бўлган қадимги фантастика элементлари ҳам сақланиб қолган. Бу ҳикоянинг кўп жиҳатлари, чунончи кема, кема жамоаси, довул ва “сирли дўл”нинг табиий бойликлари тасвирланган жойларга оид бадиий реализм асарнинг муҳим хусусияти бўлиб, бу ўша давр санъатида реализм энди юзага кела бошлаганини англатган. “Синухет ҳикояси” ҳам реалистик тарзда баён этилган. Бу ҳикоя аслида мисрлик катта амалдорнинг хужжатли таржимаи ҳоли каби яратилиб, сўнг адабий жиҳатдан жиддий ишлов берилиб, ажойиб, бадиий асар кўринишини олган. Бу классик матннинг бир қанча рўйхат ва қисмлари бизгача сақланиб қолганлиги Мисрда бу асарнинг машҳур бўлганлигидан далолат беради.

Янги подшолик даврида мисрликларнинг география соҳасига оид билими янада кенгайди. Адабий асарларда қўшни мамлакатлар, чет эл халқларининг ҳаёти, ўзаро муносабатлар, саёхатлар ва саргузаштлар ҳақида баён этилар эди.

Подшо шаънига айтилган мадҳиялар. Худо даражасига кўтарилган подшони мактаб айтилган мадҳиялар диний мадҳияларга ўхшайди. Уларда Миср фиръавнларининг ҳарбий юришлари ва қурилиш соҳасидаги фаолиятларига оид қимматли маълумотлар бўлиб, шу билан бирга улар подшо ва унинг ҳокимиятини илоҳийлаштиришга хизмат қилган.

Миср фиръавнларининг истилочилик сиёсати авж олган Янги Подшолик даврида бу адабий жанр анча тараққий этди. Машҳур “Кадеш ёнидаги жанг ҳақида достон” да сарой шоири фиръавн Рамзес II нинг Сурия шаҳри Кадеш яқинида хетт қўшинлари устидан афсонавий ғалабасини тасвирлайди.

Тасвирий санъат. Янги Подшолик даврига келиб ибодатхоналар қуришда устунлар галереяси ва залларни кенг қўллаш ривож топган. Хусусан, XVIII ва XIX сулола даврида қурилган кўплаб ибодатхоналарнинг харобалари қадимги Миср меъморчилиги ўта тараққий қилганидан далолат беради. Фивадаги ҳашаматли ва баҳайбат Амон ибодатхонаси ўша даврга хос ғоят катта архитектура мажмуалардан биридир. Унинг Карнакдаги харобалари анча яхши сақланган. Бу ғоят улкан ибодатхона атрофидаги иморатлар билан биргаликда ҳашам архитектура ансамблини ташкил этади. Мадинат - Абудаги Рамзес III ибодатхонаси эса бироз кейинти замонга оид ўзига хос меъморчилик комплексини ташкил этади. Янги Подшолик давридаги ҳайкалтарошлик санъати ҳам шу замон архитектурасига мос ҳашаматли бўлган. XVIII сулола фиръавнлари ҳайкаллари ва аёл портретлари реалистик тарзда ишланиб, улар, ҳам ифодали тасвирланиб, ҳам бадиий жиҳатдан идеаллаштирилган. Ниҳоят, бу даврда китобга безак бериш иши ҳам ғоят юксалган. “Ўликлар китоби”нинг матнлари ёзилган папируслардаги ғоят нафис расмлар ҳам шундан далолат беради. (Британия музейида сақланадиган Ани папируси). XVIII сулола санъат гуллаб-яшнаган даврида тараққиётининг юксак чўққисига эришган. Бу даврда минг йиллар давомида юзага келган маданиятни, қадимги дин ҳамда асрлар давомида таркиб топган анъаналарни ўзгартириш йўлида жиддий қадам қўйилди. Ҳайкалтарошликда бу дақиқалар Луврда сақланадиган Эхнатон бюстининг юз тузилишида, Нефертитининг ёки Эхнатоннинг портретида, уларнинг гавдалари тасвири ҳам акс эттирилган.

Юксак камолотга эришган Миср санъати Финикия ҳамда анча кейинги юнон-рим санъати тараққиётида катта ўрин тутди.

Қуёшга сиғиниш. Ўта қадим замонда қуёшга эътиқод қилиш маркази Иуну шахри бўлиб, юнонлар уни “Қуёш шахри” (Гелиополь) деб атаганлар. Бу шаҳар ўзининг йирик диний марказ сифатидаги аҳамиятини бутун қадимги Миср тарихи давомида сақлаб келди.

Қудратли XVIII сулоланинг фиръавнлари замонида Миср давлати мустақамланиши ва ғоят катта бойликларнинг Амон коҳинлари қўлида тўпланиши, Фива худосига эътиқод қилиш қарор топишида акс этади. Фиръавн подшолар орасида энг буюк ва қудратли деб ҳисоблангани каби, Амон - Ра худоси ҳам олий худо деб эълон қилинди.

Фиръавн Эхнатон замонида қуёш худоси-Атон давлатнинг танҳо олий худоси деб эълон қилинган вақтда қуёшга сиғиниш авжига чиққан эди.

Эхнатоннинг диний ислоҳоти унинг вафотидан кейин орадан кўп ўтмай барҳам топди ва айтиш мумкинки Фива коҳинлари ғолиб келдилар. Яна Амон худосига сиғиниш бошланди ва Мисрда аввалгидек кўпхудолик қайтиб, унинг қадимги анъанавий шакллари яна тикланди.

IV. Сўнгги Подшолик даврида Миср маданияти

Мисрликлар Нубиянинг ичкарасига анча кириб бориб, жанубдаги узоқ Пунт мамлакати билан савдо алоқалари боғлайдилар. Миср фиръавнлари Олд Осиёнинг катта ўлкаларини истило қилиб, тўртинчи шаршарагача бўлган худудларда ўз ҳокимиятларини ўрнатдилар. Мисрликлар кўшни халқлар билан ўзаро алоқалари маданий жиҳатдан уларга жиддий таъсир кўрсатишларига сабаб бўлди. Шундай қилиб, Миср билан Эгей дунёси, Олд Осиё ва Нубия дунёси ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар ва ўзаро таъсир тобора кучайиб боради. Мисрнинг сиёсий таъсири кучсизланиб, у ўзининг чор-атрофидаги ерларидан маҳрум бўла борган, ҳатто бошқа мамлакатлар ҳужумига учраб, истило этилган сўнгги даврда ҳам мамлакатнинг кўшни давлатлар билан савдо алоқалари сақланиб қолди. Ливия, Эфиопия ва Оссуриялик истилочилар Мисрнинг юксак ва қадимий маданиятининг бир қадар таъсирига тушмаслиги мумкин эмас эди. Маданий жиҳатдан қолоқ бўлган ливияликлар билан эфиопияликлар Мисрни истило этгач, бир вақтлар гиксослар каби, Миср маданияти таъсирига деярли батамом берилиб кетдилар. Мисрни босиб олиб, у ерда ўз сулоларига асос солган ливия ва эфиопия подшолари Миср фиръавни унвонини қабул қилиб, Миср худоларига сиғина бошлайдилар, ёзувларини мисрчага ўзгартириб, ҳар нарасада ўзларидан олдин ўтган Миср фиръавнларининг урф - одатларига тақлид қиладилар. Чунончи, Тахарка ўзини “Мен Горман, икки тож эгаси ҳар икки мамлакат ҳимоячиси олтин лочинман, Юқори ва Қуйи Миср подшоси, марҳаматли худоман” деб атайди. Нубия илгари ҳам Мисрнинг маданий таъсири остида бўлиб, эфиопияликлар Мисрни истило қилгандан сўнг бу таъсир янада кучайди. Нубия худудида сақланиб қолган кўпгина ибодатхона харобалари Миср маданиятининг Нубияга алоқадор кучли таъсиридан далолат беради. Сўнгги мероит алифбоси (Мероэ – миллоддан аввалги III асрда ва миллодимишнинг III асрида яшаган сўнгги Нубия подшолиги) Мисрнинг демотик ёзуви асосида пайдо бўлган.

Миср маданияти Олд Осиё ўлкалари, асосан, Фаластин, Финикия ва Сурияга, ҳатто узоқ Кипр оролигача бориб етди. Фаластин ва Финикия худудидаги ёдгорликлардан Миср санъати таъсири аниқ билиниб туради.

Юнонларнинг Мисрга киришига йўл қўйган Саис фиръавнлари юнон маданиятига ҳам мамлакат дарвозаларини кенг очиб бердилар. Юнонлар Мисрда ҳарбий лагерлар,

колониялар, шаҳарлар ва юнон худоларига атаб ибодатхоналар курганлар. Юнон рассом ва ҳунармандлари Мисрни ўз санъат асарлари ва буюмлари билан тўлдириб юбордилар, ҳунармандчилик эса айниқса Навкратисда авж олди. Санъатдаги бадий реализм йўналиши милoddан аввалги VI асрда Мисрда тараққий этди. Мисрнинг шу замонга оид ўймакор расмларида одам танаси ён томондан тасвирланиб, юза устига одамлар ва буюмлар эркин жойлаштирилади. Бу даврда Мисрда портрет ҳайкалтарошлик юксак бадий камолотига эришди. Ментуемхат ҳайкалининг бош қисми портрет ҳайкалтарошлигига оид энг нодир намуна ҳисобланади.

Мисрга Финикия ва Фаластиннинг муайян таъсири ҳам бўлган. Масалан, оташдонда жасадни куйдириш одати Мисрга Ханаандан келган деб фараз қилинади. Финикиялик ва яҳудий колонистлар Мисрда ўз худоларига бағишлаб ибодатхоналар курганлар, бу эса қадимги мисрликларнинг диний қарашларига маълум жиҳатдан таъсир кўрсатмай қолмаган. Мисрда ливияликлар ҳукмронлик қилган даврдан бошлаб уларнинг қадимги маъбудаси Нейтга сиғиниш кучайиб, ливиялик подшолар ва унинг ворислари Саисда ўрнашиб қолган XXVI сулола фиръавнлари (бу ерда маъбуда Нейтга илгаридан эътиқод қилган) бу маъбудани айниқса қадрлаган. Соқолли ва пакана Бес худоси (бу худога эътиқод қилиш Нубия билан Пунтдан деган тахмин бор) сўнгги вақтда кенг тарқалиб, то христианлик давригача мисирликлар унга сиғиниб келдилар. Буларнинг бари Миср ва Африка, Олд Осиё ва Эгей денгизи мамлакатлари ўртасида ўзаро маданий таъсирининг анча жиддий бўлганлигини кўрсатади. Миср билан қўшни мамлакатлар ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар чуқурлашиб борган даврда Миср давлатининг ўзи аста - секин инқирозга юз тутди. Бу жараён мамлакатга чет элликларнинг кириб келиши, улар таъсирида Миср маданиятининг аралашиб кетиши туфайли рўй берган. Қадимги урф одатлар ва дин унут бўлиши туфайли Миср тушкунликка юз тутди деган фикр мавжуд. Ҳудди шу, айниқса Саис даврида чет элликлар таъсирига қарши ҳаракат бошланиб, Қадимги Подшолик замонида Мисрнинг дастлабки гуллаган давридаги қадимги давлат тизимларини, тили, ёзуви, санъати ва динини тиклаш ҳаракати давом этди. Коҳинлар дин ва турмуш соҳасига таъқиқлар орқали Миср халқи ва биринчи навбатда, ўзларини чет элликлардан айирмоқчи бўлдилар. Геродот ёзишича “Мисрнинг на эркаги, на аёли ҳеч қачон эллинлик билан ўпишмас, эллинлиكنинг пичоғи, вилкаси, қозонини тутмас, ҳатто унинг пичоғида сўйилган ҳалол мол гўштини ҳам емас эди”. Урф - одатларга риоя қилишга оид баъзи овқатларни ейишнинг ман этилиши ва диний эътиқодни асраш тўғрисидаги қатъий талаблар мисрликлар билан чет элликларни бир - биридан ажратиб қўйди. Кўпдан унутилиб кетган эски урф - одатларни тиклашга уриниш ўзига хос архаизация, яъни эскиликка тўла-тўқис тақлид қилиш - ёзув ва адабиёт ёдгорликларида, санъат асарларида ҳам очик сезилиб турарди. Алифбо аломатларининг кенг тарқалиши ва ҳужжатларни ёзиш учун қулай ва содда демотик ёзуви мавжуд бўлишига қарамай, мураккаб ва ноқулай қадимги иероглиф ёзув тизими нафақат сақланиб қолинди, балки яна бирмунча мураккаблаштирилди.

Дин. Диний матнларда Қадимги подшолик давридаги пирамидалардан олинган матн парчалари учраб, бу парчалардан нусхалар оlinиб, кўчирилди. Қадимги мисрликларнинг худолари – Изида ва Озирисга сиғиниш кенг тарқала бошлади. Аёл подшо Нейтикертнинг (XXVI сулола) сарой арбобларидан бўлган Иба исмли коҳин Озирис шарафига ибодатхона қурилишидаги меҳнатини тасвирлаб қолдиради. Яхмос II замонида бир неча юқори мансаб эгаси бўлган Пефнефдинейт бир йирик мансабдорнинг Абидосдаги Озирис ибодатхонасини тиклаш ва уни кенгайтиришда кўрсатган хизматлариини батафсил баён этади. Бу одам “хароб бўлган муқаддас ёзувлар уйини

қайтадан тикладим ва Озирис шарафига қилинадиган назр - ниёзлар рўйхатини тузиб, барча ёзувларни тартибга солдим” деб ғурур билан айтади. Аммо Мисрда турли ҳайвонларга топиниш, жумладан, Бубастисда эъзозланган маъбуда Бастетга бағишланган муқаддас ҳўкиз (Апис) лар билан муқаддас мушукларга эътиқод қилиш сўнгги вақтларда кенг тарқалади. Муқаддас ҳайвонларнинг мисршунослик музейларида сақланадиган кўпдан - кўп ҳайкалча ва суратлари шундан далолат беради. Шу билан бир вақтда сеҳргарлик кенг ёйилади. Сеҳргарлик табиатдаги турли ҳодисаларни янгидан - янги ҳудоларга сиғиниш (синкретизм ва пантеизм) билан бирга ривожланиб боради. Санъат ва адабиётда ҳам узоқ ўтмишни қайта тиклаш, эски замонга оид нарсаларга тақлид қилиш ҳаракати бошланади. Адабий асарларнинг сюжетлари қадимги подшоҳлар, жумладан, Рамзес II нинг образлари билан боғланади. Ривоятларга қараганда, Осиёдаги бир подшонинг касал ётган қизини даволаш учун Рамзес II худо Хенсу ҳайкалини юборган эмиш. Ўрта Подшоҳлик давридаги Миср адабиётининг адабий асарларида гуллаб - яшнаган классик замонга мансуб услуб ва фразеология қайта тикланади. Тасвирий санъат соҳасида Қадимги Подшоҳлик замони бадиий асарларига тақлид қилиш, баъзан эса улардан бевосита кўчиришга интилдилар.

Аммо Миср давлатининг мустақиллиги ва ўзига ҳослигини сақлаб қолиш йўлидаги сўнгги уринишлар ҳам зое кетди. Миср давлати Эрон истилочиларининг зарбалари остида қулади. Бироқ Миср маданияти йўқ бўлиб кетмай, балки у кейинчалик кўшни халқлар ва асосан, юнонларнинг маданий тараққиётига кучли таъсир кўрсатди.

Таянч иборалар

эхромлар, Сфинкс, “Ўликлар китоби”, Апис, синкретизм, пантеизм, манускрипт, ритуал, иератика, схенти, саркофаг, ҳаммол, реализм, пессимизм, фреска, конструктив, фронтал, натурализм, стилистика, калазирис, архаизация, демотик ёзув

Саволлар

- 1. Миср мифологияси яна қайси қадимги давлатлар мифологиясига таъсир кўрсатган?**
- 2. Юнон маданиятининг Миср маданиятига киритган янгиликлари?**
- 3. Ўрта Подшоҳлик давридаги Миср маданияти ўзининг қайси хусусиятлари билан бошқа Подшоҳлик даврлари маданиятидан ажралиб туради?**

2 Қадимги Месопотамия

1. Қадимги Месопотамия манбашунослиги ва тарихнавислиги

Месопотамия - юнонча «Икки дарё оралиғи» деган маънони англатади. Фрот (узунлиги 2700 км) ва Дажла (узунлиги 1900 км) дарёлари шимолда Арманистон тоғларидан бошланиб, жанубда улар Форс кўрфазига қуйилади. Бир неча минг йиллар аввал бу икки дарё алоҳида - алоҳида бўлиб, Форс кўрфазига қуйилган, кейинчалик минг йиллар ўтиши билан улар Шатт - ал - араб дельтасида бирлашиб ҳозиргидек Форс кўрфазига қўйиладиган бўлди.

Бундан олти минг йил илгари Фрот ва Дажла дарёлари водийларининг жанубий қисмига шумерликлар, шимолий қисмига эса йирик кўчманчи қабилалар - акқодлар келиб жойлашганлар. Бу водийларда қадимги Шумер ва Акқод цивилизациялари вужудга келган.

Месопотамия (асосан ҳозирги Ироқ республикаси ҳудуди) Яқин Шарқ марказида жойлашган бўлиб, қадимдан бу минтақа орқали кўплаб савдо йўллари ғарбдан - шарққа, шимолдан - жанубга қараб ўтган.

Қадимги Месопотамия тарихи ва маданиятини ўрганишда асосан археологик қазилмалар, ёзма ҳужжатлар, антик ва хорижий муаллифларнинг асарлари ва бошқалар муҳим аҳамиятга эга. Қадимги Месопотамия тарихига оид манбаларни асосан бешта гуруҳга бўлиш мумкин.

Археологик қазилмалар. Месопотамияда археологик қазилмалар XIX асрнинг ўрталарида бошланди. Бу ишларни амалга ошириш, умуман Месопотамия тарихини ўрганишда Европа, Америка археолог олимларининг хизмати катта. Биринчи археологик кашфиётлар 1842 йилда Месопотамиянинг шимолий қисмида франциялик дипломат, тиббиёт мутахассиси Э.П.Ботта томонидан амалга оширилди. У аввал Куюнжик тепалигида қазил ишларини олиб бориб, сўнг ўз ишини Хорсобод қишлоғида давом эттирди. 1843 йилда Э.П.Ботта бу ерда Оссурия подшоси Саргон II нинг қимматли сарой харобаларини топди.

1845 - 1847 йилларда инглиз дипломати Г.А. Лэйярд Нимруд тепалигида археологик қазилмаларни амалга оширди. Бу мутахассис шарқ тилларини яхши билиб, Яқин Шарқ бўйлаб кўп саёҳат қилган эди.

Г.А. Лэйярд Нимруд тепалиги остида сақланиб қолган Оссурия шаҳри - Калху харобаларини кашф этди. Бу шаҳарда подшолар саройлари, қасрлар, инсу – жинслардан сақлайдиган - ҳўкиз одам, шер-одам тасвирлари туширилган йирик ҳайкаллар, турли манзараларни акс эттирган рельефлар ва бошқа маданий ёдгорликларнинг қолдиқлари топилган.

1847 йилда Г.А. Лэйярд яна бир ажойиб кашфиёт қилди. У Куюнжик тепалигида қазил ишларини олиб бориб (Э.П.Ботта «бу тепаликда қазил ишларини амалга ошириш натижа бермайдиган», деб айтган), Оссуриянинг душманлар томонидан ёндирилган ва вайрон қилинган пойтахти – Ниневия шаҳри, шу билан бирга милоддан аввалги VII асрда яшаган подшо Синахериб, унинг невараси Ашшурбанипал саройини, унинг кутубхонасини топди. Кутубхонада лойдан ишланган миххатли ёзувлар топилди. Мутахассисларнинг фикрича, Ашшурбанипал кутубхонаси саройнинг иккинчи қаватида жойлашиб, ёнғин чоғида кулаб тушган. Миххатли табличкалар каталогида ўша вақтдаги асарларнинг рўйхатлари берилган. Ҳар бир табличкага “Ашшурбанипал саройи” деган муҳр ўйиб босилган.

Лэйярд топган қазилмалар кейинчалик Лондондаги Британия музейининг қадимги Шарқ коллекциялари асосини ташкил қилди.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Месопотамиядаги археологик қазил ишларининг янги босқичи бошланди. Бу вақтда Дажла ва Фрот дарёлари водийларидан кўплаб шаҳарларнинг вайроналари топилди. Лэйярд - О. Рассам ходимлари Куюнжик тепалигини тадқиқ қилишда давом этдилар ва Оссурия подшоси Ашшурбанипал саройи, ов, ҳарбий саҳналарни акс эттирган рельефларни топишди.

Нимруд тепалигидан 14 км нарида Балават номини олган жойда О.Рассам милоддан аввалги IX асрга тегишли Оссурия ёдгорликлари, шунингдек, подшо Ашшурбанипал II нинг ибодатхонаси ҳамда Салманасар III нинг ўша даврдаги ҳарбий юришларини тасвирлаган ва шаҳар дарвозаси устига бронза плиталар қопланган Балават дарвозасини топди.

Бундан ташқари О.Рассам Месопотамиянинг турли бурчакларидан қатор ёзма ҳужжатлар, шу жумладан, “Кир манифести”, “Рассам цилиндри” деб ном олган

Ашшурбанипалнинг солномасини ҳамда Оссурия ва Бобил подшоларининг ёзувлари, иш юритиш ва маърифий ҳужжатларини топди.

Месопотамиядаги қадим шаҳарни ўрганишга Англиялик геолог В.Лофтус ҳам катта ҳисса қўшди. У Варна харобаларини тадқиқ қила туриб, қадимги Урук шаҳри, ҳамда ибодатхона кутубхонасида сақланган ҳужжатларни топди. Лофтус шунингдек қадимги Ларсу (ҳозирги Сенкере) шаҳри, ундаги сарой, қуёш худоси ибодатхонаси ва турли соҳаларга оид ҳужжатларни аниқлади.

1854 йилда инглиз дипломати Ж.Тэйлор Эл - Мукайир тепалигида археология ишларини амалга ошириб, Ур шаҳри, Шумер шаҳарларидан бўлган Эреду шаҳрини топди.

Месопотамиянинг қадимги шаҳарларини ўрганишда француз дипломати Э. де Сарзек жиддий натижаларга эришди. У 1877 - 1900 йилларда Телло тепаликлари остидаги шумерлар шаҳри - Лагашни кашф қилди. Унда шаҳар ҳокимларининг тош ҳайкаллари, кумуш ва алебастрдан ишланган вазалари топилди. Телло тепалигида топилган ёдгорликларнинг ичида “бургутлар” деб аталган плитанинг парчаси жуда қизик эди. Унда Лагаш шаҳрининг ҳукмрони - Эаннатумнинг қўшни шаҳар - Умму устидан эришган ҳарбий ғалабаси акс эттирилган эди. “Бургутлар” плитасида жангда ҳалок бўлган аскарларнинг жасадларини бургутлар ғажиб ётган манзараси акс эттирилган эди.

1888 йилда Америка археологларида Ж.Петерс, Хилпрехт ва бошқалар уч минг йил яшаган қадимги Ниппур шаҳрини кашф қилдилар. Бу шаҳар ўзининг баҳайбатлиги билан кишини ҳайратга соларди. Ундан 60 мингдан зиёд ёзувли тахтачалари бўлган ибодатхона кутубхонаси, қасрлар, турли хўжалик иншоотлари, қурилишлар, мактаб, бозор, савдо расталари, турар жойлар, иш ҳужжатлари сақланган катта архив топилди.

XX аср бошларида қадимги Месопотамия ҳудудида ҳақиқатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган кашфиётлар юз берди. Р.Кольдевей раҳбарлигидаги немис археологик экспедицияси Бағдоддан 50 км жанубдаги тепаликларда текшириш ишларини амалга оширди. Натижада қадимги Бобил (Боб - или - Худо дарвозаси) - Вавилон шаҳри очилди. Бобил бир неча минг йил давомида Месопотамиянинг йирик иқтисодий, сиёсий, маданий - диний маркази бўлган. 1899 - 1917 йилларда археологик қазилма ишлари туфайли шаҳар деворлари, энг машҳур подшолардан бири - Навуходоносор II саройи, диний удумлар кўчаси, Вавилон худоси Мардук ибодатхонаси қолдиқлари, сарой пешайвони, дунё мўъжизаларидан бири - “Осма боғлар” каби ноёб ёдгорликлар топилди. Ушбу ёдгорликлар Берлин музейининг ёрқин коллекцияларини ташкил қилди. 1903 - 1914 йилларда немис археологи В. Андрэ Калаат – Шерғотда Оссуриянинг яна бир қадимий пойтахти - Ашшур шаҳрини очиб, у ерда турар жойлар, подшо бош суяклари, уларнинг қасрлари, ибодатхоналари харобалари борлигини аниқлади.

Шу вақтларда немис археологик мутахассисларидан Р.Кольдевей, В.Андрэ, А. Нельдеке ва бошқалар қадимги шумерлар шаҳри Шуруппакани очишди. XX асрнинг 20-30 йилларида Месопотамиянинг Лагаша, Киш, Эреду каби шаҳарлари фаол ўрганилди.

1933 - 1939 йилларда француз археологлари А. Парро раҳбарлигида катта археологик изланишларни бошлаб юбордилар. Улар Телль - Харири тепалиги остидаги қадим Мари шаҳрини топдилар. Қазилма ишлари натижасида француз археологлари миллоддан аввалги II мингинчи йилликда Мари подшоси Зимрилим қурдирган саройни топишди. Унда 20 мингдан зиёд турли ҳужжатлар тўпланган ёзувлар борлиги аниқланди.

1922 - 1934 йилларда Л. Вулли раҳбарлигида инглиз археологик экспедиция қадимги Ур шаҳрини топиш юзасидан қазилма ишларини амалга оширди. Натижада Ур шаҳрининг миллоддан аввалги IV мингинчи йилдан то миллоддан аввалги IV асргача

бўлган тарихини ўрганиш имкони пайдо бўлди. Тадқиқотлар материаллари Вулли томонидан тайёрланган 5 томлик асарда (1927 - 1939 йиллар) нашр қилинди.

1925 - 1930 йилларда Америка археологлари ҳам ҳозирги Киркук ёнидаги тепаликларда қазил ишларини олиб бориб, улар, саройлар, ибодатхоналар, хўжалик жиҳозлари, турар жойлар, йирик ҳужжат тўпламларини аниқлашди. 1930 - 1936 йилларда Америка олимлари Г.Франкфорт, Т.Якобсен ва бошқалар Месопотамия подшолиги марказларидан бири – унча катта бўлмаган Эшунна (ҳозирги Телль-Асмар)ни очдилар.

Археологик қидирув ишларида Ироқ олимлари археологлари ҳам фаол иштирок этишди. Масалан, Фуад Сафар, Таха Биқир, Муҳаммад Али Мустафо ва бошқалар бир неча жойларда археологик қазил ишларини олиб бориб, Қадимги Месопотамия тарихига оид математик жадваллар, қонунлар мажмуасини топишга эришдилар. Неби-Юнус тепалигида ўтказилган қазилмалар асосида подшо Асархаддоннинг саройи, хўжалик иншоотлари, кўплаб ёзма ҳужжатлари ва бошқа топилган ёдгорликлар Бағдод музейларини бойитди. Илгари бу ёдгорликлар Европа ва Америкага олиб кетилар эди.

Европа ва Америка олимлари, археологлари XX асрининг 40-70- йилларида Месопотамиянинг турли туман ва шаҳарларида олиб борган тадқиқотлари туфайли шаҳар деворлари, қалъалар, ҳунармандлар маскани, ибодатхоналар, қимматбаҳо ашёлар, санъат асарлари, дипломатик ва бошқа ҳужжатлар, қабрлар, шунингдек, Оссурия, Бобил подшоларининг ёзма ёдгорликлари ва бошқа кўплаб ёдгорликлар, моддий маданият ёдгорликлари ва бошқа кўплаб моддий маданий ёдгорликлар топилиб, улар қадимий Месопотамия тарихи ва маданиятини ўрганишда беқиёс маълумотлар берди. Моддий маданият ёдгорликларини (милоддан аввалги III - II минг йиллар) Эреду, Ур, Урук, Лагаш, Ниппур, Мари, Аш, Ашшур, Ниневия, Бобил ва бошқа шаҳарларда топилган археологик қазилмаларда яққол кўриш мумкин.

Ёзма ҳужжатлар. Ёзма манбаларни бир неча турларга: хўжалик, юридик, дипломатик ҳужжатлар ва солномаларга бўлиш мумкин.

а) Месопотамиядаги иқтисодий - ижтимоий муносабатларни ўрганишда хўжаликка оид ҳужжатлар муҳим роль ўйнайди. Бундай ҳужжатлар Месопотамия шаҳарларида ўтказилган археологик қазилмалар вақтида жуда кўплаб топилган.

Ана шундай ҳужжатлардан бизгача етиб келган энг қадимгилари Урук ва Жамдат - Насра шаҳарларида топилган хўжаликка мансуб архивлари бўлиб, улар 1000 га яқин лой тахтачаларидан иборат. Ушбу ҳужжатлар пиктографик белгилар ёки миххат шаклида ёзилган. Уларда хўжаликка доир ҳисоботлар, озиқ - овқат маҳсулотлари, асбоб - ускуналар, қуллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунга ўхшаш хўжалик архивлари милоддан аввалги III минг йилликнинг биринчи ярмида Ур, Лагаш, Шуруппак, Адабе каби шумер шаҳарларида кўплаб топилган. II минг йилликдан буён, айниқса, маъмурий кўрсатмалар, савдо - сотиқ ҳақидаги хусусий, давлат ва ибодатхонага, хўжаликка оид архивлар жуда кўплаб топилган. Шулардан 5 - таси хусусий архив бўлиб, қўғинлар, зодагонлар, судхўрларга тегишли бўлган. Улар Ур қазилмалари вақтида топилган. Ҳужжатлар II минг йилликнинг бош даврига оид Оссурия, оромей савдогарларининг архивлари бўлиб, бунда 10 мингдан зиёд тахтача сақланган. Уларда ҳисоб-китоб, савдо битимлари, қарзлар, тилхатлар, суд қарорлари ва бошқалар ўз аксини топган. Бу архивлар Кичик Осиёдаги Култепадан топилган. Бу ерда Каниш савдо колонияси - йирик халқаро савдо бирлашмасининг маркази жойлашган.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида қадимги Аррапхидида қазилмалар чоғида 4 минг лой лопча топилган. II минг йилликнинг охирида (милоддан аввалги XII - XI асрлар) қадимги Оссурия шаҳарлари: Ашшура ва Шибанибеда (ҳозирги

Калат - Шерғит, Теллас - Билла) 760 дан зиёд хўжалик ҳужжатлари сақланган подшо ҳужжатхонаси топилган. 1 минг йилликнинг охирида 10 минг ҳужжатдан иборат бўлган хўжалик архиви Ниппур, Бобил, Барсип, Ур, Урук ва бошқа шаҳар қазилмалари вақтида топилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

б) Ҳуқуқшуносликка оид ёдгорликлар. Месопотамия тарихига оид энг муҳим манба – адлия ёдгорликлари, энг аввало қонунлар тўпламидир. Қадимги Шарқ мамлакатларининг биронтасида Месопотамиядаги каби кўп микдорда қонунлар тўплами сақланиб қолмаган. Булар орасида энг қадимгиси Ур - Намму қонунлари бўлиб, милoddан аввалги III минг йилликнинг охирига тўғри келади. Бу қонунлардан Шумер - Акқод подшоликлари даврида фойдаланишган. Бу қонунларнинг катта қисми сақланмаган бўлиб, улардан кириш қисми ва бир нечта модда қолган, холос.

Энг катта қонунлар тўплами - подшо Хаммурапи қонунидир. Бу қонун 282 модда, кириш қисми ва хулосадан иборат. Хаммурапи Бобилдаги барча подшоларнинг энг машҳури эди. У милoddан аввалги 1792 йилдан - 1750 йилгача - яъни 42 йил подшолик қилган. Аввало бу қонунлар лой ликобчаларга миҳхат кўринишида битилган, кейинчалик эса қора базальтдан ишланган устунга ўйиб ёзилган. Бу устун 1901 йилда француз археологи томонидан Элам пойтахти - Суза шаҳрида археологик қазилмалар вақтида топилган. Хаммурапи қонунлари битилган бу устун ҳарбий ўлжа сифатида Сузага келиб қолган. Бундан ташқари қадимги Оссурия давлати замонларида қабул қилинган қонунлардан лавҳалар сақланиб қолган. Ушбу қонунлар тўплами ва юридик ҳужжатлар тадқиқотчилар учун Месопотамия давлатидаги мулкчилик ва иқтисодиётининг қай даражада бўлганлигини ўрганиш, оила, табақалар ва улар ўртасидаги ҳуқуқий меъёрлар, муносабатлар, суд жараёнларини аниқлашда катта маълумот беради.

в) Дипломатик ҳужжатлар. Энг қадимги дипломатик ҳужжатлардан бири милoddан аввалги III минг йилликнинг биринчи ярмига тегишли бўлган Лагаш билан Умма шаҳарлари ўртасида юз берган чегара можароларини акс эттирган иккита лой цилиндрларга битилган ёзувлар ҳисобланади.

Бундан ташқари милoddан аввалги XXIII асрда Акқод подшоси билан Элам подшоси ўртасида имзоланган тенг ҳуқуқли шартнома ҳамда подшо Мари Зимрилим саройи ҳаробаларини қазिश вақтида (II минг йиллик бошларида) топилган архивда ҳам муҳим дипломатик ҳужжат мавжуд. Архивда Бобил, Мари давлат арбобларининг Сурия ва Финикия ҳокимлари ўртасидаги жуда кўп ёзишмалари сақланган.

Месопотамия ҳудудидаги давлатларнинг милoddан аввалги II минг йиллик тарихи учун ҳам, ўша давр халқаро муносабатларини ўрганиш учун ҳам фавқулодда аҳамиятга эга бўлган ҳужжат - қадимги Мисрда топилган Эл - Амарин архивидир. Бунда Митанни, Оссурия, Бобил подшоларининг Миср фиръавнлари Аменхотеп III ва Эхнатонга ёзган мактублари сақланган.

1955 йилда топилган Оссурия подшоси Асархаддон билан унга тобе Мидия ҳукмдорлари ўртасида имзоланган шартнома ҳамда Ашшурбанипалнинг Бобил шаҳри билан олиб борган музокаралар баёни ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2. Тарихий ёзувлар - солномалар. Шумер, Акқод, Бобил, Оссурия ва бошқа давлат ҳукмдорларининг тарихий битиклари ҳам муҳим манба ҳисобланади. Милoddан аввалги XXV асрда Лагаш давлатининг оёққа туриши, унинг ташқи сиёсати, қудратли қўшнисини Умма давлати билан олиб борган кескин курашлари Эаннетум битикларида кенг ёритилган.

Милoddан аввалги VIII - VII асрларда Сарагонийлар сулоласи подшолари замонида ёзилган битиклар фақат тарихий тусга эга бўлмай, балки адабий - тарихий асар

ҳам ҳисобланади. Улар чиройли услуби, оригинал ва мазмундорлиги воқеаларни батафсил тасвирлаши билан ажралиб туради. Ана шундай битиклардан бири “Саргон II нинг худо Ашшурага ёзган мактуби” ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Тарихда янги Бобил подшоларининг 140 дан зиёд битиклари мавжуд. Буларнинг аксарият қисми машҳур Навуходоносор II ва Набонидга тегишли. Уларда ҳарбий юришлар, саройлар, ибодатхоналар, шаҳар қурилишлари, совғалар, қурбонликлар ва бошқалар ҳақида тарихий маълумот берилади.

Айниқса подшоларнинг диний ёзувлари жиддий аҳамиятга эга. Бу ёзувлар ибодатхона, худо ва подшоларга бағишлаб ёзилган мадҳиялардан иборат. Милоддан аввалги VIII - VII асрда Ниневия, Кальху ва бошқа шаҳарларда 1,5 мингдан ортиқ ана шундай битик топилган.

Бундан ташқари қадим замонларда Шумер, Бобил, Оссурия ҳукумдорларига оид рўйхатлар ҳам тарихий асар ҳисобланган. Ана шу рўйхатлар ёрдамида қадимги Месопотамия подшоларининг яшаган, ҳукмронлик қилган ва тахтдан тушган вақтларини аниқ билиш мумкин.

Антик муаллифларнинг асарлари. Антик муаллифлар Месопотамиянинг табиати, об - ҳавоси, аҳолиси, диний қарашлари, урф - одатлари, маданияти, тарихи ҳақида ўзига хос маълумотларни беришади. Юнон тарихчиси Геродот ўз асарларида қадимги Месопотамия ҳақида батафсил маълумот беради. У бу мамлакат бўйлаб саёҳат қилган. Геродот асарлари асосини муаллифнинг коҳин, зодагон, таржимонлардан эшитган ҳикоялари ташкил қилади. Унинг Месопотамия ҳақидаги ҳикоялари ўта нодир, чунки у саёҳат вақтида кўрган, билган ва эшитганларини ёзган.

Географ Страбон Геродотдан сўнг 500 йил ўтгач Месопотамияга таъриф беради. Унинг “География” асари Месопотамия тўғрисида қизиқарли материалга бой манбадир.

Геродот замондоши, кўп йиллар Эронда яшаган Книдлик Ктесий ҳам ўзининг “Эрон тарихи” номли 22 китобини Месопотамияга бағишлаган. Бироқ унинг бу тарихий асари кўпроқ анъанавий афсоналарга асосланган бўлиб, воқеаларни ёритишда кўплаб хатолар ва бузиб кўрсатишларга йўл қўйилган.

Милоддан аввалги V - IV асрларда яшаган юнон тарихчиси Ксенофонт Месопотамияда бўлиб, у ҳам ўзидан сўнг “Киропсидия” ва “Анабасис” асарларини қолдирган. Унда муаллиф Дажла ва Фрот дарёлари водийларида яшаган халқлар, уларнинг урф - одатлари ҳақида анча - мунча нарсаларни ёзади.

Иосиф Флавий ўзининг “Қадимий Иудея” асарида Оссурия билан Бобилнинг Фаластин давлати билан бўлган ўзаро муносабатларини ёритади.

Рим тарихчиси Помпей Трогнинг китобида ҳам Месопотамия тарихи тўғрисида қатор маълумотлар мавжуд. У Бобил ва Оссурия тарихини анъанавий афсоналарга асосланган ҳолда тасвирлайди. Помпей Оссуриянинг босқинчилик сиёсати сабаблари, қадимда йирик империяларнинг вужудга келиш шароитлари, босиб олинган ерларни бошқариш усуллари, йирик империяларнинг ҳалокатга учраши сабабларини тушунтириши катта қизиқиш уйғотади.

Месопотамия тарихи ҳақида юнон муаллифлари Херил, Кратет, Марк Анней ва Лукан каби Рим шоирлари ҳам ўз асарларида муайян маълумотлар келтирганлар.

Миххат ёзувлари ва уларнинг аҳамияти. Месопотамиянинг қадимги ёдгорликлари билан яқиндан танишиш мақсадида XVIII асрда Дания олими К.Нибуру илмий мақсадда биринчи марта Месопотамияга саёҳат қилди, бу ердаги моддий ёдгорликлар билан танишиб, улардан нусхалар кўчирди.

1802 йилда немис олими, фалсафа ва қадимий тиллар ўқитувчиси Г.Ф.Гротенд миххатларни дешифровка қилиш соҳасида катта иш қилди. У Персепол миххатлари сирини очиб, уларнинг Аҳамонийлар сулоласи подшоларига тегишли эканлигини аниқлади. Гротенд 13 форс миххат белгиларини аниқлади.

XIX асрнинг 30 - 40 йилларида Яқин Шарқда узоқ вақт ишлаган инглиз зобити ва дипломати Г.Роулинсон миххатлар маъносини очишга катта ҳисса қўшди. У Ҳамадон яқинида жойлашган Беҳистун қоясига Эрон подшоси Доро I томонидан битилган кўплаб ёзувни ўқишга муяссар бўлди. 1847 йилда Роулинсон улардаги 600 белгидан 250 тасини аниқлаб, 1855 йилда Беҳистун миххатларининг элам тилида ёзилган учинчи қисмининг маъносини англашга мушарраф бўлди.

Қатор француз олимлари, чунончи Ф. де Сольси, Ж. Опперт ҳамда ирландиялик Э.Хинкс ва бошқалар Аққод миххатларини тадқиқ этдилар. Уларни ўқишда инглиз олими Э.Норрис, даниялик Н.Вестергард иштирок этишди. Бу ишлар натижасида оссуриология фанида янги йўналиш пайдо бўлди.

Месопотамия миххатлар тизимидан бобилликлар, шумерликлар, оссурияликлардан ташқари хурритлар, кейинчалик эламий, хетт ва урартуликлар фойдаланишган. Юқорида зикр этилган кашфиётлар туфайли оссуриология фанидан шумерология, эламитология, хеттология каби соҳалар пайдо бўлди.

Миххат маълумотларини мустақил ўрганган, Британия музейи наққоши Ж. Смитнинг номи тарихда буюк олим сифатида қолди. У миххат усулида ёзилган кўплаб адабий асарлар, илмий, диний матнларни, Аққод тилида ёзилган хўжаликка оид ҳужжатларни топди ва таржима қилди.

XIX аср охири - XX аср бошларида немис олими К.Бецольд беш томлик миххат тахтачалари каталогини нашрдан чиқарди. Э.Шредер эса – олти томлик оссур - бобил матнлари тўпламини чоп этди.

XIX асрнинг охирида Месопотамия тарихини ўрганиш соҳасида катта илмий ишлар юзага келди.

Хорижий муаллифларнинг тарихий асарлари. Месопотамиядаги ички сиёсий воқеаларни ҳамда ташқи сиёсат тарихини ўрганишга кўплаб чет эл олимлар, чунончи Д.О.Эдцард, Р.Боргер, А.Фине ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Месопотамиянинг сиёсий давлат тузумини ўрганишда Дания-Америка шумерологи Т.Якобсеннинг “Қадимги Месопотамияда ибтидоий демократия” ва «Месопотамиянинг илк сиёсий тараққиёти» мавзусидаги асарлари алоҳида ўрин тутди.

Чет эл олимлари қадимги Месопотамия маданияти ва динини ўрганишга катта эътибор бериб, жумладан К.Бецольд, Б.Майснер, Ф. Делич, Г.Винклер, Г.Шмекел, С.Крамер каби тадқиқотчилар ўз ишларида Месопотамия маданиятининг турли жиҳатларини: унинг вужудга келиши муаммолари, шумер, бобил, оссурияликларнинг қадимги шарқ халқлари маданий ривожига қўшган ҳиссаларини ёритиб бердилар. Айни вақтда Ғарб ва Америка олимлари қадимий Месопотамия ҳуқуқшунослигини ўрганишга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бу соҳада - В.Шейль, Г.Колер, Ф.Пайзер, Г.Винклер ва бошқалар жиддий ишларни амалга оширишди.

Месопотамия тарихини ўрганишга рус шумеролог, оссуролог олимлари ҳам ўз улушларини қўшдилар. Машҳур рус олими М.В.Никольский рус оссурологиясига асос солиб, у 1908, 1915 йилларда икки томдан иборат “Энг қадимги Халдеяда хўжалик ҳисоботларига оид ҳужжатлар” илмий асарини нашр этди. Бу китобда Никольский хўжаликка оид 500 дан зиёд ҳужжатларни (милоддан аввалги III минг йилликка доир) таҳлил қилди. Б.А.Тўраев “Қадимги Шарқ тарихи” номли йирик асарини нашр этди. XX

асрнинг 20 - 60 йилларида академиклар Н.М.Никольский, А.И.Тюменев, В.В.Струве ва бошқалар Месопотамия тарихи, унинг ижтимоий - иқтисодий муносабатлари, хусусий мулк муаммолари, давлат тузуми ва бошқа соҳаларни ўрганиш борасида катта ишлар қилишди. И.М.Дьяконовнинг илмий фаолияти марказида Месопотамиянинг ижтимоий - иқтисодий тарихини ўрганиш туради. И.М.Дьяконов 1967 - 1968 йилларда “Хусусий мулк муаммолари”, “Иқтисодиёт муаммолари ҳақида” деб номланган назарий мақолаларни чоп этди.

XX асрнинг 50 -70 йилларида Месопотамияни тадқиқ этиш юксак даражага кўтарилди. 1971 йилда йирик олим М.А.Дандамаевнинг “Вавилонияда кулдорлик” деган фундаментал асари босмадан чиқди. Машҳур олим М.Е.Массон Месопотамияда ибтидоий жамоадан илк синфий жамиятга ўтиш муаммолари билан шуғулланди. Н.Б.Янковская, Р.А.Грибов, Н.В.Козирева, В.И.Авдиев ва бошқалар Месопотамия тарихи ва маданиятининг турли жиҳатларини тадқиқ қилишга йирик ҳисса қўшишди.

Таянч иборалар

цивилизация, миҳхат, манбашунослик, тарихнавислик, коллекция, солнома, экспедиция, антик дунё, дешифровка, шумершунослик, оссуршунослик, пиктография, «Кир манифести», «Рассам Цилиндри», «Осма боғлар»

Саволлар

1. Қадимги Шарқ мамлакатлари тарихи ва маданиятини ўрганишда манбашунослик ва тарихнавислик фанларининг аҳамияти ва уларнинг фарқи нимада?

2. Қадимги Месопотамияни ўрганишда қандай манбалар устувор аҳамиятга эга?

2. Месопотамияда қадимги давлатчиликнинг вужудга келиши (шаҳар - давлатлар)

Табиий шароит. Олд Осиёдаги мамлакатлар орасида қишлоқ хўжалиги кенг раванқ топиши учун энг қулай мамлакат Дажла (Тигр) билан Фрот (Ефрат) дарёлари ўртасида жойлашган бўлиб, уни қадимги юнонлар Месопотамия (икки дарё оралиғи) деб атаганлар. Бу мамлакат шимолда Арманистон тоғларидан бошланиб, жанубда то Форс қўлтиғигача чўзилган. У ғарбда - Сурия - Месопотамия дашти билан, Шарқда эса Ғарбий Эрон тоғ тизмалари билан чегараланган. Месопотамиянинг ўрта ва жанубий қисми текислик бўлиб, у вақти - вақти билан тошиб ерларни ўғитловчи Дажла ва Фрот дарёлари келтирган ётқизиклар (ўғитбоп аллювийлар) дан иборат. Дажла дарёси Ван кўлидан жануброқда, Арманистон тоғларидан, Фрот эса Арзирумнинг (Туркия) шарқида, денгиз юзасидан 2 минг метр баландликдан бошланади. Дажла тезоқар дарё бўлиб, у Фротдан 750 км қисқароқ, лекин Фротга нисбатан икки баравар ортиқ сув келтиради. Узунлиги 2500 км га етадиган Фрот эса вазмин оқади. Фрот қирғоқлари Дажланикига қараганда пастроқ бўлганлиги сабабли, Фрот дарёси тошганида, Дажлага нисбатан, кўпроқ ҳудудни сув босади ва тошқин узоқ вақт давом этади. Ҳар иккала дарёнинг ўзани беш минг йил ичида ўзгариб кетган. Шумер ва Аққоднинг қадимий шаҳарлари Сиппар, Киш, Ниппур, Шуруппак, Урук ва Ларса кабилар Фрот дарёси бўйида жойлашганлар. Икки дарё оралиғининг жанубидаги Шумер ва мамлакатнинг ўрта қисмини эгаллаган Аққод иқлим жиҳатидан бир - биридан бир мунча фарқ қилган. Шумерда бошқа жойларга қараганда қиш илиқроқ бўлгани учун хурмо дарахти ёввойи ҳолда ўса олган. Аққод эса иқлим жиҳатидан қиш қорли бўлиб, ёввойи хурмо ўсмайдиган Оссурияга яқин бўлган.

Месопотамиянинг энг қадимги аҳолиси ўсимликлардан, хусусан арпа ва буғдойни мамлакат иқлимига мослаштира олган. Икки дарё оралиғининг жанубий қисмида ёввойи хурмо дарахти ва шакарқамиш мамлакат хўжалик ҳаётида катта аҳамиятга эга эди. Ёғ чиқариш мақсадида маҳаллий кунжут ҳам етиштирилган.

Аҳоли. Месопотамиянинг ўрта қисми ҳудудидаги энг қадимги манзиллар сўнгги неолит даврида вужудга келган. Мамлакатнинг ўта қадимий қабиалари ботқоқликлардаги тепалик-оролларда яшаган. Улар тупроқдан масканлар қурганлар. Атрофдаги ботқоқликларни куришиб, энг қадимги сунъий суғориш тизимини вужудга келтирганлар.

Ўрта ва жанубий Месопотамия ҳудудида топилган қадимги давр ёдгорликларини уч маданий даврга: Шумердаги Ал – обид, Урук маданияти ҳамда Аққоддаги Жемдет - Наср маданиятига бўлиш мумкин. Бу уч маданий давр милoddан аввалги IV минг йилликни тўла-тўқис ўз ичига олади. Бу ҳудудда яшаган аҳоли овчилик ва балиқчилик билан шуғулланиб келган ва аста-секин хўжаликнинг илғор шакллари: чорвачилик ва деҳқончиликка ўта бошлаган. Бу даврга келиб қўй, эчки ва чўчқалар қўлга ўргатилган ва Олд Осиёнинг энг қадимги бошоқли ўсимлиги - буғдой иқлимга мослаштирилган. Деҳқонлар жуда содда қуроллар: айрисимон тошдан ясалган омондан ва тиғи чакмоқ тошдан ясалган ўроқлардан фойдаланганлар. Кулолчилик, тоштарошлик ва тўқувчилик бир қадар ривож топган. Сопол идишларга турли нақшлар солинган ҳамда улар ҳайвон, қуш ва одамларнинг расмлари билан безатилган. Тошдан турли асбоб ва қуроллар: болта, омон, пичоқ ва ёй ўқлари ясалган. Бу даврда дастлабки металл қуроллар, масалан, ясси болта пайдо бўлди. Темирчилик ривожланиши билан мис қуроллар билан бирга бошқа буюмлар, чунончи, ойна ва тўғноғичлар ҳам ясала бошланган. Қуролсизлик соҳасидаги ғоят катта ўзгариш, яъни аввал тошдан металлarga, кейин мисга ўтиш ана шундай юз берган.

Жанубий Месопотамияда яшаган энг қадимги қабиаларда диний эътиқоднинг шакллани бошлаши ҳам ана шу даврга тўғри келади. Вафот этган одам ёнига идишда овқат, маржон, чиғанок, шунингдек, аёлларнинг лойдан ясалган ҳайкалчагарини қўйиш одати бўлган. Бу вақтда шумерийлар маданиятининг дастлабки элементлари ҳам юзага кела бошлаган. Бу давр Шумернинг қадимги даврига оид ғоят муҳим тадбирлар ўтказилган жой номи билан Урук даври деб аталади. Бу даврда хўжалик ҳаёти ва маданият янада ривожланиб, ҳужжатлар тузиш зарурияти туғилган. Шу муносабат билан ҳам содда сурат (пиктографик) ёзувлар вужудга келиб, улар ўша давр муҳрларида сақланиб қолган. Бу ёзув 1500 га яқин тасвирий белгидан иборат бўлиб, улардан вақт ўтиши билан қадимги Шумер ёзуви келиб чиқди. Қадимий Шумер – Аққод маданиятини кейинги даврда кўпроқ ёдгорлик буюмлар топилган жой номи билан Жемдат - наср маданияти деб юритилади.

Деҳқончилик хўжалиги бу вақтга келиб янада ривож топди. Деҳқонлар арпа билан буғдой ҳам эка бошлаган. Хўкиз ва эшак каби ёввойи жониворларни қўлга ўргатиш ҳам хўжалик соҳасида катта аҳамиятга эга бўлган. Меҳнат тақсимооти ва меҳнат қуроллари ривожли туфайли ҳунармандчилик ҳам анчагина ўсди. Энди сопол идишларни кулол чархида ясай бошлаб, сопол идишларга даста ўйлаб топилди, безак ва геометрик нақшлар солинди. Турли нақш ва бўёқлардан фойдаланиш сопол идиш яшашнинг анча ривожланганини кўрсатади. Темирчилик ҳам янада ривожланган. Мис асбоб ва қуроллар суяк ва тош қуролларини тобора сиқиб чиқара бошлади. Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши савдони юзага келтирди. Энг қадимги савдо алоқалари Ўрта Месопотамия билан Шимолий Иккидарё оралиғи, Элам, Ғарбий Эрон ва

Шимолий Сурия ўртасидаги алоқалар кучайишига сабаб бўлди. Савдонинг пайдо бўлиши йўл - алоқа ишларининг тараққий этишига олиб келди.

Месопотамиянинг энг қадимги манзилгоҳларидаги қазилар ишлари катта ва нодир археологик маълумотлар берди. Маълум бўлишича Аққод семитлари ва Жанубий Месопотамия шумерийлари ташқи қиёфа жиҳатидан ҳам, тиллари билан ҳам бир - бирларидан кескин фарқ қилганлар. Ташқи қиёфа ва тил жиҳатидан Сурия - Месопотамия дашти, Сурия ва Арабистондаги семит қабилаларга яқин бўлган Аққод семитлари Иккидарё оралиғига ғарбдан, шумерийлар эса Месопотамияга тоғли вилоятлардан келганлар деб тахмин қилишга асос мавжуд. Тош блокларни эслатувчи йирик ғишт тайёрлашнинг қадимги усуллари, зинапояли ибодатхона - зиккуратлар қурилиши, ниҳоят тоғда яшайдиган худоларга эътиқод ҳам шундан далолат беради. Моддий маданиятига кўра Элам қабилаларига яқин бўлган шумерийлар Месопотамияга шарқдан келган бўлиши мумкин.

Шумерийлар Урук маданияти давридаёқ Қуйи Месопотамияда яшаганлар. Аммо шумерийлар маданиятининг айрим элементлари ундан ҳам олди – Ал - Обид давридаёқ пайдо бўлган.

Дехқончиликнинг ривожланиши. Энг қадимги даврларда вужудга келиб, милoddан аввалги III минг йилликда янада ривожланган қишлоқ хўжалиги етакчи ва илғор рол ўйнаган. Қуйи Месопотамиянинг баъзи жойларида ҳосилдор ерлар бу вақтда анча ишланган ва кўп сонли аҳоли ундан олинган маҳсулот билан таъминланган. Ларса ва Урук каби йирик шаҳар ҳаробаларининг ораси атиги 24 км эканлиги, аҳоли жуда зич яшаганлигидан далолат беради. Фротнинг ғарбидаги бепоён ўтлоқ ва даштлар чорвачилик билан шуғулланиш имконини берган. Ўтлоқларда узун ва калта шохли хўкизлар боқилган. Экинни суғоришда, ҳайдаш ва ғалла янчишда, шунингдек, юк ташишда уй ҳайвонларидан фойдаланилган.

Ернинг серунумлилиги, сув ҳамда дарёлар оқизиб келтирган табиий ўғитларнинг мўллиги, айниқса, деҳқончиликни ривожлантириш имконини берган. Аммо ботқоқ ерларни экинзорга айлантириш учун кўп куч сарфи талаб этилган. Даставвал ботқоқларни буткул қуришти, сўнг дарёлар тошқинига қарши чоралар топиш тошқин вақтида дарё сувларини мамлакат бўйлаб бир текисда тақсимлаш имконини берувчи сунъий суғориш тизимини яратиш зарур эди. Шундан келиб чиқиб, Месопотамиянинг жанубий қисмидаги дастлабки жамоаларнинг вазифаси сунъий суғориш тармоқларини барпо этишдан иборат бўлган.

Ерга ишлов бериш кўп минг йиллар давомида энг оддий чопқи, ерни юмшатиш учун алоҳида мола ва ибтидоий омовдан фойдаланиб келинган. Ўримда одатда оддий ўроқ ишлатилган. Ғалла янчишда қорамолдан фойдаланганлар, мол хирмонда айланиб, бошоқларни оёқлари билан эзиб янчган.

Месопотамияда ўта қадимги вақтлардаёқ бошоқли ўсимликларнинг кўплаб турлари маълум бўлиб, булар орасида арпа биринчи ўринда турган.

Шумерийлар давридаёқ нисбатан унумдор деҳқончилик экинлари, сабзавотлар ва буғдой экиш аста - секин ривожланиб борди. Қадимги шумер тилида дала, боғ, ўтлоқ ва тоқзор, қўшчи ва боғбон каби алоҳида сўзлар мавжудлигидан ҳам ушбу хулосага келиш мумкин. Қадимги Месопотамияда турли сабзавотлар ҳамда мевали дарахтлардан ташқари, ўта қадим замонлардан экилган хурмо дарахти хўжалик учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Алоҳида хурмо боғлари бўлган, баъзи хурмо навлари сунъий равишда яхшиланган. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик бу даврга келиб хўжалик ҳаётининг асосий шаклига айланган.

Кулдорликнинг шаклланиши (милоддан аввалги III минг йиллик). Қишлоқ

хўжалигининг ривожланиши, темирчиликнинг пайдо бўлиши ва айирбошлаш савдосининг ёйилиши ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириб, иш кучига бўлган эҳтиёжни оширди. Бунинг натижасида қадимги уруғчилик жамоа тузуми емирилиб, унинг харобаларида энг қадимги кулдорлик давлатлари пайдо бўлди. Милоддан аввалги III минг йилликка оид Шумер ва Акқод шаҳарлари харобаларидан топилган кўплаб маълумотлар, моддий маданият ёдгорликлари ҳам шу фикримиз тасдиғи бўла олади.

Эски қишлоқ жамоалари емирила бориши билан мамлакатда куллар сони кўпайиб борди. Аини замонда урушларда қўлга тушган асирлар ҳам кулга айлантирилган. Қишлоқ хўжалигида ҳам куллар меҳнатидан фойдалана бошланди. Кулчилик ўсиб боргани сари, хўжаликда куллар сонини кўпайтириш мумкин бўлди. Шундай қилиб, қишлоқ хўжаликда кулдорларни ривожлантиришга у қадар катта эҳтиёж бўлмаган.

Шумер ва Акқод жамиятида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ҳамда меҳнат унуми ўсиши натижасида қўшимча махсулот, шу билан бирга, кулчилик кўринишида одамнинг одам томонидан эксплуатация қилиниши ҳам пайдо бўлди. Шумер ва Акқоддан топилган бир қанча ҳужжатлар дастлаб оилада юзага келган кулчилик мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Шумер қонунлари мажмуида отага ўз болаларини кул қилиб сотиш ҳуқуқи берилган. Қизларни кул қилиш ҳоллари ҳам кўп бўлиб, ҳужжатларда кўп учрайдиган “аёл нархи” ибораси қизлар сотилганидан далолат беради. Кишиларнинг қарздорлик туфайли асоратга тушиб қолиши кулчиликнинг ривожига кучли туртки бўлган. Кўпинча қарзга ботган камбағал, судхўрнинг тузоғига илиниб, муқаррар кулликка тушиш хавфи остида қолган. Шумер ва Акқод каби мустақил давлатларнинг қўшни халқлар билан олиб борган ўзаро шиддатли урушлари кулчиликнинг қадимги ва энг муҳим манбаи бўлган. Бу урушларда жуда кўп асирлар қўлга олиниб, улар кулга айлантирилган.

Кулдорлар ҳам куллар меҳнатидан, ҳам эркин камбағаллар меҳнатидан фойдаланганлар. Синфий зиддиятлар давлат ташкил топишига сабаб бўлган. Камбағал ва куллар оммасини итоатда тутиш учун кулдорликда ҳукмронлик аппарати, яъни давлатга эҳтиёж туғилган.

Шаҳар-давлатларнинг вужудга келиши. Шумер ва Акқод ҳудудида милоддан аввалги IV минг йилликдаёқ энг қадимги шаҳарлар вужудга келди. Бу шаҳарлар айрим майда давлатларнинг хўжалик, сиёсий ва маданий марказлари бўлган. Мамлакатнинг жанубида, Форс қўлтиғи соҳилида Эриду шаҳри мавжуд бўлган. Ур шаҳри ҳам қудратли бир давлатнинг маркази бўлиши билан катта сиёсий аҳамиятга эга эди. Бутун Шумернинг диний ва маданий маркази бўлган Ниппурда худо Энлилнинг умумшумер зиёратгоҳи-ибодатхонаси жойлашган. Бошқа шумер шаҳарлари орасида қўшни Умма билан доим кураш олиб борган Лагаш ва Урук шаҳарлари катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган.

Милоддан авв III минг йилликнинг ўрталарида (милоддан аввалги 2540 - 2370 йилларда) Лагаш шаҳри бошида бир неча қўшни вилоятларни ҳокимияти остида бирлаштирган зўр ҳокимлар турган. Лагашнинг қўшни шаҳарлар билан олиб борган кураши вилоятларни бир марказ атрофида имкон қадар жипслаштиришни кўзда тутган. Лагашнинг иқтисодий ва сиёсий қудратига Ур - нанше ҳокимлиги даврида асос солиниб, бинобарин Ур – наншеннинг дастлабки тарихий Лагаш сулоласининг асосчиси деб ҳисоблаш мумкин.

Подшо Эаннатум замонида Лагашнинг қудрати яна ҳам ортди. У Акқод давлатини ҳам Лагашга қўшиб олганидан сўнг Урни ҳам бўйсундирди. Бу билан Урнинг дастлабки

сулоласидан бўлган подшоларнинг ҳукмронлиги барҳам топди. Ниҳоят, Эаннатум Урук, Ларса ҳамда Эридани Лагашга бўйсундириб, шу орқали Месопотамиянинг бутун жанубий қисмини эгаллади. Умма ҳокими Уш, Опис ва Киш подшолари ёрдамида Лагашга ҳужум қилади, аммо мағлубиятга учрайди. Эаннатум кейинроқ Элам ҳокимлари устидан ҳам ғалаба қозонади. Шундай қилиб, бу даврда Шумернинг таъсири ўрта Месопотамия вилоятларига ҳам ўтган.

Таянч иборалар

Энн, Дажла, Фрот, Месопотамия, Арзирум, пиктографика

Саволлар

1. Қадимги Месопотамиянинг иқтисодий ривожда мамлакатнинг табиий шароити қандай роль ўйнаган?

2. Қадимги Месопотамиянинг давлат тизимида деҳқончиликнинг ўрни ва аҳамияти қандай бўлган?

3. Месопотамиянинг энг қадимги давлатлари. Шумер ва Аққод

Қадимги Месопотамия кишилиқ маданияти ривожланган энг қадимги ўлкаларидан биридир. Дажла ва Фрот дарёси ирмоқларидан бундан 70 -80 минг йил илгари яшаган одамларнинг манзилгоҳлари топилган. Ўрта ва қуйи Месопотамия ҳудудида топилган архаик давр ёдгорликлари уч маданий даврга: Шумерда Ал - Обид маданияти, Урук маданияти ҳамда Аққодда Жемдет - наср (Киш яқинида) маданиятларига бўлиш расм бўлган. Бу уч маданият даври милoddан аввалги IV минг йилликни ўз ичига олди. Бу маданият давлар Жанубий Месопотамияда энг қадимги замонларда ташкил топган давлатлардан олдин ўтган.

Месопотамия халқлари кўплаб қабилалар аралашуви натижасида пайдо бўлган. Қадимда мамлакат жанубидаги Шумер аҳолисини шумерлар, Шимолдаги Аққод аҳолисини аққодлар деб аташган.

Милoddан аввалги VIII - V минг йилликларда Месопотамия аҳолиси деҳқончилик, чорвачилиқ, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Бу даврнинг бошларида уруғ жамоада уларнинг мавқеи баланд бўлиб, иззат - ҳурматга сазовор эдилар.

III минг йилликда Месопотамия. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, темирчиликнинг пайдо бўлиши ва савдонинг ривожланиши уруғчилик тизими емирилиши ва энг қадимги кулдорлик давлатлар пайдо бўлишига олиб келди. Шумер ва Аққод шаҳарлари ҳаробаларидан топилган моддий маданият ёдгорликлари, ва улар орқали аниқлангани кўплаб маълумотлар шундан далолат беради. Милoddон аввалги III минг йилликда бу жараён тезлашди. Ривожланган қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутди. Қишлоқ хўжалигининг тараққий этиши аҳоли кўпайишига олиб келди. Экинларни суғориш, ҳайдаш ва ғалла янчишда уй ҳайвонларидан кенг фойдаланилар эди. Сунбий суғориш ҳам ривожланган, аммо қишлоқ хўжалиқ куруллари жуда ибтидоий эди. Хурмо дарахти жиддий хўжалиқ аҳамиятига эга эди ва алоҳида хурмозорлар бўлган. Хурмо мукаддас дарахт ҳисобланиб, бу адабиёт, тасвирий санъат ва динда ҳам ўз аксини топди. Масалан, “Ларса ҳокими Гун - Гунум ўз подшолигининг иккинчи йилида куёш худоси Шамашга бронзадан ясалган икки хурмо дарахтини ҳадя қилган”. Хурмо дарахтига сиғинишдан мукаддас “ҳаёт дарахти” афсонаси келиб чиққан. Шумер - Аққод давридаги муҳрларда хурмо тасвири бор эди. Месопотамияда қишлоқ хўжалиги билан бирга ҳунармандчилик ҳам ривожланган, бироқ энг муҳим хомашёлар танқислиги бу соҳа

тараққиётига тўсқинлик қилди. Металл, тош ва ёғоч етишмай, улар ўрнига кўпинча лойдан фойдаланилган. Лойдан бочка, яшик, қувур, ўчоқ, мухр, чироқ ва тобутлар ясаганлар. Милоддан аввалги III минг йилликнинг бошларида ғиштдан қурилган энг қадимги бинолар ҳам лойдан ясалган.

Ёғоч ўрнида ишлатилган қамиш энг асосий хом ашё вазифасини ўтаган. Ёғоч жуда қиммат ҳисобланган. Чорвачиликнинг ёйилиши кўйчиликни ривожлантирган.

Металл кашф этилиши асбобсозликда катта ўзгаришлар келтириб чиқарди. Месопотамия халқлари дастлаб мисдан фойдаланиб, Шумер ва Акқод тилларида “мис” сўзи кўп учрайди. Мисдан турли буюмлар, қурол - яроғ, қишлоқ хўжалик меҳнат асбоблари ясалган. Ур шаҳри ҳаробаларидан кўплаб мис буюмлари топилган. Мис хайкалчалари бўртма расмлар милоддан аввалги III минг йилликда темирчиликнинг ривож топганлигини кўрсатади. Кейинроқ бронза пайдо бўлиб, ривожланган.

Месопотамияда темир милоддан аввалги III минг йиллик ўрталарида пайдо бўлганига қарамай, у жуда ноёб металл бўлган. Темир Кавказ орти ва Кичик Осиёдан келтирилган деб тахмин қилинади.

Милоддан аввалги III минг йилликда Месопотамияда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар шу ернинг ўзида истеъмол қилинган. Хирож ва солиқларнинг табиий маҳсулот тарзида тўлаш одати хўжаликнинг натурал кўринишида бўлганини намоён этади. Тахминан милоддан аввалги 2400 йилларда Урукагина даврида солиқлар қўй, қўзи, балиқ билан олиниб, жун тери билан ҳисоб - китоб қилинган. Маҳсулот айирбошлаш савдоси вужудга келган. Қул, уй - жой, экинзорлар, уй ҳайвонлари ва қимматбаҳо металллар савдосига оид сақланиб қолган шартнома матнлари ҳам шундан далолат беради. Хом ашёга бўлган эҳтиёж туфайли ташки савдо бироз ривожланади. Шумерийлар мисни Элам, Эрон ва Оссуриядан, ёғочни шимолдан келтирганлар. Ғалла ва қорамол эквивалент вазифасини, кейинчалик қуйма металл бўлаклари пул вазифасини ўтаган. Савдо – сотиқ ривожланиши билан бирга кема қатнови ва мос равишда кемасозлик ривож топди. Карвон йўлларида ҳам савдо тараққий эта борди. Урдан кўплаб арава ва уларнинг тасвирлари топилган.

Шумер ва Акқод жамиятида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривож, меҳнат унумдорлигининг ўсиши натижасида қўшимча маҳсулот кўпайиб, қулчилик ривожланди, дастлаб қуллар оилада пайдо бўлган. Шумерда топилган ёзма ҳужжатларда ота ўз фарзандларини қул қилиши мумкинлиги ҳақида айтилади. Хотин-қизлар тенг ҳуқуқларга эга бўлмаганлиги Месопотамияда патриархал тузум ҳукмрон бўлганлигини кўрсатади. “Аёл нархи” ибораси хотин-қизларнинг сотилганлигидан далолат беради. Лекин қулларнинг асосий қисми асирлардан бўлган. Шумерда қулларни “саг” (бир дона), Акқодда “арду” (ҳароб одам) ёки “решу” (бош) деб атаганлар. Месопотамияда милоддан аввалги III минг йилга келиб қулчилик формалари анча шаклланиб улгурган эди.

Қишлоқ жамоаларидаги мулкый табақаланиш ҳам тузум емирилиши сабабларидан бири бўлди. Бой аслзодалар табақаси вужудга келиб, улар “лугал” деб аталган. Энг қадимги синфий жамият уруғчилик тизими ҳаробаларида пайдо бўлган. Синфий жамият давлатни вужудга келтирган. Месопотамияда қулдорлик давлатларининг мавжуд бўлганлигидан далолат берувчи энг қадимги ҳужжатлар III минг йилликка тааллуқли. Улар кичик шаҳар - давлатлар бўлиб, уларда ер фонди давлатга тегишли эди. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик бу давр хўжалигининг асоси бўлганлиги сабабли, давлатнинг асосий вазифаси каналлар қуриш ва сув иншоотларини тартибга солишдан иборат бўлган. Суғориш ишлари, қўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари, доимий урушлар давлат ҳокимиятини марказлаштиришни талаб этган. Бу даврда турли

амалдорлардан иборат энг қадимги маҳкамалар ташкил қилинди. Нубада - олий амалдор. Дамкор - савдо ишларини олиб борувчи шахс. Махсус омбор ёки озиқ - овқат омборини “дуггур” бошқарган. Молия - солиғ ишлари “мемким”, ҳарбий ишлар “галуку” томонидан юритилган.

Шумер ва Акқод ҳудудида милоддан аввалги IV минг йилдаёқ энг қадимги шаҳар - давлатлар вужудга келган. Бу шаҳарлар хўжалик, сиёсат ва маданият марказлари бўлиб, Эриду, Ур, Ниппур, Умма, Лагаш, Урук шулар жумласидан. Топилган кўплаб ҳужжат ва моддий манбалар улар бир қадар ривож топганидан далолат беради. Дастлаб қуйи Месопотамияда Ур кучли давлат бўлган бўлса, сўнг милоддан аввалги 2540 - 2370 йилларда Лагаш давлати қудрати ортди. Унинг иқтисодий ва сиёсий қудратига Ур - нания ҳокимлиги даврида асос солинди. Ур-нания Лагаш сулоласининг асосчиси ҳисобланиб, унинг вориси – Эаннатум замонида Лагашнинг қудрати янада ортди. У Акқод, Киш, Урни бўйсундириб, Урнинг 1 сулоласи ҳукмронлигини тугатади ва Урук, Ларса, Эридани ҳам қўлга киритади. Айниқса Умма шаҳри учун шиддатли жанглар кечди. Эаннатум, Ум, Опис ва Киш подшолари ёрдамида Лагашга ҳужум қилади. Бу жангда Умма мағлубиятга учради. Эаннатумнинг бу ғалабаси “Калхатлар лавҳаси” деб аталган ёдгорлик орқали бизга қадар етиб келган. Ёзувларда Эаннатум Киш ва Опис подшолари, шунингдек Эламни босиб олганлиги қайд этилади. Шундай қилиб, шумерлар таъсири қуйи ва ўрта Месопотамия ва Эламда кучайиб, кенгроқ тарқалади.

Энтемена - Эаннатумнинг ҳарбий сиёсатини давом эттирди ва Умма, Ур, Эрида, Ниппурда Лагаш ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва Элам ҳужумини даф этишга муваффақ бўлди. Ўша замонга оид тарихий ҳужжат – Энтемена ёзуви ўта муҳим аҳамият касб этиб, бу ҳужжатда дастлабки дипломатик муносабатлар, Лагаш ва Умма ўртасидаги урушлар образли тасвирланади. Ҳужжатда Энтеменанинг Умма устидан қозонган ғалабасидан сўнг тузилган сулҳ шартлари баён этилиб, ҳудудий чегаралар кўрсатиб ўтилган. Гарчи шартнома уммаликлар томонидан бузилган тақдирда уларга қаттиқ жазо берилиши кўрсатилган.

Қадимги Шумер ёзувларида учрайдиган семит сўзлари шумерликларнинг семитлар билан қадимдан алоқада бўлганидан далолат беради. Кейинчалик семитлар шумерларга тегишли ҳудудларда пайдо бўлдилар. III минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб эса Иккидарё оралиғининг шимолида семитлар Шумер маданиятининг давомчиси бўлиб қолдилар. Семитлар бунёд этган энг қадимги шаҳар Фрот бўйидаги Акқод бўлиб, у Иккидарё бўйини бирлаштирган пойтахт эди. Акқод шаҳрининг улкан ўрни шундаки, Акқод давлати емирилгандан кейин ҳам шимолий Иккидарё оралиғида Акқод номи сақланиб қолди, жануб эса Шумер номини олди. Шунингдек, Ниппур шаҳри яқинидаги Исим шаҳри ҳам семитлар томонидан бунёд этилган. Лекин шаҳарлар ичида энг ёши – Бобил мамлакат тарихида энг муҳим ўрин тутади. Милоддан аввалги II - I минг йилликларда Бобил Иккидарё оралиғининг маданий, сиёсий, ҳамда иқтисодий марказига айланди.

Месопотамияда урушлар натижасида қулчилик хўжалиги ривожланиб, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик такомиллашади. Металлсозлик кенг тарқалади. Асосан Элам давлати билан ички ва ташқи савдо тараққий этди. Кумуш маҳсулот айирбошлашда кенг ишлатила бошланди. Дунёвий ва диний ҳокимиятни Ур – нанше сулоласининг вакиллари ўз қўлларида тутиб туриши кенг омма ва қоҳинларни қониктирмас эди. Натижада Лагашда ғалаёнлар бошланган. Подшо ҳукумати диний ҳокимиятни ҳам ўз қўлига олганидан норози қоҳинлар халқни подшога қарши кўтарадилар. Ур – нанше сулоласининг сўнгги вакили Лугаленда ўз ўрнини Урукагинага топширади.

Урукагина ҳокимиятни коҳинлар ва халққа таяниб эгаллайди. Урукагина подшолар авлодиданми ёки йўқми, бу ҳақида ёзувларда маълумот йўқ. У коҳинларнинг ибодатхоналар хўжалигини мустақил идора қилишига кенг йўл очиб, имтиёзлар яратиб беради. У озод деҳқон ва ҳунармандларнинг талабларини ҳам бажариб, табақаларнинг иқтисодий аҳволини бирмунча яхшилаган.

Урукагина олти йил давомида ҳукумронлик қилди. Шу қисқа вақт ичида Лагаш анча равақ топди. У ибодатхоналар, саройлар ва каналлар қурдирди. Бу ҳақида ёзма манбалар далолат беришича: “У ибодатхоналарнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини тиклади, у хўжаликларни ҳокимлардан тортиб олди ва худо мулки деб эълон қилди. Лагаш аҳолисини қарз асоратидан қутқазиб, экинлари поймол қилиниши, ўғрилиқ, ўлдирилиш каби балолардан сақлаб қолган”.

Лекин Урукагина подшолигининг еттинчи йилида Умма ҳокими Лугал - Загиси Лагашга бостириб кириб, шаҳарни вайрон қилади. Лугал - Загиси Лагаш билан чекланмай, ўзига бутун Шумер ва Акқодни бўйсундиришни мақсад қилган эди. Ёзувларда айтилишича, у Урук, Ур, Ларса ва Адабни босиб олган. Шумернинг диний маркази – Ниппур ҳам Лугал – Загиси қўл остида қолди. У ўзини Ур ва Урнинг подшоси деб ва бу шаҳарларни Шумернинг пойтахтлари деб эълон қилади. Ёзувларда Лугал - Загиси “Урукни яшнатиб юборганлиги, Урни хурсанд қилиб, бошини осмонга етказганлиги, Беббарнинг сеvimли шаҳри Ларсани шод - хуррамлик сувиға сероб қилганлиги, худонинг сеvimли шаҳри Уммани баланд қудратга эришганлиги” ҳақида фахр билан гапирган.

Шумер Лугал - Загисининг 25 йиллик подшолиги даврида анча ривожланган. Бу орада Акқод ҳам анча тараққий этди. Улар ўртасидаги курашда Акқод ғолиб чиқиб, оқибатда Шумер - Акқод подшолиги таркиб топди. Саргон I жуда катта сиёсий арбоб бўлиб, у ҳақида кўп ёзма маълумотлар бизга қадар етиб келган. “Маъбуда Иштар” уни Акқод подшоси даражасига кўтарди. “Саргон” сўзи “Шарру - Кин” - яъни “ҳақиқий подшо” маъносини англатади. Шумер ва Акқоднинг бирлашуви мамлакат иқтисодий - ижтимоий ва сиёсий ривожини йўлида туртки бўлди. Суғориш тизими янада тараққий этди. Савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадида ягона узунлик ва оғирлик ўлчови белгиланади. Саргон I “ҳар куни Саргон қошида овқатланадиган” доимий қўшин тузган. У Акқоднинг энг нуфузли шаҳри Кишни босиб оладию, бироқ унинг мустақиллигини сақлаб қолади ва ўзини Киш ва Акқод подшоси деб номлайди. Шумернинг Умма, Урук, Ур, Лагаш каби муҳим шаҳарларини эгаллайди ва денгизгача яъни Форс кўрфазига қадар етиб боради. Сўнг Эламни ўзига бўйсундиради.

Саргон Месопотамиядан денгиз орқали Арабистон ва Ҳиндистонга борадиган йўлларни ўз назорати остига олди. Саргон I Шимолий - Шарқий Месопотамиянинг Суберту мамлакатини ҳам бўйсундирди. У бутун Месопотамияни ягона давлатга бирлаштирганидан сўнг, ғарбга юриш қилиб Суриянинг соҳил бўйидаги бой шаҳарларини ўзига тобе қилади. Шундай қилиб, Сурия ва Фаластин ерларини ҳам босиб олган.

Саргон ўзини “тўрт иқлим подшоси” деб эълон қилади. Саргон I ўзининг 55 йиллик ҳукмронлиги даврида бетўхтов урушлар олиб бориб, жуда улкан империяга асос солди. Лекин бу империя жуда заиф эди. Унинг ўғли Римуш (милоддан аввалги 2315 - 2305 йиллар) ўзи ҳукмронлик қилган дастлабки даврда Шумер ва Элам қўзғолонларини бостирди. Римуш ўзини “Киш подшоси, Элам хўжаси” деб атади. У отасининг сиёсатини давом эттирди ва Акқоднинг ривожланишига катта эътибор бердию, аммо мамлакатдаги ғалаёнларни бутунлай бостира олмади. Римушга қарши унинг “ўз хизматкорлари”

кўзғолон кўтариб, уни уриб ўлдирадилар. Ҳокимият Саргон сулоласидан чиққан Маништусу кўлига ўтади (милоддан аввалги 2305 - 2291 йиллар). У Эламга кўшин тортиб боради ва Аншан ва Ширухум вилоятларини кўлга киритади. У Эроннинг жануби- ғарбий қисмини ҳам босиб олади. Ички сиёсатда у давлатни бошқаришда йирик зодагон ҳамда коҳинларга суянган. Маништусу Шумер коҳинларини ўз тарафига оғдириш мақсадида уларга катта имтиёзлар берган. Масалан, “Жамаш ибодатхонасига 30 талант (1 талант – 30,3 кг) олтин ва кумуш совға қилган”. У Элам коҳинларига ҳам имтиёз яратиб, катта - катта ерларни сотиб олади ва йирик зодагонларга ва коҳинларга инъом қилади. Ҳукмдорнинг бу тадбирлари мақсади подшолик ерларини кўпайтириш эмас, балки катта-катта ҳадялар бериб, Шумер ва Аққоднинг нуфузли зодагонларини подшо саройига яқинлаштиришдан иборат бўлган.

Нарамсин (милоддан аввалги 2290 - 2254 йиллар) Аққод чегараларини янада кенгайтирди. Унинг ҳукмронлиги остида Аққод подшолиги ўз равиқининг юксак чўққисига эришди. Нарамсин ҳукмронлигининг дастлабки йиллари Урук, Умма ва Ниппур ғалаёнларини бостирди. У Сурияни эгаллаб, то Ўрта ер денгизига қадар чиққан. Шимолга юриш қилиб, Юқори Дажланинг ичкарасига кириб борган. Нарамсиннинг Дирбакр шимоли - шарқий қисмидан топилган сурати ҳам шундан дарак беради. Унинг Маган ўлкасига (Арабистон ярим ороли деган фараз мавжуд) қилган ҳарбий юриши жануб билан савдо алоқаларини ривожлантириш, янги карвон йўллари очиш мақсадида амалга оширилган. Унга “илоҳий Нарамсин, Аққоднинг қодир худоси” деган дабдабали ном берилган. Бу мамлакат ички ва ташқи савдосини ривожлантирди. Ёзувларда Нарамсинга “Тўрт иқлим мамлакатларининг бари уни олдида бош эгади” дейилган.

Саргон сулоласининг сўнгги вакил – ҳукмдори Шаркам - шари (милоддан аввалги 2253 - 2230 йиллар) ўзидан олдин ўтган подшолар эгаллаган ерларни сақлаб қолиш мақсадида курашлар олиб борган. Ёзувларда Шумердаги кўзғолонлар, шу билан бирга аморийлар ва эламликлар устидан қозонилган ғалабалар ҳақида айтилади. Лекин шимоли-шарқда пайдо бўлган янги куч ҳам Гутийлар истилосининг олдини ололмади (милоддан аввалги 2280 - 2104 йиллар). Гутийлар тез орада бутун Месопотамияни бўйсундирдилар. Ёзувларда “қизлари гутийлар зулмидан йиғлаган” шаҳарларнинг узундан -узоқ рўйхати келтирилган. Худо Нинибга ёзилган мадҳияда гутийларнинг шафқатсизликлари тасвирланади. Бироқ Месопотамиянинг жанубий қисмида осойишталик ҳукм сураб, жануб шаҳарларининг ҳокимлари гутийлардан товон тўлаб қутулган бўлсалар керак.

Аққоднинг заифлашуви айниқса Лагаш Гудея даврида (милоддан аввалги XXVIII аср) тезлашди. Гудея кўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатда бўлиб, ташқи савдони кенгайтириш, шаҳарлар қурилишини ривожлантириш ҳақида фармонлар чиқарган. Ёзувлардан бирида Нингирсу ибодатхонасини қуриш учун турли мамлакатлардан хом ашё ва усталар келтирилганлиги қайд этилади. Ибодатхоналар махсус чизмалар асосида қурилиб, архитектура ривож топган. Гудея вақти ёзувлари шумерлар маданиятининг умумий равиқидан далолат беради.

Гутийлар Месопотамияда 125 йил ҳукмронлик қилганлар. Улар қоқок бўлган бу халқни бу давр охирига келиб маданий жиҳатдан тараққий эттирган. Улар ўз ёзувларида Аққод тилидан фойдалана бошлаганлар. Лекин халқ гутийларга нафрат билан қараганлар ва кўплаб исёнлар кўтарганлар. Урук подшоси Утухэгал гутийлар ҳукмдори Тириканга қарши кўшин тортиб, уни енгган. Тирикан асир олиниб, гутийлар Месопотамиядан ҳайдаб чиқарилган. Шундан сўнг мамлакатда ҳокимият Урнинг III сулоласи вакиллари

қўлига ўтди. Сақланиб қолган ёзувлар бизга ўша давр хўжалиги, ижтимоий тузуми ҳамда давлат тузуми Ур подшоларининг ташқи сиёсати ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Месопотамиянинг ягона давлат бўлиб бирлашиши қишлоқ хўжалигини янада ривожланишига олиб келди. Марказий ҳукумат томонидан ирригация ишларини назорат қилиниб, янги - янги каналлар қурилган, уларнинг баъзилари ҳатто бизнинг даврга қадар етиб келган. Бу вақтда ибодатхона хўжаликлари ўрнини давлат хўжаликлари эгаллайди. Давлат ерларида асосан қуллар ва озод кишилар ишлаган. Эски қишлоқ жамоалари тарқалиб, синфий жамият табақаларга ажралган. Камбағаллар давлат ва амалдорлар қўлида ишлашга мажбур бўлганлар.

Чорвачилик ва боғдорчилик тараққий этган. Табиий равишда, қишлоқ хўжалигининг ўсиши ҳунармандчилик ҳам юксалишига олиб келди. Уша даврида йирик ҳунармандчилик устахоналари фаолият кўрсатган. Турли маҳсулот ва буюмлар билан савдо қилувчи дўконларнинг ҳисоботлари бизга қадар етиб келган. Мис ва кумуш тангалар кенг муомалада бўлган. Энг қадимги суд қонунлари мажмуасининг пайдо бўлиши ҳам марказий ҳокимият нуфузининг ошганлигини кўрсатади. Мазкур қонунлар оила ҳукуқи, мерос, болалар ҳақида, боғларни ижарага бериш, қўриқлаш, чўпонга топширилган пода ва унинг мажбуриятлари каби масалаларга оид бўлган.

Урнинг III сулоласи вакиллари бутун Олд Осиёда қудратли Шумер ва Аққод подшолигининг ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида истилочилик сиёсатини юритганлар. Айниқса бу сулола Шульги даврида (милoddан аввалги 2100 - 2042 йиллар) ўзининг энг юксак тараққиётига эришди. У Месопотамия шимолида, Сурия ҳамда Эламда урушлар олиб бориб, муваффақиятлар қозонган. Ур подшолари ҳатто ўзларини худо деб эълон қилганлар ҳам. Урнинг илоҳий ҳукумдори Гинельсин шарафига бутун Месопотамия бўйлаб маросимлар ўтказилган.

Ур ҳукмронлиги тугашига яқин ғарбдан янги кучманчи-аморий қабилалари Месопотамияга бостириб кирдилар. Шарқдан Элам ва ғарбдан аморийлар ҳуружини Ур ҳукумдорлари қайтара олмадилар. Милoddан аввалги 2007 йилда сўнгги Ур подшоҳи Иби - син Мари эламликлардан енгилиб асир тушади ва шу билан Ур подшолиги тугайди.

Бироқ Ур ҳукмронлиги Олд Осиё халқларига ҳар томонлама таъсир кўрсатди. Юксак тараққий этган Шумер ва Аққод маданияти бу халқларнинг маданий ривожига хизмат қилди.

Таянч иборалар

“ҳаёт дарахти”, арду, саг, решу, лугал. мемким, галуку, “Шарру -Кин”, гедя, гутийлар, нубада, дамкор, дуггур, семит, Саргон, Маган ўлкаси

Саволлар

- 1. Шумер ва Аққод ҳудудидаги қадимги шаҳар - давлатларнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланишига қайси омиллар сабаб бўлди?**
- 2. Шумер ва Аққодда қохинлар қандай мавқега эга бўлганлар?**
- 3. Саргон I ва унинг ҳарбий юришлари ҳақида маълумот беринг.**

4. Қадимги Бобил ҳукумдорлиги

Бобил Месопотамиянинг ўртасида - Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида жойлашган бўлиб, Кичик Осиё ва Кавказортидан Форс қўлтиғига ва Сурия

қирғоқларидан Эроннинг ясси тоғлиғига ўтадиган муҳим савдо йўллари туташган ерда жойлашган. Бобил ғоят қудратли давлат пойтахти, Олд Осиёнинг энг катта савдо, сиёсий ва маданий марказига айланган. Бобил деярли икки минг йил давомида ўзининг бу аҳамиятини сақлаб турган. Бобилнинг қулай географик жойлашиши ҳам унинг шундай мавқега эга бўлишига хизмат қилди.

Милоддан аввалги III минг йиллик охирларида аморийларнинг кўпдан - кўп кўчманчи семит қабилалари Месопотамияга кириб, Аққод мамлакатига қарашли кўп ерларни босиб оладилар ва қудратли давлат барпо этиб, Бобилни унинг марказига айлантирадилар. Тахминан ўша даврда тоғли жойларда яшовчи Элам қабилалари шарқдан Месопотамияга бостириб кирадилар ва Ларсани ўзларининг асосий таянч пунктларидан бирига айлантириб, Шумерда мустаҳкам ўрнашиб оладилар. Келгинди истилочилар босиб олинган мамлакатни ўзаро тақсимлай олмай қолдилар. Аморийлар билан Элам қабилалари ўртасида рақобат юзага келиб, Месопотамияда ҳукмрон бўлиш учун кураш авж олди. Курашда Бобил ҳукмдорлари ғолиб чиқиб, бу подшоликда аморийлар сулоласи (милоддан аввалги 1894 - 1595 йиллар) вакиллари тахтга ўтирдилар. Бобил - аморий подшолиги Хаммурапи даврида (милоддан аввалги 1792 - 1750 йиллар) айниқса гуллаб яшнаган. Хаммурапи бутун Иккидарё оралиғини ўз қўли остида бирлаштириб, йирик ва кучли давлат тузади. Ўша даврнинг тарихига оид кўплаб маълумот сақланиб қолганлиги туфайли, биз у давр билан яхши танишиш имкониятига эгамиз. Бу ҳужжатлар орасида муфассал қонунлар тўплами, подшонинг маҳаллий амалдорлар билан олиб борган маъмурий ёзишмалари ва топилган дипломатик ҳужжатлар алоҳида ўрин тутади.

Бутун Месопотамияни ўз ҳокимияти остига бирлаштиришни мақсад қилиб олган Хаммурапи булар орасида энг фаол ташқи сиёсат олиб борди ва бунга эришиш учун ҳарбий кучларидан, шунингдек, турли дипломатик воситалардан унумли фойдаланган. У Мари давлати ҳукумдори Зимрилим билан ҳарбий иттифок тузиб, ўз душманларини тор - мор келтирган. Хаммурапи ўз ҳукмронлиги бошида Шумер шаҳарлари Исин, Урук ва Урни босиб олган. Сўнгра у иттифокдоши Зимрилим розилиги билан Ўрта Месопотамияда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олади. Зимрилим Хаммурапига Аққодда бемалол ҳаракат қилишига розилик бериб ёзган дипломатик мактубларидан бирида қуйидаги сўзлар битилган: “Эшнунна ҳукмдорлари сени тан олсалар, мамлакат подшоси бўлиб, унда ҳукмронлик қил. Агарда улар сени тан олмасалар, ўзингдагини ... ўтқаз, мамлакатга у подшолик қилсин”.

Хаммурапи ўзининг эски рақиби, Ларсада мустаҳкам ўрнашиб олган Элам ҳукмдори Римсин билан узоқ вақт шиддатли кураш олиб борган. Хаммурапи ўз ҳукмронлигининг ўттиз биринчи йилида “Ану ва Энлил худолари кўмагида Эмутбал мамлакатини ва ҳукмдор Римсинни тормор келтирган”, ҳамда уни мамлакатни ташлаб кетишга мажбур қилиб, Шумерни ўз подшолигига қўшиб олган. Шу билан бирга Хаммурапи Мари подшосининг ҳарбий ёрдамига таяниб, Шимолий Месопотамияга киришга, Дажла атрофлари ҳамда Фротнинг ўрта оқимида ўрнашиб олишга ҳаракат қилган. Шимолий Месопотамия Бобил ҳамда Мари учун иқтисодий ва стратегик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган. Шимолий Месопотамиядан ёғоч ва руда, шунингдек, турли бошқа маҳсулотлар олиб кетилган. Шарққа, шимолга, шунингдек Кархемиш орқали ғарбга, Сурия шаҳарлари ҳамда Ўрта ер денгизи портларига борадиган муҳим савдо йўллари айнан Шимолий Месопотамиядан бошланган. Ниҳоят, Шимолий Месопотамияга эга бўлиш Бобилнинг шимолий чегараларини тоғлик қабилаларнинг доимий ҳужумларидан сақлаш имконини берган. Шунинг учун ҳам Мари подшоҳи

Зимрилим ва Бобил ҳукмдори Ҳаммурапи шимолий вилоятларда ўз таъсирларини мустаҳкамлашга интиланлар. Мари шаҳри архивидан топилган ёзувларда Зимрилим ўзига итоаткор ҳокимлар орқали Шимолий Месопотамиядаги воқеаларни диққат билан кузатиб борганлиги, ўзини бу мамлакатнинг ҳокими деб ҳисоблаганлиги ва ҳатто “Юқори мамлакатлар ҳони” деб атаганлиги баён этилади. Бироқ ўз таъсирини кучайтириш мақсадида кўшиндан фойдаланишга, баъзан курол ишлатишга мажбур бўлган. Зимрилим каби Ҳаммурапи ҳам Субарту қабилалари устига кўшин тортиб, Месопотамия шимолида баъзи ҳолларда биргаликда ҳарбий ҳаракат қилганлар. Зимрилим Субартуга қарши курашган чоғида Ҳаммурапи унинг ихтиёрига 3 минг аскардан иборат ёрдамчи кўшин юборади. Бироқ Зимрилим бундан кам ҳисоблаб, Бобил ҳукумдорига мурожаат қилиб хат ёзади ва унда ёрдамга кўпроқ аскар юборишини, “Юқори мамлакат подшоси” га қарши курашиш учун катта кўшин зарурлигини баён қилган. Лекин бундай биргаликдаги ҳарбий ҳаракатлар Бобилнинг янада кучайишига олиб келди, холос. Ҳаммурапи Шимолий Месопотамияда жойлашиб олгач, ўз иттифоқчиси – Мари давлатига қарши юриш бошлайди. Ҳаммурапи ҳукмронлигининг ўттиз учинчи ва ўттиз бешинчи йилларида икки марта ҳужум қилиб, бир пайтлар қудратли ва бой подшоликнинг пойтахтини босиб олиб, вайрон қилади. Тахминан ана шу вақтда Ҳаммурапи Эшнунна вилоятининг Диала дарёси бўйларидаги ерларда ҳам мустаҳкам ўрнашиб олган. Бундан ташқари, Ҳаммурапи бир неча марта Бобил билан Мари ҳукумдори орқали Сурия савдо шаҳарлари билан иқтисодий алоқа ўрнатишга ҳаракат қилади. Маридан топилган дипломатик ҳужжатларда айтилишича, Бобил билан ҳозирги Шимолий Суриядаги Угарит давлати ўртасида дипломатик муносабатлар мавжуд бўлган. Масалан, ўша даврга оид бир ҳужжатда шундай дейилади: “Зимрилимга (Мари подшоси) айт: Сенинг биродаринг Ҳаммурапи бундай дейди: Угаритнинг одами менга ҳозиргина қуйдагиларни ёзиб йўллади: Менга Зимрилимнинг қароргоҳини кўрсат. Мен бу қароргоҳни кўрмоқчиман. Ҳозир сенга ана шу чопар билан унинг ўғлини юборяпман”.

Ҳаммурапи қонунлари. Базальт устунга миҳхат усулида ёзилган Ҳаммурапининг машҳур қонунлар тўплами Бобил подшолигининг ҳўжалик ва ижтимоий тузумини ўрганишда энг муҳим манба ҳисобланади. Устуннинг юқори қисмида тахтда ўтирган куёш худоси Шамаш олдида тантанавор суратдаги подшо Ҳаммурапи тасвирланган. Устуннинг бошқа барча ери 247 моддадан иборат қонунлар тўпламининг миҳхат усулида ёзилган матни билан банд. 35 модда ёзилган бешта устунчадаги матн қириб ташланган. Бу қонунлар мажмуасининг бошқа нусхалари ҳам топилганлиги туфайли йўқ қилинган матнни ҳам тиклаш мумкин. Қадимги Бобилдаги мирза ва ҳакомлар бошқаларни ўқитиш мақсадида, шунингдек суд ишларида кодекснинг ана шу нусхаларидан фойдаланганлар.

Ҳаммурапи қонунлари Бобил қонунчилигига кучли таъсир кўрсатган, қадимги Шумер қонунларини янада ривожлантирган ва уларни маълум бир тартибга солган. Ҳаммурапининг қонунлар тўплами Шумер суд қонунлари тўпламига нисбатан анча батартиб тузилган ва ундаги мазмунан ўзаро яқин моддалар гуруҳлаштиришга интиланлиги очиқ-ойдин. Шундай бўлса ҳам, ушбу қонунлар тўпламини соф маънода кодекс деб аташ мумкин эмас, бу кўпроқ айрим жанжалли ишларга оид ҳуқуқлар тўпламидир. Мазкур тўплам уч қисмга бўлинган: 1) кириш; 2) қонунлар; 3) ҳулоса. Кириш қисмида айтилишича, мажмуани чоп этишдан мақсад мамлакатда ҳаққоният ўрнатишдир. Ундан сўнг ҳукумдор ўз унвонларини бирма-бир кўрсатиб, ўзининг улуғворлигини кўкларга кўтаради, мамлакат учун қилган яхшиликларини айтади.

Тўпламнинг ўрта, яъни асосий қисмида жиноий ишлар ҳуқуқи, суд ишлари ҳуқуқи, хусусий мулк ҳуқуқи (ўғирлик ва талаш), жангчилар ҳуқуқига оид моддалар бирма-бир баён этилган. Айрим моддаларда кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, савдо - сотиқ ишлари, гаровга қўйиш ва олиш ҳуқуқи, оилавий ҳуқуқ, ўз-ўзини майиб қилиш, меъморлар ва кemasозлар иши, ишчи кучини ёллаш ва қулчилик тўғрисида айтиб ўтилади.

Тўпламнинг хулоса қисмида подшо халқ олдидаги хизматларини санаб, ўзидан кейин унинг қонунларини адо этувчи ҳукмдорларга оқ фотиҳа берган ва бу қонунларга риоя этмайдиган ёки уни бекор қилишга журъат этганларни лаънатлайди.

Ижтимоий - иқтисодий муносабатлар. Ҳаммурапи замонига оид ҳужжатлар ва асосан унинг қонунлар тўплами мамлакат хўжалик ҳаётининг умумий манзарасини бир қадар тиклаш имконини беради. Катта ва марказлашган давлатда олий ҳокимият ҳукмдорнинг ўз қўлида тўпланганлиги туфайли у ер фондига таяниб, мамлакат хўжалик ҳаётига аралашган ва унинг ривожланишини йўлга солишга уринган. Қурилиш материалларига эҳтиёж доимо катта бўлганлигидан, ҳукмдор ўрмонларни кўриқлаш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга оширган. Ўрмонлар алоҳида “ўрмонларга” бўлиниб, улар ўрмон хўжалигининг бош мудирига бўйсунувчи “махсус мудирлар” қарамоғида бўлган. Сақланиб қолган бу ҳужжатда, подшо ўрмон хўжалигининг бош мудирини Аблианум ва Синмагир қарамоғидаги ўрмонлардан ўғринча кесиб кетилган дарахтлар масаласини текширишни, шунингдек дарахтларни ким: ўрмон мудирларининг ўзи ёки “бегона қўл” (яъни жиноятчиси) кесиб кетганлигини - аниқлашни буюрган. “Ўрмон мудирлари” дарахтлар бутунлиги учун жавобгар ҳисобланган. Ўз мансабларини суистеъмол қилган “Ўрмон мудирлари” қатл этилган.

Бобил мамлакати ҳаётида чорвачилик ҳамон жиддий аҳамиятга эга бўлган. Кенг ўтлоқлар, даштлар ва тоғ этаклари қулай ва кенг яйлов бўлиб, уларда кўплаб подалар боқилган. Ҳаммурапи молга эгалик ҳуқуқини тартибга солиб, катта пода эгалари – бой чорвадорлар манфаатини айниқса қаттиқ ҳимоя қилган. Ҳаммурапи қонунларига кўра, иш жониворини ижарага олган киши ижарага олган иш ҳайвони учун унинг эгаси олдида тўла жавобгар бўлган ва агар ҳайвонга бирон зиён етган ҳолда (ўлиб қолса, кўзи, шоҳи, думи ёки бурун тешигига зарар етса), ижарага олган одам бу зарарни қоплаш учун эгасига ҳақ тўлаши лозим бўлган. Бу ҳол чорваларнинг айрим чорвадор бойлар қўлида тўпланганини кўрсатади, улар ўз ўрнида молларини камбағалларга ижарага берганлар. Қонуннинг бошқа моддаларида чўпон ўзига топширилган қорамоллар учун жавобгар эканлиги ва молнинг тамғаси ўзгарса ёки у ўғирлаб сотилса, чўпон қаттиқ жазоланиши қайд этилган. Ўз-ўзидан маълумки, бу қонунлар мол эгалари ва қулдорлар манфаатини ҳимоя қилган.

Дажла ва Фрот дарёлари тошиши оқибатида ўғитланиб суғориладиган унумдор тупроқ деҳқончиликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Деҳқончилик Бобил даврида ҳам муҳим аҳамиятини сақлаб қолган. Ўша замонга оид ҳужжатлардан бирида: “Экинзорлар - мамлакатнинг ҳаёти эканлигини билмайсанми?” деган сўзлар Бобилда деҳқончиликнинг аҳамиятини яққол намоён этади.

У вақтларда ер одатда икки хўкиз қўшилган оғир, кўпол омоч ёрдамида ҳайдалган. Баъзан омочга одамлар ҳам қўшилган; бу қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилганидан далолат беради.

Табиий шароитларга кўра, деҳқончилик тараққиёти маълум даражада сунъий суғориш билан боғлиқ бўлиб, шунинг учун Ҳаммурапи ирригация ишларини ривожлантиришга катта аҳамият берган. Ҳаммурапи “мамлакатни ғалла омборига

айлантириб, ерга ишлов беришни осонлаштиргани, пароканда бўлиб кетган аҳолини Шумер ва Акқод ерларига тўплаганлиги, бу аҳолини дон ва сувга қондирганлиги, уни фаровонлик ва саодатга эриштиргани” билан фахрланади.

Ҳаммурапи буйруғи билан Нар-Ҳаммурапи канали қазилган. У “Шумер ва Акқодни сув билан таъминлайдиган, ўз қирғоқларини экин майдонларига айлантирадиган, тоғ-тоғ ғалла етиштириб берадиган ҳамда аҳолини доимо сувга тўйдирадиган халқ бойлигидир.”

Подшо ҳокимияти суғориш тармоқларини кенгайтириш билан бирга, бу тармоқларни тартибли сақлаш йўлида ҳам ғамхўрлик қилган. Подшо маҳаллий амалдорларга каналларни тозалаш ва ирригация билан боғлиқ турли ишларни бажариш тўғрисида фармонлар бериб турган. Агар бутун бошли суғориш тармоғини тартибли сақлаш давлатнинг вазифаси бўлса, бу тармоқларнинг муайян қисми учун, биринчи навбатда жамоа жавобгар бўлган. Ҳаммурапи қонунларининг 53 - 56 моддалари айнан шу масалага бағишланган. Қонуннинг бу моддалари тегишли ирригация майдони учун жамоанинг ҳар бир аъзоси маъсул бўлган ва шу билан бирга, агар бирон кишининг айби билан тўғон бузилиб, қўшни ерини сув босиб кетса, айбдор эгасига нобуд бўлган ғалла ҳақини тўлаши шарт бўлган. Агар ғалла ҳақини тўлашга айбдорнинг қурби етмаса, қонуннинг 54 - моддасига биноан айбдорнинг ўзи ва унинг мол - мулки сотилиб, зарар ўрни тўлдирилган. Ўша замонга оид бошқа бир қанча ҳужжатларда суғориш тармоқларини тартибли сақлаш ишларини марказий ҳокимият каттиқ назорат қилганлиги кўрсатилади. Ҳукмдор ерларини ижарага олган кишининг ерлари сув билан таъминланиши шарт бўлган. Ижарага олинган ерларни суғориш учун сув етишмай қолган тақдирда, маҳаллий амалдорлар бунинг учун чора кўришлари ёки сув билан таъминланган бошқа ер беришлари керак эди. Буни ҳукмдорнинг кўплаб хатларидан ҳам кўриш мумкин. Хатларга кўра, ижарага олинган ерларнинг тўла – тўкис суғорилиши учун маҳаллий амалдорлар моддий жиҳатдан жавобгар бўлганлар. Экин етарлича суғорилмай яхши ҳосил олинмаган тақдирда ер ижара ҳақини ижарачи ўрнига маҳаллий амалдор тўлаши талаб этилган.

Ғаллачилик, чорвачилик билан бирга боғдорчилик хўжалиги ҳам кенг тараққий этган. Қадимги Месопотамиянинг гуллаган боғ ва ажойиб мевали дарахтлар ўсган жаннат боғи ҳақидаги афсонанинг айнан шу мамлакатдан келиб чиққани бежиз эмас. Ер мулкдорларининг манфаатини ҳимоя қилган давлат, боғ эгаларининг манфаатларини ёқлашни ҳам зиммасига олган. Ҳаммурапи қонунларининг бир моддасида айтилишича, бировнинг боғидан беижозат кесилган дарахт учун айбдор катта жарима: ярим мина (252, 5 граммга яқин) кумуш тўлаши керак эди.

Савдо. Бобил географик жиҳатдан қулай жойлашганлиги ривожланишига қўл келган. Афсуски, Ҳаммурапи қонунларида қайси буюмлар савдоси кўпроқ тараққий этгани ҳақида маълумот жуда оз. Бироқ аграр мамлакат бўлган Бобилдан четга асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чиқарилган деб фараз қилиш мумкин. Қонуннинг 104 - моддасида ғалла, жун ва ёғ, 237 - моддасида ана шу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бирга хурмо ҳам маҳсулот сифатида тилга олинади. Бобилда савдо ишлари турли шаклларда юритилган. Ташқи савдо муҳим ўрин тутган. Муҳим савдо марказлари – икки энг йирик шаҳар, яъни Бобил ва Сиппардан қўшни мамлакатларга кўплаб турли маҳсулотлар чиқарилган. Сиппар ўз даврининг жун газлама ишлаб чиқариш маркази эди. Бу шаҳардан газлама билан бир қаторда, хусусан, Эламга хурмо, мой ва дон жўнатилган бўлса, Эламдан Бобилга металл рудалар (мис, кумуш) олиб келинган. Бобил шаҳарлари Оссурия билан қизғин савдо ишлари юритиб, шу билан бирга Оссуриядан Бобилга

асосан кўрғошин ва бошқа металллар келтирилган. Крит харобаларидан Бобилнинг цилиндр шаклидаги муҳри топилган. Шундан келиб чиқиб, Бобил ва Финикия шаҳарлари ўртасида савдо алоқалари ўрнатилган дейиш мумкин. Қул савдоси алоҳида савдо тури ҳисобланиб, баъзи ҳужжатларга кўра қуллар қўшни тоғли Гутиум мамлакатидан келтирилган. Масалан, бир ёзувда бундай дейилган: «Гутиумдан оқ танли қуллар келтириш шарти билан савдогарга ёғ берилади.»

Ташқи савдо билан кенг миқёсда ички савдо ҳам мавжуд эди. Озиқ - овқат маҳсулотлари, жун, ёғоч, гишт, металллар каби турли хил маҳсулотлар дарё ва каналлар орқали ташилган. Бобил ва Сиппар билан бирга Шумернинг ҳам йирик шаҳарлари, масалан, Ларса ва Ниппур ички савдода иштирок этган.

Йирик савдо асосан давлат қўлида, қисман, “дамкар” номини олган айрим бойлар қўлида жамланган. Дамкарлар асосан подшо саройининг топшириғи билан ва унинг номидан савдо қилганлар. Подшо саройи давлат бошқармасининг бош маҳкамаси ҳисобланиб, йирик ташқи савдо унинг ихтиёрида бўлган. Дамкарлар савдони махсус амалдорлар назорати остида амалга оширганлар. Кенг тармоқланган давлат савдоси мамлакатдаги кўплаб маҳсулотлар билан, хусусан жун ва балиқ савдоси билан ҳам тараққий этган. Мулкдор бойлар манфаатини ҳимоя қилган Ҳаммурапи савдо ишларида ҳам йирик улгуржи савдо эгаларининг қонунда кўрсатилган катта фойда олишини таъминлаш учун бир қанча чоралар кўрган. Қонуннинг 101 - моддасига биноан, йирик савдогардан қарз олган шахс, савдодан фойда қилиш-қилмаганлигидан қатъи назар, олган пулини икки ҳисса қилиб қайтариши лозим бўлган. Фақат ҳарбий ҳаракатларда қатнашган кишигина олган қарзини қайтаришдан озод этилган (103 - модда).

Қарзга олинган дон учун “шу куннинг нархида” пул тўлашни кўзда тутган ҳужжатларда кўрсатилишича, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг олди – сотдиси молларга нарх белгиланадиган махсус бозорларда амалга оширилган. Турли маҳсулотлар нархи умумий хўжалик шароитлари, шунингдек йил фаслларига қараб ўзгариб турган. Масалан, Урук подшоси Сингашид даврида 3 гур (757, 8 литр) ғалла 12 мин (6, 06 кг) жун ёки 10 мин (5,05 кг) мис, ёхуд 30 ка (25,26 литр) ўсимлик мойи, мамлакатда белгиланган нархга кўра 1 шекель (8,416 г) кумушга сотилган. Шундай қилиб, кумуш мисга нисбатан 600 баробар, жунга нисбатан 720 баробар қимматроқ ҳисобланган. 2 литр ёғ қиймати 1 кг жунга тенг бўлган. Подшо Ҳаммурапи даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Сингашид даврига нисбатан анча қимматлашиб, масалан, жун нархи икки марта, ўсимлик мойи нархи уч маротаба, ғалла нархи эса икки маротаба баланд эди. Ҳаммурапи давридаги тўхтовсиз урушлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг ошиб кетишига олиб келиб, мамлакат хўжалик ҳаётига таъсир этган.

Бобил давлатининг ўсиб – кучайиши билан мамлакат савдогарларининг ташқи савдо алоқалари ҳам тобора кенгайиб борган. Бобил аста-секин бутун Олд Осиёнинг энг йирик савдо марказига айланди.

Аммо Бобилнинг хўжалик тузуми асосан натурал хўжаликлигича қолаверди. Ҳисоб - китобда ғалла кумуш танга билан тенг қадрга эга бўлди. Қишлоқ хўжалик ходимлари, хўкиз ҳайдовчилар ва подачиларга тўланадиган меҳнат ҳақи, ижарага олинган арава, хўкиз ва эшак учун тўланадиган ҳақ, шунингдек подшо амалдорлари ва судьяларнинг маошлари ғалла билан берилган.

Бобил подшолиги гуллаб - яшнаган даврда савдо ва судхўрликнинг янада ривожланиши қишлоқ жамоалари ичидаги ижтимоий табақаланишни кучайтирди. Шунга қарамай, қадимги уруғчилик тузумининг баъзи элементлари сақланиб қолди. Бу ҳол Ҳаммурапи қонунларининг айрим моддаларида намоён бўлди. Масалан, яқин қариндоши

билан жинсий алоқа қилган кишига алоҳида жазо берилиб, бундай одам туғилиб ўсган жойи ёки уйдан ҳайдалган (154 - 158 моддалар). Ўша даврда одамлар ўз қишлоқ ва оила жамоаларига боғланиб қолганлиги шубҳасиз. Шунинг учун ҳам кишиларни ўзи яшаб турган ва иқтисодий боғлиқ муҳитдан зўрлик билан ажралиш жуда оғир жазо саналган. Уруғчилик тузумининг аломатларидан яна бири, ижарага яшаган одам ижара ҳақиға 1/2 шекель кумуш қўшиб бериши лозим бўлган. Бу қўшимча ҳақ ғалати ном билан - “қўй майдони” деб аталган. Бу қўшимча ҳақ мол - мулк бошқа уруғга берилганида уруғ ҳомийлари фойдасига ота - боболар руҳига атаб берилган бўлса керак. Бу номнинг ўзи ҳам ушбу одат пул ўрнида қорамол ишлатилган энг қадим замонлардан сақланиб қолганини кўрсатади.

Қулчиликнинг ривожланиши. Ҳуфя (яширин) қулликнинг энг қадимги кўринишлари таркиб топган патриархал оила ҳали ўша вақтда катта аҳамиятга эга бўлган ҳамда шунга боғлиқ равишда зулм қилиш ва ҳукмронликнинг энг қадимги шакллари вужудга келган. Патриархал оилада ота ва эр хўжайин ҳисобланиб, оиланинг барча аъзолари унга сўзсиз итоат қилганлар. Ҳам ота, ҳам эр ўз оиласи аъзоларига нисбатан қулдор ҳуқуқига эга бўлганлар. Кўп хотинлилик аёлни оёқости қилган.

Ҳаммурапи қонунининг 129 - моддасига кўра, эр - “хўжайин” (бел ашшатим) бўлиб, хотин эрининг измида эди. Эр хотин олишда қайнатага маълум ҳақ тўлаган ва аёл эрининг чўриси ҳисобланган. Бу қонунга кўра, эр – хотиндан бири бевафолик қилганида, эрга бир жазо, хотинига эса бошқача жазо тайинланган. Эр вафо қилмаса, хотин сепини олиб отасининг уйига кетиши мумкин бўлган, аммо бевафолик қилган аёлни сувга ташлаш лозим бўлган. Никоҳ аҳдида айтилишича, ўз эридан юз ўгирган хотинига эри қуллик тамғасини босиб, сотиб юбориш ҳуқуқига эга бўлган. Аёлнинг мол - мулк ҳуқуқи чеклаб қўйилган. Бева аёл мол - мулкига ўзи тўла-тўқис эғалик қила олмаган. Қонун чиқарувчи турли йўллар билан оила мулкини имкон қадар бир оила қўлида сақлаб қолишга уринган. Ҳаммурапи қонунининг бир қанча моддаларида, бева қолган хотин ўз мулкини ажратиб олиш ҳуқуқига эга бўлмаган, чунки бу мулк болалар мероси ҳисобланиб, унинг асосий қисми, катта улуши катта ўғилга теккан. Ўша даврга оид кўплаб ҳужжатларда болаларни қул қилиб сотиб юбориш ҳоллари юз берганлиги кўрсатилади. Баъзи ҳужжатларга кўра, оилада бундай қулларнинг тегишли нархи бўлган. Бир қанча ёзувларда ота ва эрнинг ўз оиласига нисбатан чексиз ҳуқуққа эғалиги ва барча оила аъзоларини қул қилиб сотиш мумкинлиги баён этилади. Масалан, ҳужжатлардан бирида Шамаш Дайян исмли одам бутун оила аъзолари ҳамда ўзига қарашли эркак ва аёл қулларни қарзи бадалига сотиб юборганлиги айтилади. Шамаш Дайян фақат шу йўл билан ўз озодлигини сақлаб қолган. Бола отасининг мулки ҳисобланган. Ҳаммурапи қонунининг 14 - моддасига кўра, озод одамнинг ёш боласини ўғирлаб кетган киши қатл қилинган.

Сўнгги мол - мулқидан ажраб, қулликка тушиш хавфи қаршисидаги камбағаллар билан қудратли ва бирлашган қулдорлар синфи – бойлар ўртасида синфий зиддиятлар кескинлашди. Кучайиб бораётган синфий курашни юмшатиш мақсадида Ҳаммурапи қарздорлик туфайли асоратга тушиши мумкин бўлган кишининг шахси ва мол - мулкини қарз берувчининг ҳаддан ташқари сиқувчи жабридан қисман ҳимоялашга уринган. Масалан, 117 - моддасида айтилишича, агар қарздор қарз бадалига хотини, ўғли ёки қизини берган бўлса, қарз берувчи киши, улар меҳнатидан уч йилдан ортиқ фойдалана олмаган. Тўртинчи йилга ўтганда қарз берувчи уларни озод қилишга мажбур бўлган. Шундай қилиб, қарз берган киши қарздорнинг қариндошларини узоқ вақт қулликда

ушлаб тура олмаган, хатто қарздор қарзини тўламаган тақдирида ҳам унинг қариндошларини бутунлай кулга айлантириш ҳуқуқи йўқ эди.

Шу билан бирга, Ҳаммурапи қонуни қарздорнинг қарз бадалига гаровга берилган ўғлини қарз берувчининг ўзбошимчалиги ва шафқатсиз муомаласидан асраган. Қонуннинг 116 - моддасига кўра, агар эркин кишининг қарзи бадалига қарз берувчи томонидан гаровга олинган ва ишлаб, отаси қарзини узишга мажбур бўлган ўғил қарз берувчининг уйида унинг калтагидан ёки ёмон муносабати оқибатида ўлиб қолса, эвазига қарз берганнинг ўғли ўлдирилиши мумкин эди. Шундай қилиб, қарз берган киши қонунни бузиб, қарз олган кишига зарар етказган, ўзига ҳам худди шундай зарар етказилиши шарт бўлган.

Ҳаммурапи қонуни қарз берувчи бой ва қудратли кишиларнинг ўзбошимчалигини чеклашга уринган бўлишига қарамай, 115 - модда билан қонунга маълум шарҳ киритади. Бу модда қарздорни мажбурий ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган қарз берувчига маълум жиҳатдан эркин ҳаракат қилиш имкониятини берган. Мазкур моддада: "Агарда гаров қилиб олинган киши гаровга олинган кишининг уйида ўз ажали билан вафот этса, бунинг учун даъво қилиш мумкин эмас" дейилган. Аммо Ҳаммурапи қонуни ҳар ҳолда қулдорлар манфаатини ҳимоя қилганлигини ҳам асло унутмаслик керак.

Камбағаллар хонавайрон бўлиши, уларнинг қарз туфайли қуллик асоратига тушиши ва урушлар оқибатида мамлакатда қуллар сони кўпайиб кетган. Ўша даврга оид қонун ва расмий ҳужжатларга қараганда, Бобилда қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Қул нархи арзон бўлиб, ижарага олинган ҳўкиз ҳақиға, яъни 168,3 гр кумушға тенг эди. Қулларға буюм сифатида қараб, уларни сотиш ва айирбошлаш, тортиқ қилиш ва мерос қилиб қолдириш мумкин бўлган. Бордию, қул майиб қилиб қўйилса ёки ўлдирилса, айбдор қул эғасига қулнинг баҳосини тўлаши лозим бўлган. Ҳаммурапи қонунининг айрим бир моддалари фақат бир мақсадни - қулдорларнинг манфаатини ҳимоя қилишни назарда тутган. "Қочоқ қулни уйида яширган" кишини қонун ва ҳокимият ўлим жазосига ҳукм қилган. Агар қул қочиб кетса, қулдор ҳар вақт давлат ҳокимиятига уни тутиш ва қайтариб беришларини сўраб, мурожаат қила олган. Бировнинг қулини ёллаб ишлатган одам қўлидан қул қочиб кетган тақдирда зарарни қулнинг эғасига тўлаши керак эди. Қулни гаровға қўйганда, гаровға олган одам ҳам худди шу ҳажмда жавобгар бўлган. Қулларға шафқатсиз муомала қилиниши туфайли, уларнинг қочиб кетиш ҳоллари рўй бериб турган. Қулни сотишдан аввал, унинг қочоқ эмаслигини аниқлаш учун уч кунлик муддат белгиланган. Ўз эғасига бўйсунмаган қул учун жазо белгилайдиган 282-модда айниқса ўзига хос дейиш мумкин. Бу моддаға кўра ўжар қулнинг қулоғи кесилган. Ҳаммурапи қонунида кўрсатилишича, Бобилда қуллар тамғаланган ва тамғани ўзгартирган одам қонунға кўра қаттиқ жазоға маҳкум қилинган.

Бироқ Бобилда қулдорлик ишлаб чиқариш усули тўла ривожланмаган. Уруғчилик тузумиға хос хусусиятлар узоқ вақт давомида сақланиб келиб, бу ҳол кўп жиҳатдан қадимги Месопотамиядаги ижтимоий муносабатлар ривожланишиға сабаб бўлди. Ҳаммурапи қонунининг айрим моддалари бу давр элементларининг Бобилда сақланиб келганлигини кўрсатади. Масалан, 23 - моддаға кўра, босқинчи ўғри қўлга тушмаса, етказилган барча зарарни у яшайдиган жамоа тўлаши лозим бўлган. Демак, жамоада унинг барча аъзолари учун умумий кафиллик жорий этилган. Ўша даврга оид расмий ҳужжатларда айрим ерлар оила ихтиёрида бўлганлигини, бундан олдин эса бу ерлар жамоа ер фондидан ажратиб берилганлиги қайд этилган.

Ер эғалиги. Бобилда аста -секин парчаланиб кетаётган жамоа ер эғалиги билан бир қаторда йирик подшо ер эғалиги ҳам мавжуд эди. Подшо мамлакатнинг барча

ерларини ҳаммасини ўзига қарашли мулк деб билган ва жамоалар еридан муайян қисмини ажратиб, истаган амалдорига тортиқ қилиб бериш ҳуқуқига эга бўлган. Урушлар натижасида давлат ихтиёридаги ер фонди кўпайди. Масалан, Ҳаммурапи Ларса устидан ғалаба қозонганидан сўнг, ана шу вилоятни Бобил подшолигига қўшиб олади. Ларса ҳокимининг ерларини эса подшо ўз фондига қўшиб, уларни идора қилиш учун махсус амалдор тайинлайди. Вориссиз қолган ерларга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ерларнинг кенгайтириш имконини берган. Ўша даврга оид ҳужжатлардан бирида шундай дейилади: “Бу одам вафот этди. Унинг ерларини Шамашхасирга (Ларсада подшо ерларини бошқарувчи кишига) топширинг”. Ҳукмдорнинг улкан ер - мулкларидан асосан қулларни ишлатувчи подшо сарой бошқармаси билан бирга, бу ерларнинг бир қисмини ижарага олиб, ижарачилар ҳам фойдаланган. Ижарачи, ижара ҳужжати, ижарага олинган ер, ижара ҳаққи каби тушунчаларни англатган махсус атамалар мавжудлиги ерни ижарага бериш кенг тарқалганлигини кўрсатади. Ижарага бериш ва олиш маълум шаклда тузиладиган ижара шартномасида қайд этилган. Бу шартномада ижара объекти, ижара ҳақи миқдори ёки ҳосил улуши, ҳақ тўлаш жойи ва муддати, гувоҳларнинг исмлари ва шартнома тузилган вақт кўрсатилган. Ерни ижарага беришга алоҳида маросимлар бағишланиб, ижарага берилган ер майдони ижарачининг ерига айланганлиги ва унинг қўлига ўтган бўлса ҳам, лекин буткул унинг мулки ҳисобланмаслиги маълум қилинган. Шундай қилиб, давлат ҳокимияти ижарачи ижара ерни ўзиники қилиб олмаслиги учун зарур чоралар кўрган. Ижара ҳақи ёки ўша даврнинг тили билан айтганда, “ижара ғалласи” одатда маҳсулот шаклида олинган. Шу билан бирга ижарага олган киши ижара ҳақига тўлаши лозим бўлган маҳсулотлар миқдори айрим ҳолларда аниқ кўрсатилган.

Баъзан шартномада ижара ҳақи тарзида тўланиши лозим бўлган доннинг умумий миқдори кўрсатилиб, баъзан маълум ер майдони ҳисобидан, баъзан эса “қўшни ерларга” ёки “ўнг ва сўл тарафдаги ерларга қараб”, яъни ижара учун шу жойда урф бўлган ҳақ миқдорига мувофиқ ижара ҳақи олинган. Айрим ҳолларда ижара ҳақи учун ҳосилнинг муайян улуши олиниб, ҳосилни йиғиб олиш вақтида тўланган. Донли экинлар майдони ижарага олинса, ҳосилнинг учдан бир қисми ижара ҳақи сифатида, ижарага боғ олинганда, ҳосилнинг учдан икки қисми ҳисобидан ижара ҳақи тўланган. Ижара ердан ҳосил қанча кўп олинса, ижара ҳақи ҳам мувофиқ равишда ошиб борган. Аммо ижарага олинган боғ кам ҳосил берган ҳолда, ижара ҳақи камайтирилмаган. Бу ҳол Ҳаммурапи қонунининг 65- моддасида акс эттирилган. Бу моддага мувофиқ, ерга яхши ишлов берилмаслик натижасида олинадиган даромад миқдори камайса, ижара ҳақи қўшни боғ даромадига қараб ҳисобланган, яъни ижара ҳақи шу каби ернинг ўртача даромади ҳисобидан олинган. Шундай қилиб, боғ эгаси қатъий ижара ҳақига эга бўлиб, унинг боғни ижарага беришдан келадиган даромади кўпайиб борган. Қуриқ ер ижарага олинса, бунда жуда оз ижара ҳақи, шунда ҳам иккинчи йили тўланган. Баъзан бир неча киши шерик бўлиб ижарага ер олган, бу ерни биргаликда ишлаб, ижара ҳақи ва бошқа харажатлар тўланганидан кейин қолган ҳосил ўртада тенг тақсимланган. Ана шундай гуруҳ бўлиб ижарага ер олиш жамоа аъзоларининг хонавайрон бўлиб, камбағаллар сони ортиб бораётганлиги ва аҳоли кескин ижтимоий табақаланганини кўрсатади. Шу муносабат билан суб ижара усули ҳам пайдо бўлди. Бунда йирик ижарадор катта ерларни ижарага олиб, уларни ўз навбатида бўлиб, майда ижарачиларга ижарага берган.

Буларнинг ҳаммаси асосий бойликларнинг бир гуруҳ бойлар қўлида тўпланишига олиб келди. Улар фақат пода ва қулларга эгалик қилиш билан чекланмай, йирик ерлар эгаси ҳам бўлганлар; улар бу ерларни подшодан инъом тариқасида олганлар, ёки баъзи ҳужжатларда кўрсатилишича, сотиб қўлларида жамлаганлар. Масалан, Ларсадан

топилган йигирма олти ҳужжатнинг барида ҳам бўш ётган ерларнинг харидори сифатида бир киши номи тилга олинган. Муомалада янги, хусусий ер эгалигини англатувчи “ота уйи” (“бит абиа”) атамаси пайдо бўлган. “Ота уйи” отадан мерос тариқасида ўтган ерни англатган.

Давлат ҳукмрон қулдорлар синфи манфаатларини ҳимоя қилиб, ерга бўлган хусусий мулкчиликни турли йўллар билан ҳимоя қилишга интилган. Ери подшо амалдорлари томонидан қонунга хилоф равишда тортиб олинган ер эгаси амалдор устидан подшога шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Ўша даврга оид айрим ҳужжатларда кўрсатилишича, подшо бундай ҳолларда ўз амалдорига қўйидагича кўрсатма берган: “Бировнинг абадий мулки бўлган ерни ким эгаллаши мумкин? Бу ишни текшир. Агар ер унинг ота уйига қарашли бўлса, уни эгасига қайтариб бер.” Шундай қилиб, “ота уйи” ни қонунга хилоф тарзда тортиб олиш жиноят ҳисобланган. Давлат ҳокимияти катта ер эгаларининг мулкий манфаатларини зўр бериб ҳимоя қилган.

Ҳаммурапи қонунининг айрим моддаларида махсус аскарлар тилга олинади. Улар подшодан чек ерлар олиб, бунинг эвазига ҳарбий хизмат ўташлари лозим бўлган. Бундай аскарлар подшонинг биринчи чақириғи билан урушга отланганлар. Ўзларининг шу бурчини адо этмаган жангчилар ўлим жазосига ҳукм қилиниб, чек ерлари тортиб олинган. Лекин, бундай жангчилар алоҳида ҳуқуқларга ҳам эга бўлганлар. Асирга тушиб қолган жангчи тўловини қайтариб олинган, асирликда жангчининг чек ери, мол-мулки эса унинг ўғлига берилган. Тутқундаги жангчининг мол-мулкни босиб олиш жиноят ҳисобланган ва бу ишни қилган киши қаттиқ жазоланган. Жангчининг мулки тортиб олинганлиги, унга зарар етказилганлиги, уни ёлланма ишга берилганлиги, ҳукмдор тақдим этган ер ундан тортиб олинганлиги учун ўлим жазоси берилган. Жангчи подшо инъом қилган қорамол, ер ва боғ ҳамда уйни сотиши мумкин эмас эди. Давлат ҳокимияти жангчиларнинг мулкий манфаатларини шу тариқа ҳимоя қилиб, ҳарбий хизмат ўташ мажбурияти бўлган жангчилардан иборат кўпгина майда деҳқон - ер эгаларининг гуруҳларини тузган. Тўхтовсиз урушлар ва бу урушлар оқибатида одамлар сонининг камайиб кетиши ана шундай гуруҳлар яратиш заруратини юзага келтирди.

Ҳуқуқ ва суд. Ҳаммурапи қонуни ва бу даврга оид расмий ҳужжатлардан 1 Бобил сулоласи даври қонунлари ва маъмуриятининг синфий кўринишига эгалиги очик - ойдин кўриниб туради. Қонун чиқарувчи ва давлат ҳокимияти ҳукмрон қулдорлар синфи манфаатларини ҳимоя қилган. Хусусий мулкни қўриқлаш энг муҳим масала бўлган. Ҳаммурапи қонунига кўра, ўғирлик билан қўлга тушган, шунингдек, ўғирланган буюмларни сотган ёки сотиб олган кишига ўлим жазоси берилган. Қонунга кўра, эркин кишини, айниқса “юқори мартабали шахсни” ҳақорат қилган одам қаттиқ жазоланган. Масалан, 202 - моддага кўра, “агар бирон киши юқори мартабали кимсанинг юзига шапалоқ урса, унга шапалоқ еган кимса халойиқ олдида 50 та қамчи урган”. 205 - моддага мувофиқ “ар бирон озод одамнинг юзига шапалоқ урган қулнинг қулоғи кесилган”.

Уруғчилик тузумидан қолган қадим урф - одатларнинг қулдорлик ҳуқуқининг янги қоидалари билан қўшилиши Ҳаммурапи қонунини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Давлат ҳокимияти томонидан қисман қонунлаштирилган оломон қилиш тартиби ҳам ўша даврдан қолган. Масалан, бирор кимсанинг уйига тешиб кириб, ўғирлик қилган одам қонуннинг 21 - моддасига мувофиқ, ўзи тешган жой (девор) ёнида ўлдирилган ва шу ерга кўмилган. Ёнғин чиқиб, ўт ўчириш вақтида ўғирлик қилган одам қонуннинг 25 - моддасига мувофиқ ана шу ўтга ташлаб қуйдирилган. Бундай ҳолларда ишни судда ўрганиб, ҳукм чиқариш имкони бўлмаганлиги учун қонун бу ўринда оломон қилиб

ўлдиришга йўл қўйган, бу эса қадим урф - одат ҳуқуқининг қолдиғидир. “Талион ҳуқуқи” (“қонга - қон, жонга - жон ҳуқуқи”) номини олган қасос қонунининг айрим элементлари Ҳаммурапи қонунида сақланиб қолган. Бу ҳам уруғчилик тузумидан қолган эски ҳуқуқ қолдиқларидан биридир. Чунончи, бошқа одамнинг суягини синдирган одамнинг ҳам бирор жойи синдирилган. Қонуннинг бу моддалари қадимги яҳудийларнинг: “майиб қилганни майиб қил”, “қонга - қон, жонга - жон” шиорларига айнан ўхшашдир. Ҳаммурапи қонунининг бошқа моддаларида қадимги урф - одат ҳуқуқининг қолдиқлари қулдорлик давридаги ҳуқуқ қоидалари билан уйқаш бўлиб кетган. Чунончи, қонуннинг уй қурган одамга пул тўлаш ва қурилган уй учун унинг жавобгар эканлиги ҳақидаги моддаларида ушбу одамнинг маълум ҳажмдаги иш учун қонунда қатъий белгиланган миқдорда ҳақ олиш ҳуқуқи тўғрисида айтилади. Бироқ, шу билан бирга, қурувчи қурган уйининг сифати (мустаҳкамлиги) учун жавобгар бўлган. Агар у қурган уй қулаб, уй эгасини босиб қолиб ўлдирса, уйни қурган одам ҳам ўлдирилиши лозим бўлган. Уй қулаб, уй эгасининг ўғлини босиб ўлдирса, у ҳолда уй қурган устанинг ўзи эмас, балки унинг ўғли ўлдирилган. Уй эгасининг қули уй тагида қолса, бу ҳолда уй қурган уста ўлган қул ўрнига бошқасини бериши талаб этилган. Бу қулдорлик ҳуқуқининг тамомила янги элементи бўлиб, унга кўра, қулга буюм каби қаралиб, унга етказилган зарар қулнинг хўжайинига тўланган. Уруғчилик тузуми давридаги қадимги урф-одат ҳуқуқидан анча фарқли қулдорлик даврининг янги ҳуқуқи ана шу тариқа ташкил топган. Янги ҳуқуқ, хусусан, Ҳаммурапи қонунининг аҳамияти шундан иборат бўлганки, қулдорлик ҳуқуқининг шу янги элементлари уруғчилик тузумининг қолдиқларини янада емиришга ва умуман қулдорлик жамиятини мустаҳкамлашга бир қадар кўмаклашган. Шундай қилиб, қулдорлик жамиятининг янги ҳуқуқи Ҳаммурапи қонуни орқали тартибга солинган ва такомиллашган.

Қулдорлик даврининг янги ҳуқуқи бир қанча моддалардан иборат бўлиб, бу моддалар “қонунлар тўплами”да келтирилган, сўнг маълум тартибга солиниб, “кодекс” шаклига келтирилган. Бобил подшоси Ҳаммурапининг “кодекси” бизга маълум бўлган энг қадимги қонунлар тўплами бўлиб, у бошқа қадимги Шарқ халқларининг кейинги қонунлари, хусусан, Тавротда сақланиб қолган қадимги яҳудий қонунларига катта таъсир кўрсатган.

Давлат ҳокимияти. Бобилда Ҳаммурапи подшолик қилган даврда қадимги Шарққа хос мустабит тузум амал қилган. Бутун мамлакат бир марказдан идора қилинган ва бутун олий ҳокимият - қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлар, суд ишларини бошқариш ва диний ҳокимият - бари подшо кўлида бўлган. Ҳаммурапининг ўз амалдорлари билан ёзишмаларига қараганда, мамлакатни бошқаришда турли соҳалар, жумладан, сунъий суғориш ишларига ҳуқумдор ўзи бошчилик қилган. Турли низоли ишлар ва ҳукмдор номига келган шикоятларни подшонинг шахсан ўзи кўриб чиққан ва шу каби масалалар юзасидан унинг ўзи қарор чиқарган ва амалдорларига тегишли фармойишлар берган. Ниҳоят, тақвимга зарур ўзгартиришлар ҳам подшонинг махсус кўрсатмасига биноан киритилган.

Ҳукмдор мамлакатни мураккаб ва марказлашган амалдорлар маҳкамасига таяниб идора қилган. Амалдорларнинг бир қисми марказий бошқарманинг айрим соҳаларини, бошқалари эса шаҳар ёки вилоятларни идора қилиб, улар подшо ноиблари ҳисобланган. Бобил ва Сиппар каби йирик шаҳарларни олий унвонли амалдор “шакканакку” лар идора қилганлар. Кичикроқ шаҳар ва вилоятларни бошқа амалдор “рабианум” лар бошқарган. Аҳоли турли хил солиқлар тўлаган: ғалла ҳосили ёки қорамоллар кўпайиши, хурмо боғлари, кунжут ҳосили ва балиқчилик жамоаларидан солиқлар тўпланган.

Улардан ташқари, аҳолидан кумуш билан махсус ўлпон ҳамда маҳсулот билан махсус подшолик ўлпони олинган. Бу даромаднинг ҳаммаси хазинага келиб тушган ва ҳукумдор мулки ҳисобланган. Сарой мулки ибодатхона мулклари билан бирга қонун ҳимоясида эди. Махсус амалдор “Вакил амурри” лар сарой ичида алоҳида ўрин тутган. Бу амалдорлар давлатнинг савдо - сотиғини ҳамда жангчиларга ер бўлиб бериш (реду ва баиру) ишларини бошқарган.

Суд ишларини махсус амалдорлар юритганлар. Суд қилиш вазифаси шакканакку ва рабианумлар вилоят судьялари ҳамда “шаҳар оқсоқоллари ва атоқли кишилари”дан иборат махсус шахсларга юклатилган. Ибодатхона хизматчилари ҳукмронликни тобора қўлдан чиқариб, ибодатхонада одамларнинг худо ҳайкали олдида ичган қасамларига гувоҳ бўлиш билан чекланиб қола бошладилар. Суд ишларини юргизишга оид ҳуқуқнинг дастлабки қоидалари пайдо бўлди. Бу қоидаларга кўра, судьялар зиммасига гувоҳларнинг қасам ичиб берган гувоҳлигига ишониш билан чекланмай, балки “ишни шахсан текшириш” вазифаси ҳам юклатилган. Нотўғри гувоҳлик беришда айбланган киши қонуннинг махсус моддасига биноан жазоланган. Ниҳоят, суд ҳукмини ўзгартирган судья ҳам қонуннинг 5-моддасига мувофиқ жазоланган; бунда судья даъвогар талаб қилганидан 12 баробар ортиқ жарима тўлаб, бундан кейин судьялик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Бутун мамлакатни бошқариш бюрократик идора усули тизимига ҳукумдор бошчилик қилган. Қоҳинлар таъбирича, подшога олий ҳокимият бевосита худо томонидан берилган. Ҳаммурапи қонунида ўзи ҳақида мағрурлик билан бундай дейди: “Худо Ану ва худо Энлиль мени, шавкатли ва мўмин аскарари Ҳаммурапини ҳокимиятга чақиришди... Мен Ҳаммурапи дин аҳллариининг бош паноҳи қилиб худо Энлиль томонидан сайланганман.... худо Синнинг шоҳона авлодиданман... ҳокими мутлоқ — шоҳоншоҳман, худо Замаманнинг биродари... илоҳий шоҳлар шоҳиман... Мардук мени халққа бош бўлиш ва мамлакатни фаровон қилишга чақирди”. Подшо ҳокимиятини худо ўрнатганлиги ва бу ҳокимият илоҳий эканлиги тўғрисидаги бу тасаввурлар шумерийларнинг бир мадҳиясида яққол ифода этилган. Ушбу мадҳия Бобил подшоси ва Ҳаммурапининг вориси – Самсуилунга бағишланган. Унда қуйидаги сўзлар битилган:

“Эгам Энки тахту тожинг абад қилсин,
 Шоҳ ҳассаси этиб тортиқ, неча кунлар ва
 йилларга раво қилсин!
 ... Салтанатинг еру - кўкдек маҳкам турсин!
 Сен - элу юрт, фуқаролар шоҳидурсан!
 Сен - халқингга мурувватли бош паноҳсан!
 Сен аёвсиз довул каби, ҳамма душман элин боссанг,
 Бошинг етгай самоларга, мардонавор қўшин тортсанг,
 “Илоҳий куч” шахри Бобил бино қилган худойим Син,
 Чарақлаган қуёш каби, анда номинг улуғ қил сен...
 Пок, муқаддас юртинг ичра ҳамма нарса муҳайё қиб,
 Салтанатда расуллигинг салобатла”адо қилғил...
 Порлоқ кундек, ҳар томон сен нуринг сочсанг,
 Худо Ану ва Энлиль ҳам буюк толе раво қилсин”.

Бобил подшолигида кулдор - бойлар билан камбағал ва куллар ўртасида кескин синфий зиддиятларни келтириб чиқарган душманлик мавжуд эди. Давлат ҳокимияти синфий тузумни мустаҳкамлаш, давлат бирлигини сақлаш мақсадида зўр бериб чора кўради. Лекин бу уринишлар ўз самарасини бермади. Бобилнинг Шумерийлар яшаган

жануб қисми кўп жиҳатдан ўзнинг алоҳида иқтисодий ва маданий ҳаётини сақлаб қолади. Бобил подшолиги бир қарашда мустаҳкам бўлиб кўринса ҳам, аслида ундай эмас эди. Айнан шу сабабли Бобил деспотияси кассит истилочилари зарбалари остида қулади.

Бобилнинг касситлар томонидан истило қилиниши. Ҳаммурапи вафотидан кейин Бобил аста-секин тушкунликка юз тутди. Ҳаммурапи ворислари дастлаб унинг ишларини давом эттиришга интилдилар. Ҳаммурапининг ўғли Самсуилун (милоддан аввалги 1749 - 1712 йиллар) икки янги канал қаздириб, ибодатхоналарга катта ҳадялар бериб турган. Аммо тез орада сиёсий майдонда янги-янги хавфлар юзага кела бошлади. Месопотамия ҳукумдори Римсин (милоддан аввалги XVIII аср) Бобилнинг заифлашганидан фойдаланиб, Месопотамияга бостириб киради ва Шумернинг бир қисмини босиб олади. Лекин бу вақтда Бобил подшоси ҳали қудратини буткул йўқотмаган эди. Самсуилун Римсинни мағлуб қилади ва Римсин ўз саройида ёнгин вақтида ҳалок бўлади. Самсуилун Ур ва Урук деворларини бузиб ташлаб, Шумерни яна ўзига бўйсундириб олади. Лекин бу вақтда янги душманлар бош кўтардилар. Исин шоҳи Илумаилу Шумернинг жанубида мустақил шоҳлик яратиб, Бобилга қарши қаттиқ кураш олиб боради ва Шумер подшоларининг янги сулоласига асос солади. Шарқдан Бобилга тоғлик қабилалар касситлар бостириб киради.

Дажла дарёсининг шарқида яшаган касситлар илгари ҳам Месопотамияга ташриф буюрганлар, лекин у вақтда ижарадор ва ёлланма ишчи сифатида келган эди. Тахминан милоддан аввалги 1750 йилда кассит қўшинлари ўз йўлбошчиси Гандаш раҳбарлигида Месопотамияга бостириб кириб, бу ерда Кассит давлатини барпо қиладилар. Ҳаммурапи ворислари, 1 Бобил сулоласи ҳукумдорлари Месопотамия устидан ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун 155 йил давомида кураш олиб бордилар. Касситлар босқинидан сўнг заифлашган ва айрим қисмларга бўлиниб кетган бу мамлакат истилочиларнинг диққатини ўзига жалб қила бошлади. 1 Бобил сулоласининг сўнгги шоҳи Самсудитан ҳукумронлиги даврида (милоддан аввалги 1625 - 1595 йиллар) Бобилга ҳеттлар бостириб киради. Лекин касситлар тобора кўпроқ муваффақиятга эришиб, қизгин курашлардан сўнг, ҳатто денгизбўйи сулоласи шоҳларини енгиб, Денгизбўйи мамлакатини ҳам бўйсундиришга муваффақ бўладилар. Шоҳ Агум II (милоддан аввалги 1593 - 1574 йиллар) ўзини касситлар ва Акқод шоҳи ва “дунёдаги тўрт иқлимнинг подшоси” деб атаган. Маданиятда бобилликларга нисбатан қуйи поғонада турган касситлар Бобил маданиятини қабул қилганлар ва кассит шоҳлари Бобил ҳукумдорларининг истилочилиқ сиёсатини тиклашга ҳам уриниб кўрдилар.

Кассит шоҳлари бутун Шумерни тамомила бўйсундириб, денгизбўйи сулоласи ҳукмронлигига барҳам бердилар. Касситлар Бобил шоҳлигининг қудратини қисман ҳам тиклай олмаганларига қарамай, ҳар ҳолда кассит шоҳи Агум II даврида Бобил бирмунча кучайди. Агум II Юқори Фрот мамлакатларига қўшин тортиб бориб, Месопотамия даштининг бир қисмини ўзига бўйсундиради. Ушбу ҳукмдор ўз ёзувларда Хана мамлакатидан Мардук ва Сарпанит ҳайкаллари келтириб, уларни зарбоф кийимлар, қимматбаҳо зеб-зийнатлар ва дабдабали тожлар билан безатганини ҳамда уларни Бобилдаги Э-сагил ибодатхонасида ўрнатганлигини фахр билан айтади. Агум II ўзини “Кашшу ва Акқод шоҳи, кенг кўламли Бобил мамлакати шоҳи, кўплаб одамларни Ашнуннакка кўчирган шоҳ, Падан ва Алман шоҳи, Гути мамлакатининг шоҳи” деб атаган. Бу касситлар ҳокимиятини Дажла дарёсидан шарқдаги вилоятларга ҳам тарқалганлигини кўрсатади.

Касситлар даврида Бобилнинг ижтимоий тузуми тўғрисида сақланиб қолган расмий ҳужжатлар ва айниқса қудуррулар, яъни марза тошларидаги ёзувларга қараб

қисман тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу тошларда подшонинг баъзи шахсларга ер тортиқ қилганлиги ҳақидаги фармонлар матни ўйиб ёзилган. Ёзувларга қараганда, ўша даврларда ҳали қишлоқ жамоаси ва жамоа ер эгалиги ҳукм сурган. “Биту” деб аталган жамоага жамоа бошлиғи - “бел бити” бошчилик қилган. Унинг маслаҳатчиси, назоратчиси ҳамда афсунгар коҳини бўлган. Қишлоқ жамоа аъзолари “Қўшнилар” деб аталиб, бу жамоа таркибига кирган келгиндилар шоҳ ҳамда жамоа мансабдорлари фойдасига турли мажбуриятлар ўташлари лозим эди. Лекин бу даврда қадимги жамоа ер эгалиги аста -секин емирилиб, уни хусусий, асосан зодагон ер эгалиги сиқиб чиқара бошлаган. Чунончи, касситлар сулоласининг ҳукумдорлари ўз амалдорлари, катта мансабдорлари ва яқин кишиларига кўплаб ерларни инъом этганлар. Подшонинг марза тошлар – “қудурру” га ўйиб ёзилган фармонлари матнида кўрсатилишича, шоҳ инъом қилган бу ерлар кўпинча қишлоқ жамоаси ерлари ҳисобидан ажратиб берилган. Одатда шоҳнинг бу фармонларида маълум ер майдони муайян шахсга абадий мулк қилиб берилиши, шу билан бирга қишлоқ жамоаси бошлиғининг ва аъзоларининг ҳозир ҳам, келгусида ҳам бу ерларни суд орқали даъво қилиши ва ҳадя олган ер эгасидан жамоа фойдасига бирон мажбурият ўташини талаб қилиш ман этилиши айтилади. Подшо фармонида “қудурру”ни бузганлар худоларнинг тақви лаънати ва ғазабига дучор бўлиши уқтирилади. Бундан ташқари, кассит шоҳлари қишлоқ жамоаларининг кўплаб ерларини босиб олиб, уларни ўз мансабдорлари, амалдорлари ва ҳарбий бошлиқларига бўлиб берганлар, бу инъом ер эгалигини кучайтириш ва мустаҳкамлаш учун бир қанча чоралар ҳам кўрганлар. Яна ёзувларда айтилишича, баъзан шоҳ инъом қилган ер эгаси шоҳ фойдасига қилинадиган барча мажбуриятлар, натурал солиқлар ҳамда мажбурий ишлардан озод қилган. Шоҳнинг фармойишига биноан янги ер эгалари учун махсус имтиёзлар ана шундай тарзда расмийлаштирилган. Ибодатхона ерлари ҳам шоҳ солиқлари ва мажбуриятларидан озод эди. Масалан, Агум II даврига оид ҳужжатлардан бирида кўрсатилишича, Мардук ибодатхонасининг ерлари ҳар қандай мажбуриятлардан озод бўлган. Қулдорликнинг ривожланиши ҳам зодагонларнинг янада кучайишига олиб келган. Қул ва чўрилар сотилганлигидан далолат берган ҳужжатлар ҳам сақланиб қолган. Уларга кўра, қуллар, жумладан, эламлик қул баҳоси 10 шекель, чўри баҳоси эса 7 шекель олтинга тенг бўлган. Ҳужжатлардан бирида, “Кардуниашлик боланинг” сотилганлиги ҳақида сўз боради (касситлар Бобилни Кардуниаш деб атаганлар). Бу эса касситлар орасида ҳам қулчилик тарқалганини кўрсатади.

Бобилда 500 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган касситлар қадимги Шумер - Бобил маданияти, дини, ёзуви ва ҳатто бўйсундирилган халқ тилини ҳам кўп жиҳатдан ўзлаштириб олганлар. Кассит шоҳлари ўзларини “Мардук арзандаси” деб атаганлар. Улар Бобил ва Шумер коҳинларини кучайтириш чораларини кўриб, Мардук худоси - “мамлакатлар ҳукмдори”га бўлган эътиқодини мустаҳкамлаб, Ниппур ибодатхонасига ғалла, мой, хурмо, ун ва қорамоллардан иборат ўлпон тўлаганлар. Замонлар ўтиши билан кассит ҳукмдорлари кўпроқ Бобил маданияти таъсирида қолганлар. Масалан, подшо Караиндаш ўзини “қудратли ҳукмдор, Бобил подшоҳи, Шумер ва Акқод шоҳи, Кашшу (касситлар) ва Кардуниаш (Бобил) шоҳи”деб атаган. Лекин Караиндашнинг ворислари буткул қадимги Бобил маданиятига берилиб, унвонларидан “Кашшу” номини тушириб қолдирганлар.

Бобилда касситлар ҳукмронлиги оқибатида Бобил нафақат сиёсий, балки маданий инкирозга ҳам учради. Айниқса санъат соҳасида қадимги намуналарга тақлид қилиш ҳукм сура бошлади. Маданият соҳасида эришилган кичик муваффақиятлар, асосан ҳарбий ишда отдан фойдаланиш, янги ва енгил вақт ҳисобини, яъни мамлакатни

бошқараётган шоҳнинг ҳукмронлик йиллари бўйича йил ҳисобини жорий қилишдан иборат бўлган. Бу тушқунлик милоддан аввалги VII асргача, яъни қудратли Янги Бобил шоҳлиги ташкил топгунига қадар давом этди.

Таянч иборалар

Хаммурапи қонунлари, Аблианум, Синмагир, дамкарлар, қўй майдони, ота уйи, талион ҳуқуқи, шакканакку, рабианум, қўшниллар, қудуррулар, касситлар, Кардуниаш, бити, бел-бит, реду, баиру, кодекс, Таврот, бит-абиа, бел-ашшатим, «қўй майдони», гур, мин, шекель

Саволлар

1. Хаммурапи қонунларининг қадимги Бобил жамияти ривожланишдаги ўрни қандай бўлган?

2. Қадимги Бобил подшолигида ер эгалигининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

5. Оссурия

Оссуриянинг табиий шароити. Қадим замонларда Дажла дарёсининг юқори оқими бўйлаб, ўрта қисмини эгаллаган жойлар Оссурия деб аталган. Ҳозирги пайтда бу ерлар Ироқ давлатининг шимоли-шарқий қисмига тўғри келади.

Унинг ҳудуди шимоли - шарқда Загр тоғлари билан чегараланиб, жануби-шарқда – Дажла дарёсининг қуйи оқими яъни қуйи Заб бўйлариғача ерларни эгаллаган. Оссуриянинг ғарбини бепоён Сурия-Месопотамия чўли кесиб ўтган. Ўта қадимдан буён маҳаллий аҳоли вақти-вақти билан канал ариқлар куриб Дажланинг тошқин сувларидан фойдаланиш имконини топиб, сунъий суғориш учун имконият яратган.

Оссурийларнинг хўжалик ҳаётида чорвачилик муҳим ўрин тутган. Қиш узоқ давом этмайди, эрта баҳорда водий ва чўл кўм-кўк майса билан қопланади, лекин ёз бошида ўтлар қуёшда қуийиб кетади. Шу сабабли кўчманчи қабилалар ва чорвадорлар подани тоғли ўтлоқларга ҳайдаган.

Жануби - шарқда Оссурия Адема ва Дияла дарёлари водийлари билан чегараланган. Шу ердан савдо йўллари хар тарафга қараб кетган: Эрон ясси тоғлигидан тоғ йўллари орқали Аққод томон юрилса, Икки дарёнинг шимолий қисмига, Дажла бўйлаб шимоли - ғарбга кириб борилса, Сурия ва Кичик Осиё чегараларига чиқилади, ғарбга йўл олинса, Сурия - Финикия қирғоқларидаги савдо шаҳарларига элтадиган йўл очилади. Ушбу йўллар орқали жез, кумуш, олтин, кўрғошин билан савдо қилинган.

Ашшур шаҳар - давлати ва Оссурия давлатининг ташкил топиши. (Қадимги Оссурия даври - милоддан аввалги II минг йилликнинг 1 ярми). Оссурия тарихи уч асосий босқичга бўлинади: Қадимги Оссурия даври (милоддан аввалги XX - XVI асрлар), Ўрта Оссурия даври (милоддан аввалги XV - XI асрлар) ва Янги Оссурия даври (милоддан аввалги X - VII асрлар).

Энг қадимги оссур ёзувларига кўра милоддан аввалги XV асрга қадар “Оссурия” тушунчасининг ўзи мавжуд бўлмаган. Оссуриянинг энг йирик шаҳарлари: шимолда - Ниневия, шарқда – Арбаиму (Урбиллум), жанубда - Ашур ва Карана (Телль - ар - Римах), ғарбда - сиёсий ва этник жиҳатдан ягона бўлмаган. Кейинчалик бу шаҳарлар Оссурия давлати учун асос бўлдилар. Ниневия Оссуриянинг энг йирик шаҳригина бўлиб қолмай, балки жуда қадим тарихга эга эди. “Ниневия” сўзи хурритлардан келиб чиққан бўлса, эҳтимол. “Ашшур” эса сом тилларига мансуб деб фараз қилинади.

Энг қадимги оссур ёзувларига кўра, миллоддан аввалги XXII - XXI асрда Ашшур шаҳри ҳокимлари Урнинг III сулола шоҳлари ҳокимияти остида бўлганлар.

Миллоддан аввалги XVI асргача Оссурия давлати “алум Ашшур”, яъни “Ашшур жамоаси” деб номланган. Оссурия патриархал оиланинг қадимги шакллари ва тараққий этмаган давлат тузумини узоқ вақт сақлаб келди. Унда ўз - ўзини идора қилиш бошқармалари бўлиб, улар махсус “шаҳар хонаси” - оқсоқоллар кенгаши томонидан идора қилиниб борган. Оқсоқоллар кенгаши қулдор зодагон вакилларида иборат бўлиб, шу сабабли ҳокимият зодагонлар қўлидаги маҳкама вазифасини бажарган. Оссуриянинг дастлабки ҳокимлари “шаккум” деб аталган ярим қоҳинлик унвонини олганлар. Бу унвон қадимги шумерийларнинг “патэси”га тўғри келади. Оссурия ҳокимлари олий мартабали қоҳин ҳисобланиб, улар ҳарбий ҳокимият раҳбари бўлганлар.

Миллоддан аввалги XX асрда халқаро вазият Оссурия учун кескинлашади. Бобил шоҳлигини барпо қилган аморийлар билан Оссурия ҳокимлари ўзаро жиддий кураш олиб бордилар. Бу кураш вақтида Оссурия ҳокимлари Шумернинг қадимги шаҳарларига таянганлар, чунки Шумер давлатининг ўтмишдаги қудрати ҳали бу шаҳарлар хотирасидан ўчмаган эди. Оссур шоҳи Илушума мамлакатнинг қадимий савдо алоқаларини тиклаш мақсадида Месопотамиянинг жанубий қисми билан бирга Дажла дарёсидан шарқдаги баъзи ўлкаларни ҳам бўйсундирган. Аммо Бобил шоҳи Ҳаммурапи Оссурия давлатининг кучини синдириб, Субарту мамлакати ҳамда Оссуриянинг ўша вақтдаги бош шаҳри – Ашшурни ҳам ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди. Ҳаммурапи Оссурияга қарши давомли ва шиддатли кураш олиб борди. Оссурия шоҳи Шамшиадад I (миллоддан аввалги 1813 - 1781 йиллар) эркин халқ оммасининг манфаатларини бир қадар ҳимоя қилганлиги маълум бўлиб, бинобарин ҳокимиятни ҳам кенг халқ ҳаракати оқибатида қўлга киритган бўлса, ажаб эмас. Шамшиадад ўрта табақа эркин аҳолига таяниб, Оссурияни бир қадар мустақамлашга эришган. Шамшиадад Оссуриянинг шимол ва шарқидаги Тукриш ҳамда Кипр мамлакати шоҳларидан хирож олиб турган, “Улуғ денгиз” (Ўрта денгиз) даги Лабан (Ливан) мамлакатида ҳайкал ўрнатган. Шамшиадад, Даган худосига эътиқод қилиб, бу факт унинг нафақат Оссурияга, балки, унинг ғарбидаги Хана мамлакатига ҳам ҳокимлик қилганлигидан далолат беради. Шамшиадад ўзининг Иасмахадад исмли ўғлини Мари мамлакатига шоҳ этиб тайинлайди ва шу орқали Бобилга рақиб бўлиб олади. Оссурияга қўшни бўлган худудларда кучли Митанни шоҳлиги юзага келиб, у Мисрнинг ёрдами билан тез орада бир қанча қўшни ўлкалар шу жумладан Оссурияни ҳам истило қилади.

Оссурия миллоддан аввалги XV асрда Митанни шоҳларига қарам эди. Митанни ҳукмдори Шаутшатар Оссурияни тор-мор келтириб, Ашшурни забт этади ҳамда қўлга киритилган бой ўлжалар, хусусан олтин ва кумуш билан безалган шоҳона дарвозаларни пойтахти Васуганнига олиб кетади. Хеттларга қарши узоқ вақт давом этган ва шиддатли кураш натижасида кучсизланган Митанни шоҳлиги Месопотамиянинг шимолида аста-секин ўз таъсирини йўқота борди. Оссурия шоҳлари Митанни кучсизланганидан фойдаланиб, ўз мамлакатларини мустақилликка чиқариш мақсадида узоқ Миср давлати билан сиёсий ва иқтисодий алоқа боғлаганлар.

Ўрта Оссурия даври. Миср ва Оссурия давлатларининг сиёсий ва иқтисодий алоқалар Миср фиръавнлари Аменхотеп III ва Эхнатон ҳамда Ашшур подшолари Ашшур - надин - аххе II ва Ашшурбаллит I (миллоддан аввалги XV аср охири - XIV аср бошларида) даврида кенг ривожланган. Миллоддан аввалги II минг йилликда Оссурия Миср ёрдамида аста-секин халқаро майдонга чиқа бошлади. Ашшурбаллит Бобилга қўшин тортиб бориб, ўз қариндоши Куригальза III ни Бобил тахтига ўтқизиш ва бу билан

Иккидарё оралиғининг шимоли-ғарбида ҳамда шимолида Оссурия таъсирини жуда мустаҳкамлашга муваффақ бўлади.

Юз йил давомида, яъни Адад – Нирари I, Салманасар I ва Тукульти – Нинурта I (милоддан аввалги 1307 - 1208 йиллар) даврида Оссурия шоҳлиги юксалишга ўтди. Истилочилик урушлари туфайли Оссурия ҳудудлари кенгайиб, ҳарбий - сиёсий қудрати кучайди.

Адад – Нирари I қўшни давлат қўшинлари устидан бир неча марта ғалаба қозонган. У Загр вилоятларида касситлар Бобилига қаттиқ зарба беради ва бир неча шаҳарни қўлга киритади. Сўнгра у ғарбга йўл олади. Митанни шаҳарларини, сўнг Суриягача кириб бориб, Харрандан тортиб то Кархемишгача чўзилган кенг ҳудудни истило этади. Шундай қилиб, Ўрта денгизнинг осур қирғоқларига чиқиб борадиган энг муҳим савдо йўлларини ҳам қўлга киритиб олади. Адад-Нирари истилочилик сиёсатининг кенг қулоч ёйганлигига урғу бериш учун “кўплар шоҳи” унвонини олган.

Милоддан аввалги XIII асрнинг 1 ярмида ҳукмдорлик қилган Салманасар I катта ҳарбий ютуқларни қўлга киритди. У Уруатри (кейинги Урарту) шимолидаги саккиз мамлакатни ишғол қилиш билан бирга, Оссуриянинг таъсирини янада кенг ёйиш учун шимолий мамлакатларда бир қанча колониялар барпо этади. Ғарбда ҳам у анча йирик ғалабаларга эришиб, хусусан Шаттуар қўшинларини тор - мор қилади ва натижада оссурлар 14400 га яқин аскарни асир оладилар. Ниҳоят, Салманасар Бобилнинг кассит ҳукмдори қўшинларига катта зарба берганидан сўнг, кассит шоҳи, хетт ҳукмдори Хаттушил III нинг қутқуси балан Оссурияга қарши отланади ва оқибатда мағлуб бўлади.

Тукулти - Нинурта истилочилик сиёсатини янада зўр бериб амалга оширди. Милоддан аввалги XII аср Оссуриянинг ташқи сиёсатида Бобил ва шимолий йўналишлар катта аҳамиятга эга бўлди. Тукулти – Нинурта Элам ўлкалари, Шимолий Сурия, Ван кўлининг ғарбидаги Наири тоғли мамлакатига ҳарбий юриш қилган. Ниҳоят, оссур подшосининг Бобилга қилган ғолибона юриши муваффақият билан якунланади. Унинг қўшинлари Бобилни босиб олиб, унинг истехкомларини бузиб ташлайдилар, Мардук худоси ибодатхонасини талаб, Бобилнинг ушбу тангриси ҳайкалинини ўлжа сифатида ўзлари билан олиб кетадилар.

Оссур ҳукумдорларининг барча қўшни мамлакатларга қарши олиб борган давомли ва қаттиқ урушлари Оссурияни ҳийла заифлаштириб қўяди ва ҳатто улар вақтинча бобиллар таъсирига тушиб қоладилар ҳам. (IV Бобил сулоласига асос солган шижоатли Навоҳудоносор I даврида). Милоддан аввалги XII аср охиридагина ҳукумдор Тиглатпаласар (милоддан аввалги 1115 - 1077 йиллар) Оссуриянинг аввалги қудратини тиклай олди. Унинг шимолдаги Наирига ғолибона юриши, у ерда кўп ва қимматли ўлжани қўлга туширгани хусусида топилма ёзувларда батафсил баён қилинган. Оссурия шоҳи Сурияга юриб, Финикия қирғоғидаги Библ, Сидон, Арвад каби муҳим савдо шаҳарларини қўлга киритади, ҳатто узоқ Миср ҳам Оссурия ҳукмдорининг қудратини тан олишга мажбур бўлади. Тиглатпаласар I Акқодга ҳам бир неча бор бостириб кириб, Сиппар ва Бобил шаҳарларини босиб олади. Аммо Оссурия узининг энг хавфли душманларини Дажланинг ғарбидаги бепоён чўлларига, асосан Фрот дарёсининг ғарбий қирғоғига улоқтириб ташлашга муваффақ бўлган, лекин ундан кейин кўчманчиларга етарли қаршилиқ кўрсата олмай қолган эди. Чунки узоқ давом этган урушлар туфайли заифлашган Оссурия шу орада таназзулга юз тутган.

Милоддан аввалги XIV асрга оид бўлиб, ҳозирга қадар сақланиб қолган қонунлар тўплами қадимги урф-одатларга асосланган ҳуқуқ мажмуаси тузилганлигидан далолат беради. Бу ҳуқуқ жуда қадим замонлардан қолган бўлиб, чунончи, қасос олиш (хун) ёки

айбсизлигини сув ёрдамида синаб аниқлаш шулар жумласидан эди. Бироқ урф- одат ҳуқуқи ва жамоа судининг қадимги шакллари ўзгариб, улар ўрнини тобора кўпроқ шоҳликнинг замонавий адлия ишлари (юрисдикцияси) эгаллай бошлаган; шоҳликнинг адлия ишлари суд амалдорлари қўлида бўлиб, улар низоли ишларни ҳал қилганлар. Шунингдек, суд ишларини юргизишнинг муайян тартиби ҳам адлия (суд) ишлари нақадар тараққий этганини кўрсатади. Суд қилиш тартиби жинойт тафсилоти ва турини аниқлаш, гувоҳларни сўроқ қилиш, сўнгра суд ҳукмини чиқаришдан иборат бўлган. Гувоҳлар ўз сўзларининг тўғрилигини тасдиқлаш учун “куёш худосининг ўғли – илоҳий ҳўкиз” номи билан қасамёд қилганлар. Олий суд мажлислари эса одатда шоҳ саройида ўтказилган.

Бизга қадар етиб келган ҳужжатлардан маълум бўлишича, оссур судлари айбдорларга нисбатан турли жазо чоралари қўллаб, баъзан бу жазолар ўта шафқатсиз бўлган.

Давлатни идора қилиш тизими оссур шоҳларининг истилочилик сиёсатига хизмат қилган. Урушлар қулчиликнинг асосий манбаларидан бири бўлиб, асоратга тушган қарздорлар қул қилиб сотиб юборилган.

Аёллар ва оиланинг кичик аъзолари қул ҳолида бўлган. Оссуриядаги каби уй қуллигининг очик – ойдин шакли қадимги Шарқнинг бирон бошқа мамлакатада учрамайди. Қулликнинг бундай шакллари ҳақида Оссуриянинг милоддан аввалги XIV асрга оид қонунларида ёзувларни топиш мумкин

Янги Оссурия даври. Буюк Оссурия ҳарбий давлати (милоддан аввалги

1 минг йиллик). Бу даврга доир жуда оз ёзув ва ёдгорликлар сақланиб қолган. Маълумки, Олд Осиё шимолида милоддан аввалги II минг йиллик охирида темир ишлатила бошланган. Вақт ўтиши билан темир бронзани тобора сиқиб чиқаради. Милоддан аввалги XIII асрга келиб, ибодатхона пойдеворларини қуришда темир буюмлар ишлатилган. Оссурия шоҳлари ўз қўл остидаги халқлардан хирожни темир билан тўлашни талаб қилганлар. Хорсбоддаги қазилма ишларида темирдан ясалган буюмлар, асбоблар омбори топилди. Темир рудаси қазиб олиш ва унга ишлов бериш тараққиётида катта ўзгариш қилиб, хунармандчилик ишлаб чиқаришнинг ўсишига сабаб бўлди ва ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига ёрдам берди. Металлнинг кенг қўлланилиши савдо тараққий этишига ва янги мукамал қурол - яроғлар билан такомиллаш имконини бериб, бу эса Оссуриянинг ҳарбий - сиёсий қудрати тикланишига олиб келди.

Оссур шоҳи Ашшурназирпал III (милоддан аввалги 883-859 йиллар) ўз ҳукмдорлигининг бошидан охирига қадар босқинчилик сиёсатини юритиб, Оссуриянинг ҳарбий қудратига асос солган. Ашшурназирпал ороми қабилаларини ўзига бўйсундирганидан кейин, бу қабилалар оссур шоҳига хирож тўлай бошлайдилар. Шу вақтда Оссурия наири қабилалари орасида ҳам ўз таъсирини тиклайди. Унинг Ғарбда олиб борган урушлари муҳим аҳамиятга эга эди. Ашшурназирпал ҳарбий ҳаракатлар натижасида Ўрта денгизга йўл очиб чиқишга муваффақ бўлди. Унинг қўшинлари Оронт водийсини кесиб ўтиб, Аман тоғларигача бориб етган ва Оссурия шоҳи қимматбаҳо ёғоч турларини шу ердан оладиган бўлди. Финикия шаҳарлари Оссурияга хирож тўлаб турганлар. Ашшурназирпал ўша вақтда ўзининг янги пойтахти Калах шаҳрида қурдирган ҳашаматли сарой қолдиқлари ҳали ҳам бор.

Милоддан аввалги IX асрда Салманасар III (милоддан аввалги 859 - 824 йиллар) ҳукмронлиги даврида ўттиз иккита ҳарбий юриш қилган. Милоддан аввалги 856 йили Салманасар III Бит - Адинини ўзига бўйсундирган, ороми шоҳлиги пойтахти Тил - Барсибни эгаллаб, ҳашаматли сарой қурдирган. 1929 - 1931 йилларда ана шу шаҳардаги

қазилмалар вақтида сарой харобалари топилди. Оссур шоҳи бу шаҳарга сиёсий жиҳатдан катта эътибор берган, чунки Тил - Барсиб орқали муҳим ҳарбий савдо йўли ўтган. Салманасар III Сурия томон йўл олиб, йўлдаги энг муҳим шаҳарларни қўлга киритиш ва шундан кейин Ўрта денгизга савдо йўллари очишни мақсад қилган. У Дамашқнинг шиддатли қаршилигига дуч келди, чунки Дамашқ Сурия ва Финикияни, шунингдек Фаластинни ўз иттифоқчиларига айлантириб, ҳатто араб қабилалари бу иттифоққа қўшилган эдилар. Орон бўйидаги Каркара ёнида, Хаматдан шимолроқда иккала қўшин тўқнаш келди. Қонли жангда (милоддан аввалги 854 йили) Салманасар III душман кучларини енга олмади. Фақат милоддан аввалги 840 йили ўн олти ҳарбий юришидан сўнг Оссурия ҳукмдори ғалабага эришишга муваффақ бўлди. Исроил, Тир, Сидон унга бўйсуниб, хирож тўлай бошладилар. Оссурия Урарту шимолидаги қабилалар билан ҳам қаттиқ кураш олиб боришга мажбур бўлган. Оссур аскарлари гарчи Урарту тупроғига бостириб кирган бўлишларига қарамай, Урарту давлатини мағлуб эта олмадилар.

Оссурия ўз устунлигини узоқ сақлаб қола олмади. Кучайган Урарту давлати Оссурия учун хавfli рақибга айланди. Урарту ҳукмдорлари ғолибона юриб, Оссурияни Кавказ орти, Кичик Осиё ва Шимолий Суриядан ажратиб қўйишдилар. Натижада Оссуриянинг бу мамлакатлар билан юритган савдо ишларига катта зарба берилди ва бу ҳол мамлакат ҳўжалик ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Милоддан аввалги VIII асрда халқаро вазиятни ўзгариши, Оссурия давлатининг орқага қараб кетишига сабаб бўлди. Олд Осиёнинг шимолий қисмида энди Урарту давлати ҳукмронлик вазиятига эга бўлди.

Оссуриянинг учинчи юксалиши. Оссурия давлатининг тикланиши. Милоддан аввалги VIII аср ўрталарида Оссурия яна кучаяди. Тиглатпаласар III (милоддан аввалги 745 - 727 йиллар) ўзидан аввалги шоҳларнинг истилочилик сиёсатини давом эттиради. Тиглатпаласар III Урартуга биринчи маротаба муваффақиятли юришлар қилади. Тиглатпаласар Урарту подшолигини бўйин эгдиролмаган бўлса ҳам, уни бир мунча кучсизлантиради ва шундай қилиб, Олд Осиёнинг шимоли-ғарбий қисмида Оссуриянинг аввалги қудратини қайта тиклаган Тиглатпаласар милоддан аввалги 729 йилда Бобилни босиб олиб, уни ўзига қўшиб олади ва буни Бобил коҳинлари ҳам қўллаб-қувватлаганлар. Ички ҳудудларни етарли миқдорда иш кучлари билан таъминлаш учун подшо қўл остидаги мамлакатлардан минглаб куллар ҳайдаб келтирган. Оссур ҳукумдори ўз давлатида яшаган қабилаларни мамлакатнинг бир жойдан бошқа ерга оммавий кўчириш тартиби (насаху) ана шу вақтдан бошлаб истило этилган мамлакатларни бўйсундириш усуллари билан айланган.

Тиглатпаласар III шоҳлиги даврида муҳим ислоҳатларни амалга оширди. Ислоҳатлар маъмурий ва ҳарбий соҳаларга тааллуқли бўлди. Тиглатпаласар III дан кейин унинг ўғли Салманасар V тахтга ўтириб (милоддан аввалги 727 - 722 йиллар), беш йил мобайнида бир қанча юришлар қилган ва муҳим ислоҳат ўтқазган. Ҳаддан ташқари кескинлашиб кетган синфий зиддиятларни бир қадар юмшатиш мақсадида Салманасар V Оссурия ва Бобилнинг Ашшур, Ниппур, Сиппар ҳам Бобил каби қадимги шаҳарларига берилган молиявий - иқтисодий имтиёзлар ҳамда солиқларга оид енгилликларни бекор қилади. Бу билан Салманасар айниқса зўр иқтисодий таъсир кучига эга бўлган кулдор зодагонлар, бой - савдогарлар, коҳинлар ва катта ер эгаларига кучли зарба берди. Салманасарнинг бу тадбирлари юқори табақа вакиллари орасида ҳукмдор сиёсатидан жиддий норозиликни келтириб чиқарди ва уюштирилган фитна оқибатида Салманасар V тахтдан туширилиб, ўрнини укаси Саргон II эгаллади.

Саргон II (милоддан аввалги 722-705 йили) “қонуний шоҳ-Шаррукен” деб ном олгани ҳокимият тепасига зўрлик билан келганлигини кўрсатади. Миср ёрдамида кўтарилган кўзғолонларини бостириш учун Саргон II Сурияга яна қўшин тортиб боришга мажбур бўлади. Бу уруш натижасида Саргон II Исроилни тор - мор келтириб, Самарияни ишғол қилади ва 25 минг кишини асир қилиб олиб кетади. Бу асирлар Оссурия ўлкалари ва мамлакатнинг олис чегараларига жойлаштирилган.

Саргон II ҳукмдорлигининг 7 ва 8 йилларида Урарту устидан ҳам йирик ғалаба қозонди. Элам мамлакати қўллаб - қувватлаган Бобилга қарши кураш Саргон II учун ўта машаққатли кечди. Шоҳ Урарту устидан қозонган ғалабасидан сўнг, лидияликлар билан эронликлар яшайдиган ўлкаларда ўз таъсирини кучайтириш имконига эга бўлди. Саргон II янги пойтахт - Дур - Шаррукин шаҳрини барпо қилди.

Саргон II ўғли Синаххериб (милоддан аввалги 705 - 681 йиллар) давлати у қадар кучли бўлмай, унга хавф солган янги иттифоқлар юзага келади. Сурия, Финикия ва Фаластиндаги кичик шоҳликлар қайтадан бирлашдилар. Тир ва Яхудих шаҳарлари Оссурияга қарши кўзғолон кўтарадилар. Оссурия ҳукумдори қурол ёрдамида, балки дипломатия йўли билан иш кўришга мажбур бўлади.

Жанубий Месопотамияда ҳам Оссурия учун жиддий муаммолар юзага келди. Бобил шоҳи Меродах - Баладанни ҳамон Элам ҳукумдори қўллаб - қувватлаб турган. Катта зарба бериш мақсадида, Синаххериб Халдияна ва Эламга катта қўшин йўллайди. У Элам ва бобилликларга қарши шиддатли кураш натижасида фақат милоддан аввалги 689 йилда Бобилни эгаллай олди ва уни вайрон қилди. Сарой тўнтаришида Синаххериб ўлдирилиб, унинг ўрнига ўғли тахтга ўтиради (милоддан аввалги 681-669 йиллар). Ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун у коҳинлар, ҳарбий гуруҳлар ва савдогарларга таяниш ниятида эди. Милоддан аввалги 679-678 йилларда Ассархаддон Бобилни қайта тиклашга муваффақ бўлди.

Асархаддон Мисрга қарши ҳарбий юришни тайёрлаш жараёнида аввало энг кучли душманларидан бири Сидон шоҳига зарба беради, сўнг бутун Сурияни буйсундириб, исёнкор халқни махсус қурилган янги шаҳарга кўчиради. У Мисрни ҳам босиб олиб, Тахарка қўшинларига қақшатқич зарбалар беради. Оссурия давлати шарқда - Эроннинг ғарбий чегараларидан ғарбда-Ўрта денгизгача, шимолда Кавказ ортидан, жанубда – Эфиопияга қадар чўзилган қадим шарқнинг деярли барча мамлакатларини буйсундирган эди.

Оссурия давлатини тушкунлик даври ва парчаланиши. Оссурия давлатининг сўнгги кучли ҳукмдори – Ашшурбанипал (милоддан аввалги 669 - 635/27 йиллар) ҳукмронлигининг бошидан охирига қадар бу улкан давлатнинг бирлиги ва ҳарбий-сиёсий қудратини машаққат билан сақлаб келди.

Оссурлар бўйсундирилган халқлар эзувчиларига қарши курашни давом эттириш билан чекланмай, Оссурияга қарши курашиш мақсадида иттифоқ ҳам тузганлар. Шу тариқа Оссурияга қарши жуда қудратли иттифоққа Аккод, Халдея арамейлари, Элам, Гутиум ва Миср қўшилган.

Ашшурбанипал Мисрга қарши қўшин йўллайдию, аммо мақсадига эриша олмайди. Фиръавн Нехонинг ўғли Псаметик Оссуриянинг ички муаммоларидан фойдаланиб, ундан ажралиб чиқади ва мустақил Миср ҳоконлигини барпо этади. Ашшурбанипал Финикия билан Сурия устидаги ўз назоратини сақлаш учун анча куч ва имконият сарфлашга мажбур бўлди.

Оссурия давлати аста-секин кучсизланиб бораётган эди. Унинг шимол ва шарқда яшовчи кўп сонли кўчманчи қабилалар, хусусан киммирийлар, скифлар,

лидияликлар ва форслар Оссурияга доимо хавф солиб келганлар. Ашшурбанипал ўлгандан кейин тез орада лидияликлар билан бобилликларнинг бирлашган кучлари Оссурияга бостириб кириб, оссур кўшинини тор - мор қилади. Милоддан аввалги 605 йили Оссурия давлати душманларнинг зарбалари остида қулади. Каркемиш ёнидаги жангда Бобил кўшинлари оссурларнинг сўнгги ҳарбий қисмларини ҳам янчиб ташлайдилар.

Шундай қилиб, жуда катта қудратга эга бўлиб, жаҳонда ҳукмрон бўлишга интилган ва 150 йил мобайнида Олд Осиёни бирлаштириб турган давлат барбод бўлди.

Таянч иборалар

«Кўплар шоҳи», шаҳар хонаси, қуёш худосининг ўғли илоҳий хўкиз, қонуний шоҳ Шаррукен, патэси, «Улуғденгиз», Лабан, шаккум, хун, насаху.

Саволлар

- 1. Оссуриянинг юксалишига нималар сабаб бўлган?**
- 2. Оссурияни Шарқда тарихий аҳамияти нимада?**

6. Янги Бобил подшолиги

Бобил касситлар истилосидан кейин заифлашиб, Месопотамиянинг энг муҳим иқтисодий маркази сифатидаги аҳамиятини йўқотди. Милоддан аввалги II минг йиллик охирларида Месопотамиянинг жанубий қисмида халдейлардан бўлган семит қабиласи пайдо бўлади. Бу қабила жанубий Бобилни истило қилиб, Денгиз бўйи давлатини тузишга эришган. Бу мамлакат ҳукмдорлари Эламнинг ёрдамига таяниб, Оссурияга қарши қатъий кураш олиб бориб, Бобилнинг ўтмишдаги қудратини тикламоқчи бўлдилар. Оссурия шоҳларининг Бобилга ҳамда Денгиз бўйи мамлакатининг халдеялик ҳукмдорларига қарши тўхтовсиз ва аёвсиз кураши Бобилнинг ана шу давр ичида бой ва кучли савдо мамлакати сифатида ўз аҳамиятини сақлаб турганлигини ҳамда иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги учун жиддий курашганлигини кўрсатади. Бобил Ашшурбанипал (милоддан аввалги 626 йили) вафотидан сўнг Оссуриянинг кучсизланиб қолганидан фойдаланиб, Оссурия ҳукмронлигидан озод бўлади ва Мидия билан иттифоқ бўлиб, унга қақшатқич зарба беради. Халд уруғи вакили бўлган ва Бобилга юборилган лашкарбоши Набопаласар (милоддан аввалги 626 - 604 йили) душман томонига ўтиб, ўзини Бобил шоҳи деб эълон қилади ва Бобил ҳукмдорларининг янги сулоласига асос солади. Бобил қоҳинлари, унинг савдогар ва кулдорлари, зодагонлар ҳамда Мидия шоҳи Киаксар билан тузилган ҳарбий иттифоққа таянган Набопаласар Оссурияга қақшатқич зарба беради. Оссур шоҳларининг ҳашаматли ва обод пойтахти Ниневия милоддан аввалги 612 йилда батамом вайрон қилинган. Оссурия шоҳлиги вайронлари устида кейинроқ янги Бобил - Халдея давлати қад кўтарди.

Иқтисодиёт ва ижтимоий тўзум. Бобил илгариги даврдагидек, асосан қишлоқ хўжалиги мамлакати бўлиб, кўплаб дарёлари, ўтлоқ ва дарё водийларига туташган кенг далалари чорвачиликни тараққий эттириш имконини берган. Мулккий жиҳатдан кескин табақаланиш, кулдорлик хўжалиги тараққий этиши ва ўсиши чорванинг бойлар қўлида тўпланишига олиб келди. Чорвадор бойлар ўз молларини одатда ижарага берганлар ва сақланиб қолган ҳужжатлар ижара ҳақи одатда махсулот билан тўланганлигидан далолат беради.

Суғориш тизимига асосланган деҳқончилик мамлакат хўжалик ҳаётида шу қадар катта рол ўйнаганки, ўша замон қонунларига махсус моддалар киритилиб, унда ерга сифатли ишлов берилиши ҳамда суғориш тармоқларини батартиб сақлашга алоҳида урғу

берилган. Мамлакат қишлоқ хўжалиги кулдор бойлар назорати остида бўлган. Нафақат катта ер ҳудудлари, балки каналлар ҳам кулдор бойларга қараган. Энг йирик ер эгалари ўз ҳисобидан каналлардан ариқлар қаздириб, улардан фойдаланган маҳаллий деҳқонлардан махсус ҳақ ундирганлар.

Оссурия давлати ағдарилгач, Бобилнинг ўтмишдаги шухрати тикланди. Бобил мамлакати ва савдосининг янги, аммо сўнгги гуллаган даври бошланди. Мулкый табақаланиш туфайли хўжалик ҳаёти ҳам аввалгига нисбатан анча мураккаблашди. Савдо - сотиқ кенг тараққий этиб, унинг турлари кўпайди. Ғалла, чорва, турли қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан бирга ҳом ашё, турли кўчмас мулк, ер, боғлар, бино ҳамда кўплаб куллар ҳам олиб сотиладиган бўлди.

Бобил қадимги Шарқнинг йирик савдо марказига айланиб, бу ерга узоқ мамлакатлардан савдогарлар келадиган бўлди. Бобил бозорларида халдеялик, оссуриялик, ороми, форс, мисрлик ва яҳудийларни ҳам учратиш мумкин эди. Оссурия даврида ороми тили кенг тарқалиб, замонлар ўтиши билан бу тил тобора кўпроқ қўлланиладиган бўлди.

Кул эгалигининг ривожланиши, мамлакатда куллар кўпайиши, кулларнинг тез-тез қочиб кетиш ҳоллари, кул савдоси кенг қулоқ ёйганлиги туфайли кулларнинг қўлдан-қўлга ўтиши бу жараён давлат ҳокимияти томонидан назорат қилинишини талаб этган. Кулдорнинг қўлга эгалик ҳуқуқи алоҳида муассасаларда қайд қилиб қўйилган бўлиши ҳам мумкин. Кулдорлар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кулларга тамға босганлар.

Янги Бобил шоҳлигининг тараққий этиши. Милоддан аввалги VII аср бошларида Бобил кулдор зодагонлари катта нуфузга эга бўлганлар. Катта ибодатхоналарнинг бош қохинлари шулар таркибига кирган. Месопотамиянинг қўшни мамлакатлар билан савдосини Бобилнинг махсус муассасалари назорат қилиб турганлар.

Қудратли қохинлар, йирик кулдорлар ва савдогарлар Халдея - Бобил давлатида сиёсий жиҳатдан етакчи ўрин тутганлар. Халдея сулоласига асос солган Набопаласар мамлакатда Бобил қохинларига таяниб иш қўрган.

Бобил подшолигининг чегараларини мустаҳкамлаш муҳим сиёсий вазифалардан бири бўлган. Бобил учун икки дарё оралиғининг шимоли-ғарбий қисмида мустаҳкамланиб олиш зарур эди, чунки Оссуриянинг қолган қутган лашкарлари қочиб бориб, шу ердан бошпана излаганлар. Набопаласар бу вилоятнинг иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан аҳамиятли йирик шаҳарлари – Харран ва Кархемишни ишғол қилади ва уларда лашкарларини қолдириб, ўзи Бобилга қайтиб кетади. Бундан кейин ташқи сиёсат билан фаол шуғулланиш учун куч тўплаш лозим бўлиб қолган.

Бобилнинг асосий душмани Миср бўлиб, бу вақтда у ўз тараққиётининг сўнгги даврини кечираётган эди. Саис сулоласи фиръавнлари Миср давлатининг ўтмишдаги қудратини тиклашга уриндилар. Оссуриянинг кучсизланганидан фойдаланган Псамтик Мисрнинг Фаластинга сиёсий таъсирини қайтадан тиклаш мақсадида милоддан аввалги VII аср охирида бу ерга бостириб киради. Мисрнинг навбатдаги фиръавни Нехо нафақат Фаластинни, балки Финикия билан Сурияни ҳам босиб олиш мақсадида ишга киришади. Миср фиръавни Мегиддо яқинидаги жангда яҳудия қўшинларини тор - мор келтириб, Қуддусга хирож солиб, Финикия шаҳарларини қўлга киритади. У Сидон шаҳрида зафарномасини ёзиб қолдирган. Сўнгра Нехо Фрот дарёсига етиб бориб, Бобил қўшинини енгади ва Кархемиш шаҳрини ишғол қилади. Мисрликлар бу шаҳарда оссурлар билан бирлашиб, Бобил шоҳига қарши чикқадилар. Мисрликлар билан оссурлар иттифоқи Бобил учун катта хавф туғдирган. Душманга қажатқич зарба бериш

учун Набопаласар куч тўплашига тўрт йилга яқин вақт керак бўлди. Бобил қўшини Набопаласарнинг ўғли ва тахт вориси Навуходоносор бошчилигида 605 йилда Кархемиш ёнида бўлиб ўтган машхур жангда мисрликлар билан оссурларнинг бирлашган аскарлари устидан ғолиб келган. Ҳарбий кучлари етарли бўлмаган Нехо буткул мағлуб бўлиб, шошилинич ортга чекинишга мажбур бўлди. Навуходоносор II (милоддан аввалги 605 - 562 йиллар) ҳарбий муваффақиятларидан тўла равишда фойдаланган. У Нил дарёси дельтасигача етиб бориб, Сурияни эгаллаб, мисрликларни Олд Осиёдан батамом сиқиб чиқаради. Навуходоносор ғоят эҳтиёткор ҳукмдор бўлганлиги сабабли, ана шу эришган ютуқлари билан чекланган.

Бироқ Бобил ҳам, Миср ҳам бу аҳволга томошабин бўлиб қолишни истамас эдилар. Саис сулоласининг шижоаткор фиръавнлари Сурия қўлдан кетишига рози бўлмай, кучли қўшин тўплаганлар ва уни ёлланма юнон аскарлари билан тўлдирганлар, Бобил подшоси эса Ўрта денгиз соҳилларидаги ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлашга интилган. Шундай қилиб, яқин орада яна уруш бошланиши аниқ бўлиб қолди. Фиръавнлар Фаластин, Финикия ва Сурияни истило қилган дастлабки вақтларда улар Мисрнинг иқтисодий ва маданий таъсири остида эдилар. Мана шундай таъсир асоратлари бу мамлакатларда милоддан аввалги 1 минг йилликда ҳам сезилиб турди. Фаластинда Миср тарафдорлари анчагина кўп эди, шу жумладан, Яҳудия шоҳи Иоаким ҳам Мисрни қўллаб-қувватлаган. Яҳудиянинг Бобилдан ажралиб чиқиб, Бобилга хирож тўлашдан бош тортиши янгидан уруш бошланиб кетишига баҳона бўлди. Навуходоносор Яҳудия устига қўшин тортиб, Қуддус шаҳрини қамал қилади. Бобил қўшинлари қалъа деворлари билан ўраб олинган бу пойтахт шаҳарни уч ой қамалдан сўнг, охири милоддан аввалги 597 йилда эгаллашга муваффақ бўлдилар. Яҳудия таслим бўлгач, шоҳ оиласи, кўзга кўринган зодагонлар, хунармандлар ва ҳарбий асирлар билан бирга Бобилга мажбуран кўчиртириб олиб кетади. Қуддуснинг машхур ва бой ибодатхонаси талон тарож қилинади. Миср ҳукмдори ана шундай вазиятда ҳам иттифоқчисига ёрдамга келишга ўзида журъат топа олмайди. Шундай қилиб, Навуходоносор Фаластинда яна ўз ҳокимиятини тиклаган.

Лекин бу муваффақият Бобилнинг тўла тантанаси эмас эди. Фаластин билан Финикия янги курашга тайёрланарди. Миср аввал қўл остида бўлган Сурия ерлари ҳақида орзу қилиб юрарди. Фиръавн Уах - иб - Ра (Аирий) Сурия соҳилларини эгаллаш ва шу орқали сиёсий ҳукмронлик қилиш учун зарур асосий ҳудудларни қўлга киритиш мақсадида, қўшинлар ва ҳарбий флотга бош бўлиб, Осиё томон отланди. Даставвал Миср фиръавни бир неча ютуқларга эришиб, Седанни ишғол қилади ва Финикиянинг бошқа шаҳарларини ҳам таслим этади. Қуддус яқинида жанг қилаётган Бобил аскарлари ортга чекинишга мажбур бўладилар. Озод бўлган Яҳудия душмани – Бобил устидан қозонган ғалабасини тантана қила бошлайди. Аммо мисрликларнинг қувончи узоққа бормади. Навуходоносор Сурияни душманга топшириб, тинчини йўқотди. Бобил шоҳи Сурияга бостириб кириб, Миср қўшинларини тор-мор қилади ва уларни чекинишга мажбур этади. Кўп сонли Бобил қўшини яна Қуддусни қамал қилади. Яҳудийлар шиддатли ва қонли жангларда Яҳудия давлатининг ҳаёт мамоти учун, пойтахтларини қаттиқ туриб, қаҳрамонларча муҳофаа қиладилар. Бироқ барибир яҳудийлар қаршилиги синдирилади. Бобил қўшинлари Қуддусни шижоат билан қўлга киритиб, шаҳарни вайрон ҳамда талон - тарож қилиб, унга ўт қўйиб юборганлар (милоддан аввалги 586 йил).

Бобил шоҳи исёнчиларни қаттиқ жазолади. Яҳудия ҳукмдори Цидкия қолган-қутган қўшини билан бирга Иерихон текислигида қўлга тушади ва кўзи ўйилиб, кўр қилинади. Яҳудия шаҳзодалари эса қатл қилинади. Кўплаб яҳудийлар асир оlinиб,

Бобилга ҳайдаб олиб кетилади. Милоддан аввалги 586 йилда вайрон қилинган Қуддус ёнғинида яҳудийларнинг эркин ва мустақил давлат ҳақидаги орзулари батамом пучга чиқди. Бобил шоҳи Сурияда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб, Фаластинга ҳам эгалик қила бошлади. Аммо Навуходоносор Сурияни ўзига тобе қилиш учун Финикия шаҳарларини ҳам узил-кесил бўйсундириши керак эди. Финикия давлатининг қадимги пойтахти - бой ва қудратли Тир – савдо маркази бўлиб, шаҳарлар орасида етакчи ўринлардан бирида турарди. Тир аҳолиси ўз мустақиллигини мардларча ҳимоя қилди. Тир шаҳри денгиздаги орол устига қурилган ва бу мустаҳкам шаҳарни Бобил қўшинлари 13 йил мобайнида қамал қилиб, эгаллай олмаганлар. Узоқ давом этган қамал натижасида шаҳар ҳимоячиларининг тинкаси қуриб, улар мажбуран таслим бўлдилар. Навуходоносор Финикияни ҳам оғир машаққатлар билан эгаллаган. Бобил қўшинларининг олдида яна бир қийин вазифа, у ҳам Мисрга сўнгги ва қатъий зарба бериш вазифаси турарди. Асосий мақсад – Мисрнинг кучини синдириш ва уни Олд Осиёда фаол сиёсат юрита олмайдиган қилишдан иборат эди. Манбалардаги маълумотларнинг ноаниқлиги ва тарқоклиги урушнинг қай йўсинда борганлигини аниқлаш имконини бермайди. Шу сабабли, Навуходоносорнинг ҳатто Миср ичкарасига кирган ё кирмаганлигини ҳам аниқ айтиш қийин. Ҳар ҳолда Бобил шоҳи Мисрга бир қадар зарар етказган бўлиши керак. Мисрдаги Гелиополга яқин жойда Бобил шаҳрининг барпо этилиши ҳам шу воқеалар акс-садоси деган фараз мавжуд. Миср Бобилининг барпо этилиши тахминан ана шу даврга тўғри келади. Лекин Миср ўша вақтда ҳали етарлича кучга эга эди. Миср фиръавни Яхмос II (Амазис) кучли флот ёрдамида Кипрни босиб олади ва у ердан Финикиянинг савдо шаҳарларига хавф сола бошлайди. Яхмос II бу билан Бобилнинг Ўрта денгиз шарқидаги ерларини эгаллашида қаршилик кўрсатмоқчи бўлган. Бобил ҳукмдори Месопотамия, Сурия, Финикия ва Фаластинни истило қилган бўлишига қарамай, шошилиш бунёд этилган салтанатнинг у қадар мустаҳкам эмаслигини ўзи ҳам биларди. Наҳрилқалб дарёси бўйидаги қояларда Миср фиръавнлари ва Оссурия истилочиларининг тантанали ғалабаларига оид маълумотлар мавжуд. Аммо Навуходоносор ҳақидаги ёзувларда юқоридаги ғалабалар ҳақида ҳеч нарса айтилмаган.

Навуходоносор милоддан аввалги 562 йилда вафот этади. Унинг 43 йиллик ҳукмдорлик даврида Янги Бобил подшолиги юксак тараққиётга эришди. Навуходоносор ворислари унинг ишларини муносиб давом эттира олмадилар. Қоҳинлар бош қўшган сарой ғулғулалари оқибатида тез-тез давлат тўнтаришлари бўлиб турган. Бобил подшолари тахтида 6 йил ичида уч ҳукмдор ўтириб, улардан иккитаси ўлдирилган. Сиёсий вазиятнинг кескинлашуви, мамлакат ичидаги синфий табақаланиш, форсларнинг бостириб кириш хавфи ҳукмдорлардан ғайрат ва дипломатик моҳирликни талаб қилган. Милоддан аввалги 555 йилдаги давлат тўнтаришидан кейин Бобил тахтига ўтирган Набонид Навуходоносор II ишини давом эттириш ниятида бўлиб, у Навуходосорни ўз ёзувларида кўп қайд этади ва уни ўз ҳомийси сифатида ҳурмат билан тилга олади.

Набонид 17 йил (милоддан аввалги 555 - 538 йиллар) ҳукмдорлиги даврида мамлакат бутунлигини сақлаш учун қаттиқ курашган. Набонид шоҳлигининг дастлабки йиллари шимолий Сурияда кўтарилган кўзғолонни бостириб, Хаматга, Амурру мамлакатига қўшин тортиб, то Эдемнинг жанубигача етиб боради. Аммо Бобил учун асосий хавф уяси бу ерда эмас эди. Сурия билан Фаластин бостирилган ва кучсизланиб қолган Мисрдан ёрдам кута олмасдилар. Тир шаҳрини Набонид подшо қилиб кўтарган Хирам II идора қилар эди. Месопотамиянинг шимолий қисмида Бобил учун анча мушкул аҳвол юзага келган. Мидия ҳукмдори Астиаг (Иштувегу) Шимолий Месопотамияга юриб, Харран ўлкасига кириб боради. Ёзувлардан маълум бўлишича, Набонид

“умманманд” лар (мидиялик) ларга қарши чиқадию, лекин мидияликларни ундан аввал Аншана шоҳи Кайхисрав тор-мор келтиради. Мидия ҳукмдорлигининг емирилиб, Эрон юксалаётганини кўрган Набонид ўзининг шимолий - ғарбий чегараларини мустаҳкамлашга қарор қилган ва шу сабабли, ўз сўзларига кўра, Харранда бу ерга мидияликларнинг хуружидан катта зарар кўрган муқаддас қадамжоларни тиклаш мақсадида алоҳида эътибор берган бўлиши мумкин.

Эрон босқини хавфини аввалдан сезган Набонид Арабистон билан алоқаларини мустаҳкамлаш ниятида Теймага лашкар тортиб, уни босиб олиб, ўз қароргоҳига айлантиради. Набонид Теймада ўзини бир қадар тинч сезарди. Сиёсат майдонидаги вазият Бобил салтанати учун тобора хавфли бўлиб борди. Эрон шоҳи Кайхисрав милоддан аввалги 550 йилда Мидияни бўйсундириб, Лидияга қарши отланади. Лидия салтанатини эгаллаб, шу орқали Месопотамияни шарқ ва шимолдан ўзига қарашли ерлари билан ўраб олади. Эрон шоҳининг барча ютуқлари Бобил хроникасида батафсил кўрсатилган, чунки у энди бевосита айнан Бобилга хавф солмоқда эди. Хрониканинг милоддан аввалги 546 йилга оид бобида эламийлар (форслар ёки уларнинг Эламдаги иттифоқчилари деб тахмин қилинади) Аққодга бостириб кирганлиги ва Урукга Элам ҳокими тайинланганлиги айтилади. Форслар Дажла дарёсининг шарқида Қуйи Заб, Дажла дарёси воҳасидаги Гутиум ўлкасини босиб оладилар. Кайхисрав милоддан аввалги 539 йилда Месопотамияга бостириб кириб, Опис ёнида Бобил қўшинларини тор-мор келтирган. Милоддан аввалги 538 йилда Кайхисрав Сиппарни ишғол қилиб, Бобил чегараларига яқинлашади. Набониднинг художўй ва олимлиги ҳам, бутун мамлакатдан келтирилган худо ҳайкаллари ҳам (Набонид уларни йиғиб, Бобилни ғоят катта қадимги диний ёдгорликлар музейига айлантирган) уни қутқариб қололмади. Кайхисрав милоддан аввалги 538 йилнинг кузида Бобилга кириб, Набонидни тахтдан четлаштиради ва Бобилни қудратли Эрон давлати таркибига қўшиб олади.

Янги Бобил салтанати шу тариқа интиҳо топди ва шу билан буюк давлат барпо қилиш йўлидаги сўнгги уриниш ҳам барбод бўлди. Лекин Бобил Олд Осиёнинг энг катта савдо маркази ҳамда нафақат қадимги Шарқда, балки бутун қадимги дунёда ҳам маданий ҳаёт тараққиётига катта таъсир кўрсатган маданият маркази сифатида ўз аҳамиятини муайян муддат сақлаб қолди.

Таянч иборалар

Набопаласар, Навуходоносор, Ниневия, Иштувегу, Уах - иб - Ра, Иоаким Иштувега, «умманманд»

Саволлар

- 1. Мамлакатда суғоришга асосланган деҳқончиликнинг муҳим ўрин тутиши сабаблари нима?**
- 2. Бобилнинг кучсизланиши ва инқирози сабаблари**
- 3. Навуходоносорнинг мамлакат бошқарувининг ўзига хос услублари**

7. Қадимги Бобил маданияти ва мафкураси

Бобил маданияти қадимги замонда Олд Осиё халқлари орасида кенг ёйилган ва антик дунё маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Энг қадимги Шумер - Аққод маданиятининг давоми бўлган Бобил маданияти IV минг йил давомида наслдан - наслга ўтиб, ривожланиб борган ва ниҳоятда гуллаб - яшнаган.

Ёзув. Ёзувнинг ихтиро қилиниши шумер халқининг энг катта маданий ютуқларидан бири бўлди. У Урук даврида милоддан аввалги IV минг йилликнинг

бошларидаёқ юзага келди. Қадимги замондаги бошқа халқларнинг ўзига хос алоҳида ёзув тизими каби Шумер ёзуви ҳам даставвал сурат - ёзув тариқасида пайдо бўлиб, бунда айрим сурат – белгилар фикрни расм орқали ифода этган. Тилнинг мураккаблашуви ҳамда хилма-хил сўз ва грамматик шаклларнинг пайдо бўлиши ёзув тизимини соддалаштиришни талаб қилган. Шу муносабат билан қадимги сурат – ёзувга (пиктография)га асос бўлган тасвирий принцип йўқола бориб, унинг ўрнини сўзнинг товуш жиҳати (фонема) ни белгилар орқали ифодалаш тизими жорий этилди. Масалан, шумер ёзувида жуда кўп бўғин белгилари ва унли товушларни ифодаловчи бир қанча алфавит (алифбе) белгилари пайдо бўлган.

Хужжатни тез ёзиш зарурати энг қадимги замонлардаёқ шумерийларнинг сурат ёзувини соддалаштиришни талаб қилган. Шу сабабдан, бирор буюмнинг расмини чизиш ўрнига унинг фақат энг ўзига хос қисмини чизиш билан сурат аста-секин чизиқли схемага айлана борган. Вақт ўтиши билан белгилар сопол лавҳаларга алоҳида усул билан тушириладиган бўлди. Шу сабабли тез ёзиш зарурати туғилган ва натижада ёзув белгилари янада кўпроқ схемалаштирилиб, миҳхат тизими ишлаб чиқилди.

Бобилликлар Шумер маданиятининг асосий элементлари билан бирга уларнинг миҳхатини ҳам қабул қилиб, сўнг Бобил савдоси ва маданияти кенг ривожланиши туфайли, бу усул бутун Олд Осиёга ёйилди.

Дин. Мамлакатда деҳқончилик хўжалигининг ривожланиши туфайли катта сунъий суғориш тармоқларига эҳтиёж пайдо бўлгач ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши туфайли дастлабки йирик суғориш иншоотлари қуриш имкони пайдо бўлди. Одамлар сувнинг экинзорларга ҳаёт берувчи ва кишиларга роҳат бахш этувчи шарофатли куч эканлигини англай бошлаганлар. Шу муносабат билан хайрли ва мурувватли сув худоси, одамларга турли касб-ҳунар, санъат ва билим ўргатган донишмандлик худоси – Эа тўғрисидаги тасаввур юзага келган. Қадимги шумерийлар сувни энг биринчи илоҳий куч деб билганлар ва улар тасаввурида ҳаёт аввало сувдан бошланган.

Шу сабабдан, табиат ишлаб чиқарувчи кучларининг қадимий худоси Таммуз ҳам сув худоси ҳисобланиб, “ҳақиқий сув ости ўғли” деб аталган, шу билан бирга худо Эанинг ўғли ва тимсоли Таммузга эътиқод улуғ сув худосига эътиқод қилиш билан тенг ҳисобланган. Сув гирдоби худоси Эа балиқ думли ёки гардани балиқникига ўхшаш ҳолда тасвирланган бўлса, момақалдироқ ва Бобилнинг олий худоси Мардук эса афсонавий аждаҳо, ярим илон, ярим йиртқич куш қиёфасида тасвирланган.

Қадимги шумерийлар осмон тангриси Ануни бош худо деб ҳисоблаб, улар тасаввурича, “худолар шоҳи ва отаси” Ану осмоннинг энг юқориси-учинчи қаватида макон топган ва ўша ердаги тахтидан туриб бутун олами бошқарган.

Бутун дунёни босган тўфондан даҳшатга тушган барча худолар энг қудратли худо – Ану олдида ёрдам сўраб келади. Қолган худолар орасида ой худоси Син ва унинг ўғли қуёш худоси Уту (Бобил худоси Шамаш) муҳим ўрин тутган. Уту – Шамаш айни вақтда қуёшни куйдирувчи, беҳад иссиқликнинг, ҳамда унинг роҳатбахш нурларини ҳам ўзида мужассам этган. Табиат, ҳаёт ва туғилиш маъбудаси Иштар ҳам худолар сафидан ўрин олган. Иштар, “осмон ва ернинг порлоқ машъали” – Зухро юлдузи сифатида тасаввур этилган. Қуёш, ой ва юлдузларни илоҳийлаштириш (юлдузларга эътиқод қилиш) натижасида мураккаб астрологик тизимлар, яъни бирон - бир сайёра ва юлдузнинг осмондаги вазиятига қараб бўлажак ишларни олдиндан айтиб бериш тизими пайдо бўлди. Шумер ва Бобил коҳинлари ўз ибодатхоналарининг баланд минораларидан туриб қуёш, ой ва юлдузлар ҳаракатини кузатганлар.

Қадимги табиат худолари аста-секин ҳокимият ва ҳукмдорлик худоларига, давлат ва подшо ҳокимияти ҳомийларига айлантирилган. Худолар илгари табиат кучларини ифода қилган бўлса, энди адолат ва кучга оид мавҳум тушунчалар тимсоли, улар самовий қози, қудратли аскар ва буюк шаҳаншоҳ бўлиб қолган. Масалан, қадимги табиат худоси Таммузга ҳокон, саркарда, қудратли қахрамон, мамлакат ҳарбий кучлари ҳукмдори каби сифатлар берилган. Қуёш худоси Шамаш адолат ва ҳаққоният худоси, ердаги салтанатнинг осмондаги ҳомийси номини олган. Қадимги деҳқончилик худоси - “фаровонлик, бойлик ва ҳосилдорлик ҳукмдори” Мардук вақт ўтиб улуғ ҳукмдор, осмон ва ер ҳукмрони, қудратли жангчи, Бобилнинг олий давлат худосига айланган. Бош худолар подшо қиёфасида тасвирланганидек, ердаги ҳукмдорлар ҳам диний адабиётлар ва санъат асарларида ердаги худо сифатида тасвирланган. Улар шарафига мадҳиялар битилган.

Қадимдан табиатга эътиқод қилиш ота - боболарга эътиқод қилишдан келиб чиққан. Қулдорлик пайдо бўлган даврда подшо ҳокимиятини илоҳийлаштиришдан иборат ўзига хос мафкура тарзида таркиб топган айрим диний тизимга айланган. Диний мафкурани билиш ҳамда мураккаб диний маросим ва ибодатларни адо этиш махсус қоҳинлар иши бўлиб қолган. Бош қоҳинлик лавозимларини ҳоким (патэси) лар ва шоҳлар (лугал) лар эгаллаб олган.

Адабиёт. Адабий асарларнинг аксарияти диний афсоналар ва асотирлар, ақида ва ғояларнинг бадиий ифодаси бўлган. Улар диний таълимот мақсадларига хизмат қилиб, табиат ҳодисаларини, ҳаёт ва ўлим, дунёнинг яратилиши ва инсон ҳаёти сирларини дин нуқтаи-назаридан тушунтирган. Бадиий шаклга солинган мадҳия, дуо ва афсунлар диний эътиқод мақсадларига хизмат қилган, ибодатхоналарда диний ё сеҳр - жоду маросимлари ижро этилаётганда қуйланган ёки ўқилган.

Шумер - Бобил адабиёти диний ғоялар билан суғорилган бўлиб, бу ҳол адабиётда анъана бўлиб кетган. Бобил адабиётида эпос – дostonчилик муҳим ўрин эгаллаган. Бобилликлар Шумер давридан қолган маданий меросни қабул қилиб, шумерийлар адабиётини маълум жиҳатдан қайта ишлаганлар ва бу ҳол эпосларда акс этган. Таҳрир қилинган шаклда сақланиб қолган Бобил эпик дostonлари 1 Бобил сулоласи шоҳлари замонидаги (милoddан аввалги XIX - XVI асрлар) қадимги Бобил салтанати юксалган даврда ёки undan бир мунча кейинроқ яратилган деб фараз қилинади. Дostonларнинг сақланиб қолган айрим қисmlари таҳлили шундан далoлат беради. Худолар ва қахрамонларнинг баҳодирликлари тасвирланган бу эпик дostonлар, асосан, худолар шаънига айтилган мадҳиялардан иборат. Мадҳияларда муайян худолар, унга атаб қурилган ибодатхона ва унинг қoҳинлари улуғланиб, қўқларга кўтарилган. Бунга Бобилнинг ва Бобил шоҳи ҳомийси – худо Мардук шаънига бағишланган мадҳияни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ана шундай эпослардан дунёнинг яратилиши ҳақидаги асотирлар, Агушайя ҳақидаги ҳамда Гильгамеш ҳақидаги дostonни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Гильгамеш ҳақидаги дoston Бобил адабиётининг энг кўзга кўринган асарларидан биридир. У тахминан 1 Бобил сулоласи даврида яратилган бўлиб, бадиий фазилатлари жиҳатидан, ифода қилинган фикрларнинг ўзига хослик жиҳатидан ҳам Бобил адабиётида алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, Адапа ҳақидаги ҳамда Этана ҳақидаги дostonларда ҳам ахлоқий мавзу ва қисман диний - фалсафий анъаналар илгари сурилган. Бу дostonларда шоҳ ҳокимияти худолар томонидан юборилади ва шу туфайли мукаддасдир деган фикр илгари сурилади. Бунда қoҳинларнинг диний адабиёт ва тасвирий санъат ёрдамида шоҳ ҳокимиятини асослаб бериш ва оқлаш, ҳамда бу билан

кулдорликка асосланган синфий тузумни мустахкамлашга қаратилган тарғиботи кўриниб турибди.

Илмий билимларни пайдо бўлиши. Ўша замондаги одамларнинг кундалик турмуш эҳтиёжларини, табиат ҳодисаларининг ички моҳиятини объектив англаш учун уларни диққат билан кузатиб боришни талаб этган.

Математика. Хўжалик эҳтиёжлари туфайли энг қадимги фанлар, хусусан, математика ва астрономия асослари юзага келган. Маҳсулот ва молларнинг миқдорини аниқлаш, оғирлигини ўлчаш, иш кучини аниқлаш, бинолар ҳажмини белгилаш, далалар ер юзасини ҳисоблаш зарурати математик ҳисоб пайдо бўлиши ва бу соҳада тегишли билимларнинг тўпланиши ҳамда кейинроқ арифметика ва геометрияни пайдо бўлишига сабаб бўлди. Турли ҳисоб тизимларини ўзига хос тарзда ишлатилиши ва комбинациялари йилнинг 360 кунга ва доиранинг 360 бўлакка бўлинишида ўз ифодасини топди. Математикага оид матнлар шумерийлар давридаёқ бу фан анча тараққий этганини кўрсатади. Бу матнларда алоҳида формулалар ёрдамида даражага кўтариш, квадрат ва куб илдизлар чиқариш ва ҳатто ҳажмларни ҳисоблаш ҳам тилга олинади. Ўша даврдан қолган ер майдонига оид маълумотларда ер бўлакларининг юзи аниқ ўлчаб кўрсатилганлиги, геометрия соҳасида биринчи маълумотлар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши муносабати билан ва ер майдонларини тез - тез ўлчаб туриш зарурати сабабли пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Астрономия. Вактни аниқлаш зарурати тақвим тизимини юзага келишига сабаб бўлган. Бир қанча астрономик маълумотлар Шумер - Акқод давридаёқ тўпланган. Масалан, баъзи номларнинг таркибига сайёраларнинг номлари киритилган. Бобил астроном - коҳинлари ўз расадхоналаридан Қуёш, Ой ва юлдузлар ва бошқа осмон жисмлари ҳаракатини кузатганлар. Кўп асрлик астрономик кузатишлар натижасида катта билим тўпланган. Бобил коҳинлари юлдузларни бешта сайёрадан ажрата билганлар ва бу сайёраларнинг ҳар бири алоҳида ном билан аталган. Сайёраларнинг орбиталари ҳам маълум бўлган. Сайёралар, юлдузлар, кометалар ва метеорлар ҳамда Қуёш ва Ой тутилиши юзасидан олиб борилган кузатишлар расмий ҳужжатларда қайд этилган.

Бобил астрономиясининг энг юксалган пайти милоддан аввалги VIII - VI асрларга тўғри келади. Бу даврда астроном – коҳинлар коинот ва ундаги жисмларга оид катта билим тўплаганлар, прецессия (тун ва кун барабар бўладиган вақтни олдиндан билиш) ҳақида тасаввурга эга бўлганлар. Улар ҳатто Қуёш ва Ой тутилишини олдиндан айта билганлар.

Астрономия соҳасидаги бошланғич билимлар Бобил коҳинларининг ўзига хос тақвим тизими тузишларига имкон берган. Вақт ҳисоблашда сутка (бир кеча-кундуз), қамар ойи ҳамда 354 кундан иборат йил тақвимни асосий бирлиги қилиб олинган. Сутка ва йилни 12 катта ва 360 кичик қисмларга ажратишга уриниш тақвимда ҳам акс этган.

Тиббиёт. Тиббиёт соҳасида ҳам аста-секин билим тўплана борган. Бобил тиббиёти Хаммураппи замонидаёқ – жарроҳлик, кўз даволаш каби махсус тармоқларга бўлинган. Асосан кейинги даврларга оид тиббий матнларда қорин ва ичак йўлларидаги, нафас олиш аъзолари касалликлари (тумов, бурундан қон келишининг сабаблари ва бод касалликлари, бўғинларнинг оғриши) аломатлари баён қилинган. Безгак аломатлари: иситма, жунжикиш, қалтироқ, совуқ тер босиши изоҳлаб берилади. Қадимги Бобил тиббиёти ҳам қадимги диний эътиқодлар билан узвий боғлиқ бўлган. Ибтидоий Шумер - Бобил тиббиёти қадимдан покизалаш воситаси ҳисобланган сувга диний эътиқод билан боғланган. Сувнинг даволаш хусусияти ўша энг қадимги замондаёқ аниқланган.

Бобил маданияти қадимги Шарқ, асосан Олд Осиёдаги бошқа халқларнинг маданияти тараққиётига катта таъсир кўрсатган, бунга айниқса Бобил савдо ишларининг кенг тармоқ ёйганлиги ёрдам қилган. Оссурийлар, хеттлар, Сурия қабилалари ва урартулар миҳхатни Бобил - Шумердан ўрганганлар. Миҳсимон ёзув Элам ва Эрон халқлари орасига ҳам кириб борган. Бобилликлар ўлчов тизими, оғирлик ва пул бирликлари тизимини Олд Осиёга кенг тарқатган. Шумерийлар ва бобилликларнинг диний эътиқоди, адабий асарлари ва дунёвий билимлари қадимги Шарқнинг кўпгина халқлари маданий ривожига кучли таъсир кўрсатган. Икки дарё оралиғида яшаган қадимги халқларнинг маданий меросидан анча юксак бўлган антик маданият яратилаётган даврда ундан жуда кенг фойдаланилган ва ижодий қайта ишланган. Қадимги юнон қаҳрамони Геракл образи кўп жиҳатдан қадимги Бобилнинг афсонавий қаҳрамонларини образларини эслатади. Юнон тарихчиси Геродот айтишича, эллинлар қуёш соатини бобилликлардан ўрганганлар. Юнон файласуфи ва олими Пифагор Бобилда 12 йил яшаб, бу давр ичида у ерда астрономия, астрология, математика ва мусиқани ўрганган.

Бобил моддий маданияти юқори даражада бўлган. Темирчиликда милоддан аввалги 3 - минг йилликда қуймачилик, зарбчилик, олтин ва кумуш сим тайёрлаш, нафис заргарлик усуллари маълум бўлган. Асосий қурилиш материали хом ғишт бўлиб, пишиқ ғишдан баъзи ҳоллардагина фойдаланилган. Биноларни гумбазсимон қилиб қуриш, ернинг намини қочириш, зовурлар очиш ва бошқа усуллар маълум бўлган.

Ҳарбий қуруллар такомиллашган-араваларда жанг қиладиган қўшинлар (2 - минг йилликнинг бошида), мис совутлар (2 - минг йилликнинг ўрталарида), отлик аскарлар, қилич, мустаҳкамланган ҳарбий истехкомлар, қамал қилиш қуруллари - учи ўткирланган хода (таронлар) пайдо бўлган, тош кўприк, чарм мешлардан фойдаланганлар, қалқма кўприклар қурилган. Милоддан аввалги 1 минг йилликда Оссирия ва Бобилда темир қурул - яроғлар пайдо бўлди, ҳунармандчиликда олмосни пармалаш ишлатила бошланди. Тахминан 2 ва 1 минг йиллик ўрталарида янги суғориш воситаси – чархпалаклар ва чарм челақлари, арқон сув чиқаргичлар пайдо бўлди.

Бобилликлар кимё борасида ҳам катта муваффақиятларга эришган. Милоддан аввалги 2 - минг йилликка мансуб жез тайёрлашнинг кўплаб рецептлари сақланиб қолган, сиркори сопол буюмлар ва уларга ранг - баранг нақшлар тушириш усуллари маълум бўлган.

Таянч иборалар

“сув тубининг чин ўғли”, Мардук, патэси, пиктография, миҳхат тизими, Эа, Син Уту, Шамаш, Иштар, лугал, Гильгамеш, прецессия, Хаммурапи, Геракл, Геродот

Саволлар

- 1. Қадимги Бобил ёзуви қандай пайдо бўлган?**
- 2. Қадимги Бобилнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётида дин қандай роль ўйнаган?**

8. Янги Бобил давлатининг маданияти

Янги Бобил салтанати даврида Бобил шаҳри ижтимоий - иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, савдо, ҳунармандчилик, бинокорлик ривожланган энг йирик шаҳарлардан бирига айланган. Навуходоносор қурган дабдабали биноларнинг харобалари ҳозиргача сақланиб қолган. Бобил номи билан юритиладиган тепаликдаги қозиш вақтида, катта

сарой харобалари, Навуходоносор замонидан қолган бинолар топилди. Уларнинг деворлари гулли кошнлар билан безатилган. Диний маросимларда фойдаланиладиган йўл ҳам шу сарой ёнидан ўтган. Бу йўлга тошдан йўнилган плиталар ётқизилган, плиталарда миххат ёзувлари сақланиб қолган. Навуходоносор даврида Бобил салтанати ўз тараққиётининг иккинчи юксалиш даврига эришди.

Набопаласар ўғли Навуходоносор II (Шарқ адабиётида “Бухтуннаср”) даврида янги Бобил давлатининг маданияти ўзга давлатлар ҳукмронлиги даврида ҳам равақ топиб, ўзига хослигини сақлаб қолди. Набопаласар (милоддан аввалги 625-605 йиллар) даврида бу ўлкада кенг миқёсда қурилиш ишлари амалга оширилиб, янги саройлар қурилди, баъзи иншоотлар тикланди, эҳромлар барпо этилиб, каналлар бунёд қилинди, Бобил шаҳридаги “Маросимлар йўли” га тош ётқизилди. Навуходоносор II (милоддан аввалги 604 - 562 йиллар) ўзи забот этган ўлкалардан ўлпон ва бож ундириш ҳамда асирларни ишлатиш ҳисобига улкан бойликка эга бўлди. Бу маблағ Бобилни тиклаш ва ободонлаштиришга сарфланди. Ўша даврдаги йирик тарихий ёдгорликлар қолдиқларидан Бобил шаҳрининг ниҳоятда ҳашаматли, истехкомларининг нақадар салобатли, ҳукмдор саройининг маҳобатли ва Мардук эҳроми дабадали эканлигини тасаввур қилиш мумкин. Милоддан аввалги 604 йилда Набопаласар вафотидан сўнг ўғли Навуходоносор II Бобил шоҳи деб эълон қилинди. Унинг ҳукмронлиги пайтида Бобил иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, маданий уйғониш даврини бошидан кечирди. Қарийиб 200 минг кишилик аҳолиси бўлган Бобил қадимги Шарқнинг йирик шаҳрига айланди. Бу шаҳар Фрот дарёси ва иккита катта канал бўйида жойлашганди. Шаҳарнинг бир қисми (Янги шаҳар) дарёнинг ғарбий томонида жойлашиб, нариги қирғоқ билан узунлиги 123 м ва кенглиги 5-6 м бўлган кўприк билан туташган эди. Шаҳарнинг бир томонида ҳашаматли шоҳ саройи, бошқа томонида эса бобилликларнинг муқаддас манзили - Эсегила жойлашган. У квадрат шаклидаги бино бўлиб, ҳар бир томонининг узунлиги 400 м. дан бўлган. Унинг жанубида Эсегила билан бирлашган, баландлиги 91 м.га тенг (Хеопс пирамидасининг баландлиги 147м) “Этеменанки” (“Ер ва осмон пойдеворининг эҳроми”) деб аталган етти қаватли зиккурат мавжуд бўлган. Инжил (Библия)да “Бобил минораси” деб ном олган бу ёдгорлик ўтмишда жаҳоннинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган. Минора устида Бобилнинг олий худоси Мардук шаънига қурилган ибодатхона жойлашиб, у безакли ғиштлардан қурилиб, деворлари ва шифтлари олтин ва қимматбаҳо тошлар билан қопланган. Диний маросимлар ўтказиш учун эни 35 метрли тош кўча қурилган. Бу кўча баландлиги 12 метрли дарвозага қадар давом этиб, у Иштар номли аёл худога бағишланган. Дарвоза ғаройиб жониворлар суратлари билан безатилган.

Дунё мўъжизаларидан яна бири – баланд тош девор устига ўрнатилган машҳур “осма боғлар”. Бу боғлар ватани - тоғлик Мидияни соғинган Навуходоносорнинг хотини Амитадага аталган эди. Яна бир машҳур ёдгорлик – Сиппара яқинидаги улкан сув ҳавзаси бўлиб, у ердан юзлаб километрга каналлар ўтказилган.

Навуходоносор II “Маросимлар йўли” қурилишини ниҳоясига етказди. Йўлнинг икки томонига мовий ғиштдан девор бунёд этилиб, айниқса, шаҳарга кираверишдаги Иштар дарвозаларига алоҳида эътибор берилди. Девор ва дарвозалар юриб кетаётган шер, нирвал (афсонавий яккашоҳ ҳайвон) ва химера (юнон афсоналарида уч бошли ўточар баҳайбат ҳайвон) тасвирлари билан безатилди. Бизгача етиб келган ёзувларга қараганда, Навуходоносор II Иштар дарвозалари олдида юқорида номи келтирилган жониворларнинг бронза ҳайкаллари барпо этган.

Навуходоносор II Бобилнинг шимолий қисмида иккинчи ҳашаматли сарой барпо этади. Унинг даврида Бобил мустаҳкам, забт этиб бўлмас ҳарбий истехкомга айланади. Шаҳар асфальт ва қамиш қоришмасидан иборат хом ва пишиқ ғиштдан икки қатор девор билан қуршалган. Ташқи деворнинг баландлиги 8 м, эни 3,7 м, узунлиги эса 8,3 км бўлган. Ташқи девордан 12 м ичкаридаги яна бир девор баландлиги 11 - 14 м ва эни 6,5 м га тенг бўлган. Шаҳарнинг саккиз дарвозасини подшо аскарлари қўриқлаб турганлар. Бундан ташқари, ҳар 20 м масофада миноралар қурилиб, улардан душманни нишонга олиш қулай бўлган. Девор атрофида сув билан тўлдирилган чуқур ва кенг ҳандақ жойлашган.

Подшо Набонид (милоддан аввалги 556 - 539 йиллар) даврида ҳам яратувчилик, бунёдкорлик ишлари давом эттирилди. Бобил эҳромларида энг нуфузли маъбудаларнинг қимматбаҳо тошлардан ишланган тасвирлари сақланган. Тарихчи Геродотнинг ёзишича, эҳромларда ашёлар тилладан ясаиб, бадий сайқал берилган буюмлар сақланарди. Заргарлик санъати юқори савияда ривожланган.

Таянч иборалар

Бухтуннаср, “Маросимлар йўли”, Эсегилла, “Бобил минораси”, Этеменанки, “осма боғлар”, нирвал, химера, зиккурат, Инжил

Саволлар

1. Янги Бобил маданияти қадимги Бобил давлатининг маданиятидан нима билан фарқ қилади?

2. Янги Бобилда бунёдкорлик ишлари қандай кечган?

9. Қадимги Оссурия маданияти ва мафкуравий ҳаёти

Милоддан аввалги VII - VI минг йилликларда Месопотамияда турли маданият ўчоқлари пайдо бўла бошлайди. III минг йиллик бошларида турли тилларда сўзлашувчи этник гуруҳлар, шаҳар - давлатлар вужудга келади. Қадимги Месопотамияда яшаган халқлар, этник гуруҳлар ўзига хос ноёб маданиятга, дин, урф - одатларга эга бўлганлар. Улар бир-бири билан аралашиб, ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнида Месопотамия цивилизацияси вужудга келади. Узоқ тарихий ривожланиш жараёнида Месопотамия минтақаси халқлари, турли - туман этник гуруҳлар маданиятини ривожлантиришда генератор ролини ўйнаган. Ана шундай қадимий маданиятлардан бири - Оссурия маданиятидир.

Оссурия давлати пайдо бўлиш (милоддан аввалги XX - XVI асрлар), ривожланиш (милоддан аввалги XV - XVI асрлар), гуллаб - яшнаш (милоддан аввалги X - IX асрлар) ҳамда емирилиш (милоддан аввалги VIII - VII асрлар) жараёнларини бошидан кечирди. Ана шу тарихий жараёнлар шароитида Оссурия маданияти ва мафкуравий ҳаёти шаклланди ва ривожланди.

Оссурия маданияти Месопотамияда яшаган қадимги халқлар, айниқса Шумер, Акқод ва Бобил маданий мерослари билан боғлиқ ҳолда ривожланди. Оссуриянинг мафкуравий ҳаёти ҳам Месопотамияда яшаган қадимий халқларнинг диний қарашлари, ақидалари, урф - одатлари, расм - русумлари кўп ҳудудлик таъсирига асосланган эди. Дин ва диний қарашларда, ақидаларда фол очиш, туш кўриш, олдиндан айтиб бериш - башорат қилиш кабиларга ишониш муҳим ўрин эгаллаган. Қадимги Оссурияликлар турли касалликларни олдини олиш, бахтсизликларга йўл қўймаслик, нотаъсонликни олдини олиш мақсадида турли диний урф - одатларга, афсоналарга ишонишар ва амал қилишар эди. Диний ақидалар, қарашларни шакллантириш ва мустаҳкамлашда турли

худолар (Ер, Сув, Куёш, ҳосилдорлик ва ҳоказоларга ишониш) ва ибодатхоналар илоҳийлаштирилган, подшолар, табиат ҳодисалари муҳим рул ўйнаган.

Умуман олганда оссурияликлар иккинчи минг йилликда (христиан эрасидан олдин) адабиёт, илм - фан, санъат соҳасида амалда оригинал бирор нарса яратишмаган. Улар бобил ва хуррит - хеттларнинг бу соҳада эришган ютуқларини тўла-тўқис қабул қилишган. Уларнинг бадиий адабиёти бўлмаган.

Ўша даврнинг энг қизиқ муҳим маданий - тарихий ва ижтимоий ёдгорликларидан бири “Ўрта Оссурия қонунлари” ҳисобланади. У аслда давлат қонунлари бўлмаган. Бу қонунлар ўзига хос ҳуқуқ мажмуалари, қонуний нормалари ва ҳужжатларнинг илмий тўпламидан иборат бўлган ҳолос. “Ўрта Оссурия қонунлари” Ашшур жамоасининг амалий эҳтиёжларига жавоб бериш мақсадида тузилган. Бу қонунлардан жами бўлиб 14 тахтачалар ва лавҳалар сақланиб қолган. Масалан, “А” харфи билан белгиланган тахтачада (эллик тўққизта параграф бор) эркин аёлларнинг ҳуқуқий ҳолатининг турли жиҳатлари, уларга белгиланган жазоларнинг (агар улар ҳуқуқ нормаларини бузишса, жиноят содир қилишган бўлса) турли хиллари акс эттирилган. Бу қонунлар милоддан аввалги XIV - XIII асрларга тегишли. Бу қонунлар мавжудлиги Оссурияда ҳуқуқий тафаккурнинг анча ривожланганлигини кўрсатади.

Оссуриянинг мафкуравий ҳаётида қадимги халқлар томонидан ишлаб чиқилган турли-туман афсоналар тизими ҳам жиддий аҳамият касб этган. Бу афсоналарда инсонлар реал ҳаёт ва борлиқнинг кўплаб муҳим фалсафий масалаларини, жумладан, оламнинг пайдо бўлиши ва инсоннинг яратилиши ҳақидаги афсоналар вужудга келган.

Оссурияликлар қадимги Месопотамия халқларининг миҳхатлар тизимини, диннинг кўп жиҳатларини, адабий асарларни, санъатнинг характерли томонларини, шунингдек, қатор илмий билимларни қабул қилишган. Оссурияликлар қадимги шумерликлардан баъзи бир худоларнинг номи ва уларга ишонишни қабул қилишган. Ибодатхона ва қасрлар қуришда шумерлар турли меъморий шаклларида, ҳатто қурилиш материали-ғишдан фойдаланишган.

Милоддан аввалги 729 йилда Оссурия подшоси Тиглатпаласар III томонидан Бобилни бутунлай босиб олиниши ва уни Оссурия давлати таркибига киритилиши туфайли Бобил маданиятининг Оссурия маданиятига кўрсатган таъсири кучайди. Оссурияликлар бобилликлардан ўша даврда кенг тарқалган диний асарлар жумладан, оламнинг яратилиши ҳақидаги эпик поэма ва қадимги худолар - Энлил ва Мардукка бағишланган мадҳияларни қабул қилишган.

Бундан ташқари, оссурияликлар бобилликлардан давлатни бошқаришни ташкил қилишдаги баъзи жиҳатларини, ўлчов ва пул тизимини, Ҳаммурапи замонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқларнинг кўп элементларини қабул қилишган эди.

Оссурия маданиятининг юксалган даврини Оссурия ҳукмдори Ашшурбанапал саройининг вайроналари остида топилган “Ашшурбанапал” кутубхонаси мисолида кўриш мумкин. Кутубхонада жуда кўп турли - туман диний ёзувлар, адабий асарлар, илмий матнлар бўлган. Булар орасида астрономия кузатувлари, тиббиётга оид матнлар, грамматика ва лексикага оид маълумотномалар, шунингдек ерлар ва қуллаарнинг сони, олиқ-солиқлар, ҳарбий хизматга жалб қилиш ҳақидаги маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Оссуриялик мутахассислар - мирзалар (котиблар) шоҳнинг кўрсатмасига биноан турли - туман адабий асарларни, қадимги ёзувларни диққат билан тартибга солишган, қадимги шарқ халқлари маданий дурдоналар хазиналарини кутубхонага тўплашган. Мирзалар ўзига тўқ кишилар бўлган. Мирзалик касбини эгаллаш осонликча бўлмаган. Бу

касбни эгаллаш учун кўп вақт ва машаққатли меҳнат талаб қилинган. Чунки миҳхатларни ёзиш, уларда ўзига хос маъно ва мазмунларни ифода этиш осонликча келмаган. Шунинг учун ҳам мирзалар жамиятни юқори табақаларидан жой олган. Мирзаларнинг ери, мол - мулки бўлган. Шохдан мукофотлар - турли ҳадя ва тортиқлар олишган.

Баъзи бир адабий асарлар, жумладан, кўшиқлар тўпламини, Оссурия ҳукмдорлари томонидан ёзиб қолдирилган солномаларни кўрсатиш мумкин. У асосан Оссурия шохларининг ҳарбий юришларида ўз ифодасини топган.

Оссурияликларнинг меъморчилик соҳасида эришган ютуқларини подшо Ашшурбанапалнинг Калаҳда ва подшо Саргон II нинг ҳукмдорлик даврида Дурр - Шаррукинда (ҳозирги Хорсобод) барпо этилган қаср вайроналарида кўриш мумкин. Саргон II барпо этган сарой 210 зал ва 30 ҳовлидан иборат бўлган. Ҳашаматли саройнинг кираверишида подшо саройини кўриқлаб турган баҳайбат ваҳшийларнинг одам калласи тасвирланган қанотли буқа ёки шерларни акс эттирган жуда катта баҳайбат ҳайкаллар ўрнатилган.

Оссурияда қурилган қасрлар, саройлар Оссурия меъморчилигининг мақобатли ҳайкалтарошлик, бадиий рельефлар ҳамда нафис нақшлар билан уйғунлашиб кетганлигидан дарак беради. Бундай йирик ва мазмунли меъморчилик иншоотларини барпо этиш Оссурия моддий маданиятига хосдир. Сарой залининг деворлари сарой ҳаётини, урушлар ва овларни акс эттирган турли - туман нақшлар билан безатилган. Буларнинг ҳаммаси улкан ҳарбий давлатни бошқарган подшоларни улуғлашга хизмат қилган ва Оссурия давлати қудратини намоёйиш қилишга қаратилган эди. Қаср ва сарой деворларига солинган ажойиб нақшлар, ёввойи ҳайвонлар овини акс эттирган сахналар Оссурия санъатининг раванқ топганлигини кўрсатади. Оссурия ҳайкалтарошларининг ёввойи ҳайвонларни ҳаққоний қилиб жонли тарзда тасвирлашлари кишиларни ҳайратда қолдиради.

Оссурияликлар кўшни давлатларни забт этиш ва бу давлатлар ўртасида ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш билан бирга, шумер - бобил ёзуви, дини, адабиёти ҳақидаги билимларни қадимги Шарқ дунёсида тарқатди. Шундай қилиб, улар қадимий шумер, бобил маданий меросини қадимги Шарқ халқларига инъом этди.

Таянч иборалар

Ақида, эпик поэма, мирза (котиб), солнома, асимметрик, монумент, рельеф

Саволлар

- 1. Оссурия маданиятининг ривожланиш жараёнларини айтинг.**
- 2. Оссуриядаги мафкуравий ҳаётнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?**